

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЙ МЕРОС АГЕНТЛИГИ

Я. ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ  
ТАРИХИ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ  
МАДАНИЯТИ (ҚАДИМГИ ДАВРДАН  
ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)**

(Республика илмий-амалий конференция  
материаллари)

САМАРҚАНД - 2023

УДК: 769.2 (072)

Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, моддий ва маънавий маданияти (қадимги даврдан ҳозирги кунгача) мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд. 2023. – 362 б.

---

Илмий тўплам материаллари тарихчи, археолог талабалар, археология мутахассислиги магистрлари, мустақил тадқиқотчилар ҳамда Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи кенг доирадаги ўқувчиларга мўлжалланган.

*Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти Илмий Кенгашининг  
2023 йил 5 январдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама қилинган  
ва нашрга тавсия этилган.*

**Масъул муҳаррир:**

*М. М. Саидов*

**Таҳрир хайъати:**

*М.Ҳ. Пардаев*

*К.А. Раҳимов*

*А.Н. Холматов*

*А.Н. Сандибоев*

*А.Ю. Ражабов*

*Ш.М. Пардаев*

**Такризчилар:**

*т.ф.д. А.А. Раимқулов*

*т.ф.н. Ф.Э. Тошбоев*

ISBN 978-9943-9133-1-8

© Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти



**ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМ  
ПАРДАЕВ МУХТОРҚУЛ ҲАСАНОВИЧНИНГ**

65 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий  
конференция материаллари

## **ТАНИҚЛИ ОЛИМ ПАРДАЕВ МУХТОРҚУЛ ҲАСАНОВИЧ 65 ЁШДА**

Уструшонанинг қадим ва ўрта асрлар археологияси билим дони, тарих фанлари номзоди, етакчи илмий ходим Пардаев Мухторқул Ҳасанович 1957 йил 26 ноябрда Жиззах шаҳри Қалия мўлканлик маҳалласида таваллуд топган. У 1980 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетини археология мутахассислиги бўйича аъло баҳоларга битириб, 1981 йилда ЎЗР ФА Археология институтига катта лаборант лавозимида ишга қабул қилинди. М.Ҳ. Пардаев ўз иш фаолияти давомида кичик илмий ходим (1983 й.), илмий ходим (1992 й.), катта илмий ходим (1996 й.), институт илмий котиби (1997-2002 йй.), дала тадқиқотлари бўлими бошлиғи (2010-2015 йй.) етакчи илмий ходим (2012 йилдан), директор муовини (2010-2017 йй.) сифатида фаолият кўрсатиб келган.

Мухторқул Ҳасанович 1983 йилдан буён Жиззах отряди бошлиғи сифатида фаолият юритиб, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари археология ёдгорликлари мажмуини тузиш ва уларнинг археологик харитасини яратиш борасида кенг қамровли амалий тадқиқотлар олиб борди. Бевосита унинг раҳбарлигида Уструшонанинг йирик марказий шаҳарлари бўлган Қалиятепа, Ўрда (Жиззах), Қўрғонтепа (Ғаллаорол), Култепа (Сават), Тошбулоқтепа (Бахмал) ёдгорликларида қазув тадқиқот ишлари амалга оширилди. Натижада, Уструшона, айниқса, унинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Жиззах воҳасида урбанизация жараёнларининг шаклланиши, ривожланиши жиҳатларини ёритиб берди. Тадқиқотчи томонидан ўрта асрлар ёзма манбаларида қайд этилган рустоқлар археологик ёдгорликлар билан локализация қилинди ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, савдо-сотик муносабатлари ва ҳунармандчилиги тарихига доир бўлган бир қатор илмий асарлар яратилди. Жумладан, олимнинг кўп йиллик тадқиқот ишлари натижасида “Уструшонанинг илк ўрта асрлар қишлоқ маконлари (Тошкент 2016)”, “Уструшона қадим ва илк ўрта асрларда (ёзма ва археологик манбалар асосида) (Тошкент, 2017) ва Марказий Осиё - Буюк Ипак йўли тизимида (Тошкент, 2021) каби монографиялари нашр этилган. Шунингдек, М. Пардаев Ўзбекистон-Америка (2013-2016 йй.), Ўзбекистон Италия (Неапол Университети, 2013 йилдан ҳозирга қадар) халқаро экспедицияларининг ҳамдиректори сифатида, Жиззах вилоятидаги Тошбулоқтепа, Самарқанд вилоятидаги Қўйтепа ёдгорликларида тадқиқотлари ташкил этилишига ҳисса қўшди ҳамда юртимизнинг қадим ва ўрта асрлар тарихига оид қимматли маълумотлар қўлга киритилишига замин яратди.

М.Х. Пардаев илмий фаолият билан бир қаторда институтнинг нашр ишларида ҳам фаол иштирок этиб, “Ўзбекистон Археологияси” журналининг масъул котиби, “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар”, “Ўзбекистон моддий маданияти тарихи” тўпламларининг муҳаррири сифатида самарали хизмат қилмоқда.

Мухторқул Ҳасанович ўз ҳаётини илм-фанни ривожлантириш, ёш авлодга сидқидилдан ва фидокорона билим беришга, шогирдлар тарбиялашга этибор бериб келмоқда. Олим ҳозирги вақтда Самарқанд археология институтида етакчи илмий ходим ловозимида ҳамда Жиззах Давлат педагогика университети Тарих факультети доценти вазифаларида ишлаб, ўзбек ва рус гуруҳи талабаларига “Археология”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи”, “Ўзбекистон тарихи” фанларидан маърузалар ўқимокда, кўплаб магистрантлар ва докторантларга илмий раҳбарлик қилиб келмоқда. Жумладан, М.Х. Пардаев раҳбарлиги остида Ф. Тошбоев ва Ж. Ғофуровлар фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Мухторқул Ҳасанович Пардаевни 65 ёшлик таваллуд кунлари билан қизгин табриклар, у кишига сихат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз ва Ўзбекистон археологияси фани раванқига узоқ йиллар мобайнида янада самарали ҳисса қўшишларини чин дилдан истаб қоламиз.

**М. М. Саидов, А. Н. Сандибоев**  
**Самарқанд археология институти**

## **ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМ ПАРДАЕВ МУХТОРҚУЛ ҲАСАНОВИЧНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛГАН АСОСИЙ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ИШЛАРИ РЎЙХАТИ**

### **1988**

1. К вопросу об эволюции замков-рабатов в Северо-Западной Уструшане // ДТ научной конференции, посвященной 80-летию академика Я. Гулямова. Ташкент. С. 72-73.
2. Работы Чач - Уструшанской экспедиции // Археологические открытия 1986 года. Москва. С. 493-496. (соавторы Буряков Ю. Ф., Грицина А. А., Тихонин М. Р.).
3. Замок Кингиртепа // ИМКУ. Вып. 22. Ташкент. С. 66-75. (соавтор Бердимуродов А. Э.).

### **1990**

4. Раскопки верхнего здания Алмантепа // ИМКУ. Вып. 23. Ташкент. С. 147-149. (соавтор Бердимуродов А. Э.).
5. К археологическому изучению Джизакского оазиса // Археология Средней Азии. Т Д, Ташкент. С. 78-79.

### **1991**

6. К археологическому изучению замков-рабатов Джизакского оазиса // Города и каравансарай на трассах Великого шелкового пути. ТД Международного семинара ЮНЕСКО. Ургенч. С. 64-66.
7. Дизак – торговый пункт на Великом шелковом пути // Взаимодействие кочевых и оседлых культур на Великом шелковом пути. ТД Международного семинара ЮНЕСКО. Алма-ата. С. 89-90.

### **1992**

8. Сангзор хавзасининг илк ўрта аср қалъа-работлари // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Маърузалар баёни. Самарқанд. 62-63 б.
9. Жиззах ўтмиши ўрганишда // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Маърузалар баёни. Самарқанд. 55-56 б.
10. Археологические работы на Расулбайкултепа // ИМКУ. Вып. 26. Ташкент. С. 108-112.

### **1993**

11. Шимолий-ғарбий Уструшонанинг суғорилиши тарихидан // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Маърузалар баёни. Самарқанд. 49-53 б.
12. Тош ядролар хусусида // Бактрия ва Тохаристон қадимда ва ўрта асрларда. Маърузалар баёни. Самарқанд. (хаммуаллиф Суюнов С.)

**1994**

13. Буюк Ипак йўли ёқасидаги “Дизак” шаҳри ўрни тўғрисида // Буюк Ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. Маърузалар баёни. Самарқанд. 49-50 б.

14. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий-маданий алоқалари // Фарғона қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 66-71 б.

**1995**

15. Қўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 1, 2, 3. Тошкент. 42-46 б.

**1997**

16. Шимолий- Ғарбий Уструшона кишлоқ қурилиши меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айрим хусусиятлари // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи (ЎММТ). 28-нашри, Самарқанд. 142-148 б.

**1998**

17. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 29-нашри, Самарқанд.

**1999**

18. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 30-нашри, Самарқанд. 145-151 б.

19. Шимолий-ғарбий Уструшонада суғорма деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари // ЎММТ. 30-нашри, Самарқанд. 226-236 б. (ҳаммуаллифлар Суюнов С., Пардаев А).

**2000**

20. Қалиятёпа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ. 31-нашри, Самарқанд. 119-130 б.

**2001**

21. Комилбоботёпа қалъаси // ЎММТ. 32-нашри, Самарқанд. 133-142 б.

**2002**

22. Новое об оборонительных стенах городища Дальверзин (чукская культура). Ўзбекистон моддий маданият ва ёзма манбаларда. Самарқанд. 59-68 б. (соавторы Матбабаев Б.Х., Абдуллаев Б.М.).

**2006**

23. Қадимги Жиззах воҳасининг айрим сунъий суғориш тармоқларини археологик ёдгорликлар асосида ўрганиш // ЎММТ. 35-нашри, Самарқанд. 230-233 б. (ҳаммуаллиф Суюнов С.).

**2007**

24. Суғд цивилизацияси тизимида кўчманчи чорвадор халқларнинг ўрни // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент-Самарқанд. (ҳаммуаллиф Тошбоев Ф).

25. Фарғона водийсининг қадим ва илк ўрта асрлар тарихида кўчманчи-чорвадор ўрни // Марғилоннинг 2000 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Марғилон-Тошкент. (ҳаммуаллиф Тошбоев Ф.).

26. Қадим ва ўрта асрларда Уструшонада кечган урбанизация босқичлари ҳақида // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро конференция материаллари (1-қисм). Тошкент. 81-84 б.

27. Оседло-земледельческая и кочевно-скотоводческая культура Джизакского оазиса в середине I тысячелетия нашей эры // Бюллетень СамГУ №2, Самарканд. С. 56-58. (соавтор Тошбоев Ф.).

28. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. авв. VII-VI асрлардан милодий IX-XII асрларга қадар) // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимий ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Минтақавий илмий-амалий конференция материаллари. Гулистон. 5-7 б.

29. Ўрта аср ёзма манбаларида Зомин таърифи // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимий ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Минтақавий илмий-амалий конференция материаллари. Гулистон. 32-34 б. (ҳаммуаллифлар Ғофуров Ж., Усмонова Г.).

### 2008

30. Изучения гультинского могильника. Культура номадов Центральной Азии. Материалы международной конференции. Самарканд. С. 184-189. (соавторы Тошбоев Ф. Грицина А.).

### 2009

31. Фулбо мазоркўрғонлари мажмуасини ўрганилиши тарихи // Археологические исследования в Узбекистане в 2006-2007 гг. Ташкент. С. 187-195. (соавторы Тошбоев Ф. Грицина А.).

32. Жиззахдаги “тошкентликлар” ҳақида дастлабки мулоҳазалар. Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция материаллари. Ташкент. 326-330 б. (ҳаммуаллиф Пардаев А. Х).

### 2010

33. Жиззах ирригация зонаси ва уни археологик манбаларда акс этиши // Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент.

34. Ўзбекистонда Археология фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан // Ўзбекистон Археологияси. № 1. Самарқанд. 4-15 б. (ҳаммуаллифлар Ширинов Т., Бердимуродов А).

35. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2008-2009 йилларда олиб борилган археология тадқиқотлари натижаларига бағишланган ҳисобот сессияси” йиғилиши ҳақида // Ўзбекистон Археологияси. № 1. Самарқанд. 191-194 б.

36. О жизни и научной деятельности Казима Абдуллаева. Казим Абдуллаев Библиография. Самарканд. 2010. С. 10-12.

### 2011

37. Тарихий хотира ва миллий ғурур ҳақида айрим мулоҳазалар // Республика миқёсидаги конференция материаллари тўплами. Жиззах. 71-75 б.

### 2012

38. Мустақиллик йилларида ўзбек археологиясининг тараққиёти // ЎММТ. 37-нашри, Самарқанд. 7-12 б. (ҳаммуаллиф Бердимуродов А. Э).

39. Жиззах ривожланган ўрта асрларда // ЎММТ. 38-нашри, Самарқанд. 168-175 б. (ҳаммуаллиф Убайдуллаев И).

40. Юбиляр хотирасига: Ибрагимов Очил Ибрагимович // Ўзбекистон Археологияси. № 1 (4). Самарқанд. 116-118 б.

41. Собиров Х. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари (мил.авв. IV - милодий IX асрлар). Тошкент, “Фан”, 2009, 195 бет (тақриз) // Ўзбекистон Археологияси. № 2 (5). Самарқанд. 93-94 б.

42. Фарбий Уструшонада зардуштий қавмлар излари // Ўзбекистон Археологияси №1 (2). Самарқанд. 85-88 б.

43. Қизлартепа ёдгорлигида 2011 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2010-2011 йиллар. 8-сон, Самарқанд. 218-228 б.

44. Фарбий Уструшонанинг ер ости сув чиқариш иншооти ҳақида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2010-2011 йиллар. 8-сон, Самарқанд. 214-217 б. (ҳаммуаллифлар Убайдуллаев И., Қорабоев С.).

45. Масъул муҳаррирдан. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида ЎЗР ФА Археология институтида 2012 йил 6-7 апрелда ўтказилган ёш олимлар республика конференцияси материаллари. Самарқанд. 5-6 б.

### 2013

46. Қ. Ҳакимов. Жиззах вилояти географик номлари. Жиззах, “Сангзор”, 2013, 202 б. (тақриз) // Ўзбекистон Археологияси. № 2 (7). Самарқанд. 111-113 б. (ҳаммуаллифлар Пардаев А. Ҳ. Ғофуров Ж. И.).

47. Итоги и задачи исследования каменного века Центральной Азии и сопредельных территорий (Международная конференция: Ташкент, 24-25 сентября 2012 г.) // Археология Узбекистана № 2 (7) Самарқанд. С. 114-116 (соавтор Ильясова С.).

48. Ўзбекистон Республикаси худудида 2012 йилда олиб борилган археологик тадқиқотларга бағишланган ҳисобот сессияси ҳақида (Самарқанд, 28-25 март 2013 йил) // Ўзбекистон Археологияси № 2 (7) Самарқанд. 117-119 б.

49. Археологические исследования на памятнике Ташбулак в 2012 г. // Археологические исследования в Узбекистане: 2012 год Вып. 9. Самарқанд. С. 151-158. (соавторы М. Фрачетти, Ф. Мақсудов и др.).

50. Ёқубботтепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар тўғрисида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2012 йил. 9-сон, Самарқанд. 159-164 б. (ҳаммуаллифлар Ғофуров Ж., Пардаев Ш., Убайдуллаев И).

51. Қалиятепанинг 2-рабодида ўтказилган стратиграфик тадқиқотлар хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2012 йил. 9-сон, Самарқанд. 165-170 б. (ҳаммуаллифлар Пардаев Ш., Ғофуров Ж., Раҳмонов Ҳ.).

52. Уструшонанинг Зомин воҳасидаги 2012 йилги археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2012 йил. 9-сон, Самарқанд. 171-176 б. (ҳаммуаллиф Тошбоев Ф.).

53. Масъул муҳаррирдан. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида ЎЗР ФА Археология институтида 2012 йил 6-7 апрелда ўтказилган ёш олимлар республика конференцияси материаллари. Самарқанд.

## 2014

54. F. Toshboev. Ustrushona chorvadorlarining antik davrdagi madaniyati. Toshkent “Tafakkur qanoti”, 2014, 167 b. Adad; 1000 Nusxa, (Taqriz) // Ўзбекистон Археологияси. №2 (9). Самарқанд. 124-126 б. (хаммуаллифлар Пардаев Ш., Муҳаммадиев Х.).

55. Z.Xolboev, A.Alimov. O'zbekistonning arxeologiya yodgorliklari. Toshkent, “Tafakkur qanoti”, 2014,175 b. (taqriz) // Ўзбекистон Археологияси. №2 (9). Самарқанд. 127-129 б. (хаммуаллифлар Раҳмонов Х., Курбонов Ш.).

56. Хотира. Абдужаббор Кабиров (1938-2014) // Ўзбекистон Археологияси. №2 (9). Самарқанд. 130-132 б. (хаммуаллифлар Аскарлов А.А., Ширинов Т. Ш., Бердимуродов А.Э.).

57. Қалиятапа аркида ўтказилган археологик қазув ишлари хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 9-сон, Самарқанд. (хаммуаллифлар Ғофуров Ж., Пардаев Ш., Раҳмонов Х.).

## 2015

58.Шимолий-ғарбий Уструшонанинг археология харитасига доир сўнги маълумотлар // Ўзбекистон Археологияси. №1(10). Самарқанд. 47-64 б. (хаммуаллифлар Раҳмонов Х., Пардаев Ш.).

59. Тухташ Джураевич Аннаев преданный ученый археологии Сурхана // Археология Узбекистана. № 1 (10). Самарқанд. С. 125-126. (соавторы Ширинов Т.Ш, Бердимуродов А.Э.).

60. Фанга бахшида умр (А.Э.Бердимуродов 60 ёшда) // Ўзбекистон Археологияси. № 1 (10). Самарқанд. 127-129 б. (хаммуаллиф Раимқулов А.).

61. М. Х. Исомиддинов, А. А. Яркулов. Нахшаб хунармандчилиги тарихи (V-IX асрлардаги кулолчилик, темирчилик, шишасозлик материаллари асосида) Тошкент, “Yangi avlod” nashri 2014, 216 б., адади 500 нусха (тақриз) // Ўзбекистон Археологияси. № 2 (11). Самарқанд. 111-114 б.

62. B.S. Goyibov. Sugd konfederatsiyasi: shakllanishi, taraqqiyoti va tanazzuli. (Toshkent: Abu Matbuot - konsalt, 2015, 275 b.) taqriz. Sam DU ilmiy axborotnomasi 6-son, Samarqand. 161-164 б.

63. IX-XII асрларда Жиззах “ғозийлар” шаҳри. Тарих ва қадриятлар. Конференция материаллари. Тошкент. 33-37 б.

64.Жиззах воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти (Жиззах ва Зомин мисолида). Миллий ўзликни англаш ва мозийга назар. Тошкент. 40-48 б. (хаммуаллифлар Ғофуров Ж., Пардаев Ш.).

65. А. Отахўжаев. Илк ўрта асрлар Марказий цивилизациясида турк-суғд муносабатлари (Тошкент, “ART FLEX”, 2010, 219 б.), тақриз. 142-143 б.

66. Жиззах (Дизак) кичик шаҳар бўлганми? Тарих фалсафаси. Жиззах. 90-96 б.

67. Железные ворота Джизака. “Джизакская правда”, 17 октября 2015 г. (хаммуаллиф Пардаев А.).

68. Илонўтти дараси – Суғд ва Уструшона дарвозаси. “Жиззах ҳақиқати”, 17 октябр 2015 йил. (хаммуаллиф Пардаев А.).

69. Уструшонанинг ватанпарварлар Александр Македонскийга қарши қандай курашганлар. “Жиззах ҳақиқати”, 15 ноябр 2015 йил. (хаммуаллиф Пардаев А.).

70.Қалиятапа аркида ўтказилган археологик қазув ишлари хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 10-сон, Самарқанд. (хаммуаллифлар Пардаев Ш., Ғофуров Ж.).

2016

71. Уструшона – Буюк Ипак йўли тизимида. “Samarqand – Xi’an orasidagi Buyuk Ipak yo’li” – O’zbekiston – Xitoy arxeologiya va tarix tadqiqot majlisi. Xi’an, 2016. 06. 23-24. Samarqand. 28-30 б.

72. Ўрта асрларда Жиззахнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни // Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни. Республика илмий, амалий анжумани материаллари. Гулистон, 15-16 апрел. 102-105 б.

73. Масъул муҳаррирдан. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида ЎЗР ФА Археология институтида 2012 йил 6-7 апрелда ўтказилган ёш олимлар республика конференцияси материаллари. Самарқанд.

74. Зомин тарихи (қадим ва ўрта асрларда). “Жиззах ҳақиқати”, 27 апрел.

75. Зомин тарихи (қадим ва ўрта асрларда) (давоми). “Жиззах ҳақиқати”, 30 апрел.

76. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Монография. 262 бет. (ҳаммуаллиф Ғофуров Ж.).

77. Тарихчи, этнограф, ўлкашунос, ҳам археолог ҳақида. Саодатли умр. Тошкент. 2017

78. Уструшонада илк ўрта асрларда сиёсий ҳаёт ва маъмурий бошқарув тизими // История и археология Турана № 3. Самарқанд. 186-204 б. (ҳаммуаллифлар Ғофуров Ж., Пардаев Ш.).

79. Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (археологик манбалар асосида). Монография. 316 бет. (ҳаммуаллиф Тўйчибоев Б.).

2018

80. Бактрия-Тоҳаристон археологиясининг толмас тадқиқотчиси. (Ш.Р. Пидаев таваллудининг 70 йиллигига) // Ўзбекистон Археологияси № 1 (16). Самарқанд. 97-100 б.

81. Қадимги Жиззах – Қалиятепанинг тарихий топографиясига доир // Tafakkur ziyosi” 1-сон. Жиззах. 37-39 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

82. Сангзор ва Зоминсув ирригация зонаси ва унинг археологик манбаларда акс этиши // Tafakkur ziyosi” 2-сон. Жиззах. 26-28 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

83. 2016 йил Фориш туманида ўтказилган археологик изланишлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2015-2017 йиллар. 11-сон. Самарқанд. 193-198 б. (ҳаммуаллифлар Тошбоев Ф. Э., Мамиров О. У., Холматов А. Н.).

84. Қадимий Зомин (тарих, нумизматика, этнография). Китоб. “Muharrir nashriyoti”, Тошкент. 224 бет. (ҳаммуаллиф Грицина А. ва бошқалар.).

85. Қалиятепанинг 1-рабодидида 2015-2016 йилларда олиб борилган қазув тадқиқотлари хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2015-2017 йиллар. 11-сон. Самарқанд. 183-192 б. (ҳаммуаллифлар Пардаев Ш., Раҳмонов Ҳ., Ҳасанбоев Т.).

86. Бахмал туманида 2017 йилда ўтказилган археологик қидирув ишлари хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2015-2017 йиллар. 11-сон. Самарқанд. 199-202 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

87. Археологические исследования Узбекско-Американской экспедиции на памятнике Ташбулак в Джизакской области в 2015 г. // Археологические исследования в

Ўзбекистанда 2015-2017 йиллар. Вып. 11. Самарқанд. С. 78-85 (соавторы М. Фрачетти, Ф. Максудов и др.).

88. 2016 йил Сузмойилота қоятош расмлар тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2015-2017 йиллар. 11-сон. Самарқанд. 254-257 б. (ҳаммуаллифлар Тошбоев Ф.Э., Холматов А.Н.).

## 2019

89. Жиззах (Дизак)ни мўғуллар томонидан истило қилинишига доир янги мулоҳазалар // Tafakkur ziyosi. 1-сон. Тошкент. 76-78 б. (ҳаммуаллиф Мўминова Г.).

90. Уструшонанинг қадимги кулоллик идишлари тарихидан // Tafakkur ziyosi. 2-сон. Тошкент. 62-64 б. (ҳаммуаллиф Мўминова Г.).

91. Жиззах воҳасининг работ ва карвонсаройлари тарихидан // Tafakkur ziyosi. 4-сон. Тошкент. 67-70 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

92. DESIGN AND DEVELOPMENT OF CULTURAL CIVILIZATION IN DJIZAKH (DJIZAKH AND ZAMIN). International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Philadelphia, USA. pages 36-40.

93. THE ROLE OF ARTIFICIAL IRRIGATION SYSTEMS IN THE FORMATION OF USTRUSHONA RURAL AREAS. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Philadelphia, USA. pages 264-268.

94. Қалиятепа очик осмон остидаги музей бўлади(ми)? Журналист Б. Тоғаев билан суҳбат. “Жиззах ҳақиқати”, 2019 йил, 11 май сони.

95. “Темур дарвозаси”ми ёхуд “Темир дарвоза”. “Ишонч” газетаси (июн, 2019 йил). Тошкент. 31 б.

96. Тошбулоқтепа сирлари. “Жиззах ҳақиқати”, 2019 йил, 26 июл сони.

97. Городская культура северо-западной Уструшаны в эпоху античности и раннего средневековья // Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида.

Республика илмий-амалий конференция материаллари (Жиззах, 26 апрел 2019 йил). Тошкент. 18-24 б.

98. Уструшонанинг Турк ҳоқонлиги билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларига доир // Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида. Республика илмий-амалий конференция материаллари (Жиззах, 26 апрел 2019 йил). Тошкент. 57-60 б. (ҳаммуаллиф Ғофуров Ж.).

99. Уструшонанинг ўрта аср работ ва карвонсаройлари хусусида // Марказий Осиё маданияти тарихи ва тарихшунослиги масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (12 июн 2019 йил). Тошкент. 149-153 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

## 2020

100. Қалиятепанинг эҳтимолий “даҳма”сида олиб борилган қазув ишларига доир // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2018-2019 йиллар. 12-сон. Самарқанд. 260-267 б. (ҳаммуаллифлар Пардаев Ш., Раҳмонов Ҳ., Болиев Б.).

101. Қўйтепада 2019 йилда ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида қисқача мулоҳаза // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2018-2019 йиллар 12-сон, Самарқанд, 2020. 361-369 б. (ҳаммуаллифлар Ж. Бруно, Пардаев Ш.).

102. New Reflections on the Occupation of Jizzakh by the Mongols. Indonesian Journal of Innovation Studies.

103. Жиззах воҳаси археологияси: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача). Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах. 9-17 б.

104. Уструшонанинг Турк хоқонлиги ва илк ислом давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётидан // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача). Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах. 44-53 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

105. Қадимги Жиззах шаҳрининг тарихий топографияси хусусида // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 25-33 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

106. Ривожланган ўрта асрларда Жиззах воҳаси Буюк Ипак йўли тизимида карвонсаройлари тарихидан // Tafakkur ziyosi. 1-сон. Тошкент. 114-116 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

107. Қоятош расмлари – ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги (Зараутсой суратлари мисолида) // Ўзбекистонда илм-фан ва таълим. Конференция тўплами. Қўқон, 24 апрел 2020. 183-186 б. (ҳаммуаллиф Тиловбоев М.).

108. Антик давр Уструшона кулоллик хунармандчилиги хусусида // Ўзбекистонда илм-фан ва таълим. Конференция тўплами. Қўқон, 24 апрел 2020. 164-167 б. (ҳаммуаллиф Тиловбоев М.).

109. Жиззах воҳасининг ибтидоий жамоа даври тарихига оид дастлабки мулоҳазалар // “Инновацион ривожланишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб масалалари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами Жиззах шаҳри, 20 ноябр, 2020 йил. 53-56 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

110. Уструшонага арабларнинг илк юришлари ва афшинларнинг этник тобелигига доир айрим мулоҳазалар // Ўрта Осиё кафедраси археологияси: Авлодлар изланиши ва кашфиётлари. Тошкент. 124-131 б. (ҳаммуаллиф Пардаев Ш.).

111. Самарқанднинг мўғуллар томонидан забт этилиши давомида Жиззах воҳасининг истилосига доир // Живопись Афрасиаба: Проблемы изучения, интерпретации и сохранения. Материалы международной научной конференции посвященной 50-летию музея Афросиаба и Института археологии им. Я. Гулямова. Самарканд. 244-249. (ҳаммуаллиф Мўминова Г.).

112. Уструшонанинг ғарбий чегаралари ўрни ва ундаги рустак, шаҳар ва кентларнинг локализациясига доир // ЎЗБЕКИСТОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази Самарқанд археология институтининг 50 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқаро илмий конференция материаллари. Самарқанд. 91-93 б.

113. USRUSHONANING QADIMGÍ DAVR DAVLATCHILIK TARIXI. O’quv qo’llanma. Toshkent. 145 bet. (ҳаммуаллиф Тошбоев Ф.).

## 2021

114. NEW CONSIDERATIONS ON THE ANCIENT URBAN CULTURE OF THE JIZZAKH OASIS. EPRA INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH. Volume-7, Issue-3, March 2021. (co-author G. Muminova).

115. Қирқ йил аввал очилган иншоот ва унда давом эттирилаётган тадқиқотлар хусусида // “Қадимий Жиззах воҳаси – тарих, маданий тараққиёт ва замонавий ўзгаришлар

чорраҳасида. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах. (ҳаммуаллифлар Пардаев Ш., Ҳасанбоев Т.).

116. Жиззах воҳасининг IV-VI асрларга оид ошхона идишлари // Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маҳаллий археологик материалларнинг роли. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Гулистон. 128-132 б. (ҳаммуаллиф Мўминова Г.).

117. Қалиятепанинг антик даврга оид кулоллик идишлари ҳақида дастлабки мулоҳазалар // Қадимий Жиззах воҳаси – тарих, маданий тараққиёт ва замонавий ўзгаришлар чорраҳасида. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах. (ҳаммуаллиф Мўминова Г.).

118. Қалиятепа тадқиқотлари ва Халилия кенти “локализацияси”га доир асосли мулоҳазалар // Т. Шириновнинг 70-йиллигига бағишланган ЎММТ. 41-нашр. Самарқанд. 139-148 б. (ҳаммуаллифлар Пардаев Ш., Ҳасанбоев Т.).

119. Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшоний ва унинг илмий мероси ҳақида // Tafakkur ziyosi. 1-son. Жиззах.

120. Марказий Осиё - Буюк Ипак йўли тизимида. Ўқув қўлланма. Жиззах. 123 бет. (ҳаммуаллиф Ғофуров Ж.).

121. Халилия кентининг ўрни ҳақида. “Жиззах ҳақиқати”. 2021 йил 15 сентябр сони.

122. SOCIO-ECONOMIC LIFE AND TAX SYSTEM IN THE JIZZAKH OASIS IN THE X ASIS IN THE XV-EARLY XVI CENTURIES. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal. Volume-2021, Issue-06, Jizzakh, 2021. (co-author Khasanboev T.).

## 2022

123. USTRUSHANA KITCHEN UTENSILS OF THE VII-VII CENTURIES. World Economics & Finance Bulletin (WEFB) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net> Vol. 9, April 2022. Pages 147-150. (co-author G. Muminova).

124. Қалиятепа - қадимги Жиззах воҳасининг йирик шаҳар маркази // “ЕВРООСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ МЕРОСИ: ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, МУАММО ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ” халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Жиззах. 104-111 б.

# **І ШЎЪБА.**

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ ЯНГИ АРХЕОЛОГИК ҲАМДА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА**

**Б. Қ. Сайфуллаев**

Миллий археология маркази

**О. Эргашев, Л. Унгалов**

Самарқанд давлат университети

**А. Ражабов, А. Имомов**

Самарқанд археология институти


### **НУРОТА ТОҒ ТИЗМАСИНИНГ ШИМОЛИЙ ҚИСМИДАН ТОПИЛГАН ТОШ ДАВРИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР**

Самарқанд вилояти Зарафшон ҳавзасининг ўрта оқидамида жойлашган бўлиб, бу музофотда инсоният маданият изларининг палеолит давридан бошлаб, узлуксиз давом этиб келган. Бу ҳудудда ташкил топган маданият маҳаллий негизда шаклланганлиги тадқиқотлар туфайли ўз исботини топди. Зарафшон ҳавзаси, айниқса, унинг бевосита Самарқанд шаҳри билан боғлиқ ўрта оқими минтақаси ўзининг географик жойлашиши, табиий иқлими ва экологик шароитининг қадимдан мўътадиллиги билан қадимги жамоалари эътиборини азалдан жалб қилиб келган.

Музофот табиий бойликларга сероб бўлган. Бу омиллар ўлкада қадимги тош давридан бошлаб жамоаларнинг яшашлари, ибтидоий маданиятнинг шаклланиши учун имконият яратди. Бу маданият илдизлари Зарафшон тоғ тизмаларидаги Омонқўтон, Гўрдара, Такалिसой ғор маконларида, Зиёвуддин ясси тоғлари этакларидаги Зирабулоқ, Қўтирбулоқ каби ўрта палеолит даврига оид (100-40 минг йиллар) маконларда топилган. Ўрта палеолитдан сўнгги палеолитга ўтиш даврида дастлабки замонавий ақлли одамлар шаклланди. Воҳада сўнгги палеолит даврига оид манзилгоҳлар Самарқанд шаҳри ҳудудидаги Самарқанд маконидан, Сиёб жарлиги атрофидаги Сиёбча, Булунғур туманидаги Хўжамазгил, Сазоғон қишлоғи атрофидаги Олмабулоқ каби маконлардан топилган. Самарқанд макони эса меҳнат тош ва суяк қуроллари ясашиши технологиясининг юксаклиги бўйича Марказий Осиёдаги эталон ёдгорлик ҳисобланади (Жўракулов, Аванесова, Амиркулов, 1994).

2022 йилда ҳам мутахассислар томонидан Самарқанд вилояти Нурота тоғ тизмасининг шимолий қисми ҳудудида тош даврига оид ёдгорликларнинг археологик қидирув ишлари олиб борилди. Қидирув ишларига Самарқанд археология институти илмий ходими А. Ражабов, докторант А. Имомов, Самарқанд давлат университети Археология кафедраси ўқитувчилари Л. Унгалов, М. Бердикуловлар жалб этилди.

Нурота тоғ тизмасининг шимолий қисми археологлар томонидан кенг кўламда ўрганилиб келинмоқда. Бу изланишлар давомида минтақа ўрта асрларда одамлар томонидан интенсив ўзлаштирилганлиги аниқланди. Яқин кунларгача Нурота тоғ тизмасининг шимолий қисмида тош даврига оид топилмалар кўлга киритилган эмас эди. 2018 йилда илк бор Минишкор қишлоғи атрофида жойлашган Мойкамар ва Рустамкамар ғорларидан иккита сўнгги палеолит даврига оид тош буюмлар топилганлиги минтақада тош даврини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилиши лозимлиги ҳақида хулоса чиқаришга олиб келди (Қурбонбоев, 2018).



1-расм. Кучли кремнийлашган оҳактошдан ясалган учиринди

2022 йил июл-август ойлари давомида минтақада дала қидирув ишлари олиб борилди. Экспедиция ўз олдига Қўшрабод тумани ҳудудидаги тош даври ёдгорликларини аниқлаш ва илмий таҳлил қилиш вазифасини қўйди. Тадқиқотимиз методикасига кўра, ўрганилаётган ҳудудда чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган ялпи қидирув ишларини олиб бориш ва қидирувлар давомида шурф қазишдан иборат бўлди.


Археологик тадқиқотлар институти ходимлари томонидан Минишкар, Пангат, Обой қишлоқлари ҳудудини археологик жиҳатдан ўрганиш ва минтақанинг тош даврига оид топилмалар кўлга киритилган жойларнинг харитасини яратиш борасида изланишлар олиб борилди.

Изланишлар давомида минтақанинг умумий ландшафтини ўрганиш ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан кўрсатилган жойларни текшириш мақсадида юқорида номлари келтирилган қишлоқларнинг турли ҳудудларида кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилди. Маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда ишлаш пировардида кўплаб топилмаларни қайд этишга катта ёрдам берди.

Нурота тоғлари Помир Олой тизмасининг охирини ташкил этади. Бу ҳудуд иккига: Жанубий Қоратов ва Нурота тоғларига бўлинади. Иккала интервали ўртасида 170-180 км узунликдаги Ғарбдан Шарққа катта водий узанади. Қоратов ҳудудида табиий сув захиралари бўлмиш булоқлар сероб бўлган Пангат, Обой, Минишкар қишлоқлари жойлашган. Ушбу қишлоқларнинг аҳолиси ўртасида олиб борилган сўровлар орқали тош даврига оид макон ёки топилмажойларни кўлга киритиш мумкин бўлган ғор ва булоқларга аниқлик киритилди.

Обой қишлоғи бошланишида кучли кремнийлашган оҳактошдан иборат қоя аниқланди.

Бу ерда олиб борилган изланишлар давомида тош қуроқларини ясада ишлатиладиган кучли кремнийлашган оҳактош



2-расм. Кварцдан ишланган қирғич



3-расм. Кремнийлашган оҳактошдан ишланган нуклеуслар

Изланишлар давомида қўлга киритилган тош буюмларни икки даврга ажратиш мумкин. Сўнгги палеолит даврига оид учириндилар, кварцдан ишланган киргич (2-расм), кремнийлашган оҳактошдан ишланган нуклеуслар (3-расм) ясаиш техникаси ва патина билан қопланганлиги учун сўнгги палеолит даври билан саналанди.



4-расм. Неолит даври тош буюмлари

га имкон берди. Минтақада давом эттирилиш кутилаётган тадқиқотлар Зарафшон воҳаси тош даври археологиясини ўрганишда қатор илмий янгилликлар қўлга киритиши шубҳасиз. Дастлабки қўлга киритилган натижалар ҳам бундан далолат бериб турибди.

хомашёси кўплаб учрашига гувоҳ бўлдик. Ҳозирча, бу пунктни устахона, деб айтишга ҳали эрта. Сабаби ушбу жойда айни пайтгача ибтидоий усталар томонидан ясалган тош буюмлар топилмади. Лекин шу қишлоққа яқин Қизилбошбулоқ топилма жойидан мазкур пунктдан аниқланган хомашёдан ясалган сўнгги палеолит даврига оид учиринди қўлга киритилди. (1-расм) Ушбу учириндининг ташқи томони кучли моғор (патина) билан қопланган бўлиб, қаттиқ учиринди билан синдирилганлигидан далолат берувчи негатив мавжуд.

Яшил кремнийдан ишланган, ретушланган учириндининг дистал қисми, кремнийдан ишланган пластиналар (4-расмлар) ясаиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра неолит даври билан саналанди.

Нурота тоғ тизмасида жойлашган Пангат, Обой, Минишкар, Қумолоқли (Қўшработ тумани) қишлоқлари худудида ўтказилган қидирув ишлари биринчи навбатда кам сонли бўлсада минтақа тош даврида одамзод томонидан ўзлаштирилганлигини асословчи палеолит ва неолит даврига оид меҳнат буюмларини топиш-

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Жўрақулов М. Ж., Аванесова Н. А., Амиркулов Б. А. Зарафшон фохасининг ибтидоий маданияти. – Самарқанд, 1994.
- Қурбонбоев И. М. Экспедиция тадқиқотлари Қўшработ тумани тарихини 30 минг йилга узайтирди // “Istiqlol sari” Қўшработ тумани газетаси. 28 июн, 2018.

## САЗОҒОН-3 НЕОЛИТ ЁДГОРЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ХУСУСИДА

Н. Ў. Холматов, И. М. Қурбонбоев, Р. Каримов  
Самарқанд давлат университети

Ўзбекистон тош асри археологияси ривожига Ўрта Зарафшон воҳаси истиқболли минтақалардан бири ҳисобланади. Маълумки, XX асрнинг 20-30-йиллари моддий, маданий ва археологик мерос объектлари тадқиқотига давлатимиз томонидан эътибор қаратилган. Буни 1920 йил 27 ноябрда “Табиат, санъат, қадимги ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва музей ишлари Туркистон Комитети” нинг тузилиши ва унинг фаолияти билан асослаш мумкин. Сабаби, тарихий-маданий ёдгорликлар давлат тасарруфига олинди ва уларни илмий ўрганиш, таъмирлаш, муҳофазасини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Хусусан, дала археологик тадқиқот ишларига кенг йўл очилди, тадқиқот услублари такомиллаштирилиб, тадқиқотлар мутахассислар томонидан амалга оширила бошланди. Ёдгорликлар харитага, топилмалар эса ҳисобга олина бошланди. Хусусан, 1930 йили А.Ф. Соседко Қизилқум худудида амалга оширган археологик қидирув ишлари жараёнида неолит даврига оид қизиқарли тош қуроллар, сопол буюм парчалари тўпламини териб олган. Самарқанд яқинидаги Дарғом канали бўйларида 1930 йили Б.М. Кастальский томонидан кузатув ишлари амалга оширилиб, қизиқарли тош қуроллари тўплами (ўқ-ёй учлари, кескич қуроллар) йиғиб олинди, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейига топширилган. Бу тош қуроллари тўплами 1963 йили М.Ж. Джуракулов томонидан ўрганилиб, илмий муомалага киритилган (Джуракулов, 1966. С. 3-27). Воҳа тош асри ёдгорликларини ўрганишда Самарқанд давлат университети археологик экспедицияси тадқиқотлари натижаларининг ўзига хос ўрни бор. Хусусан, ўтган аср 40-йиллари 2-ярмида Д. Н. Лев томонидан Ургут туманида Омонқўтон, Такалисой каби ўрта палеолит даври ёдгорликларини ўрганилиши билан бу тадқиқотлар бошланиб кетган (Лев, 1949. С. 11-53). Самарқанд сўнгги палеолит маконида 1958-1967 йиллари Д.Н. Лев, 1967-1972 йиллари М.Ж. Джуракулов раҳбарлигида археологик қазишма ишлари амалга оширилган (Лев, 1964. С. 3-37; Джуракулов, 1987. С. 189). 1966 йили Д.Н. Лев раҳбарлигида СамДУ археологик экспедицияси Самарқанд маконида қазишма ишларини амалга ошириш билан бир пайтда Пастдарғом тумани Сазоғон қишлоғи ҳамда Самарқанд тумани Навбоғ қишлоғи атрофларида археологик қидирув ишларини амалга оширди. Хусусан, Сазоғон 1, 2 маконлари харитага олинди, қидирув шурфлари қазишмалари жараёнида қизиқарли тош қуроллари тўплами қўлга киритилган (Лев, 1972. С. 3-68). Шу тариқа М.Ж. Джуракулов, Н.Ў. Холматовлар томонидан Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида Сазоғон неолит ёдгорликлари тадқиқотлари давом эттирилиб, кейинги йилларда

30 дан ортиқ ёдгорликлар археологик харитага олинган. Шулардан Сазоғон 2, Жангал 1, Тепакул 3-5, Лолаб, Очилғор маконларида бевосита қазилма ишлари олиб борилиб, катта ҳажмдаги неолит даври материаллари қўлга киритилган ва шу асосда “Сазоғон маданияти” ажратилиб, илмий муомалага киритилган (Джуракулов, Холматов, 1991. С. 122; Холматов, 2020. 383 б). Сазоғон неолит даври маданияти ёдгорликлари тадқиқотлари айни кунларда ҳам давом эттирилиб келинмоқда. Хусусан, 2017 йилдан буён Сазоғон-3 неолит маконида қазилма ишлари олиб борилмоқда. Қуйидаги сатрлар маълумотлари ушбу ёдгорлик ўрганилишининг дастлабки натижаларига бағишланган.

Сазоғонсой Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ёнбағридаги йирик сойлардан бири бўлиб, унинг воҳасида бу сарҳадда ўрганилган ва ўрганилаётган тош асри ёдгорликларининг асосий қисми жойлашган. Сазоғон-3 неолит макони Сазоғон-2 маконидан Сазоғонсой бўйлаб чамаси 500-550 метр юқорида сойнинг чап ён террасасида жойлашган. Террасасининг майдони сатҳи тахминан 80x130 метр ўлчамда бўлиб, у сой сатҳидан 20-25 м юқорида турибди. Сазоғон 3 ёдгорлигида 2017, 2019 ва 2022 йилларда қазилма ишлари амалга оширилган. Хусусан, 2017 йили 2 та қазилма бўйича, 2019 йили 3x7, яъни 21 метр квадрат, 2022 йили эса 32 метр квадрат майдон сатҳида қазилма ишлари амалга оширилиб, маданий қатлам ўрганилган.

Қазилма тадқиқоти жараёнида қизиқарли археологик манба, ашёлар тўплами ҳамда стратиграфик маълумотлар қўлга киритилган: 1. Ер устки сатҳ қисми, чимли қатлам (қалинлиги 2-3 см); 2. Майда ўлчамли тош бўлақлари учровчи кум заррачали сарғимтир рангли тупроқли қатлам (қалинлиги 27-39 см); 3. Чегаралари унчалик аниқ бўлмаган оқимтир рангли майда кум заррачали тупроқли қатлам (қалинлиги 33-49 см); 4. Чиғил тошли, оқимтир рангли тошли қаттиқ қатлам (қалинлиги 37-71 см); 5. Майда шағал тош бўлақлари учровчи нисбатан қорамтир рангли, кум заррачали қаттиқ тупроқли қатлам (қалинлиги 36-43 см).

Сазоғон-3 маконидан қазилма жараёнида топилган ашёвий манбаларни (улар ҳаммаси бўлиб 500 га яқин) қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) Тош буюмлар коллекцияси; 2) Сопол буюм парчалари; 3) Ҳайвон суяги қолдиқлари. Жумладан, Тош буюмларни типологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Тошни йўниш, қурол ясаш билан бевосита алоқадор бўлган тош буюмлар; 2. Ишлов берилмаган пайраҳалар; 3. Ишлов берилмаган отшеплар; 4. Пайраҳалардан ясалган қуроллар; 5. Тош учриндиларидан ясалган қуроллар; 6. Қайроқтош қуроллар ва бўлақлари. Тош қуроллар коллекциясидаги қайта ишлов берилмаган буюмлар қисмини, асосан, тошни йўниш жараёнида учиб кетган ишлаб чиқариш чиқиндилари ташкил этади. Бу учриндилар аниқ бир шаклга эга эмас.

Энди, археологик мавсумлар кетма-кетлигида тош буюмлар тўплами таҳлилини келтирамиз. 1917 йилги тош буюмлар тўплами (улар сони 14 та) унчалик катта эмас. Тўпلام таркибида тош қуролларининг дастлабки таҳлили қуйидагича: ишлов берилмаган тош учриндилари 2 дона; ишлов берилмаган пайраҳа ва микропайраҳалар 2 дона; Тош ўзаги ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар 4 дона (кварц). Ишлов берилган пайраҳалар ва микропайраҳалар 3 дона. Уларнинг кўпчилигига икки ён тарафига елка томонидан, айримларига астар томонидан ишлов берилган. Пайраҳа қуроллар ичида ўз шакли ва ишлов берилиши услуби бўйича Қуйи Зарафшон воҳаси Калтаминор жамоалари қуролларига ўхшашлари бор. Ён томонларига турлича ишлов берилиб иш майдони ҳосил қилинган тош

учириндилари 3 дона бўлиб, улар ҳам турмушда турли функцияларни бажарган. Қирғич қуроли 1 дона, Қайроқтош қуроллари 2 дона бўлиб, яхши ишлов берилган кварц тошлари ҳам бор. Шунингдек, кидирув шурфимиздан антик давр ашёлари билан бирга одам жасади қолдиқлари ҳам чиқди ва унга тегинилмай келгуси археологик мавсумга қолдирилди. Тош қуролларининг типологик таҳлили масаласига келсак, тош ўзаги ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар кварцдан тайёрланган. Буларда ишлов берилган излар яққол кузатилади. Йирик ўлчамли 3,8x3,9 сантиметрли учирмадан ясалган қирғич қуроли ўз шакли ва ишлов берилиши усуллари билан мезолит қуролларига ўхшаш. Бу қурол кулранг чақмоқтошли сланецдан ясалган. Ён қирраларига эзиш усулида яхши ишлов берилган, баъзи қарама-қарши ҳолатда ишлов берилганлик излари ҳам кузатилади. Устки қисмида кичик ўлчамли учирмалар учириб олинганлигини билдирувчи излар жуда яхши кўриниб турибди.

2019 йилги Сазоғон 3 неолит ёдгорлиги тош буюмларининг тип листи тузилди (1-жадвал). Тўплам таркибидаги тош буюмларнинг типологик жиҳатдан таҳлилининг натижаси куйидагича: Тош ўзаги ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар 2 дона (1 дона кварцдан ясалган); ишлов берилмаган тош учириндилари - 7 дона; ишлов берилмаган пайраҳа ва микропайраҳалар - 3 дона; Ишлов берилган пайраҳалар ва микропайраҳалар - 23 дона: елка қисмининг иккала ён томони бўйича ишлов берилган пайраҳалар 2 дона, елка қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган пайраҳалар 11 дона, астар қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган пайраҳалар 3 дона, ён томонлари бўйича қарама-қарши ҳолатда ишлов берилган пайраҳалар 1 дона, уч кесим қисми бўйича ишлов берилган пайраҳалар 1 дона. Пайраҳанинг устки кесим қисмида иш майдонига эга бўлган қирғичлар 2 дона, Архаик кўринишга эга бўлган энли пайраҳалар 2 дона. Ён томонларига турлича ишлов берилиб иш майдони ҳосил қилинган тош учириндилари 8 дона бўлиб, улар ҳам турмушда турли функцияларни бажарган. Турли иш майдонига эга бўлган қирғич қуроллари 3 дона, понасимон қуроллари 1 дона, қайроқтош қуроллари 5 дона бўлиб, уларга яхши ишлов берилган. Тўпланда 8 дона кварц тош буюми ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигида ишлов берилганлиги излари сақланган. Тош қуролларининг типологик таҳлиliga кўра Сазоғон 3 ёдгорлиги тош индустриясининг характери Сазоғон маданияти ёдгорликлари тош индустриясига мос. Тош ўзаги ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар 2 дона бўлиб, улардан бири кварцдан ясалган. Буларда ишлов берилганлик излари яққол кузатилади.

2022 йилги археологик мавсумда ҳам қизиқарли тош буюмлар тўплами қўлга киритилди: ишлов берилмаган тош учириндилари 12 дона, ишлов берилмаган пайраҳа ва микропайраҳалар 3 дона. Тош ўзаги ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар 1 дона бўлиб, бир иш майдонли ҳар тарафлама ишлов берилган конуссимон қуринишга эга. Ишлов берилган пайраҳалар ва микропайраҳалар- 9 дона. Уларнинг кўпчилигига икки ён тарафига елка томонидан, бошқаларига астар томонидан яхши ишлов берилган. Айниқса, шу йили 1 дона бутун ҳолатда йирик ўлчамли, архаик кўринишдаги пайраҳа қуролининг топилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу асосда, Сазоғон-3 ёдгорлиги дастлабки тадқиқотларида қўлга киритилган тош буюмлар тўпламининг типологик маълумотларини келтирдик. Улар макон тош индустриясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштиришга хизмат қилади. Бу маълумотлардан маълум бўлдики, ишлов берилган ёки ишлов берилмаган чақмоқтошдан ясалган бутун ҳолатдаги пайрақаларнинг сони кўпчиликни ташкил этади ва улар сифатли чақмоқтошдан ясалган ва

ўлчамлари жихатидан йирикрокдир. Айниқса, икки ён қирраси бўйича яхши ишлов берилган пайрақа қуроқларнинг топилиши макон соҳиблари моддий маданиятининг ўзига хослигини аниқлашда аҳамиятлидир. Шунингдек, халцедондан ясалган учирма қуроқлари ҳам илмий қимматга эга ва улар мезолит, неолит даври жамоалари тош қуроқларига хос хусусиятларни ўз шакли ва ишлов берилиши техникасида мужассамлаштирган. Таъкидлаш жоизки, тўпламдаги қайроқтош қуроли ва қуроқлар бўлаклари ҳам макон тош индустрия характерини аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади. Йирик ўлчамли ва бутун ҳолатдаги қайроқтош қуроли ўз функцияси бўйича юмшоқ ушатгичлар типига киради. У ўзининг уч қисми иш майдони ва ён қирраларида ишлатилганлигидан қолган изларини яққол намоён этганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, қазилма жараёнида сопол буюм парчалари тўплами ҳам қўлга киритилди. Уларнинг кўпчилиги қадимги давр ва ўрта асрга оид. Энг муҳим 8 дона бронза ва илк темир даври қулоқлик идишларнинг оғиз қисми бўлаклари топилди. Уларнинг ичидан ҳаттоки Андронова жамоаларига тегишли нақшли сопол идиш парчаларининг чиқиши моддий маданиятни аниқлашда муҳим ҳисобланади. Қулоқлик идиш парчалари орасида кичик ўлчамли бир нечта неолит сополлари ҳам учратилди. Неолит сополлари ясашиш хаамири ва идиш оғиз қисми тузилиши билан Сазоғон маконлари ва Қуйи Зарафшон воҳаси неолит жамоаларининг сополларига ўхшашлиги билан аҳамиятлидир.

Хуллас, юқорида тош қуроқларнинг типологияси бўйича келтирилган маълумотлар Сазоғон 3 макони тош индустриясининг ўзига хослигини, характерини белгилайди. Тош қуроқлари ўз ясашиш шакли, ишлов берилиши усуллари ҳамда турмушда бажарган функциялари, хомашёси бўйича Сазоғон неолит ёдгорликлари қуроқларига ўхшаш. Тош буюмлар тўпламида чакмоқтош, чакмоқтошли сланец, халцедонлардан ясалган, яхши ишлов берилган учиринди қуроқларнинг кўпчилиги Сазоғон 3 ёдгорлиги тош индустрияси учириндилли - пайраҳали индустрия эканлиги, Сазоғон маданияти ёдгорликлари тизимига кириши ва у Ўрта Осиё тоғ минтақаси мезолит-неолит жамоалари моддий маданиятига тегишлилиги ҳақида хулосага келиш имконини беради.

**1-жадвал. Сазоғон 3 неолит ёдгорлиги тош буюмлари типологияси (тип лист)**

<i>Шу жумладан, микропайраҳалар</i>	-
Астар қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган пайраҳалар	3
<i>Шу жумладан, микропайраҳалар</i>	-
Ён томонлари бўйича қарама-қарши ҳолатда ишлов берилган пайраҳалар	1
Ён томонлари тўбаланиб ўтмасланган ҳолатда ишлов берилган пайраҳалар	-
Уч қисим қисми бўйича ишлов берилган пайраҳалар:	1
<i>Қийшиқ ҳолатда</i>	
<i>Тўғри ҳолатда</i>	1
Геометрик шаклдаги қуроқлар: трапеция	-
Ён қирралари бўйича ишлов берилган чуқурчаларига эга бўлган пайраҳалар	1
<i>Шу жумладан, микропайраҳалар</i>	-
Пайраҳанинг устки қисмида иш майдонига эга бўлган қирғичлар	2

Тешгич қуроолар	-
Қовурғасимон пайраҳалар	-
Архаик кўринишга эга бўлган энли пайраҳалар	2
<b>Жами</b>	<b>23</b>
<b>Учириндилардан ясалган қуроолар:</b>	
Турли иш майдониғаэга бўлган қирғичлар:	3
<i>Жумладан, тик иш майдониға эга бўлган қирғичлар; дисксимон қирғичлар, тирноқсимон микроқирғичлар</i>	-
Турли ён томонлари бўйича иш майдонларига эга бўлган учириндилар	8
Понасимон қуроолар	1
Рандасимон қуроолар	-
Икки ён томони бўйича ишлов берилган ўқ- ёй учлари	-
Тешкич қуроолар	-
Кескич қуроолар	
Қайроктош қуроолари бўлаклари	5
Плиткасимон қирғич қуроолари	-
Ёргучоқлар	-
Икки юз қисми силликланиб иш майдони ҳосил қилинган болта қуроли	-
Микро чоппер қуроли	-
Йирик ҳажмли ушаткич қуроли, бўлаклари	
Кварц	8
<b>Жами</b>	<b>25</b>
<b>ЖАМИ</b>	<b>61</b>

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Гулямов Я. Г., Исломов У. И., Аскарлов А. А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент, 1966.
- Джуракулов М. Д. История изучения каменного века Средней Азии / Афтореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд, 1966.
- Джуракулов М. Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. – Тошкент, 1987.
- Джуракулов М. Д., Холматов Н. У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент, 1991.
- Лев Д. Н. Древний палеолит в Аман-Кутане (предварительное сообщение). – Самарканд, 1949.
- Лев Д. Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде: Исследования 1958-1960 гг // Труды СамГУ. Вып. 135. – Самарканд, 1964.
- Лев Д. Н. Итоги работы археологического отряда Самаркандского госуниверситета имени А. Навои в 1966 году // Материалы по истории и археологии Узбекистана. Труды СамГУ. Вып. 218. – Самарканд, 1972.
- Холматов Н. У. Сазоғон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. – Самарканд, 2020.

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ (ПОП (БОБ) ШАҲАР ХАРОБАСИНИ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ)

**Б. Х. Матбобоев**

Самарқанд археология институти

**А. А. Ҳакимов**

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти

Фарғона водийси қадимги тарихий-маданий ҳудудларининг моддий ва маънавий маданияти, илк деҳқончилик, урбанизация жараёнлари, дастлабки давлатчилик ва жамият бошқаруви каби масалалари тарихи ўрганилмоқда. Бунда қадимги шаҳарларнинг харобалари сифатида аниқланган археологик объектларни қайта тиклаш ва сақлаш чора-тадбирлари ўта муҳимдир. Чунки қазилма ишлари натижасида очилган ҳимоя деворлари, тураржой, сарой ва диний ибодатхона иншоотлари табиий омиллар туфайли емирилиши ёки буткул йўқ бўлиб кетиши мумкин. Тарихий-маданий меросни тарғиб қилиш учун шаҳарлар тарихи маълумотларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бир қатор қадимги шаҳарлар тарихий ва туристик аҳамиятга эга жойлар рўйхатига киритилмаган. Уларни бу рўйхатга киритиш туризмнинг кейинги тараққиёти учун кенг имкониятларни очган бўлар эди. Сўнгги йилларда тарихий шаҳарларнинг юбилей саналари билан боғлиқ тарзда амалга оширилган махсус илмий тадқиқотлар ва янги олинган илмий натижалар туфайли Ўрта Осиё жумладан, Фарғона водийси урбанизация муаммолари қадимги ва антик давр шаҳарлар тарихини ўрганишга қизиқиш янада ортди.

Фарғона водийсининг қадимги ва антик даври археологик материалларини салмоғи кейинги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Айниқса, Далварзин (Ю.А. Заднепровский ва Б.Х. Матбобоев қазилмалари), Эйлтон (Б. Латинин, Т. Оболдуева, С. Қудратов), Мингтепа (А.Н. Бернштам, Ю.А. Заднепровский, Б.Х. Матбобоев), Ахсикент (А.Н. Бернштам, Ю. Чуланов, И. Ахроров, А. Анарбоев), Поп (Баландтепа, Мунчоктепа А.Н. Бернштам, Б.Х. Матбобоев), Қува (Қубо Ю.А. Заднепровский, В.А. Булатова, Г.П. Иванов, Т.Ш. Ширинов, Б.Х. Матбобоев) каби шаҳар харобалари ҳудудларидаги маданий қатламларда олиб борилган археологик қазилмалар қадимги ва антик давр материалларини тўпланишига сабаб бўлди. Юқоридаги ёдгорликларда ўтказилган илмий тадқиқот ишларини натижалари бу даврлар тарихини ўрганишда муҳим янги манба бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Наманган вилоятини Поп шаҳаридан 2 км жанубда Сирдарёнинг ўнг қирғоғида

жойлашган “Баландтепа” (маҳаллий аҳоли Мунчоктепа-Айртом<sup>1</sup> шаҳри (Воронец, 1950), деб атайди) шаҳар харобасини археологик тадқиқотлар асосида ўрганилиши муҳим аҳамиятга эгадир (Матбабаев, 2004. С. 134-141). Поп (Баландтепа, Мунчоктепа) қадимги шаҳар харобасида А.Н. Бернштам, И. Маленков, А. Шлез, М.Э. Воронец, В.И. Спришевский, И. Ахроров, М.Х. Исомиддинов, Б.Х. Матбобоев каби археологик олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар (Матбабаев, 2009. С. 94).

Поп (Баландтепа, Мунчоктепа) шаҳар харобасини илк бор 1939 йили Катта Фарғона канали қазилиши пайтида (Массон, 1940. С. 52-54, 1940. С. 29-32) аниқланган бўлиб, 1948 йилни июль ойида А.Н.Бернштам раҳбарлигидаги Помир-Олой экспедицияси қатнашчилари тамонидан очиб ўрганилган (Бернштам, 1951. С. 47).

Поп (Баландтепа, Мунчоктепа)да кейинчалик, Наманган вилоят ўлкашунослик музейи ходимлари И. Маленков ва А. Шлезлар илмий изланишлар олиб бордилар (Бернштам, 1948). 1948 ва 1950-1952 йилларда А.Н. Бернштам раҳбарлигида Баландтепа ва Мунчоктепа ёдгорликларида археологик тадқиқотлар олиб борилди (Бернштам, 1951. С. 47).

Поп (Баландтепа, Мунчоктепа) археологик ёдгорлигида эса 1950 йилда М.Э. Воронец археологик қазишмалар олиб борди ва қазишма натижаларига кўра, Баландтепа X-XI асрларга оид шаҳар харобаси деб аниқлади (Воронец, 1951. С. 93-97). Шундай хулосага А.Н. Бернштам ҳам келиб, ҳозирги Поп шаҳри яқинида тахминан 12 кв.км майдонда йирик шаҳар қад кўтарганлигини эътироф этган (Бернштам, 1952. С. 237).

Археолог И. Ахроров ҳам Баландтепада айрим археологик кузатув ишларини олиб борган. Академик Я. Фуломов раҳбарлигидаги Фарғона археологик отряди аъзолари Фарқиз, Мунчоктепа каби антик давр шаҳар харобалари билан танишадилар (Касымов, 1966. С. 28-35). 1983 йили М.Х. Исомиддинов Баландтепада тадқиқот ишлари олиб бориб, ёдгорлик тарҳини олди ва кичик қазув ишлари ўтказди (Исамиддинов, 1985. С. 531). Бу ёдгорликни Фарғона тарихини ва маданиятини ўрганишдаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, М.Х. Исомиддинов Наманган вилояти ёдгорликлар мажмуасини тузаётган ҳамкасб археолог Б.Х. Матбобоевга бу ерда қазишма ўтказишни тавсия этди (Матбабаев, 1996. С.61-76). 1987 йилдан бошлаб Б.Х. Матбобоев Сирдарё бўйидаги бир неча ёдгорликларда (Баландтепа, Мунчоктепа, Қирқ Хужра, Лангарботтепа ва бошқалар) археологик қазишма ишларини бошлади. 1987-1994 йиллари давомида бу ёдгорликлар мажмуасида илмий қидирув ишлари олиб борди. Асосий эътибор, Поп шаҳрининг тарихи билан боғлиқ ёдгорликларни ўрганишга қаратилди. Археологик изланишлар Поп шаҳрини пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил этиш учун янги материаллар тақдим қилди. Бу топилмалар Баландтепани нафақат Поп шаҳри, балки бутун Фарғона тарихи учун муҳимлигини кўрсатади. Археологик материаллар эраизининг I-VIII асрларига тааллуқлидир.

Асосан қазишма ишлари Баландтепада ўтказилди. Ёдгорлик тўртбурчак шаклли тарҳга эга, баландлиги баъзи жойларда 13 метргача боради. Ёдгорликнинг учдан бирини, айниқса аркнинг катта бўлагини Сирдарё ювиб кетган, аммо унинг сақланиб қолган қисмининг рельефида унинг арк эканлиги кузатилади. Натижада, Б.Х. Матбобоев бизга шаҳар тузилишининг қуйидаги таркибий бўлақларини маълум қилди (Матбабаев, 1999. С. 124-140).

<sup>1</sup> Археологик ишлар қатнашчиси М.Э. Воронец Айртом ва Мунчоктепа асдида икки номли бир ёдгорлик, деб ёзди (Дневник. Записи от 26 августа 1950 года. Архив Музея истории народов Узбекистана).

Арк - Баландтепанинг жанубий-шарқ томонида жойлашган, деярли ярми бузилиб кетган тепа ҳолида сақланган.

Ички шаҳар (ёки кейинроқ Шаҳристон) - Баландтепанинг шимол ва шимолий-ғарб томонида сақланган, аммо унинг шимол, ғарб ва жанубий томонлари бузилиб кетган. Арк билан шаҳристон ўртасидаги қадимги хандақ ўрнида ҳозир чуқур жарликлар пайдо бўлган.

Ташки шаҳар (ёки рабод) - Баландтепадан шимол ва ғарбдаги худуд, уни маҳаллий аҳоли Мунчоқтепа - Айртом шаҳри, Темирқасмоқтепа деб ҳам юритади. Шаҳарнинг бу қисмидан ўрта асрларга оид материаллар борлиги аниқланган. Шаҳарнинг бу қисмини шартли равишда “шаҳар қабристони” (Мунчоқтепа I, II), деб ажратилди (Матбобоев, 2008. Б. 106).

Б.Х. Матбобоев 1987-1994 йилларда шаҳар қабристони(Мунчоқтепа I, II) да илмий-қидирув ишлари олиб борди. Қадимги қабристон Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, ҳозирги Поп шаҳридан 1,5-2 км жануби-ғарбда жойлашган(Матбабаев, 1994. С. 59-63). Аммо қабристоннинг устки қисмида унинг мозорлигини билдирувчи бирор ташки белги сақланмаган. Қабрлар устига уюлган тупроқ уюми давр ўтиши билан текисланиб, унинг майдонидан хўжалик мақсадларида фойдаланилган.

Б.Х. Матбобоев томонидан тўпланган материаллар ва олдин ишлаган археологларнинг маълумотларини ҳисобга олган ҳолда Поп шаҳри тарихини даврлаштиришни таклиф этди (Матбобоев, 2008. Б. 106).

I босқич – эрамининг I асрлари. Археологик материаллар аркдаги 1-шурфдан, ички шаҳардаги 2-қазиишмадан ва шаҳар қабристонидан (некрополидан) олинди. Сополлар юпқа, хумдонда бир маромда яхши пиширилган, лойи сифатли. Идишлар тўқ жигарранг, тўқ кизил ранг ангоб билан қопланган. Тирнаб гул солинган идишлар ҳам учрайди. Асосий идишларга паймона, пиёла, хурмалар киради. Қурилиш қолдиқлари кам сақланган. Аркнинг ташки мудофаа девори ковлаб ўрганилган. Девор пахса, ғишт усулида уриб тикланган. Деворнинг эни 1,6 м, сақланган баландлиги 1,20 м. Қалъа – қўрғон ёдгорлигининг энг баланд нуктасида жойлашган ва тўртта бурчагида кузатув минораси - бурж бўлган. Улардан иккитаси (шимолдагиси) сақланган ва иккитасини (жанубдагиси) Сирдарё суви ювиб кетган. Арк – мудофаа деворлари билан ўралган энг қадимги яшаш макони ўрнида қад кўтарган ва шаҳарнинг қадимги ўзаги ҳисобланади. Дастлаб қалъа-қўрғон кўриниши бўлиб, унчалик катта майдонни эгалламаган. Ўлчамлари - 100x90 м, умумий майдони 2,5 гектарга яқин бўлган.

II босқич эса V-VIII асрларни ўз ичига олади. Бу босқич билан шаҳар харобасидаги (Баландтепа) ва қабристондаги (Мунчоқтепа), биринчи навбатда сағаналардаги материаллар алоқадор. Қурилиш қолдиқлари ва уларга боғланган маданий қатламлар аркда, ички шаҳарда ўрганилган. Ишлаб чиқариш комплексининг бир бўлаги икки камерали хумдон бирга қазиб очилди. Бу хумдон Шимолий Фарғона учун ягона ва ўрта ҳамда йирик ҳажмли идишларни пиширишга мўлжалланган. Бу босқичда бир оз таъмир этилгач, арк ташки девори ишлатилган.

Шаҳар харобаси ва қабристонда олиб борилган археологик қазиишмалар давомида тангалар аниқланган. Улардан учтасининг келиб чиқиши Хитой билан боғланади: иккита-

си “у-шу” хилидаги, биттаси (юқори қатламлардан териб олинган) “кай юань тун бао” хилидаги тангаларга киради. Аммо бу тангалар катта тарихий давр билан саналанади: масалан, “у-шу” – милoddан аввалги 118 йилдан милoddнинг 618 йилигача, “кай юань тун бао” эса 621-874 йилларда муомалада бўлган дейилади. Бундан ташқари, ер ости сағанада (№3) 63 тангадан иборат тангалар хазинаси маданий қатламлардан водийда биринчи марта топилди. Улар ичида иккитаси М. Исоқов ва Л. Баратовалар томонидан аниқланган (Баратова, 1994. С. 34-37). Демак, тангалардаги маълумотлар ёдгорликнинг қадимий шаҳар харобаси эканлигини кўрсатади.

Хуллас, Поп ёки Боб шаҳри Баландтепа ўрнида пайдо бўлиб аста-секин шимол томонга ҳозирги туман маркази томонга кенгая боради. Б. Х. Матбобоев фикрича Киркхужра ёдгорлигини Поп (Боб) билан боғлаш учун материал ҳали етарли эмас. Қўлга киритилган археологик материаллар бу шаҳарнинг бир ерда бундан 2000 йил олдин шаклланишини кўрсатади. Поп шаҳри ўз тарихи давомида қўшни ҳудудлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларда ўзига хос кўприк вазифасини бажарган. Бунга унинг қулай географик жойлашуви ва савдо ва қарвон йўлларини чорраҳасидаги ўрни ёрдам берди. Шу сабаб, Фарғона водийсининг ушбу бўлаги моддий маданиятида Суғд ва Чоч таъсири сезилади. Яна бир муҳим томони, Поп шаҳри Буюк Ипак йўлининг энг серкатнов нуқтасида жойлашган эди (Матбобоев, 2004). Савдо қарвонлари қуйидаги йўл, яъни Қашқар - Ўш – Ўзган – Учқўрғон – Попга келади. Бу йўл Попда икки тармоққа бўлинади: бири доволон орқали Оҳангарон Шош-Чочга, ундан Қозоғистон чўлларига, иккинчиси Ашт орқали Уструшонога, кейин Суғд ва Бактрияга кетган (Матбобоев, 2008. С. 106-111). Шаҳар атрофида бу йўллар аҳамиятини тасдиқловчи этнографик ва топонимик материаллар ҳамон учраб туради. Ҳанузгача қадимги Попнинг Сирдарё яқинидаги бир йўлини “Улуғ йўл”, деб атайдилар. Бу йўл ҳозиргача қисман сақланган кечув билан туташади. Хуллас, Поп (Боб) Фарғона водийси шаҳарлари ичида ўзига хос ўринга эга бўлган йирик тарихий – қадимий шаҳарлардан биридир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Баратова Л. С., Матбабаев Б. Х. Монетные находки из уникального могильника Мунчактепа // Фергана в древности и средневековья. - Самарканд, 1994.
- Бернштам А. Н. Дневник. Архив ИИМК РАН. Ф. 35. Д. 158. – Л., 1948.
- Бернштам А. Н. Древняя Фергана. – Ташкент, 1951.
- Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь Шаня и Памиро-Алая // МИА. №26. –М. –Л., 1952.
- Воронец М. Э. Археологическая рекогносцировка 1950 года по Наманганской области // И АН УзССР. Вып. 5. –Ташкент, 1951..
- Исамидинов М. Х. Разведочные работы в Наманганской области // АО. 1983 г. – М., 1985.
- Касымов М. Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г // ИМКУ. Вып. 7. – Ташкент, 1966.
- Массон М. Е. Экспедиция археологического надзора в строительстве в Большого Ферганского канала // КСИИМК. Вып. 4. – М., 1940.

- Матбабаев Б.** К изучению политической истории Ферганы в раннем средневековье // Transoxiana. История и культура. – Ташкент, 2004.
- Матбабаев Б. Х.** К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент, 2009.
- Матбабаев Б. Х.** Могильник Мунчактепа в Северной Фергане (Узбекистан) // РА. № 3. –М., 1999.
- Матбабаев Б. Х.** О возникновении и этапах развития города Поп (Баб) // ОНУ. № 8. –Ташкент, 1994.
- Матбабаев Б. Х.** Одиночные погребения могильника Мунчактепа (К вопросу изучения погребальных сооружений Северной Ферганы первой половины – середины I тысячелетия н.э.) // ИМКУ. Вып. 27. – Самарканд, 1996.
- Матбобоев Б. Х.** Баландтепа (Поп) кадимий шахри // Фаргона водийсининг кадимий шахарлари. – Тошкент, 2008.
- Матбобоев Б. Х.** Древние города Ферганской долины (по археологическим материалам) // Мат. Республиканской научно - практической конференции на тему “Великий шелковый путь и Ферганская долина” – Тошкент, 2004.
- Оболдуева Т. Г.** Археологические наблюдения на Северном Ферганском канале // Изв. УзФАН СССР. – Ташкент, 1940.

## БАҚТРИЯ БУЛЛАСИ

**Ш. Б. Шайдуллаев**

Термиз давлат университети

Сурхондарё вилояти Узун тумани Жончекка қишлоғи ҳудудида жойлашган, собиқ Иттифоқ даврида тўлиқ бузиб ташланган, Аҳамонийлар ва антик даврларга оид бўлган ёдгорлик ўрнидан ясси - думалоқ шаклдаги булла топилди. Ёдгорликнинг географик координатаси: 38022'36.11"N, 6805'41.97" E.

Булла яхши қорилган лойдан ясалган. Лойга ҳеч қандай аралашма қўшилмаган ва хумдонда яхши, бир текис пиширилганлиги сабабли ғишт рангига келиб қолган. Ёдгорлик устидан териб олинган сополлар мажмуаси ва булла Термиз археология музейига топширилди.

Мазкур булланинг диаметри 4 - 4,4 см бўлиб, юзаси текис, орқа томони қавариқ шаклда, қалинлиги 1,5 см гача боради. Текис юзага тасвир босма асбоб - тамға ёки муҳр ёрдамида, лойлик пайтида босилган. Тамға ёки муҳрнинг юзаси думалоқ шаклда бўлган, чеккаси бўйлаб чизиқ тортилган ва бу чизиқ буллага ҳам тушган. Доира шаклли чизиқнинг куйи қисмида “хонтахта” кўринишли “тахтиравоннинг” ён томонидан кўриниши икки оёғи бирла ифодаланган. Оёқлар балюстрада шаклида, суянгичларига ҳам безаклар берилган. Тахтиравоннинг оёқлари оралиғида, ерда ётган ҳолатда, кўкнори ўсимлигининг умумий кўриниши, яъни пояси, барглари ва кўсак-гули туширилган (1-расм).

Тахтиравоннинг устида илоҳиятга оид бўлган, ҳавода муаллақ учаётган учта одам тасвирининг уйғунлашган, сахналаштирилган ифодаси берилган. “Учаётган” дейишга сабаб, одамлар тахтиравоннинг устида муаллақ ҳолатда ифодаланганлиги бўлса, иккинчидан марказда йирик қилиб “тритон” одам сифатида ифодаланган одамнинг бошидан, бўйниларидадан учиб турган лента шаклидаги рўмолларнинг, “юбка” шаклли кийимининг ҳилпираб турган ҳолатда ифодаланиши фазода учаётган илоҳий одамлар сахнасини берган (1-расм).

Боши ёнбош томони билан чизилган “тритон” одам, чап қўли билан коса шаклидаги алтарни кўтариб турибди ва бутун вужуди билан алтарга термулиб турган ҳолатда ифодаланган. Иккинчи, ўнг қўли эса белига қўйилган. Ушбу инсоннинг кўкрак қисми гавда баробар олд томони билан ифодаланганлиги сахнадаги бош тасвирнинг гўёки тахтиравонда ўтирганлик маъносини ҳам англаган.

Илоҳий одамнинг белидан паст қисмининг тахтиравонни уст қисмида чизилиши, кийимнинг учаётган шаклда, тарам-тарам қилиб берилиши инсоннинг ҳукмдорлик белгисини ҳам англатади.



1-расм. Бақтрия булласи. Умумий кўриниши (1 а), чизмаси (1 б).

чап томонида, яланғоч тарзда ифодаланган кичик одам тиззалаган, икки кўлини самога кўтариб, бутун вужуди билан ҳукмдор ва алтардан нажот кутиб, сажда қилиб турган ҳолатда ифодаланган.

Булладаги учинчи одам самода, илоҳий ҳукмдор одам тасвирининг боши ва оёқлари орасида чизилган. У ёнбоши билан, икки кўли пастда қилиб, чап кўлида камони билан, узун, халат кўринишли кийимда ифодаланган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, самода чизилган учинчи одамнинг узун халати орқали ушбу булланинг ясалган даврини аниқлаш мумкин. Негаки, у кийиниши ва кўриниши бўйича Персеполь шаҳри харобаларида ифодаланган, қадимги форс ҳукмдорларига совғалар ва солиқлар тортиқ қилаётган бақтрияликларнинг кийимларига айнан ўхшайди (Gerold Walser, 1980. P. 231).

Ёдгорлик устидан териб олинган, ҳар хил даврларга тегишли сополларнинг энг қадимгиси илк темир, археологик даврлаштириш бўйича Кучук III даврига тегишли (Аскарров, Альбаум, 1979. С. 139). Улар 5 дона бўлиб, учтаси цилиндр шаклли хум ёки хумчаларнинг, иккитаси цилиндроконик идиш бўлақларидан иборат.

Ушбу сополлар тўпламини ишонч билан Кучук III даврига тегишли дейишга сабаб, А.А. Аскарров ва Л.И. Альбаумнинг Кучуктепа (Аскарров, Альбаум, 1979. С. 91), Ш.Б. Шайдуллаевнинг Талашқонтёпа (Шайдуллаев, 2000. С. 119) ёдгорликлари мисолида Бақтриянинг илк темир даври сополлари мажмуасига кўра, биз топган цилиндр шаклли хум ва хумчаларда манжет шаклли гардиш ва унинг тагидан ўтувчи чуқурча кўринишли “безак”нинг бўлиши айнан Кучук III даврига хосдир.

Агар буллани мазкур ёдгорликдан топилган Кучук III даври сополлари мажмуаси билан хронологик бир давр деб ҳисоблайдиган бўлсак бу тарихий жиҳатдан Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳукмронлиги даврига тўғри келади (Ўшмаев, 2002. P. 243-342). Кейинги давр тадқиқотлари асосида Қадимги Бақтрия кавийларининг генеалогияси ва улар яшаган давр ҳам ойдинлашиб бормоқда (Авесто, 2001; Шайдуллаев, Икромов, 2010. 3-11 б).

Кавий ҳукмдорлар дин раҳномалари сифатида ҳам маълум. Жумладан, Бақтрия кавийларидан бўлган Кавий Виштасп(а) Зардушт таълимотини қабул қилган биринчи ҳукмдор ва уни тарғиб қилишда, энг асосийси дунё динлари даражасига кўтарилишда хизматлари каттадир (Лившиц, 1963. С. 147).

Бош саҳнада ифодаланган одамнинг узун ва бақувват оёқлари чалкаштирилган ҳолатда ифодаланган ва бевосита учкур отнинг оёқларини эслатади. Бақтриялик мусаввир учаётган одамга “учкур от” оёқларини чизган ва тасвирланаётган одамга янада илоҳийлик маъносини бера олган.

Илоҳий ҳукмдорнинг

Шундай экан Бақтрия кавийларининг муҳр ва тамғаларда ифодаланиши табиий ҳолдир. Биз юқорида таъриф берган, Узун туманидан топилган буллада Бақтрия кавийлари ифодаланган деган илмий фаразни ўртага ташламоқдамиз ва ўз фикримизни қуйидагича асосламоқчимиз. Биринчидан, Бақтрия кавийлари диний ҳукмдорлар сифатида ҳам маълум (Пьянков, 2001. С. 79). Тасвирда ифодаланган персонажларнинг фазода учган ҳолатда ифодаланиши бунга яққол мисол бўлади.

Иккинчидан, Бақтрия кавийлари дунёвий ҳукмдорлар тоифасига тааллуқли (Лившиц, 1963. С. 140). Буллада тахтнинг ифодаланиши бу фикрни тўлиқ асослайди.

Учинчидан, булланинг Қадимги Бақтрия ҳудудидан топилиши ва ёдгорликнинг Кучук III даврига ҳам оидлиги бизга шундай фикрга келишга асос бўлди.

Тўртинчидан, кавийларнинг энг аввал дин пешволари ва кейин дунёвий ҳукмдорга айланиши ёзма манбаларда сақланиб қолган (Пьянков, 1996), бу ҳолатнинг археологик манба – буллада ҳам ифодаланиши ёзма ва археологик манбаларнинг уйғунлашиши деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, буллада - фазода ифодаланган инсоннинг Персополда чизилган бақтрияликлар сингари кийимда ва алтар кўтариб турган ҳолатда ифодаланиши ушбу буллани Қадимги Бақтрия маданияти даври билан даврлаштиришга асос бўлади ва унда ишонч билан кавийлари ифодаланган деган фикрни айтиш мумкин (Gerold Walser, 1980. P. 231).

Олтинчидан, кавийларнинг исмига кўп ҳолларда “асп” сўзи қўшилиши характерлидир. Масалан, Кавий Арватасп, Кавий Виштасп. Демак, уларда от илоҳийлашган ҳайвон ҳисобланган. Маълумки, от энг “учқур” ҳайвондир. Узундан топилган буллада, илоҳий, фазода учаётган марказий персонажда ифодаланган одам оёқларининг от оёқлари сингари бақувват қилиб чизилиши бежиз эмаслигини англатади.

Энди мазкур булла бўйича энг қийин саволга жавоб берсак, бу савол шундан иборатки Қадимги Бақтрия маданиятига оид Кучуктепа, Пшактепа, Таллашқон, Бандихон ёдгорликлари ўрганилган. Аммо, эслаб ўтилган ёдгорликларнинг бирортасидан муҳр ёки булла топилмаган. Нега энди маданий қатлами номаълум бўлган ёдгорликдан топилган буллани, тўртта синиқ сопол парчаси асосида Қадимги Бақтрия маданиятига, яъни кавийларга тегишли деган ҳулосага келинди? Бу саволга жавоб шундан иборатки, Қадимги Бақтрия маданиятига тенгдош бўлган, Эрон ҳудудида жойлашган ёдгорликлардан, жумладан Суза, Персополь каби пойтахт шаҳар харобаларидан, қишлоқ типигаги ёдгорликлардан ҳам кўплаб буллалар ва муҳрлар ўрганилган. Ундан ташқари Осурия подшолиги ёдгорликларидан ҳам муҳрлар топилган ва илмий муомалага киритилган.

Бақтрияшунос, қадимги санъат турлари бўйича ажойиб ғоялар муаллифи А.П. Франкфорт Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган конференциясида Суғднинг Аҳамонийлар ва Аҳамонийлар давригача бўлган глиптикасига бағишланган маърузасида Ўрта Осиё глиптикаси маҳаллий анъаналар асосида ривожланганлигини таъкидлаб ўтган эди (Francfort, 2007. P. 42-48). Демак, Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликларидан муҳр ва буллаларнинг топилиши узоқ йиллардан буён кутилаётган археологик артефактлардан биридир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- Авесто.** Яшт китоби // М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент, 2001.
- Аскарлов А. А., Альбаум Л. И.** Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979.
- Лившиц В. А.** Общество авесты // История таджикского народа. Т. 1. – М., 1963.
- Пьянков И. В.** Государства древних Кави // Древние цивилизации Евразии. История и культура (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 1998 г.). – М., 2001.
- Пьянков И. В.** Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции) // ВДИ. №. 3. 1996
- Сагдуллаев А. С.** Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент, 1996.
- Шайдуллаев Ш. Б.** Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000.
- Шайдуллаев Ш. Б., Икромов Н. М.** Бактрия подшоҳликми ёки кавилик? // O‘zbekiston tarixi. № 2. Тошкент, 2010.
- Francfort H. P.** Trois sceaux de Samarkand «Achemenide» et «Pre-achemenide» et la glyptique de l’Asie Centrale a l’age du fer // The role of Samarkand in the history of world civilization (Materials of the International Scientific Symposium devoted to the 2750th Anniversary of the City of Samarkand). – Tashkent–Samarkand, 2007.
- Gerold Walser.** Persepolis. – Tubingen, 1980.
- Šajdullaev Š.** Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien // Archäologische mitteilungen aus Iran und Turan. – Band. 34. – Berlin, 2002.

## ФАРҒОНАДАН ТОПИЛГАН ЯНА БИР БРОНЗА ДАВРИ ЁДГОРЛИГИ ҲАҚИДА

**М. Х. Хасанов**

Фарғона давлат университети

Жорий йилнинг май ойларида Фарғона вилояти тарихи ва санъати давлат музейи заҳирасига Аввалнинг қишлоғида жойлашган ғишт заводидан тупроқга қўшилиб келиб қолган тош кели топширилди. Тош кели ярим доира шаклида, коса юзаси ишлов бериш натижасида ойнадай силлик. Кели деворининг ташқи томони дағал, унинг косасининг ички диаметри 18 см, чуқурлиги 9 см, ташқи диаметри 75 см, косасининг сув сифими 0,5 л. (1-расм). Топилма ўрнини кузатиш мақсадида худудни бориб археологик назоратдан ўтказдик. Ачинарлиси тош кели топилган ер ғишт заводи учун тупроқ оладиган карьерга айлантирилган. Ҳозиргача тупроқ олинган ер майдони 20-30 га ортади. Кели топилган ерни кузатганимизда соф тупроқнинг қалинлиги 4-5 м боради, кесмаларида қадимги булоқларни ўрни балчиксимон рангда кузатилади. Худуддан бундан ташқари антик даврга тегишли кулоллик идишини бцлакги ва бир дона тош ўғирча топилди. Тупроқ олинган худудда ҳозирда ер ости зах сувлари ҳисобига ботқоқ камишзорга айланган.

Фарғона водийсининг энг сербулоқ худудларидан бири Аввалнинг қишлоғи унумдор қоратупроқ ерлар сабабли қадимдан деҳқончиликни ривожланишига асос бўлган. Яқин худудларда Оқтом (Гамбург, Горбунова, 1967. С. 85), Водил қабристонлари каби бронза даври ёдгорликлари фанда маълум (Гамбург, Горбунова, 1956. С. 85-93).

Қадимги Фарғона ёдгорликларида келиларнинг рўзғорбоп кичкина турлари учрайди. Шу сабабли, нашр этилган илмий адабиётларда бу ерда тошга ишлов бериш қанчалар ривож топганлигига гувоҳ бўлиш мумкин (Заднепровский, 1962. Табл. XXIX). Аввалнинг қишлоғидан топилган тош келига ўхшаш топилма Сополлитепа ёдгорлигидан ҳам топилган. А.А. Асқаровнинг фикр билдиришича, Сополлитепа келиси буғдой ва майда минералларга ишлов бериш натижасида унинг ич томони ойнадай силликлашиб кетган (Асқаров, 1973. Рис. 44). Сополлитепада тоштарошли мармар ва мергеленс типидagi тошлардан турли хил шаклдаги идишларни ясай олганликлари бу хунармандчиликни ривож топганлигидан далолат беради (Асқаров, 1977. Табл. XXIV, 3,4,6). Шимолий Бақтриянинг Қизилтепа ёдгорлигидан топилган тош келилар хўжалик ошхонасида ишлатиш учун мўлжалланган, уларнинг ўлчамлари атига 5-9 см, чуқурлиги 4-6 см (Сағдуллаев, 1987. Рис. 30, 6, 7, 9). Қадимги Бақтрия қишлоқларидан топилган тош қуроллари ҳам тоштарошликни кенг ривожланганлигидан дарак беради. Айниқса, тош болталар бунга яққол мисол бўла олади.



1-расм. 1-тош кели

Ўрта Осиё археологиясида кузатилаётган келиларни фаолиятига қараб уларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ тош келичалар рўзғор учун фойдаланилган бўлса керак, уларнинг ҳажми кичик, коса диаметри 5-9 см, баландлиги ҳам қарийб шу ўлчамда. Бу гуруҳдаги тош келилар маҳаллий кумтошлардан тайёрланган ва деярли барча бронза ва илк темир даври ёдгорликларида учрайди.

Иккинчи турдаги келилар маҳобатлиги ва девори ҳар икки томони ойнадай силлиқланганлиги билан фарқланади. Қадимги Бақтрия ёд-

горликларидан топилган келилар косасини диаметри 20-22 см, баландлиги ҳам қарийб шу ўлчамда. Кўпчилик мутахассислар “бу хил келилар қадимда илоҳий хаома ўсимлиги шарбатини сиқиб олишда фойдаланилган” (Аскарров, 1973), деган хулосага келишган. Хаома ўсимлигидан муқаддас шарбат олиш ва шу билан бирга келилар ҳам Яқин Шарқнинг милоддан аввалги IV-III минг йилликларда Нил соҳилларидан мерос сифатида ўтиб келаётганлигини кузатадилар.

Келини кўриб қадимги тоштарошлик ҳунармандчилигининг қай даражада ривож топганлигини ҳам тасаввур қилиш мумкин. Тоштарошлик, ҳунармандчиликнинг бир тизими сифатида сўнгги энеолит ва илк бронза даврларидан шаклланган, десак хато бўлмайди. Милоддан аввалги IV-III мингйилликларда Саразм ёдгорлиги соҳиблари Зарафшон воҳасида илк марта рангли металлни қайта ишлашга ихтисослашган жамоа сифатида таърифландилар (Исаков, 1991. Рис. 79-81). Бироқ, у ердан топилган мрамрдан ясалган идишлар, “торози тошлар” ёки полвонлар кўтарадиган тошларга ўхшаш “дастали тошлар”нинг бўлиши ўз даври учун хайратланарлидир. Тоштарошликнинг нафис ҳунармандчилик даражасида юксалиб махсус соҳа сифатида фаолият юритилганидан далолат беради. Бу Сурхондарёнинг Миршоди ёдгорлигидан топилган қизғиш рангли тошдан ясалган эркак кишининг бош қисмини тасвирлаган ҳайкалчадир. Г.А. Пугаченкова тош ҳайкалчани ва тошдан ясалган ўғирчаларни келиб чиқиш техникасини Яқин Шарқ маданиятига хос эканлигини кўрсатиб, уларни милоддан аввалги II-I минг йилликлар билан даврлаштирган (Пугаченкова, Ртвеладзе, 1990. С. 35).

Келтирилган тош қурооллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ноёб хлорит, нефрит, лазурит каби тошлардан ясалган гирялар каби маҳобатли кели турлари Яқин Шарқ маданиятига хос бўлса керак. Аввалнинг кишлоғи тупроқ ҳудудларидан топилиб, Фарғона музейига келтирилган кели ёки Сополлитепа ёдгорликларидан топилган кумтошдан (песчаник) маҳаллий тошлардан ясалган келилар шу ерлик усталарнинг меҳнат маҳсули ва улар

хам муқаддас хаома ёки сумалак таёрлашда буғдой ўсимлигини эзишда фойдаланилган бўлиши мумкин.

Катта ҳажмдаги келилар Ўрта Осиё ҳудудига Александр Македонский қўшинларининг кириб келиши билан деярли учрамайди. Бу диний маросимларда жиддий ўзгаришлар бўлганлиги билан боғлиқми ёки бошқа хил металлдан ясалган турдошлари билан алмашди-ми, бу томони бизга маълум эмас.

Ўрта Осиё илк ўрта асрларда маҳаллий урбанизацион жараёнларнинг марказига айланган. Сўғд маданияти равнақини ва унинг таъсир доирасини ғарбда Византиягача, Шарқда то Синцзян вилоятларига қадар бўлганлигини кузатамиз. Қадимги Ипак йўлида суғдлар асосий савдо фаолиятини бошқарадиган, ўзларининг маданиятини бошқа халқларга сингдира оладиган юксак даражага қўтарилганлар.

Бу даврда зардуштийлик динида ҳам катта ўзгаришлар кузатилади. Бир даврнинг ўзида даштдаги чорвадор халқларда майит дафн қилинса, ўтроқ аҳоли орасида зардуштийликни устуворлигини кузатамиз ва майитнинг этдан тозаланган суяклари остодонларда, махсус хилхоналарда сақланганлиги маълум. Келилар ўтмишини, у билан боғлиқ бўлган диний муносабатларни тиклашда Иштихонтепадан топилган остодон ноёб ҳисобланади. Остодон гарчи катта бўлмасада, унинг чор атрофи гўё илк ўрта аср худолари ва қоҳинлари тўғрисидаги энциклопедик мажмуа сифатида ясалган. Одатда остодонларнинг маҳобатли безатилиши ёки бежиримлиги соҳибининг ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ бўлади. Остодонда 13 та аёл ва эркаклардан иборат маъбудлар қўлларида ўз нишонлари билан тасвирланган. Бизни қизиқтирган персонажнинг ўнг қўлида кели, кели дастаси билан, чап қўлида хаома ўсимлигининг шохи тасвирланганлигига асосланиб, Хардод - сув маъбудидеб таърифланган. Хардод хаома ўсимлигини шарбати билан ибодатхона қудуғини ва ҳаёт манбаи бўлмиш сувни инсу-жинслардан тозалаган. Аввалнинг қишлоғидан топилган кели оддий тошдан ясалган бўлсада, уни қадимги тарихни ёритишдаги ўрни ниҳоятда аҳамиятлидир. Адабиётларда кўп ҳолларда кўп ҳудудлик ғарбнинг таъсири, деб ҳисобланади. Ҳозир биз келичага асосланиб Хардод маъбудидеб милоддан аввалги VI-IV асрларга қадар ҳам бўлганлигини айтишимиз мумкин. Фақат эллин маданияти таъсири остида маҳаллий маъбудлар терракота ҳайкалчаларда ёки деворий суратларда ўз аксини топди. Қадимги Фарғона маданияти унинг ҳудудидаги марказлашган шаҳарлар тўғрисидаги тасаввурларимиз янада бойиди. Самарқанднинг Челак шаҳри яқинида очилган қадимги Кўктепа шаҳар сифатида милоддан аввалги X-IX асрлардан шаклланганлиги воҳадаги урбанизацион жараёнларни қадимийлигини исботи бўлди. Муқаддас Авесто китобида Дарғомни ва Булунғур ариқларини тилга олиниши ва хаома ўсимлик шарбатини эзиб олишда фойдаланиладиган тош келини топилиши, Зороастрнинг Зарафшон воҳасида туғилганлигига яна бир ашёвий далил бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Гамбург Б. З., Горбунова Н. Г. Ак-тамский могильник // КСИИМК. Вып. 69. – М. – Л., 1967.  
Гамбург Б. З., Горбунова Н. Г. Могильник эпохи бронзы в Ферганской долине // КСИИМК. Вып. 63. – М. – Л., 1956.

- Заднепровский А. Ю.** Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 118. – М.– Л., 1962.
- Аскарлов А. А.** Сапаллитепа. – Ташкент, 1973.
- Аскарлов А. А.** Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент. 1977.
- Сагдуллаев А. С.** Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент. 1987.
- Абдуллаев К.** Культ хаомы в древней Центральной Азии. – Самарканд, 2009.
- Исаков А. И.** Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины) (раскопки 1977-1983 гг.). – Душанбе, 1991.
- Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В.** Северная Бактрия - Тохаристан // Очерки истории и культуры древности и средневековья. – Ташкент, 1990.

## ЗИЁВУДДИН ТОҒ ТИЗМАСИ ЯНГИ ҚОЯТОШ РАСМЛАРИ ТАДҚИҚОТИ ХУСУСИДА

**А. Н. Холматов, К. А. Раҳимов,  
М. М. Саидов, С. Ҳ. Хўжамов, У. Бозоров**  
Самарқанд археология институти

Она диёримиз сарҳадлари аждодларимиз маданий меросининг жонли гувоҳлари ҳисобланувчи тарихий маданий ёдгорликларга жуда бой. Мустақил Республикамиз ўз тараққиёти тизимининг барча жабҳаларида жаҳон андозасига эришаётган бир пайтда, бу юксак маданий меросни ўрганиш ва уни жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиш ҳозирги даврнинг талабидир.

Ватанимиз тарихини кенг кўламли ва тўлақонли ўрганишда тарихий маданий ёдгорликларнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Шундай тарихий маданий ёдгорликлардан бири бўлган қоятош расмлари ўз мазмун моҳияти билан кишилик тарихи тараққиёти турли босқичлари аҳолиси маънавий кечинмалари, санъати, диний эътиқоди, хўжалик машғулотлари, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, ҳамда этномаданий муаммолари тўғрисида қимматли маълумот берувчи тош йилномалардир. Шунингдек, бу турдаги ёдгорликлар зоолог олимлар учун ҳам қадимги ҳайвонларни ўрганишда ўзига хос муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда бутунжаҳон миқёсидаги муаммолар ичида тарихий-маданий мерос объектларини асраш ва келажак авлодга етказиб бериш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади (Древнее наскальное искусство..., 2018. С. 5-8). Маданий мерос намунасини ўзида мужассам этган қоятош расмлари ёдгорликлари инсоният тарихи турли босқичлари овчи ва кўчманчи дашт чорвадор аҳолиси маънавий кечинмалари, санъати, диний эътиқоди, хўжалик машғулотлари, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, ҳамда этномаданий муаммоларини ўрганишда бирламчи манба сифатида аҳамиятли ҳисобланади. Шу асосда қоятош расмлари қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, олам ҳақидаги тасаввурлари ҳамда диний тушунчаларини тиклаш имконини яратади.

Ҳозирги жаҳон тарихи фанида дунёнинг етакчи илмий муассасалари томонидан қоя тош расмларига тарихий манба сифатида эътибор қаратишиб, уларни сақлаш, консервация ва таъмирлаш, даврий саналаш, тасниф қилиш ҳамда маҳаллий ва жаҳон цивилизацияси ривожига тутган ўрнини белгилашда тадқиқотнинг замонавий услубларини кенг қўллаш ишлари амалга оширилмоқда (Достижения и перспективы..., 2009. С. 3-6).

Маълумки, Зиёвуддин тоғ тизмаси паст тоғлардан иборат бўлиб, овчи ва кўчманчи чорвадор халқлар яшаши учун жуда қулай бўлган ҳудудлардан биридир. Шу жиҳатдан бу ҳудудлар қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор аждодларимиздан мерос қолган кўплаб археологик ёдгорликларга бой ҳисобланади. Ўзбекистон қоятош расмлари тадқиқотида ушбу ҳудудлар ҳали деярли ўрганилмаган минтақалардан бири ҳисобланади. Бу тоғ тизмаси ер ости қазилма бойликларига бой бўлиб, бу ерларда қадимги мис, қалай конлари мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда эса бу тоғ тизмасида Навоий тоғ металлургия комбинати томонидан олтин қазиб олиш учун Қорақўтон конларида қазилма ишлари амалга оширилмоқда. Бу кон металлургия комбинати томонидан амалга оширилаётган қазилма ишлари натижасида ўтмиш аждодларимиздан бизга мерос қолган қоятош расмларига жиддий зарар етказилмоқда.

Шу жиҳатидан Самарқанд археология институти бир гуруҳ ходимлари (К. Раҳимов, М. Саидов, С. Хўжамовлар билан бирга) Жалойир қишлоғи 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Бозоров Умид Иброҳим ўғли томонидан дастлаб аниқланган ҳудудларда яъни, Зиёвуддин тоғ тизмасининг шимолий ён бағридан оқиб тушувчи сой жилгаларидан бирида олиб борилган дала қидирув тадқиқотлари натижасида Қизбувисой ва Умидсойда кўплаб янги қоятош расмлари рўйхатга олинди. Бу янги қоятош расмларидан бири Қизбувисой Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ҳудудида жойлашган. бўлиб, унинг атрофлари ясси қир ва текисликлардан иборат. Бу сой асосан баҳорги ёмғир ва жала сувларидан тўйинади, мавжуд булоқлар эса ёз ойларига келиб қуриб қолади. Қояларда асосан қадимги овчи ва чорвадор халқларимиз диний эътиқоди, маънавий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик ҳаёти, кунлик турмуш тарзи билан боғлиқ мазмунга эга бўлган қоятош расмлари тасвирланган. Бу тасвирлар Қизбувисойнинг ўнг ён бағридаги оҳакли, майда зарра кумли, сланецли тоғ жинсларидан ташкил топган қоятошларга уриб-чўкичлаб, ўйиб ишланган. Расмларнинг асосий қисми сойнинг ўрта қисмида жойлашган қоятошларга чизилган ва улар алоҳида ёки композицион манзараларда акс эттирилган. Шунингдек, бу расмлар тури хилма-хил бўлиб, одам, ёввойи ҳўкиз (буқа), тоғ эчкиси, архар, сайғоқ, қулон, от, туя, эшак, эчки, бўри, тулки, ит, суворий (отлиқ), овчи, жангчи, от анжомлари (эгар жабдуқ, юган), қилич, ханжар, тамға, байроқ (туғ), кирилл ҳарфидаги ёзувлар, турли шаклдаги ноаниқ белги тасвирлари, абстракт ва чала қолдирилган расмлар ҳамда кўплаб ноаниқ-хира тасвирлардан иборат эканлиги аниқланди.

Шунингдек, тадқиқотларимиз давомида яна Навоий вилояти Кармана тумани ҳудудига қарашли Умидсойда янги қоятош расмлари борлиги аниқланиб археологик харитага олинди. Бу сой дарасида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида ҳам кўплаб қоятош расмлари рўйхатга олинди. Улар асосан тоғ эчкилари, архар, буғу, от, ёввойи ҳўкиз, тўнғиз, жайрон, сайғоқ, мушуксимонлар оиласига мансуб бўлган йиртқич ҳайвонлар, ит ёки бўри каби тасвирлардан иборат. Улар орасида одам суратлари ҳам бўлиб, улар олдинга тик қараб турган, қўл ва оёқларини икки ёнига кенг ёзган ҳамда эркаклик белгиси бўрттириб кўрсатилган ҳолда тасвирланган. Бу ерда амалга оширилган дастлабки изланишларимиз натижасида 200 дан ортиқ қоятош расмлари борлиги маълум бўлди.

Умидсой қоятош расмлари сланец, гранит, оҳактош ва майда заррали кумтошлардан иборат қояларнинг текис сатҳларига қадимги рассомлар томонидан асосан тош ва металл

асбоблар билан уриб-чўкичлаш, ўйиш, ишқалаш ёки тирнаш ва кесиш техникалари асосида ишланган. Расмларнинг асосий қисми қоятошларнинг қуёш нури яхши тушадиган текис сатҳларида учрайди. Бундай ҳолат Марказий Осиё тоғларидан топилган деярили барча қоятош расмлари ёдгорликларига хос хусусиятлардан биридир (Хўжаназаров, Холматов, 2012. 111-117 б.).

Бу ёдгорликлар қояларида турли мазмундаги қоятош расмларининг учраши, айниқса диққатга сазовордир. Улар шу ҳудудда қадимдан яшаб келган аجدодларимизнинг маънавий-маданий ҳаёти, санъати, диний эътиқоди, кундалик турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган тасвирлардан иборатдир. Улар орасида тоғ эчкиларига йиртқич ҳайвонларнинг човут солаётгани, овчиларнинг ҳайвонларга камондан ўқ узаётгани, сарбонлар етакчилигида оҳиста бораётган туялар карвонини ва отини елдириб кетаётган чавандозларнинг тасвирларини кўриш мумкин.

Қизбувисой ва Умидсой қоятош расмлари қадимги рассомлар томонидан узоқ даврлар мобайнида соя, контур ва оддий схематик услубларда ишланган. Бу расмларнинг қуёш ва бошқа табиат ҳодисалари таъсирида қорайиш даражалари ҳам хилма-хил, баъзи бир расмларнинг сирти жуда қорайиб кетган, яна бирлари ёрқинроқ даражада бўлса, бошқалари кучсиз қорайган. Бундай ҳолат тасвирларнинг хронологик ёшини аниқлашда қисман бўлсада ёрдам беради. Маълумки қоятош расмларининг мазмун ва турлари, ишланиш техникаси ва услуби, қуёш нурида қуйиши ва сакланиш даражаси каби ҳолатлардаги ўзаро фарқлар уларнинг турли даврларга оид эканлигини кўрсатади. Юқоридагиларни эътиборга олиб, бу қоятош расмлари ёдгорликлари устида амалга оширилган илмий тадқиқотларим жараёнида уларни хронологик жиҳатдан қуйидаги тўртта йирик тарихий даврга: бронза, илк темир (сак-скиф) ва антик, илк ўрта асрлар, ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларга ажратиб ўрганилди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Ўрта Зарафшон воҳаси хусусан Зиёвуддин тоғ тизмаси одамлар яшаши учун жуда қулай ҳудудлардан бири бўлиб, ушбу ҳудуд инсоният томонидан тарихий тараққиётнинг тош давридан бошлаб ўзлаштирилган. Буни мана шу ерлардаги турли археологик ва маданий мерос ёдгорликларининг сероблигидан ҳам билиб олса бўлади. Хусусан, қоятош расмлари бу ерларда яшаган қабила ва элатларнинг тасвирий санъатини, диний эътиқодларини ва кундалик юмушларини, қолаверса, ўша давр ҳайвонат оламини, уларнинг қандай меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлардан фойдаланганлигини билиб олиш ва тушунишимизда муҳим, бирламчи манбалардан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Древнее наскальное искусство** в контексте мирового культурного наследия // Тезисы докладов Международной научно-практической конференции. 26 июня - 30 июня 2018 г.
- Достижения и перспективы изучения, сохранения и управления природного и культурного наследия «Сармишсая».** - Тошкент, 2009.
- Хўжаназаров М. М., Холматов А. Н.** Қорақиясой қоятош ёдгорлиги тадқиқотларидан // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. №37. – Тошкент, 2012.

## КАРМАНА ТУМАНИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

М. М. Саидов, К. А. Рахимов, А. Н. Холматов,  
С. Ҳ. Хўжамов, Д. С. Омонов  
Самарқанд археология институти

Бухоро Суғдининг шарқий чеккасида, икки йирик шаҳар- Самарқанд ва Бухоро ўрта-сида, қадимий “Шоҳ йўли” (шоҳ роҳ) устида жойлашган Кармана муҳим марказ сифатида йирик иқтисодий ва ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган. Кармана шимолда Нуротанинг Қоратоғ тизмалари, шимоли ғарбда Қизилқум, жанубда эса Зиёвуддин - Зирабулоқ тоғ тизмалари, шарқда ҳосилдор боғлар билан ўралган, географик жиҳатидан жуда қулай жойлашган.

Наршахий “Бухоро тарихи” китобида Карманага шундай таъриф берган: “Кармана Бухоро қишлоқлари жумласидан бўлиб, унда масжиди жомеъ барпо этилган, адиб ва шоирлар кўп бўлган” (Наршахий, 1996). Ас-Сомонийни “Насафнома” асарида ҳам ўрта асрларда Карманада бир неча олиму уламолар етишиб чиққанлиги тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Истаҳрий, Муқаддасий, Якубий асарларида эса иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган рустоқ маркази сифатида тилга олинган.

2022 йилда Кармана тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу шаҳарнинг ёшини аниқлаш мақсадида Яхё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтининг илмий ходимлари томонидан бир неча йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Биринчи йўналиш Кармана шаҳри ҳудудида жойлашган Буркуттепа ёдгорлигини таркибий қисмлари бўлган арк, шаҳристон ва рабод чегарасини аниқлаш мақсадида қазув ишлари олиб борилди. Ёдгорлик тўғрисидаги биринчи қисқача маълумот 1934 йилда ўтказилган Зарафшон экспедициясининг бошлиғи А.Ю. Якубовский томонидан қолдирилган. Унинг ёзишича, ёдгорлик арк (куҳандиз), шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. (Якубовский, 1934. С. 150).

1986 йилда ёдгорликни схематик плани тузилган ва унинг устидан териб олинган археологик топилмаларнинг бўлақларига асосан Буркуттепада эрамиздан аввалги III-II асрлардан ўрта асрларга қадар ҳаёт давом этгани тахмин қилинган (Маньолов, 1987. С. 171-173).

Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида аркнинг 8 метр кенгликдаги мудофаа девори очиб ўрганилди ва шу билан бирга, аркнинг шимолий қисмида олиб борилган қазилма ишлари натижасида бу ерда ёдгорликнинг эрамиздан аввалги IV-III асрларига тегишли археологик топилмалар билан бирга ертўлага ўхшаш уй-жой ўрни қолдиғи топилган. Ёдгорликни шаҳристонидан (ҳозирда қабристонга айлантирилган)

олиб борган қазिशмалар натижасида X-XIII асрларга оид кўплаб кулоллик идиш бўлаклари ва пишиқ ғиштлар, тегирмон тошлари қайд қилинган (Хўжаназаров, Мирзаахмедов, Грицина, Рахимов. 2001. Б 189-190; Хўжаназаров, Грицина, Мирзаахмедов. 2002. С.179-186)

2022 йилда Бурқуттепа ёдгорлиги рабод қисми ҳудудини аниқлаш мақсадида аркдан 20 метрлар жанубда стратиграфик шурфлар ташланиб, бу ерда аралаш қатламлар қайд этилди. Яъни, Кармана шаҳри ҳудудида сўнгги ўрта асрлардан бошлаб олиб борилган қурилиш ишлари давомида рабод қисми тўлиқ ўзлаштирилганлиги кузатилди.

Иккинчи йўналиш Кармана шаҳрининг атроф ҳудудларида жойлашган қишлоқ маконларини ўрганиш ва шу орқали шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги муносабатларни ўрганишга қаратилди. Жумладан, Чиллатепа ёдгорлиги кўшқининг жанубий чеккасида 2,8x7,5 м ўлчамдаги траншея ва унинг манзилгоҳи жанубий чегарасида 3x5,5 м ва 2,5x3,75 м ўлчамдаги майдонда қазिश ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида кўшқ ҳудудида қазиб тушилган траншеяда антик даврдан то XII асрларгача бўлган давр моддий маданиятлари аниқланди.

Дастлабки маълумотларга кўра манзилгоҳ сўнгги антик даврда шаклланган бўлиб, ушбу давр маданий қатламлари устида илк ўрта асрларга тегишли хом ғишдан қурилган мудофаа девор қолдиқлари очиб ўрганилди. Мудофаа девори 42x23x9 см ўлчамдаги хом ғишдан қурилган бўлиб, сақланиш баландлиги 1 м, кенлиги 1,85 м.ни ташкил қилади. Девор 4 та қурилиш даврига оид бўлиб, у маданий қатламлар устига қурилганлиги кузатилади. Ушбу девор атрофида топилган кулоллик идишлари эрамининг VII-VIII асрларга тааллуқли эканлиги аниқланди.

Илк ўрта асрларда инкирозга учраган қишлоқ макони XI-XII асрларда Қорахонийлар даврида яна ўзлаштирилади. Хусусан, бу борада юқори қатламлари орасида ушбу даврга оид пишиқ ғишт, кулоллик идиш бўлаклари аниқланган.

Бундан ташқари шаҳар чеккасидаги Кунжактепа ёдгорлигида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилиб, унинг шимоли-ғарбий томонида 2x11,5 м траншея ва ёдгорликнинг ғарбий томонидан 8 метр узокликда 2x3 м ўлчамда шурф ташланди. Ёдгорликнинг шимоли-ғарбий ҳудудида қазилган траншеяда илк ўрта асрларга оид 4 та қурилиш даврига тегишли пахса ва хом ғишт аралаш пахса мудофаа девор қолдиқлари ва унинг ички томонида пахса деворли тураржой ўрни қолдиқлари очиб ўрганилди. Хоналардан бирида ёнма-ён жойлашган 2 та хўжалик ўра қолдиқлари аниқланди. Ушбу ўралардан бири хона полинини устига қурилган бўлса, иккинчиси хона полини кесиб тушиб қилинган ва унинг сақланган қисми чуқурлиги 20 см.га тенг. Ушбу қазишма ишлари жараёнида мудофаа девори орасида сўнгги антик даврига тегишли қадах, қизил ангоб билан бўялган коса ва хурмача идиш бўлаклари қайд этилди.

Қайд этиш жоизки, қишлоқ маконларида аниқланган кулоллик идишлари ўзининг тайёрланиш техникаси ҳамда технологиясининг юқори сифатлиги билан ажралиб туради. Бу ўз навбатида ушбу идишларни шаҳар хунармандлари ясаганлигидан далолат беради

Учинчи йўналиш Кармана тумани ҳудудидаги археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ва шу асосда ҳудуд антропоген ландшафтининг ўзлаштириш динамикасини ўрганишга қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори,

04.10.2019 йилдаги 846-сон қарорида Кармана туманида 28 та археологик ёдгорликлар қайд қилинган бўлса, тадқиқотлар давомида яна 10 дан зиёд археологик ёдгорликлар ўрни аниқланди. Бундан ташқари 10 дан зиёд мозорқўрғонлар жамланмасида 200 дан зиёд мозорқўрғонлар аниқланди ва уларнинг координаталари белгилаб олинди. Айни вақтда 1970-1980 йилларда бузилиб кетган 3 та ёдгорлик ўрни ГИС тизими ёрдамида қайд этилди. Туманнинг жанубий қисми ҳудудида эса илгари номаълум бўлган қоятош суратлари рўйхатга олинди.

2023 йилда Кармана тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу шаҳарнинг ёшини аниқлаш бўйича қуйидаги тартибда илмий тадқиқотларни кучайтириш режалаштирилмоқда:

GPR (георадар) ва магнитометр ёрдамида Бурқуттепа ёдгорлигини тадқиқ этиш ва шу асосда ёдгорликнинг тўлиқ топографиясини шакллантириш;

Бурқуттепа ёдгорлигида кенг қамровли қазишма ишларини олиб бориш;

Кармана тумани археологик ёдгорликларини рўйхатини шакллантириш мақсадида археологик қидирув ишларини давом эттириш ва шу асосда ҳудуднинг ўзлаштириш динамикасини ёритиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

**Якубовский А. Ю.** Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. // ТОВЭ. Т. II. – Л., 1940.

**Бартольд В. В.** История культурной жизни Туркистана / Соч. Т. II (1). – М., 1963.

Маньолов Ю. П. Отчет о работах в Навоийской области по теме: Составление карты археологических памятников Навоийской области в 1986 г. // Архив ИА АН Узбекистана. – Самарканд, 1987.

Ан-Наршахий . Бухоро тарихи / Форс тилидан ўзбек тилига А. Расулов таржимаси. – Тошкент, 1991.

**Хужаназаров М., Грицина А. А., Мирзаахмедов Д. К.** Археологические исследования Карманинского отряда // Археологические исследование в Узбекистане - 2001 год. – Тошкент, 2002

**Хўжаназаров М., Мирзаахмедов Д. К., Грицина А. А., Рахимов К. А.** Кармана ва унинг атрофида олиб борилган археологик ишлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2000-йил. – Самарканд, 2001.

## НУРОТА ТОҒИ АҲОЛИСИНИНГ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МЕТАЛЛСОЗЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ

**А. Н. Сандибоев, К. А. Раҳимов, А. А. Холматов,  
Х. Б. Хошимов, Н. Алимов**  
Самарқанд археология институти  
**А. Алибеков, Ш. Омонов, Д. Қулматов**  
Самарқанд давлат университети

Ўрта Осиё халқлари тарихида металл буюмлар ва уларининг аҳамияти ҳақида хабар берувчи энг қадимги ёзма манбалардан бири Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган Авестодир. “Авесто”да қуёш худоси бўлган Митранинг металлдан ясалган жанговар қуроллари ҳамда отлар қўшилган олтин аравада коинотда учиб юрувчи ёруғлик ва покизалик худоси сифатида таърифланади (Авесто, 2015. 207, 379 б).

Геродот ўзининг “Тарих” китобида “Орол денгизидан Нурото тоғларигича бўлган масофада темир, кумуш кам, олтин ва мис ниҳоятда кўп”, Страбон эса “уларнинг мамлакатаида кумуш йўқ, темир оз, аммо мис ва олтин ниҳоятда кўп”, деб, Марказий Осиё ҳақида маълумот бериб, ўз рисолаларида темир озлигидан от, улов, асбоб-анжомларнинг аксар кўп қисми олтин ва кумушдан ясалганлиги ҳақида ёзиб қолдирганлар (Хошимов, 1998).

Археологик манбаларга кўра, мил. авв. IV минг йилликнинг II ярмига келиб, Қадимги Шарқда илк металлдан ясалган меҳнат қуроллари пайдо бўла бошлайди (Лордкипанидзе, 2001. С. 11). Умуман, инсониятнинг тарихий тараққиёт босқичида металлнинг кашф қилиниши ва металлургиянинг тобора ривожланиши натижасида урбанизация жараёнининг иқтисодий базаси сифатида дастлабки шаҳарларнинг ташкил топиши ҳамда уларнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Металл туркий халқлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, ҳоқонлик сиёсий кучининг пойдевори, деб қаралган (Бобоёров, 2018. 312 б). Ҳоқонликнинг асосчиси бўлмиш Ашина хонадони дастлаб темир қазиб олиш билан шуғулланган (Гумилев, 2007. 74-75 б; Сандибоев, 2021. 109 б). Олтой тоғларидаги конлар «уруғ ғори», «аждоқлар ғори» сифатида қадрланган ва бу ғорларга келиб, қурбонлик маросимларини адо этишган (Бобоёров, 2018. 34 б).

Ўрта аср манбаларида Мовароуннаҳр тоғларида олтин, кумуш, симоб, темир ва бошқа турдаги фойдали қазилма конларига бой бўлгани кайд этилган. Мовароуннаҳрда металга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши натижасида конлар жадал суратларда ўзлаштирилган ва ҳатто баъзиларнинг атрофида танга зарбхоналари ҳам мавжуд бўлган.

Ан-Наршаҳийнинг қайд этишича, Бухоронинг Шарф қишлоғи савдогарлари мисни бошқа вилоятларга олиб борганлар (Наршаҳий, 1991. 97 б). Ўз навбатида Шарф савдогарлари мисни Нурота тоғларидан олганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас (Массон, 1953. С. 20-21). Жумладан, Бухоро хонлигида бўлган К. Бутенов Нурота тоғлари мис руда конларига бой эканлигини қайд этиб ўтган бўлса (Бутенев, 1842. С. 137-148), геолог Е.Б. Пругер Нурота тоғларидаги қадимий металл конларининг ўрнини тадқиқ этиб, Синтоб, Қорақудук, Консой, Узунсоқол, Давлатхўжа, Карул-Чорметан, Олтинсой ва шу билан бирга Ингичка конларидан олтин, Ухумдан мис, Фиджаксой, Ходрудсойдан темир, Илончидан кўрғошин, Темирчидан феруза қазиб олинганлигини таъкидлайди. Ушбу конлар тадқиқотчи томонидан илмий таҳлил қилиниб, улар VII-VIII, IX-XIII, XVII-XVIII асрлар билан даврлаштирилган (Пругер, 1978. С. 212-219; Буряков, Журавлев, 2000. С. 57-61). 2022 йилда Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтини бир гуруҳ илмий ходимлари томонидан Нурота тоғларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида ҳам металл эритиш кўраларининг ўрни очиқ ўрганилди. Жумладан, Нурота тоғининг шимолий ён бағрида жойлашган Чоткесар сойида сочилиб ётган темир тошқоллар ҳамда металл эритиш кўрасининг девор қолдиқлари қайд этилди. Металл эритиш оқибатида кўра деворлари кучли олов таъсирида қизғиш тус олган. Металл эритиш кўраси атрофидан йиғиб олинган кулоллик идишларнинг (хум, хурмача, кўза ва бошқа) парчалари ривожланган ўрта асрларга тегишли бўлиб, улар кулоллик чарҳида ясалган.

Шунингдек, Хўкизўлди металл эритиш кўраси Фориш тумани, Гараша қишлоғи, Хўкизўлди сойининг ўнг томонида жойлашган. Мазкур қурилма айлана шаклда, диаметри 1 м, сақланиш баландлиги 1,40 м ташкил қилсада, унинг шарқий томони сойнинг сув ювиши оқибатида сақланмаган. Металл эритиш кўраси материк қатламни қовлаб олиб қурилган, кўранинг ён деворларигани остки қисмига тик ҳолатда турли хил ўлчамдаги тошлар терилган. Ушу тошларнинг баландлиги 68-72 см, кенлиги 18-22 см, қалинлиги 2-2,5 см га тенг. Тик терилган тошлар устидан эса горизонтал шаклда 4 қатор тошчалар терилган. Бу тошларнинг ўлчами турли хил бўлиб, унинг устидан 8-10 см қалинликда лой ётқизилган. Кўранинг полига ҳам ҳар хил ўлчамдаги тошлар терилган. Металл эритиш кўрасини ён деворига тошчалар лой билан терилган бўлиб, кўранинг ички қисми 2-3 см қалинликда сомон аралаш лой билан сувалган. Кўра ён деворининг юқориси, яъни лой билан кўтарилган қисми юқори ҳарорат натижасида 10-12 см қалинликда қизариб куйган. Кўранинг сақланган қисми стратиграфиясини тўплами қуйидагича: юқорида биринчи қатлам 20-30 см қалинликда юмшоқ тупроқ қатлам, уни таркибида ўсимлик илдизлари, озроқ тош, ёнган кўмир қолдиқлари кузатилади. Иккинчи куйган тупроқ қатлам 28-30 см қалинликдан иборат бўлиб, уни таркибида олов таъсирида куйган девор қолдиқлари, майда тошчалар, шлак парчалари учрайди. Учинчи қатлам 36-38 см қалинликдаги тепадан йиқилиб тушган металл тошқоллардан иборат. Мазкур қатлам остида эса куйган тупроқ қатлам ётқизилган, унинг орасида маъдан тошқоллари, шлак, тошчалар ва кул учрайди. Пол устида 14-16 см қалинликдаги кул қатламидан иборат.

Кўрадан 20 метрлар жанубда кўплаб тошқоллар қайд қилинди ва унинг атрофидан маҳаллий аҳоли томонидан қўлда ясалган хумча топилган. Хумча лойи таркибида майдаланган тошча ва майдаланган сопол (шамот) ва қум учрайди. У бир хилда пиширилмаган.

Идиш тўртта балдоқдан иборат бўлиб, уни баландлиги 50 см, оғзи ва тагдонини айланаси 27 см, деворини қалинлиги 0,8-1,2 см. ни ташкил қилади. Этнографик манбаларда ушбу хилдаги идишлар “тўртқулоқ” номи билан аталади.

Бу турдаги металл эритиш қўралари Оҳангарон воҳасидан ҳам топилган бўлиб, уларнинг деворлар пишган ғиштдан, баъзи қисмлари тошдан терилган (Буряков, 1974. С. 46).

Маълумки тошлар сув шимувчанлиги даражаси паст бўлганлиги учун ҳам иссиқлик даражасини ўзидан тез ўтказиб берган ва шу билан бирга қўрани камерасида иссиқ ҳароратни узок вақт сақлаб туриш учун хизмат қилган. Бундан ташқари қўра деворларини тошдан терилиши улар камера ичида юқори даражадаги иссиқ ҳароратни қисқа муддатда ҳосил қилишга имкон берган бўлиши мумкин. Натижада, ушбу юқори ҳароратда рудадан (маъдан) темир эртиб ажратиб олинган.

Нурота тоғининг жанубий ён бағрида Қорачақия қишлоғининг шимоли - ғарбий томонида жойлашган, маҳаллий аҳоли томонидан Темирпишган, деб номланган. Ҳамда ушбу жойда қадимий руда қазиб олиш кони қайд этилди. Темирпишган руда кони Нурота тоғ тизмасининг жанубий ён бағридан оқиб тушувчи Тошқўрғонсойнинг чап томонида, денгиз сатҳидан 748 м баландликда жойлашган. Ушбу кон очик усулда (карьер) ковлаб олинган бўлиб, унинг умумий майдони 518,27 м<sup>2</sup>. Мазкур майдонда 5 тадан ортиқ бўлган темир рудани ажратиб олиш нуқталари қайд этилди. Бунда траншея кўринишда ҳосил қилинган темир рудани ажратиб олиш нуқталари тўғри тўртбурчак шаклда, ён деворлари кучли юқори ҳароратда ёнган олов таъсирида қизгиш тус олган. Руда кон атрофидан кулоллик чархида ясалган хурмача бўлаклари ва кўза дастаси қайд этилди. Бунга ўхшаш хурмача идишлари Суғд ёдгорликларининг I-II асрларига тегишли қатламларида кузатилади. Шунингдек, Жўш қишлоғи марказида жойлашган Бекқўрғонтепа археологик ёдгорлигининг шахристон қисмида металл эритиш қўраларининг ўрни қайд этилди. Мазкур қўралар атрофида сочилиб ётган металл тошқолларни гувоҳлик беришича, бу ердаги қўралардан металлни қайта эритиш ва тозалаш учун фойдаланилган.

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида келтиришича, “Арканақун тоғидаги қиёт ва дарлакин қабилалари кўпайгач, улар тоғдан ташқарига чиқмоқчи бўлганларида, ушбу тоғнинг бир томони темир маъдандан иборат эканлигини билади ва уларни йўл-йўл қилиб қазиб, барча қавмлар тўпланишиб, жуда кўп ўтин ва кўмир тўда қилдилар. Кийик, Оҳу терисидан 900 дам ясадилар. Ҳар бири 50 ман келадиган кўмир оташини ёқдилар ва дамларни ишга солдилар. Олов кучая боргач, тобига келди ва дарҳол темир сувдек оқа бошлади. Кўп ҳаракат билан тоғнинг баъзи жойларини эритиб, йўл очдилар ва ташқарига чиқдилар” (Мирзо Улуғбек, 1994. 59 б), дея қайд этади. Яъни, асарда қиёт ва дарлакин қабилалари Арканақун тоғида ўзларига йўл очиш учун тоғдаги металлни эритиб ташлагани ҳақида гап кетмоқда.

Хуллас, инсоният қадимдан металл қазиб олиш ва унга ишлов бериш орқали меҳнат куруллари, курул-яроғлар ясашга ўтиш билан тоғ-кон саноати ривожига катта хисса қўшиб келган. Ёзма ва археологик манбаларнинг илмий таҳлилига Нурота тоғларида темир, мис, олтин, кўрғошин ва феруза каби конларнинг мавжудлиги ҳамда металл эритиш билан боғлиқ бўлган қўраларнинг очиб ўрганилиши бу ҳудудда ўрта асрларда металлсозик хунармандчилиги юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Авесто** / Форс тилидан Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент, 2015.
- Ан-Наршахий.** Бухоро тарихи / Форс тилидан ўзбек тилига А. Расулов таржимаси. – Тошкент, 1991
- Мирзо Улугбек.** Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Ахмедов, Н. Норкулов, М. Хасаний таржимаси. – Ташкент, 1994.
- Бобоёров Ғ.** Ғарбий Турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Тошкент, 2018.
- Буряков Ю. Ф.** Горное дело и металлургия средневекового Илака (V-начало XIII вв. – М., 1974.
- Буряков Ю. Ф., Журавлев Л. К.** Извлечение благородных металлов в средневековом Согде // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. – Самарканд, 2000.
- Бутенев К. Ф.** Минеральные богатства Бухарии // Горный журнал. Ч. IV. 1842.
- Гумилев Л. Н.** Қадимги турклар. – Тошкент, 2007.
- Лордкипанидзе Л. Н.** История геологического изучения Узбекистана в системе цивилизации Азии. –Ташкент, 2001.
- Масон М. Е.** К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент, 1953.
- Пругер Е. Б., Дресвянская Г. Я.** Средневековые горный промысел Нурататау // История и археология Средней Азии. – Ашхабад, 1978.
- Сандибоев А.** Маймуғ илк ўрта асрларда. – Тошкент, 2021.
- Ўзбек тилини изоҳли луғати** / Мадалиев таҳрири остида. – Тошкент, 1989.
- Ҳошимов С.** Туркистоннинг дипломатик алоқалари тарихидан // Фан ва турмуш. 2-сон. 1998.

## ДОМОНГОЛЬСКАЯ УСТРУШАНА - НОВЫЕ ИСТОЧНИКИ И НАПРАВЛЕНИЯ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО ЕЕ ИСТОРИИ

**Юрий Карев**

Французский Национальный центр научных исследований (CNRS)

История Уструшаны в первые века ислама и до монгольского завоевания является предметом давнего и плодотворного изучения специалистами разных дисциплин. Начавшиеся с середины XX го века и продолжающиеся до настоящего времени археологические раскопки в Узбекистане и в Таджикистане служат главным источником новой информации о прошлом региона. Открытия археологов не просто радикально поменяли, они определили наши представления о том, какое место, прежде всего в культурном и технологическом отношении (живопись, архитектура, металлургия, ирригация и проч.), царство уструшанских афшинов занимало среди государств, руководимых другими династическими домами Мавара'аннахра - в Бухаре, Согде, Фергане, Шаше и к югу от Гиссара. Не менее важны результаты раскопок и для понимания трансформации региона уже после ухода с исторической сцены в конце IX го века представителей старой правящей аристократии и исчезновения «царств» как таковых, когда новые правящие элиты, принесящие или принявшие ислам во время арабского завоевания Средней Азии, оказывали прямое влияние на долгий, но неуклонный процесс перехода всех слоев населения от религии предков к новому учению.

В этом контексте, что нового может предложить дальнейшее изучение письменных источников домонгольского времени? Какие новые направления и темы в изучении истории Уструшаны этого периода могут представлять сейчас несомненный интерес? Отметим только некоторые из них.

Прежде всего, арабские и персидские источники, впервые собранные В.В. Бартольдом еще в конце XIX го века для его знаменитой диссертации о Туркестане до монгольского нашествия, постоянно пополняются, - сначала обнаруживаются в рукописях и затем, наиболее важные из них, как правило, публикуются (от Худуд ал-алам, с которым успел поработать и опубликовать в 1930 году факсимиле еще сам В. Бартольд – до Китаб ал-канд, введенном в Йусуфом ал-Хади в научный оборот в 1999 году). Со времени первого очерка, посвященного истории и географии Уструшаны и написанного Н.Н. Негматовым в 1953 году, стали доступны источники разных жанров, не обязательно напрямую посвященные Средней Азии, но содержащие сведения о стране или, по крайней мере, о выходах из Уструшаны. Далеко не все из них были приняты во внимание учеными (сведения из

Китаб ал-канд были, в том числе и по Уструшане, отобраны и кратко прокомментированы Ш. Камалиддином).

Новый анализ как хорошо известных сочинений, так и недавно введенных в оборот, с использованием современных данных картографии, археологии и нумизматики, может позволить сделать детальную реконструкцию политической истории Уструшаны, причем в сравнении с историей других областей Мавара'аннахра. Восстановление широкого контекста каждого значимого события, а не просто пересказ источника, использование современных методов анализа нарратива той или иной эпохи, особое внимание к максимально возможной точности в определении хронологии событий и связи между ними – может позволить создать необходимое основание для последующего анализа социальных и экономических процессов, обусловивших характерные отличительные черты Уструшаны как отдельной культурной области.

Та же биография Хайдара ал-Афшина и его потомков еще не проанализирована на должном уровне детализации, хотя к ней обращались многие исследователи. И это при том, что количественно об этом царе сохранилось больше сведений, чем о любом другом царе Мавара'аннахра, правда в контексте его службы за пределами родины.

Не поставлена последняя точка и в вопросе, кто был последним афшином Уструшаны – им со времен А.К. Маркова и В.В. Бартольда считается не упомянутый напрямую в источниках эмир, выпускавший фельсы в Уструшане в 279 г.х. / 892-893 году и имя которого читалось как Сайр или Сийар б. 'Абдаллах. Выпуск фельса год спустя с именем и Сайра и Исма'ила б. Ахмада, а затем и вовсе без первого, было интерпретировано В. Бартольдом и другими исследователями (Б.Д. Кочнев, В.А. Калинин) как знак вытеснения династии афшинов с политической арены. Вопрос почему его сразу стали считать потомком ал-Афшина никак серьезно не аргументировался, несмотря на то, что в источниках можно найти одно упоминание военачальника по имени 'Абдаллах б. ал-Афшин, действовавшего в 866 году в Багдаде, который, судя по имени его отца, наверняка был сыном царя Уструшаны, хотя об этом не говорится прямо. Нельзя исключить, что через четверть века сын этого 'Абдаллаха стал управлять Уструшаной и таким образом роду ал-Афшина удалось вернуться в родные края. С другой стороны, учитывая то, что человек с таким же написанием имени появляется как выпускающий дирхемы Андараба с отсылкой к своему сюзерену Насру б. Ахмаду, старшему брату Исма'ила б. Ахмада и формально главе рода Саманидов, - то есть он управлял областью в Северном Афганистане до того, как перешел «на другую работу» в Уструшану, - история сильно усложняется. То, что мы знаем наверняка – речь идет безусловно о государственном чиновнике высокого ранга, носившего официальный титул эмира, но при этом субординационно подчиненного Саманидам. Его могли назначать туда, куда считали нужным и он не обязательно должен был быть связан с домом ал-Афшина, который, впрочем, успел побывать наместником Аббасидов от Египта до Азарбайджана. Но даже если этот сын 'Абдаллаха был его внуком, «последним царем» Уструшаны он точно не был, по крайней мере с формальной точки зрения. Напомню, что к концу девятого века система двойного управления ресурсами, основанная на мирном договоре между халифом и царями язычниками, которые отвечали за собирание хараджа с языческого же населения, давно себя изжила, в значительной степени потому что про-

цесс исламизации превратил царей из важного элемента системы управления периферией халифата в ее рудимент – они сами и их соотечественники становились членами мусульманской уммы. Договоры перестали быть основой функционирования колониальной системы. Колония медленно становилась региональной метрополией со своими интересами и смешанным населением с новой идентичностью. Исма'ил б. Ахмад был тем, кто поставил в этом вопросе точку, отобрав у бухархудатов их земельные владения взамен на выплату определенной компенсационной ренты, размер которой устанавливал он сам, как, очевидно, и ее долговечность. Бухархудаты никогда не смогли бы стать полноправными эмирами Бухары при таком противнике как Саманиды. Мог ли внук ал-Афшина попытаться адаптироваться к новым условиям, вернувшись на родину в качестве государственного чиновника, эмира, которому власть делегирована от халифа через наместников Хорасана и Мавара'аннахра? Этот был бы интересный политический ход, тем более, что население Уструшаны наверняка воспринимало бы его и как потомка древних царей. Как видим, этот вопрос требует детальной отработки, тем более что написание имэни, интерпретированного как Сайр/Сийар, которое, замечу, у Табари не встречается ни разу (но встречается, очень редко, у других арабских авторов), позволяет предложить и другие чтения, например Шир (лев). Андараб находится примерно в 200 километрах от Бамйана, правители которого носили титул шир-и Бамйан, лев Бамйана. Отметим, что этот Шир/Сайр/Сийар, кем бы он ни был, имел в Андараве привилегию чеканить серебро, а не просто медь, как в Уструшане. И здесь мы уходим уже в третью интерпретацию (связь с территориями к югу от Аму Дарьи и, возможно, местной знатью), гораздо менее вероятную, чем другие (потомок ал-Афшина или эмир другого происхождения), но показывающую, что лакуны в источниках слишком велики, чтобы окончательно и бесповоротно найти доказательства для одной из них.

Хорошо известно, что процесс исламизации в Уструшане шел медленнее, чем в других областях Мавара'аннахра. В этой связи особый интерес представляют сведения, разбросанные в многочисленных сборниках, посвященных передатчикам хадисов, мухаддисам. Эти сборники были задействованы далеко не в полной степени. Людей с нисбой Уструшани/Усрушани, как и с другими нисбами, образованными от городов Уструшаны, на порядок меньше, чем в той же Фергане, не говоря о Согде или тем более Бухаре. Но тем ценнее имеющиеся данные для анализа религиозной составляющей в жизни населения Уструшаны в домонгольское время.

## ХОНИМҚЎРҒОН ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА

**М. Ҳ. Пардаев, Ш. М. Пардаев, Ҳ. Ў. Раҳмонов**

Самарқанд археология институти

**Т. Ф. Ҳасанбоев**

Жиззах давлат педагогика университети

Сўнги йилларда миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, моддий маданият ёдгорликлари, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, асл қиёфасига мос тарзда, белгиланган меъморий талаблар асосида қайта тиклаш, таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишларни бажаришга киришдик ва бу илмий-амалий ишлар давом этмоқда.

Тарихий-маданий обидаларни тадқиқ этиш, тарихий воқеаларни ҳаққоний ўрганиш ва уларга холис баҳо бериш борасида тарих фани соҳаларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Буни чуқур англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, 2018 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида – “Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо, албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур... Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда яқин ўтган давр мобайнида археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун Фанлар Академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, Олий ўқув юртли ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур, - деб таъкидлаган эдилар” (Олий Мажлисга Мурожаатнома 2018[электрон ресурс] <https://uza.uz/uz/posts>).

Шунингдек, Президентимиз 2018 йилнинг 28 феврал - 1 март кунлари Наманган вилоятига қилган ташрифлари чоғида вилоятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳалари билан бир қаторда маънавий-маърифий, илмий-амалий фаолияти бўйича ҳам қимматли таклиф ва тавсиялар берган эдилар. Жумладан, Қадимги Ахсикент ёдгорлигида барпо этилган очик осмон остидаги музей типидagi тарихий объектларни республикамизнинг ҳар бир вилоятида ташкил этиш, улардан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбилаш, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда изчил фойдаланиш асосий вазифа қилиб белгиланди. Айни пайтда Жиззах вилоятида мазкур вазифаларни бажариш борасида бир қатор чора-тадбирлар режалаштирилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти (ҳозирги Самарқанд археология институти) билан “Trans-Oksiana” фирмаси ўртасида 2018 йилда тузилган хўжалик шартномаси асосида ноябр-декабр ойларида институтнинг Жиззах отряди Хонимқўрғон ёдгорлигида қазув тадқиқотлари ўтказди. Мазкур ишлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

Катта Хонимқўрғон Хонимсарой қишлоғининг шимоли-шарқий қисмида, Тошкент-Самарқанд марказий трассасининг жануб (чап) томонида, текис, дашт ҳудудида қадимий Туятортар каналидан чиқарилган шоҳ ариқнинг иккига ажралишидан ҳосил бўлган “оролча” ўртасида жойлашган. Катта Хонимқўрғондан 180 м масофа жанубда Кичик Хонимқўрғон жойлашган. Мазкур ёдгорлик ўз шакли жиҳатидан Катта Хонимқўрғоннинг деярли айнан ўзи бўлиб, фақат унинг ўлчамлари ундан қарийб 3 баробар кичик, дарвозаси жанубий деворнинг ғарбий кунжагида бунёд этилган.

Катта Хонимқўрғоннинг топографик пландаги кўриниши квадратсимон шаклда бўлиб, унинг шимолий ва шарқий томони – 170 м, жанубий томони - 180 м, ғарбий томони – 165 м узунликка эга, баландлиги – 3,5-4,0 м.га тенг. Ёдгорлик тўрт томондан муҳофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, иншоотнинг тўрт бурчагида 4 та, шарқий ва шимолий деворлар марказида 1 тадан, ғарбий девор марказида жойлашган, эни 3,0-3,2 м атрофидаги дарвозанинг икки ёнбошида 2 та, жами – 8 та ҳарбий бурж орқали қалъанинг муҳофаа кудрати оширилган. Катта Хонимқўрғоннинг жанубий ва шимолий деворлари ортида эни 3,0 м.га яқин, чуқурлиги 1,2 м.гача бўлган хандақлар сақланиб қолган. Ўтмишда ушбу хандақлар сув билан тўлдириб қўйилган ва бу иншоотнинг муҳофаа имкониятини янада оширган. Ёдгорликнинг шарқий ва ғарбий томонидаги эни 8-10 м.га тенг шоҳ ариқлар хандақ вазифасини ўтаган.

2018 йилнинг ноябр-декабр ойларида Катта Хонимқўрғоннинг ғарбий қисмида, ёдгорликнинг кириш комплекси ҳудудида кичик ҳажмли қазув ишлари ўтказилди. Дастлаб, дарвозанинг икки ёнида жойлашган буржларнинг устки қисми чим қатламидан тозаланиб, уларнинг сўнгги давр кўриниши контурларига аниқликлар киритилди. Буржларнинг устки қисми таркибига кўра, бу истехкомлар пахсадан бунёд этилган. Эҳтимол, уларнинг таг асоси ва юқори қисмлари хом ғиштлардан кўтарилган бўлиб, кейинчалик ўтказилган таъмирлаш ишлари хом лой билан амалга оширилган. Шунингдек, дарвозадан киришда, унинг ўнг (жануб) томонида кичик ҳажмли стратиграфик шурф ташланди. Шурфнинг ўлчами 4,0х1,5 м бўлиб, ундан 1,75 м чуқурликка қадар тушилди. Стратиграфик шурфда 4 та қатлам қайд этилди, уларнинг 3 таси юқори қурилиш даврига, 4 чи қатлам илк ўрта асрларга (VII-VIII аср) тааллуқли бўлиб, ушбу даврлар моддий маданият намуналари топилмалар билан саналанади. Хусусан, юқори қурилиш даври XVI-XVIII асрларга, қуйи қурилиш даври VII-VIII асрларга тааллуқли. Қазув ишлари ёдгорликнинг таг замини (материк)гача олиб борилмади. Мазкур тадқиқотлар давом эттирилиб, яна қарийб 2,5-3,0 м чуқурликдаги материккача тушилса, албатта ҳозиргидан ҳам қадимий даврлар моддий маданияти намуналари қайд этилиши шубҳасиз. Муҳофаа деворлари монолит пахсадан қурилгани аниқланди. Демак, бу иншоот қурилишида ҳозирги маълумотларга қараганда пахса асосий ўрин эгаллаган. Катта Хонимқўрғоннинг шимолий муҳофаа девори ғарбий қисмида бульдозер билан сурилган ўзига хос “қирқим” мавжуд. Ушбу “қирқим”да тозалаш ишлари ўтказилди.

Хонимқўрғон дарвозаси яқинида солинган кичик ҳажмли шурфда 4 та маданий қатлам қайд этилди:

1-қатлам ёдгорликнинг устки қатлами бўлиб, у 12-15 см қалинликдаги чим билан қопланган. Чимнинг характери баҳорги шудгор пайти ўзгарган бўлсада, кейинчалик яна қисман бўлсада микрорельеф юзи чим билан қопланган.

2-қатлам чим қатлам остида 40-45 см қалинликда бўлиб, унинг таркиби ғовак, оқиш тусли, куруқ қатламдан иборат. Бу қатлам Хонимқўрғон мудофаа деворларининг кулашидан ҳосил бўлган.

3-қатлам нисбатан юмшоқ, майда тупроқ билан қопланган ва ушбу қатламдан XVII-XVIII асрлар, Ўрта Осиё хонликлари даврига оид бир нечта сирланган ва сирланмаган сопол идишлар топилди. Бу қатлам 50-55 см қалинликдадир.

4-қатлам нисбатан янада юмшоқ, қўнғир рангли, намчил тупроқдан иборат бўлиб, ундан илк ўрта асрларнинг сўнгги даври VII-VIII асрларга оид сопол идишлар намуналари топилди. 4-қатлам 45-50 см.гача очиб ўрганилди. Демак, аниқланганидек, Хонимқўрғонда ўтказилган қазув ишлари натижасида унинг 2 та катта тарихий даври, яъни ҳозирча энг қадимги VII-VIII асрлар ва сўнгги қурилиш даври XVII-XVIII асрлар.

Топилмалар тавсифи. Топилмаларни тавсифлашда айни пайтда шартли равишда 1-қурилиш даври бўлиб турган VII-VIII аср материалларидан бошлаймиз.

Хонимқўрғон ёдгорлигида ўтказилган кичик ҳажмли археологик қазув ишлари даврида кам сонли бўлсада ёдгорликнинг моддий маданият тарихидан маълумот берувчи сопол идишлар парчалари (намуналари) қайд этилди.

Сопол буюмлар – археология атамашунослиги бўйича лойдан ясалиб, оловда пиширилган кулоллик идишлари бўлиб, у қазув тадқиқотлари жараёнида энг кўп қайд этиладиган оммавий, ашъвий топилмалардир. Баъзи ҳолларда маълум ёдгорлик ва комплекслар даврий санасини белгилашдасопол парчалари каби муқобил моддий маданият ашёларини топиш мушкул. Шунинг учун, сопол идишларни турларга бўлиб, тоифаларга ажратиб ўрганиш ва бунинг натижасида уларнинг функцияси, даврийлик меъзонларини аниқлаш археология тадқиқотларидаги энг муҳим методик вазифалардан биридир (Пардаев, Пардаев, 1998, 58 б.).

Хум (1 дона). Илк ўрта асрларда энг кўп тарқалган сопол идиш турларидан биридир. Натурал хўжалик шароитида Хонимқўрғонга ўхшаш қалъа, работларда иложи борича кўпроқ ичимлик суви, озик-овқат захиралари сақлашга ҳаракат қилинган. Бунинг асосий сабаби, албатта сиёсий беқарорлик туфайли келиб чиқадиган ҳарбий ҳаракатлар ва қамал ҳолати бўлган. Дон, ун, ичимлик суви каби озик-овқат захиралар катта ҳажмли хумларда сақланган.

Маҳаллий соғ тупроқ лойидан ишланган ушбу идиш ўзининг катта ҳажми билан эътиборли. Унинг гардиш диаметри – 26 см.га, ён деворлари қалинлиги 1,1-1,6-2,2 см.га. сақланиб қолган баландлиги 12 см.га тенг. Хумнинг гардиши кескин ташқарига қайрилган, бўйин қисми бакбақасимон кўринишда кўтарилган, бўғзи калта, бўйни билан танаси ажралмаган, корпуси думалоқ шаклда. Бундай кўринишдаги хумлар Сангзор ирригация зонасидаги Қинғиртепа, Алмантепа II, Комилбоботепа, Қалиятепа каби қишлоқ ва шаҳар

ёдгорликларидан кўплаб топилган ва илк ўрта асрларнинг VII-VIII асрлари билан даврланган (Пардаев, 1999. 145 б).

Демак, хумлар ўрта асрларда энг кўп тарқалган сопол идиш турлари бўлиб, улардан натурал хўжалик шароитида дон, гўшт, ёғ, сув захираларин сақлашда фойдаланилган.

Қозон (1 дона). Ушбу идиш ҳам яхши ийланган маҳаллий соғ тупроқ лойидан кўлда тайёрланган, тана қисмининг симметрик эканлигига қараганда кулол чархида шакли тўғриланган. Қозоннинг гардиши деярли горизонтал ҳолатда бўлиб, унинг диаметри – 17 см.га, ён деворлар эни – 0,5-0,8 см.га, сақланган бўйи 8,5 см.га тенг. Қозон гардишининг учи тўмтоқ, бўйни суйри, калта, танаси шарсимон думалоқ кўринишда. Қозонлар хўжалик, уй, хонадон аъзолари учун иссиқ овқат (қайнатма, қовурма, димлама) тайёрлаш учун ишлатилган сопол идишлар бўлиб, уларнинг сифати, ҳажми, оловбардошлиги, ўчоққа қулай ўрнатилиши, ўчоқдан олиниши билан изоҳланади. Бу каби қозонлар Суғд ва Уструшонанинг илк ўрта аср ёдгорликларида кўплаб топилган ва VII-VIII асрлар билан даврланган (Бердимуродов, Пардаев, 1990. С. 147-160).

Коса (1 дона). Бу турдаги топилмалар тўғридан-тўғри ошхона фаолияти билан боғлиқ идишлар бўлиб, улардан хўжалик, уй, хонадон аъзоларининг умумий овқатланишларида фойдаланилган. Ихтиёримиздаги коса маълум идишнинг тагдон қисми бўлаги бўлиб, у ўртача даражада пишитилган хом лойдан кўлда ясалган. Косанинг тагдон диаметри – 7 см.га, ён деворлари қалинлиги – 0,4-0,6-0,8 см.га, сақланиб қолган баландлиги – 5,2 см.га тенг. Ушбу идишнинг тагдони текис, япалоқ, ички ва сиртқи томони оч қизғиш ангоб билан бўялган. Лой таркибида майдаланган сопол ва тош (кварц) учрайди. Бу хилдаги косалар Жиззах воҳасида кенг тарқалган бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, Қовунчи маданияти бу жараёнга катта таъсир кўрсатган. Бу турдаги косалар VII-VIII асрлар билан даврланган (Левина, 1971. С. 181; Грицина, Пардаев, 1990. С. 163-179).

Ёғлоғи- “кружка” (1 дона). Бу тоифадаги идишлар ҳам Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср ёдгорликларида кенг тарқалган бўлиб, илмий археологик адабиётларда улар “кружка”, этнографик манбаларда “яғлоғу” номи билан келтирилган (Брыкина, 1979. С. 45-47; Пещерева, 1959. С. 7). Жиззах воҳаси халқлари тилида ёғлоғи атамаси металлдан ясалган, гардиш тагидан чиқарилган дастаси узун, тўғри чизиқсимон шаклдаги идишларга нисбатан кўлланилади. Ушбу тоифа идишлардан сув ичиш, сувни бир катта идишдан иккинчи кичикроқ идишга куйиш, сариёғ сақлаш, уни эритиш каби ишларда фойдаланилади. Ихтиёримиздаги сопол ёғлоғи ўртача даражада ийланган сарғиш (лёсс) тупроқ лойидан ясалган бўлиб, унинг умумий шакли банкасимон кўринишдадир. Кўлда ясалган ушбу идишнинг гардиши тўғри, горизонтал ҳолатда корпусдан тепага кўтарилган, гардиш боши учли, танаси бўйин қисмидан ажралиб туради. Гардиш диаметри – 10 см.га, ён деворлари қалинлиги 4-7-10 мм. га, тагдони – 8 см.га, баландлиги – 12 см.га тенг. Идишнинг ўрта белида кескин ташқарига чиққан қиррали ён девор 0,5 см чамаси масофа оралиғида яна пастга ўткир бурчак ясаган ҳолда йўналган. Фикримизча, идишнинг юқори ва пастки қисми алоҳида ясалиб кейин улар бирлаштирилган. Одатда ёғлоғи – “кружка”ларнинг гардиш ва елка қисмига туташтирилган даста бўлади. Айнан шунга ўхшаш кружкалар Жиззах шаҳри худудида жойлашган Ёқубботтепадан топилган ва улар VII-VIII асрлар билан даврланган (Пардаев, Ғофуров, 2016. 225 б).

Тор бўғизли кўза (1 дона). Илк ўрта аср археология объектларини VII-VIII асрларга оид маданий қатламларида тор бўғизли, узун бўйинли, тана тузилиши ноксимон шаклдаги кўзалар учрайди. Бизнинг ихтиёримиздаги ушбу тоифага мансуб идишнинг фақат юқори гардиш қисми сақланиб қолган. Яхши ийланган қизғиш тупроқ лойидан кулоллик чархида тайёрланган ушбу идиш парчасининг гардиш диаметри – 6 см.ни, ён деворлари қалинлиги – 0,3-0,5 см.ни, сақланиб қолган баландлиги – 4,2 см.ни ташкил қилади. Идишнинг гардиши тик, учли, кесмадаги шакли тухумсимон кўринишда. Кўзанинг сирти ва ички томони қизғиш ангоб билан бўялган. Бу каби тор бўғизли идишлар Қалиятепанинг маданий қатламларидан топилган ва VII-VIII асрлар билан даврланади.

Катта Хонимкўрғоннинг юқори маданий қатламларидан бор-йўғи 3 дона сўнгги ўрта асрларга оид сопол идишлар парчаси қайд этилди, булар сирланган сопол тоғора гардиши (1 дона), сирланмаган сопол сув кўзанинг тагдони ва тана қисми, бир кулокли сопол хурмачанинг гардиш қисми. Мазкур сопол идишлар ўзининг шакли, ташқи ва ички кўриниши, ясалиш технологиясига кўра пастдаги маданий қатлам сопол идишларидан кескин фарқ қилади. Қиёсий таҳлиллар, солиштирма тадқиқотлар ва айниқса, мутахассислар билан маслаҳатлашиб бу топилмаларни XVI-XVIII аср бошларига тегишли эканлиги, яъни Ўрта Осиё хонликлари (Бухоро хонлиги) даври билан саналаниши аниқланди. Демак, айни пайтда Катта Хонимкўрғоннинг бунёд этилган даври ноаниқлигича қолмоқда. Ёдгорликда VIII асрда араб истилоси туфайли ҳаёт тўхтаган ва орадан қарийб 8 аср ўтиб, хонликлар замонидан ундан яна фойдаланилган.

2022 йил (август ойида) Катта Хонимкўрғонда М.Х. Пардаев раҳбарлигидаги Жиззах отряди томонидан археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилди.

Дастлаб, 2018 йилда қазилган стратиграфик шурфдан 20 м шарққа томон узокликда (ёдгорлик ички томонида) 2x5 м, чуқурлиги 1,5 м бўлган шурф ташланди. Қазув жараёнида ҳеч қандай маданий қатлам ва моддий ашё намуналари қайд этилмади. Шундан сўнг ташланган шурфдан яна 40 м. лар чамаси жануби-шарқдан 1x2 м. лик стратиграфик шурф ташланди, аммо бу ердан ҳам ҳеч қандай маданий қатлам излари аниқланмади.

Кейинчалик, бу ерда амалга оширилган дастлабки археологик қазув тадқиқотларига янада аниқлик киритиш мақсадида 2018 йилда қазилган стратиграфик шурф тозаланиб, у жануб ва шарққа томон кенгайтирилди. Стратиграфик шурфнинг умумий ўлчамлари 3x8 м. га етди. Қазув ишлари ёдгорликнинг таг замини (материк)гача олиб борилмади.

Хонимкўрғон археология ёдгорлигининг уй-жой қолдиқлари, архитектураси ҳақида дастлабки хулосаларга келиш мақсадида бир-биридан 25-30-40 м узокликда горизонтал ва вертикал (1x1x1м.) стратиграфик шурфлар ташлаб чиқилди. Кўрғоннинг ушбу марказий қисмидан ҳам маданий қатламлар, моддий-маданият ашёлари топилмади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хонимкўрғоннинг марказий қисми очик майдон (боғ ёки шунга ўхшаш жой) бўлган ва у ерда ҳеч қандай қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Тадқиқотлардан яна шу нарса аниқ бўлдики, ёдгорликнинг тўрт томони мудофаа деворларидан 5-7 м узокликда маданий қатлам излари, кулоллик идишлари намуналари қайд этилди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Хонимкўрғондаги тураржойлар мудофаа деворларига туташтирилган ҳолда қурилган ва ундан фойдаланилган.

Хонимқўрғон тарихига оид қисқача маълумот. Хонимқўрғон ёдгорлиги Уструшона билан Марказий Суғднинг чегара зонасида жойлашган. Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда бу жой Катвон дашти номи билан тилга олинган бўлиб, маъмурий, тарихий географик жиҳатдан Уструшонанинг ғарбий, Самарқанд Суғдининг шарқий сарҳадлари ҳисобланган. Хонимқўрғоннинг шимолий-шарқ томонида Уструшонага тегишли Харакана рустоқи ва унинг шундай номли марказий (Қўрғонтепа) шаҳри, жанубий-шарқ томонида Бурнамад рустоқи ва унга тегишли, номи манбаларда қайд этилмаган (ҳозирги номи Қўрғон) марказий шаҳри, шарқ томонида, Сангзорнинг ўнг қирғоғида Нуширавон – Нушкент қишлоғи ҳудудида манбаларда тилга олинган Нужкент (Бўзтепа) шаҳри жойлашган. Шунингдек, Хонимқўрғоннинг ғарб томонида Самарқанд Суғдининг Баркет, Яркет номи билан манбаларда қайд этилган рустоқлари бўлган. Баъзи мутахассислар мазкур ҳудудга ҳатто Самарқанднинг шимолий-шарқида жойлашган Кабуданжакет (Кабудан) рустоқини ҳам шу атрофда, Нурота тизмаларининг жанубий тоғ олди ҳудудларида фаолият кўрсатган, дея фикрлар билдиришган.

Ғарбий, шимолий-ғарбий Уструшонанинг, хусусан, Жиззах воҳаси археология ёдгорликларидан топилган сопол идиш намуналарининг илмий таҳлили ва бу орқали моддий-маданий комплексларни даврлашда бир мунча мураккабликлар мавжуд. Мураккабликларнинг биринчи сабаби, мазкур регион сопол идишлари учун даврларни белгиловчи хронологик жадвалнинг яхши шаклланмагани бўлса, масаланинг иккинчи сабаби ўтроқ деҳқончилик воҳалари билан кўчманчи, чўл маданияти чегарасидаги бу тарихий-маданий ўлка турли хусусиятли маданиятларнинг тўкнашув жойи, “чорраҳаси” эканлиги, ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳоли учун “ретранслятор” мавзе сифатида қадимдан фаолият кўрсатганлигидир.

Ўрта аср тарихчи, географлари асарларида Катта Хонимқўрғон ва унинг атрофидаги мавзелар “Катвон дашти” номи билан қайд этилган. Муаллифларнинг ёзишича, “Катвон дашти” да “Катвондиз” номли қалъа-шаҳар ҳам фаолият кўрсатган бўлиб, у кудратли мудофаа истехкомларига эга бўлган. Замондош тадқиқотчиларнинг

баъзилари “Катвондиз”ни 2 та, яъни “Катвон” ва “Диза” шаҳарлари бўлган, деган фикрларни билдиришган. Бу шаҳарлар X-XII асрларда фаолият кўрсатган. Катвондиз сўзининг этимологияси “Катвон” – жой, яъни дашт номи (масалан, “Дашти Қипчок” дегандек), “диз”, “диза” эса суғд тилида тўрт томони мудофаа деворлари билан ўралган “қалъа”, “қўрғон” маъносини билдиради. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, V-VI асрларда Амударё ва Сирдарё орасидаги Катта минтақада 15 га яқин майда давлатлар ташкил топган бўлиб, шулардан бири Самарқанд Суғди, навбатдагиси Уструшона мамлакати бўлган. Уструшона давлати Самарқанд Суғдининг шарқий томонида жойлашган бўлиб, ушбу икки мамлакат ўртасидаги чегара айнан мазкур, яъни Катта ва Кичик Хонимқўрғон жойлашган ҳудуддан ўтган.

Демак, Катта Хонимқўрғонда ўтказилган кичик ҳажмли қазув тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган топилмалар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

а) Ёдгорликда ҳозирча 2 та қурилиш даври аниқланиб, унинг биринчиси - VII-VIII асрлар билан, иккинчиси XVI-XVIII асрлар билан даврланади;

б) VII-VIII ва XVI-XVIII асрларда Хонимқўрғонда кечган ижтимоий, иқтисодий ҳаёт, меъморий қурилиш хусусиятлари, турар жой, уй, хоналар, жамоат бинолари ҳақида фикр билдириш учун археологик артефактлар етарли эмас. Бунинг учун кенг қўламли плани-график қазув тадқиқотлари ўтказиш лозим.

в) Араб истилоси туфайли Катта Хонимқўрғон VIII асрнинг иккинчи ярмида вайрон этилган ва XVI аср Шайбонийлар даврига қадар бу ерда ҳаёт тўхтаган. XVI асрнинг иккинчи ярмида, яъни шайбонийларнинг бунёдкор ҳукмдорларидан бири Абдуллахон II (1557-1598) даврида Катта Хонимқўрғон қайта тикланган.

г) Ўрта Осиё хонликлари (XVI-XVIII асрлар) даврида Катта Хонимқўрғон Бухоро хонлиги (кейинчалик амирлиги), Самарқанд беклигининг ҳарбий қалъаларидан бири сифатида фаолият кўрсатган ва шарқдан Қўқон хонлигининг ҳарбий тажовузини бартараф қилувчи қўшин қароргоҳи бўлган.

д) Юқорида баён этилган хулосаларга янада кўпроқ маълумотлар қўшиш ва аниқликлар киритиш учун албатта Катта Хонимқўрғонда қазув тадқиқотларини давом эттириш лозим. Чунки Катта Хонимқўрғон шунга арзийдиган ва қизиқарли топилмаларга бой, туризм объекти – очик осмон остидаги музейга айлантириш учун барча шароитларга эга бўлган ёдгорликдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси [электрон ресурс] <https://uza.uz/uz/posts>
- Бердимуратов А. Э., Пардаев М. Х.** Замок Кингиртепа // ИМКУ. Вып. 22. – Ташкент, 1988.
- Брыкина Г. А.** Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. –М., 1982.
- Исамиддинов М. Х.** Сополга битилган тарих. –Тошкент, 1993.
- Левина Л. М.** Керамика нижней и средней Сырдарьи I тыс.н.э. –М., 1971.
- Мирзалиев Г.** Неглазурованная керамика Ферганы как исторический источник (по материалам городища Ахсикет (VII-начала XIII вв.) // Дисс... канд. ист. наук. –Самарқанд, 1988.
- Пардаев М. Х., Пардаев А. Х.** Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММК. 29-сон. Самарқанд, 1998.
- Пардаев М. Х.** Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 30-сон. – Самарқанд, 1999.
- Пардаев М. Х., Ғофуров Ж. И.** Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент, 2016.
- Пещерева Е. М.** Гончарные производства Средней Азии. –М. -Л., 1959.

## ҚИРҚХУЖРА ЁДГОРЛИГИ МУДОФАА ДЕВОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Ш. Н. Насриддинов,**

Наманган давлат университети

**С. Ш. Кубаев**

Миллий археология маркази

Қирқхужра ёдгорлиги Наманган вилояти Поп тумани марказидан 2 км жанубда Сирдарёнинг ҳозирги ўзанидан 100 метр шимолда жойлашган. Ёдгорлик ва унинг атрофлари қадимий Ғовасойнинг бир қисми бўлган Олмоссой орқали суғорилган. Ушбу ҳудуднинг стратиграфияси ўрганилганда минтақа баҳор мавсумида сойнинг суви кўпайиши натижасида сел оқимлари орқали ювилиб турган (Анарбаев, Мақсудов, Кубаев, Насриддинов, 2018).

Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги адирликларга туташиб кетувчи бу ҳудудлардаги деярли барча тепаликларда қадимги даврда инсонлар истиқомат қилганлигини билдирувчи артефактлар топилган. Аммо уларнинг кўпчилиги сел оқимлари, Сирдарёнинг ўз ўзанини ўзгартириши, шунингдек инсонлар томонидан ўзлаштирилиши туфайли турли даражада зарар кўрган бўлса, айримлари умуман бузилиб кетган. Худди шу каби таъсирлар Қирқхужра ёдгорлигига ҳам зарар етказган. Хусусан, XIX-XX асрларда маҳаллий аҳоли ёдгорлик арки ёнларини бузиб, диний амаллар бажариш учун жой сифатида фойдаланиб келган.

Қирқхужра ёдгорлиги 4 қисмдан иборат. Шаҳарнинг арки жанубий-ғарбий қисмини эгаллаб, икки қисмдан иборат. Биринчи қисм - бевосита сарой жойлашган деб тахмин қилинган жойнинг бугунги кунда сақланган ўлчами 40x45 м. Арк жанубий ва ғарбий томондан кучли бузилган. Аркни Аркни қуйи қисми 0,06 га майдонни эгаллаб, у тўртбурчак шаклда. Шимолий томони баландлашиб мудофаа деворининг ўрни ажралиб туради. Шунингдек, арк қуйи майдонининг шимолий-ғарбий бурчагида баландлик мавжуд бўлиб, бурж ёки донжон деган ҳулосага келинди.

Қадимги давр қатламларини бузиб ҳосил қилинган ер ости ҳужраларида “чилла” амалини бажаришган. Ёдгорликнинг “қирқ хужра” номини келиб чиқиш асослари ҳам айнан шу ер ости хоналари ва диний амаллар билан боғлиқ (Анарбаев, Кубаев и др. 2020). Шу сабабли ҳам узоқ вақт давомида (ҳозирги кунда ҳам) мазкур жойни Поп шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли “муқаддас” жой сифатида зиёрат қилиб келишган. Инсон фаолиятининг салбий таъсири фақат бу билан чегараланиб қолмаган. 1950 йилларда пахтачилик майдонларини кенгайтириш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш жараёнида ёдгорликларнинг

худудлари ҳам жиддий зарар кўрган. Жумладан, Қирқхужра шаҳрининг ғарбий қисми - арки ва 1-шаҳристони қисман, 2-шаҳристони катта қисми текисланиб пахта майдонига айлантирилган. Натижада, қадим шаҳарнинг 2-шаҳристонидан фақатгина шарқий ва ғарбий қисмларида кичик қолдиқлар сақланиб қолган холос. 2-шаҳристонинг шарқий қисмидаги қолдиқлари, Олмоссойга яқин бўлганлиги боис сел оқимлари таъсирида ювилган бўлсада, маданий қатлам нисбатан сақланган.

2013 йилда 2-шаҳристонинг мазкур қисмида олиб борилган археологик қазув ишлари давомида марказда жойлашган тепаликда, зиккурат кўринишидаги диний иншоот қолдиқлари аниқланди. Тадқиқотчилар томонидан оташпарастлар ибодатхонаси, деб тахмин этилган ушбу иншоот 45x20 м ўлчамдаги, баландлиги 9 м бўлган тепалик кўринишида бўлган (Кубаев, Насритдинов, Караева, 2020. С. 25-35). Ушбу иншоот М. Бойс томонидан айтиб ўтилган зардуштийлар дастлабки даврда очиқ осмон остида диний амалларни бажаришган деган фикрларини тасдиғи бўлиши мумкин (Бойс, 1987. С. 75-81).

2-шаҳристоннинг ғарбий қисми тадқиқотнинг дастлабки йилларида пахта майдонларини ўзлаштириш даврида бузиб юборилган деб ҳисобланиб келинганди. Аммо ёдгорлик атрофида олиб борилган дала-қидирув кузатишлари (разведка) давомида аркдан 1 км ғарбда, Собик иттифоқ даврида дала шийпони сифатида фойдаланиб келинган тепаликда маданий қатламлар ва қурилиш қолдиқлари сақланиб қолганлиги аниқланди. Гарчи бугунги кунда ҳам бу худудда боғ майдони жойлашган бўлсада, тепалик атрофидан, Қирқхужра ёдгорлигидан мил. авв. IV-III асрларга оид сополлар комплексига хос сопол синиқлари йиғиб олинди. Демак, айтишимиз мумкинки, ушбу қисм маданий қатламлари қадим шаҳарнинг худуди мил. авв. IV-III асрлардаёқ анчагина катта майдонни эгаллаганлигини кўрсатмоқда.

Қирқхужра ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот ишлари давомида шаҳарнинг мудофаа деворлари ҳам яхши ўрганилди. Хусусан, шаҳар арки ва ва иккинчи шаҳристони мудофаа қурилмаларида қирқим қилинди. Шаҳристон мудофаа девори қурилишида дастлаб оддий тупроқ билан баланд тагкурси тайёрланиб, сўнгра устидан пахсадан девор тикланганлиги кузатилган бўлса, арк мудофаа девори анча мураккаб тузилишга эга.

Арк мудофаа девори учта қурилиш даврида ўзгариб борган. Биринчи қурилиш даврида 30x10 см, 53x37x10 см ўлчамдаги хом ғиштлардан 5,3 м.дан юқорига томон 5,1 м.га қисқариб борган мудофаа девори қурилган. Иккинчи қурилиш даврида хом ғишдан бунёд этилган мудофаа девори устки қисми текисланиб, пахса билан таъмирланган. Шунингдек ташқи томондан 2,7 м қалинликдаги пахса қобик билан кучайтирилган. Ички томондан ҳам худди шундай пахса қобик қилинган бўлиб, кейинги даврдаги қурилишлар натижасида унинг қалинлигини аниқлаш имкони бўлмади. Иккинчи қурилиш даври девори таъмирлашлари натижасидаги девор устидаги қатламдан 6 та қўлда тайёрланган ва 6 та кулоллик чархида тайёрланган сопол намуналари олинди. Кулоллик чархида тайёрланган сополлар қуюқ қизил ангоб билан қопланган бўлиб, силлиқланиб ялтиратилган. Қўлда ясалган сополлар юзаси оқиш қуюқ масса билан текисланган бўлиб, бирининг юзасига рангда нақш берилган. Шунингдек, айримларининг ички қисмида матонинг излари ҳам кузатилади. Мазкур сопол намуналари манбаларда эрамиздан аввалги III-II асрларга оид Кугай-Қорабулоқ маданиятига тегишли сопол намуналари билан таққосланди (Горбунова,

1986. С. 42; Анарбаев, 2013. С. 75). Сополлар олинган қатлам иккинчи қурилиш даври таъмирлашлари амалга оширилган даврда ҳосил бўлганлигини ҳисобга олсак, хом ғиштлардан барпо этилган девор ундан қадимий бўлиши мумкин.

Учинчи қурилиш даврида шаҳар мудофаа тизимини мустаҳкамлаш бўйича катта қурилиш ишлари олиб борилган. Учинчи қурилиш даврида иккинчи қурилиш даврининг пахса қобиғи ташқи ва ички томонидан янги пахса қобиқ билан кучайтирилган. Ташқи томондан кўшилган пахса деворнинг қалинлиги 5,8 м бўлса, ички мудофаа девори 4 м лик пахса таг-курси устига 3,40 м лик қалинликда барпо этилган. Сўнгра биринчи қурилиш даврининг хом ғиштлардан тикланган девори усти кесилиб ички йўлакка айланттирилган. Натижада Афросиёб ёдгорлигининг иккинчи мудофаа деворига ўхшаш икки қаторлик мустаҳкам мудофаа девори шакллантирилган.

Аввалги йилларда олиб борилган қазув ишлари давомида мудофаа деворининг ташқи томонида ҳосил бўлган чуқурликни девор ташқарисида барпо этилувчи хандак бўлиши мумкинлиги тахмин этилган. Аммо кейинги изланишлар мазкур жойда шаҳар шаҳристони ва аркига олиб кирувчи дарвоза жойлашганлигини кўрсатди. Арк мудофаа девори мазкур йўлак бўйлаб қилиниб, арк қуйи майдони бурчагидаги 6х6 м ўлчамлардаги бурж ёки донжонга бориб туташган. Бурж-донжон қалинлиги 2,2 м бўлган пахса платформа устига қурилган. Арк мудофаа девори бурж-донжонга келиб туташган.

Қирқхужра ёдгорлиги мудофаа иншоотларини таҳлил этадиган бўлсак, Фарғона водийси қадимий мудофаа деворлари тузилишига оид бир қанча умумий жиҳатлар кўзга ташланади. Хусусан, қалинлиги 2,9-3 м бўлган Чуст ёдгорлиги мудофаа девори шимолий қаноти қурилишида 55-54х33-32х8-10 см ўлчамдаги хом ғиштлардан қурилган (Спришевский, 1972. С.227). Чуст мудофаа девори тагкурсиси ҳам шу ўлчамдаги хом ғиштлардан терилган. Чуст маданиятига оид яна бир ёдгорлик Далварзинтепа ёдгорлиги аркининг жанубий девори ҳам 55-53х27-38х 8-13 см ўлчамдаги хом ғиштлардан қурилганлиги қайд этилган (Заднепровский, 1962). Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар ҳам ёдгорлик мудофаа девори қурилишида хом ғиштлардан кенг фойдаланилганлигини тасдиқлаган. Жумладан, 4-қазишмада очилган мудофаа девори тузилиши ўзига хос бўлиб, девор шарқий ва ғарбий томондан таркибида тартибсиз тарзда учровчи хом ғиштлар бўлган пахса девордан қурилган. Сўнгра муаллифлар фикрича иккала қобиқ ўртасидаги жой зичланган қатламдан иборат бўлган. Учинчи қурилиш даврига келиб эса илк девор янги пахса девори билан кучайтирилган. Ушбу девор тузилишини таҳлил этадиган бўлсак, Қирқхужра арки мудофаа деворининг иккинчи қурилиш давридаги қурилишларни эслатади. Қирқхужра арки мудофаа девори биринчи қурилиш даврида хом ғиштлардан барпо этилиб иккинчи қурилиш даврида ички ва ташқи томондан пахса қобиқ билан кучайтирилган. Сўнгра, учинчи қурилиш даврида девор янада кучайтирилиб ички ва ташқи томондан янги пахса девор қилинган.

Шундай қилиб, Фарғона водийси қадимги манзилгоҳ ва шаҳарлари мудофаа деворлари билан таққослаган ҳолда Қирқхужра аркининг хом ғиштлардан қилинган биринчи қурилиш даврига оид мудофаа девори ҳам анча қадимий асосларга эга бўлганлигини хулоса қилишимиз мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- Анарбаев А.** Ахсикет - столица древний Ферганы. – Ташкент, 2013.
- Анарбаев А., Максудов Ф., Кубаев С., Насритдинов Ш.** Археологические исследования на памятнике Кыркхуджа в 2016 году // Археологические исследования в Узбекистане. 2015-2016 годы. Вып. 11. – Самарканд, 2018.
- Анарбаев А., Максудов Ф., Кубаев С., Насритдинов Ш.** Чильхуджа (Кыркхуджа) - руины древнего города Северо-Западной Ферганы // ИМКУ. Вып. 39. – Самарканд, 2019.
- Аскарлов А.** Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, 1977.
- Gorbunova N. G.** The Culture of Ancient Ferghana. VI century B.C. – VI century A.D., 1986.
- Долгоруков В.С.** Оборонительные сооружения Дильберджина // Древняя Бактрия. Вып. 3. – М., 1984.
- Заднепровский Ю. А.** Древнеземледельческая культура Ферганы // Материалы и исследования по археологии СССР. №118. Москва. Изд. Академии наук СССР. Ленинград. 1962
- Корженков А. М., Усманова М. Т., Захидов Т. К., Максудов Ф. А., Саидов М. М., Кубаев С. Ш., Насриддинов Ш.** Сейсмические деформации в древнем поселении Кыркхуджа, расположенном на великом шелковом пути в папском районе Узбекистана // Земля и вселенная. №.6. 2020.
- Кошеленко Г. А.** Парфянская фортификация // СА. № 2. – М., 1963.
- Матбабаев Б. Х., Абдуллаев Б. М.** Оборонительные сооружения Древней Ферганы. – Ташкент, 2011
- Сарианиди В. И.** Раскопки монументальных зданий на Дашлы-3 // Древняя Бактрия. Вып. 3. – М., 1984.
- Спришевский В. И.** Оборонительные сооружения эпохи бронзы на территории Узбекистана. // СА. №3. – М., 1972.
- Хожаниязов Г.** История развития фортификации античного Хорезма // СА. № 2. – М., 1981.

## ҚАДИМГИ УСТРУШОНА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

**Ф. Э. Тошбоев**

Жиззах давлат педагогика университети

Уструшонанинг табиий шароити – иқлими, тупроғи, рельефи, ўсимлик дунёси, табиий қазилма бойликлари ва бошқалар минтақанинг илк даврлардан бошлаб одамзод томонидан ўзлаштириб бошлашига сабаб бўлган. Деҳқончилик воҳаларининг мавжудлиги, чорва учун яйловларнинг қулайлиги ва турли-туман ўтлоқлар деҳқончилик ва чорвачиликнинг илғор хўжалик тури сифатида шаклланишига замин ҳозирлаган.

Илк одамлар фаолияти билан боғлиқ материаллар Уструшонанинг ғарбий ҳудудлари (Жиззах вилояти, Фориш тумани) да ўрганилган. Фориш тумани, Чимқўрғон жамоа хўжалиги ҳудудида ўрта палеолит даврига оид қайроқтошдан ишланган, ўлчами 54x53x21 мм бўлган нуклеус – тош ўзак қолдиқлари қайд қилинган. Ушбу ўзак ишланиш техникаси ва хомашёсига кўра Қўтирбулоқ топилма жойи материалларига ўхшашдир. Бу топилма биринчидан, Жиззах вилояти ҳудудлари ҳам палеолит даври одамлари томонидан ўзлаштирилганлигини кўрсатса, иккинчидан, уларнинг маданий-даврий жиҳатдан Самарқанд ботиғи қабилалари билан ўхшашликларидан гувоҳлик беради (Сайфуллаев, 2019. 5 б, Сайфуллаев, 2003. С. 5).

Фориш туманидаги Янги қишлоқ, Азимбулоқ, Гўрдар, Чашмаи-Достон манзилгоҳларидан чақмоқтош қирғичлар, нуклеуслар, кремнийлашган оҳақтошдан ясалган ўткир тишли қуроллар (ретушлар), ишлатиш жараёнида пичоқ тиғи вазифасини бажарган тош кескичлар, ўткир найза учлари, катта-кичик қирғичлар, тош бигизлар қўлга киритилган (Сайфуллаев, 2014. 16 б). Улардан Чашмаи-Достон булоғи атрофида ўрганилган “леваллуа типи”даги тош қурол ҳамда призмасимон нуклеус илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Бу топилмалар бир томондан Зарафшон воҳасидаги Самарқанд ва Қўтирбулоқ манзилгоҳлари материаллари ҳамда Тошкент воҳасининг бир қатор сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликлари ашёвий манбаларига ўхшайди (Джуракулова, 2018. С. 55-57). И.А. Анбоев Мирзачўлнинг шимолий қисмида жойлашган Сирдарёнинг шимолий-шарқидagi Абай террасасида жойлашган Чордара шаҳар ёдгорлиги атрофидаги 1,5 м чуқурликдан тўрт хил ўлчамдаги тош қуролни қайд этган. Улар, ўлчами 4,4 x 1,6 x 1,5 см қирғич, мустъе типидagi унча катта бўлмаган 5,4 x 4,0 x 3,0 см ўлчамидаги дисксимон кўринишдаги нуклеус, ёрқин қизғиш-сарик чақмоқтошдан ясалган юқори палеолит типига ўхшаш нуклеуссимон тош қуроллар бўлган. Чордаранинг қуйи қисмида жойлашган Кўксутепадан 6 та юпка, оқ кулранг, ярим ялтироқ чақмоқтошдан микролитсимон қилиб ясалган кичик ўлчамдаги

пичоксимон пластинкалар ўрганилган (Анбоев, 1963. С. 51-53). Муаллиф, ушбу топилмаларга таяниб, аҳоли бу ҳудудларни плейстоценнинг охири ва голоценнинг бошларида ўзлаштирилиб бошланган деган хулосани беради.

1951 йилда археолог Я. Ғуломов раҳбарлигидаги Зарафшон экспедицияси томонидан, Тузкон – Айдарқўл ҳудудида бир қанча ёдгорликлар аниқланган. Улар Нурота тоғининг шимоли, Мирзачўлга туташ Тузкон, Қолгансир ва Қизилча совхозидagi Хон-Чорбоқ атрофларида жойлашган эди. Бу ердаги ертўла ва ярим ертўла шаклидаги кулбаларда неолит даврига оид чақмоқтошдан ясалган тош қуроллар ва бронза даври чорвадорлари маданиятига мансуб, тўқ-кулранг тусдаги арча шохларисимон, тўрсимон нақшли, қўлда ясалган сопол идишлар парчалари ўрганилган (Анбоев, 1963. С.55).

Кейинги йилларда Уструшона тоғли тегралари, хусусан, Моргузар тизмасида ландшафт-археологик изланишлар ва ГИС таҳлиллари ёрдамида қадимий кўчманчи чорвадорларнинг излари аниқланди. Тадқиқотчи Ф.А. Мақсудовнинг таъкидлашича, табиий шароитнинг қулайлиги натижасида бу ҳудудда бронза даври чорвадор жамоаларининг қўналғалари шаклланган. Булар денгиз сатҳидан 1100-1800 метр юксакликдаги Ғалчасой, Қоратош, Бешарчасой, Мойлиқўтон ва Ўйиктош водийлари ҳамда 2000-2200 метр баландликдаги Бедана даласи платосидан ўрин олган Тошбулоқ яйловлари бўлган (Мақсудов, 2020. 17 б). Ўтказилган археология прогноз модели асосидаги AMS/14 С радиоуглерод даврлаштириш, бир қатор қўналғаларнинг ўрнашуви, стратиграфияси ва моддий маданиятига қараганда, кўчманчи чорвадорларнинг бу ерни ўзига хос ривожланган ўрнашув анъаналари негизида энг кечи билан милoddан аввалги II минг йилликда ўзлаштиргани аниқланган. Моргузар тоғлари кўчманчи қўналғаларига ўхшашликлари олд тарих ва тарихий даврларда кўчманчи манзараларининг давомийлигини исботлайди (Мақсудов, 2020. 17 б). Агар кўчманчи чорвадорларнинг табиий ландшафт танловлари ва кўчиш ҳудудлари анъанавийлик бўлганлигини ҳисобга олсак, бронза даври миграциялари билан боғлиқ жараёнлар Уструшонада ҳам кечганлиги ойдинлашади. Уструшонага келиб жойлашган кўчманчилар учун турли йўналишларда жанубий минтақаларга кўчиш йўллари чорраҳасидаги қулай яйловларнинг мавжудлиги, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ва дарё воҳаларининг унумдор яйловлари муҳим рол ўйнаган. Шу билан бирга, Моргузар тоғига келиб ўрнашган жамоаларда бронза металлургияси ривожланиши, мис, қалай, қўрғошин каби маъданларга эҳтиёж, бронзадан қуроллар ва буюмларни ишлаб чиқариш зарурати муҳим омил бўлган. Хомашё ва конлар яқинидаги маъдан эритиш жойлари ва минерал тошлардан маржонлар ясаш устахоналарининг бунёд этилиши бундан далолат беради. Бу анъана кейинги минг йилликларгача ўз аҳамиятини сақлаган ҳолда илк ва ривожланган ўрта асрларда металлсозлик марказларининг ташкил топишига сабаб бўлган (Сверчков, 1991. С. 16-18; Мақсудов, 2020. 19-21 б). Бу ҳолат бронза даври металллар хомашёси ва минерал тош конлари нафақат Қурама, Чотқол тоғлари, Зарафшон тизмаси Нурота тоғлари ва Қизилқумда, балки Моргузар тоғларида ҳам фаол ўзлаштирилганлигини кўрсатади.

1956 йил кузги мавсумида ЎЗР ФА тарих ва археология Институтининг Я. Ғуломов бошлиқ Моҳандарё экспедицияси Жиззах шаҳидан 30 км шимол томонда қадимда кўчманчилар дашти билан чегарада қурилган Қулписарота сағанасидан 100-120 м шарқда, Ўрта Осиё ҳудудида ягона бўлган (ўртаси ботик тош) дольмен жойлашганлигини аниқлайди.

Дольменнинг ўлчами 180x150 см, баландлиги 120 см. 1955 йил ушбу отряд ўз тадқиқоти мобайнида, дольмен устида қуриган қон изларини қайд этган (Гулямов, 1961. С. 95). Муаллиф фикрича, ушбу дольмен бронза даври қабр иншоотларига тааллуқли ҳисобланиб, ундаги дафн удумлари ислом пайдо бўлишидан 2000 йил олдин мавжуд бўлган (Пардаев, Гофуров, 2016, 165 б.). Л. М. Сверчков томонидан Зомин тумани, Дуоба қишлоғи Ўрикли дарёси бўйидан бронза даврига оид ёдгорликдан бронза чопқи-болта (тесла-кельта) (Сверчков, 2006. С. 119) топиб ўрганилган.

Сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар, сўнгги бронза даврига оид миграциялар натижасидаги манзилгоҳлар Уструшонанинг фақат тоғли теграларида эмас, балки бошқа (тоғ олди ва дарё водийлари) ҳудудларда ҳам вужудга келган деган, фикрга келишимизга сабаб бўлмоқда. 2008 йили Кўктепа археологик экспедициясининг мавсумий ишчилари Бахмалсой қишлоғи ҳудудида хўжалик ишларини ўтказаетганларида қадимги қабрга дуч келишади ва уни очиб ўрганишади. Қабрда сақланиши жуда ёмон ҳолатдаги одам суяги қолдиқлари бўлиб, майит боши ғарб томонга қаратилиб, оёқлари шарқ томонга узатилган ҳолда бўлган. Қабрда битта қўлда ясалган идиш, бронза ойна ва билагузуклар бўлган (Хасанов, 2022. 94 б.). Билагузуклар ясашиши ва шаклига кўра, Жанубий Сибирнинг Абашева ва Большериченский маданиятларга хос бўлиб, Зарафшон воҳасидаги милоддан аввалги XII-XI асрларга оид Мўминобод қабристонини материалларига ўхшайди (Хасанов, 2022. 95 б.). Бахмалсой қабристонидан топилган иккинчи бронза билагузук топилма қавариқ шаклда, орқа томонида уни осиб қўйиш учун ҳалқачали ойна бор. Шу хилдаги ойналар мил. авв. XII-XI асрларга оид Андронов маданияти ёдгорликларида кўп учрайди. 2022 йил май ойида Жиззах шаҳрининг жанубий қисмида жойлашган Боғишамол мемориал ёдгорлиги шимолидаги тоғ ёнбағрида бронза даврига оид ёнгин аломатлари мавжуд бўлган қабр қайд қилинди. Унда ёмон ҳолатда сақланган одам суягининг баъзи қолдиқлари ва деярли бутун ҳолдаги мил. авв. XIII-XII асрларга оид дашт бронза даври жамоалари Аликул ва Қозоғистоннинг Андронов маданиятининг Фёдорово босқичига оид кулоллик идишларига ўхшаш сопол идиш топилди. Шундан кейин, тоғ қоялари бўйлаб уюштирилган изланишлар натижасида, тепаликлари ва қояларида жойлашган сўнгги бронза ва илк темир даврига оид тош яшиқ кўринишидаги қабрлар аниқланди ва улардан 11 та қабр очиб ўрганилди.

Ўйлаймизки, ушбу ноёб топилмалар Уструшонада хўжалик маданий типларининг шаклланиши ва кўчманчиларнинг бронза давридаги миграцияси билан боғлиқ саволларга ойдинлик киритади. Уларга таяниб айтиш мумкинки, Уструшона ҳудудининг металлга бой тоғ ва тоғ ёнбағирлари, тоғликлар орасидаги чорва йўллари кесишмалари ва дарё воҳалари бронза даврида фаол ўзлаштириб бошланган ва бу жойларда уларнинг яшаш жойлари, манзилгоҳлари, тоғ-қон устахоналари ҳамда алоҳида қабристонлари мавжуд бўлган.

Воҳада ўрганилган кўплаб қоятош расмлари ҳам ибтидоий давр тарихи ва аҳолининг хўжалик ҳаётини ёритишда аҳамиятли ҳисобланади. Туркистон тизмасининг Моргузар тоғи шимолий ён бағридаги Сайхонсой дарасидаги Такатош манзилидан неолит ва бронза даврига оид, антик ва ўрта асрларга таалуқли бир неча даврий босқичга мансуб қоятош расмлари ўрганилган (Хужаназаров, 1985. С. 22). Бу ердаги қоятошларда ов манзараси, кўплаб ёввойи ва уй хайвонлари, диний маросимлар ижроси ва бошқалар тасвирланган.

А. Холматов томонидан Шароф Рашидов тумани Жиллиғулли қишлоғи шимолий томонидаги тоғ ва қирлардаги Сузмойилота қоятошларида, Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Наҳраж қишлоғида жойлашган Наҳражсой (Каттасой) дарасидан, Фориш тумани Эски Фориш қишлоғи юқорисидаги Юқорисой (Сойиболо) дарасида ҳамда Учма қишлоғидан оқиб ўтувчи Учмасойга туташ бўлган Сиғомсой каби йирик сой ва даралар атрофларидан кўплаб қоятош расмлари ёдгорликлари рўйхатга олиниб илмий муомалага киритилган (Холматов, 2019. 54-57 б; Холматов, 2018. 254-257 б.). Ушбу қоятош тасвирларида ёввойи ҳайвонлар, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида қадимда ва ҳозирги кунда яшаётган ҳайвон турлари бўлса, хонаки ҳайвонлардан ит, эчки, қўй, от, сигир, туя қабилар мана шу ўтган узоқ даврлар мобайнида инсоният томонидан қўлга ўргатилган ҳайвонлар ҳисобланади.

Маълум бўлмоқдаки, бу қоятош суратлари орасида буқа турлари ва итларнинг расми энг кўп ифодаланган. Мазкур даврда ит хонакилаштирилиб, ёввойи буқа, қулон, тоғ эчкилари ва бошқаларни ов қилишда хизмат қилган. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, ов усуллари турлича бўлган (ёввойи ҳайвонларнинг йўлида чуқур ўралар қовлаш, тўдаларни жар ёқасига ҳайдаш, ўткир тош ва суяк учларига эга найзаларни ишлатиш, ҳайвонларни камон пайконига тутиш ва бошқ.) (Абдуллаев 2019. 125 б). Бу тасвирлар воҳада ҳайвон турларининг қадимдан бой бўлганлиги ва чорвачилик соҳасининг кўп минг йиллик илдизга эгалигидан гувоҳлик беради.

Қадимги Уструшона сўнгги бронза даври материалларига таяниб айтиш мумкинки, мил. ав. III - II минг йилликларнинг чегарасидан бошлаб ушбу ҳудуд қадимги ўтроқ деҳқончилик вилоятлари билан маданий алоқалар ўрнатган Андроново чорвадор қабилалари томонидан тўлиқ ўзлаштирилган. Сўнгги бронза даврида (мил. авв. II-I минг йилликлар чегараси - мил. авв. XIV- XIII асрлар) Евроосиё китъаси ҳудудида Атлантик босқичининг иқлим оптимум вақти тугагандан сўнг бошланган совуқлик Волга бўйлари ва Қозоғистон чўлларида иқлимнинг аридизациясига сабаб бўлган (Хотинский, 1996. С. 15-17). Волгадан Иртишгача ёйилган чўл ҳудудларидаги совуқ қишлар чорвадорларни шу мавсумда жанубда - Ўрта Осиё тоғ олди воҳалари ва дарёлари бўйларида яйлов излашга мажбур этган. Бу эса Ўрта Осиё ҳудудига Андроново жамоаларининг чорвадор қабилалари фаол кириб келишига асосий сабаблардан бири бўлган. Уструшонадаги фойдали табиий бойликлар - олтин, кумуш, мис, феруза конлари ҳам Андроново қабилаларининг қизиқишига сабаб бўлган (Аванесова, 1991. С. 53-54). Чунки, уларни хўжалигида металлсозлик – темир ва мис кончилиги, металлургия ва металлга ишлов бериш муҳим ўрин эгаллаган. Бу қабилалар Ўрта Осиёда одатда ўтов ва капаларда, қишда эса ярим ертўла кўринишидаги вақтинчалик уй-жойларда яшаганлар. Ёзда улар қапа туридаги енгил каркаслик иншоотлар ва ўтовлар қуришган. Шу сабабдан бу маданиятларнинг манзилгоҳлари (қишлоқлари) жуда ҳам кам топилади. Уларнинг қабрлари ва тасодифий топилмалари эса кўпроқ учрайди.

Айтиш мумкинки, Қадимги Уструшонада ҳам сўнгги палеолит даврида уруғ жамоалари вужудга келиб, овчилик ва термачилик хўжалиги соҳаларига асосланган хўжалик-маданий тип шаклланади. Умумий табиий географик шароитда яшаган қадимги жамоаларнинг машғулотлари ва моддий маданиятига мос бир хил меҳнат қуролларининг шакллари пайдо бўлади. Шимолий-ғарбий Уструшонанинг палеолит даври ёдгорликлари асосан, Нурота тоғининг шимолий ҳудудлари, Сангзорнинг қуйи оқими ва Тузкон кўли атрофида

жойлашган. Бу эса Жиззах воҳасида тарқалган сўнгги палеолит даври жамоалари табиий химояланган тоғ водийлари ва сув манбаларига яқин манзилларда фаолият юритганлигини кўрсатади. Бироқ, неолит даври Уструшона худудида истиқомат қилган уруғдош жамоалари ишлаб чиқариш хўжалик соҳаларини билишмаган. Шу боис, улар овчилик ва термачилик асосида ривож топган. Худудга кўшни Ўрта Зарафшон воҳасида неолитнинг сўнгги босқичларига келиб, ишлаб чиқариш хўжалигининг дастлабки кўринишлари намоён бўла бошлаганлиги тахмин қилинади (Холматов, 2019. 33 б.).

Неолитнинг сўнгги, энеолит ва бронза даврига оид Тузкон, Қолгансир ва Қизилча совхозидаги Хон-Чорбоқ атрофларида жойлашган манзилгоҳлар, Қулписар, Бахмалсой, Желлиғулли ёдгорликлари ва Моргузар тоғларидаги бронза даврига оид ёдгорликлар ва уларда ўрганилган материаллар минтақанинг палеолитдан бошлаб одамзод томонидан ўзлаштирилиб бошлаганлиги ва унинг бронза даврига келиб фаоллашганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиш мумкинки, Уструшонанинг табиий географик жойлашуви ўзига хос хўжалик - маданий типларнинг шаклланишига асос бўлган. Бунда лалми деҳқончилик, боғдорчилик, яйлов чорвачилиги ва тоғ-кончилик соҳаси таркиб топиб борган. Сўнгги палеолит даврида уруғ жамоалари вужудга келиб, овчилик ва термачилик хўжалиги соҳаларига асосланган хўжалик-маданий тип шаклланади. Неолит даври уруғ жамоалари ишлаб чиқариш хўжалик соҳаларини билишмаган. Шу боис, улар овчилик ва термачилик асосида ривож топган. Қадимги Уструшона сўнгги жез даври материалларига таяниб айтиш мумкинки, мил.ав. II минг йилликдан Андроново чорвадор қабилалари томонидан ўзлаштириш бошланган. Даврлар ўтиши мобайнида ўтроқ деҳқончилик, ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи хўжалик ўз устунлигини сақлаб қолаверган. Воҳа аҳолиси яшайдиган жойнинг хусусиятига қараб, кўчманчи чорвачиликнинг турли хил шаклларида (чорвани чўл, дашт ва тоғ яйловларига мавсумий ҳайдаб боқиш, яйловда сақлаш ва қўра-оғилда боқиш) хўжалик юритишган. Кейинги даврларда асосий хўжалик типига айланган кўчманчилик ва чорвачилик хўжалигини юритишнинг турли хил шакллари умумлаштириб, яйлов чорвачилиги деб аташ мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Абдуллаев Ў. И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент, 2019.
- Аванесова Н. А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы азиатской части СССР. (По металлическим изделиям). –Ташкент, 1991. С. 53-54.
- Анбоев И. А. Древности Голодной степи // ИМКУ. Вып. 4 – Тошкент, 1963.
- Гулямов Я. Г. Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ. Вып. 2. – Ташкент,
- Джуракулова Д. М. Каменные изделия из Джизакского оазиса // Формирования историко - культурных областей в Центральной Азии и проблемы этнической географии. – Ташкент, 2018.
- Мақсудов Ф. А. Ўрта асрларда тоғли Уструшона кўчманчи маданияти. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020.
- Пардаев М. Х., Гофуров Ж. И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Тошкент, 2016.

- Сайфуллаев Б. К.** Палеолит долины реки Зарафшан и северо – восточных Кызылкумов (техничко – типологическое исследование) / Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд, 2003.
- Сайфуллаев Б. Қ., Эргашев О. Т., Рахимов К. А., Ражабов А. Ю., Аллаёров Ў., Пардаев Ш. М.** Жиззах воҳасининг палеолит даври // Ўзбекистонда Археологик тадқиқотлар. – Самарканд, 2014.
- Сайфуллаев Б., Джуракулова Д. М.** Жиззах воҳасининг палеолит даври топилмалари. “Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт)” (Республика илмий-амалий конференция материаллари). – Жиззах, 2019.
- Сверчков Л. М.** Поселэние Мык - источник по истории средневековой Уструшаны: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд, 1991.
- Хасанов М.** Бахмалсойдан топилган бронза даври топилмалари // «Евроосиё халқлари маданий мероси: замонавий тадқиқотлар, муаммо ва ўрганиш усуллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (1-қисм). – Жиззах, 2022.
- Холматов А. Н.** Нурота тоғи қоятош расмлари / Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2019.
- Холматов А. Н., Пардаев М. Х., Тошбоев Ф. Э.** 2016 йилда ўтказилган Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2015-2017-йиллар. 11-сон. – Самарканд, 2018.
- Хужаназаров М.** Наскальные изображения Северо – Восточного Узбекистана // Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Л., 1985.

## ТУЯТОРТАР КАНАЛИ - ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ АСОСИЙ СУВ МАНБАЛАРИДАН БИРИДИР

С. С. Суёнов

Самарқанд археология институти

Жиззах воҳасининг тарихи жуда қадим даврлардан бошлансада унинг ўрганилиш жараёни кичик бир вақтни ташкил қилади. Жиззах суғорилиш тарихини оз бўлсада ўрганган археологларнинг фикрига кўра воҳада бир қатор сунъий суғориш каналлари мавжуд бўлган. Бу сунъий каналлар ичида меҳнати энг машаққатлиси қадимги Зарафшон дарёсидан бош олган Туятортар каналидир.

Туятортар канали тўғрисида қадимшунос олим Я. Ғуломов “Биз суғориш тарихи устида ишлаб юрган мутахассислар Ўрта Осиёдаги сунъий каналлар ичида Туятортар каналидай меҳнати оғир, суви кам, ўзи жарликлардан оқадиган канални кўрмаганмиз” деб таъкидлаган (Ғуломов, 1955. 38 б.).

Суғорма деҳқончилик тарихининг билимдони Я. Ғуломовнинг фикрига кўра кўҳна суғорма деҳқончилик ерларини суғориб келган каналларнинг қурилган вақтини аниқлаш учун шу канал теварак атрофидаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва ёдгорликнинг атрофида сақланиб қолган суғориш тармоқларининг (эски ўзанлар) ўрнини аниқлаб шу асосида бирор бир фикрга келиш мумкинлигини айтган (Ғуломов, 1959. 17 б.).

Жиззах воҳаси ҳамда Эски Туятортар канали бўйлаб ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълумки, Туятортар каналининг милоднинг бошларида Фармонтепа яқинида, Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан қазиб чиқарилганлиги, X-XII, XIV-XV асрларда каналда ҳашар йўли билан қайта қазилган ва таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги, XVI асрда эса унинг қуйи ўзанлари кенгайтирилганлиги, ҳаттоки Дўсмат, Қоратош, Аламли, Янгикўғон қишлоқлари оралиғида қарийб 100 км масофада, у паст-баланд адирлар ёқалаб ўтказилиб, Жиззахнинг асосий сув манбаи Сангзор дарёсига туташтирилганлиги айтилади.

Қадимшунос олим А.Р. Муҳаммаджонов “Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи” китобида Зарафшон дарёсининг суви ҳаттоки Туятортар канали орқали Жиззах воҳасигача етиб борганлигини ва бунинг ҳисобидан ўрта асрларда суғориладиган ер майдонларининг ҳажмини ортганлигини таҳлил қилади (Муҳаммаджонов, 1972, 120-129 б.).

Туятортар канали ҳозирда Жиззах воҳасининг асосий сув манбаи ҳисобланади. Унинг узунлиги 97 км га тенг. Туятортар канали Зарафшон дарёсининг суви орқали Булунғур даштлари ва Ғаллаорол массиви ҳамда Жиззах воҳасини сув билан таъминлаган (Эшонқулов, 1989, 130-131 б.).

Туятортар каналининг қачон бунёд қилинганлиги тўғрисида аниқ бўлмаган маълумотлар ҳам мавжуд. Масалан Туятортар канали тўғрисида илк маълумотлар Ҳофиз Танишнинг “Абдуллонома” асарида қайд этилган. Унда таъкидланишича Абдуллахон томонидан Туятортар канали қайта қазилган ва баъзи бир ўпирилиб тушган жойлари эса таъмир қилинган дейилган.

Демак юқоридаги тадқиқотлардан, Туятортар каналининг бунёд бўлиш тарихи тўғрисида бирор нарса дейиш қийин. Шу сабабли ҳам Жиззах археология отряди аъзолари Зарафшон воҳаси ва Туятортар канали атрофида археологик қидирув тадқиқотлари олиб борди. Тадқиқотлардан кўзланган мақсад Зарафшон дарёсидан бош олган Туятортар канали атрофида жойлашган ёдгорликларни ўрганиш ва улар атрофидаги суғориш тармоқларининг (эски ўзанлар) ўрнини аниқлаш. Шу асосда каналнинг қачон бунёд этилганлиги тўғрисида бирор бир тўпламга келиш. Шу сабабли ҳам бу борада ўтказилган илк тадқиқотлар ўрганилди.

Туятортар канали устида тадқиқотлар ўтказган Ў. Алимов Эски Туятортар шоҳ ариғининг сувлари Мирзачўлгача етиб борганлиги тўғрисида маълумот беради (Алимов, 1973, 19 б.).

Зарафшон дарёсининг Равотхўжа тўғонидан 4 км шимолий-шарқда Фармонтепа ёдгорлиги жойлашган. У Туятортар каналининг ўнг томонида жойлашган бўлиб, изланишлар натижасига кўра, каналнинг бош қисми VI-VII асрларда бунёд қилинганлиги, VII аср охирига келиб, канал қаровсиз ҳолда қолиб вайрон бўлганлиги айтилади (Анарбоев, 1974, 54 б.).

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик қидирув тадқиқотлари бу натижаларни тўлиқ инкор қилди. Чунки изланишлар давомида канал атрофидаги Дўснат деб аталган кичик воҳада Тоғайсўфи мозортепа ёдгорлиги ва унинг атрофидаги бошқа ёдгорликлар жойлашганлиги аниқланди. Улардан кушонлар даврига оид сопол бўлаклари йиғиб олинди. Бу албатта Дўснат воҳасининг атрофи айнан Туятортар каналининг сув манбалари ҳисобидан ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Бундан ташқари Туятортар каналининг Тазаррук қишлоғидан оқиб ўтадиган жойида, каналнинг ўнг томонида Тўрткўлттепа ёдгорлиги ҳам қайд этилган. Бу ёдгорликдан топилган археологик ашёлар X-XII асрларга оид бўлиб, айнан Туятортар канали ҳисобидан ўзлаштирилганлиги яққол кўриниб турибди. Чунки ёдгорликнинг атрофида Туятортар каналдан бош олган эски ўзан сақланиб қолган (Пардаев, Суёнов, 1993, 50 б.).

Жиззах воҳасининг асосий сув манбаи ҳисобланган Туятортар канали мўғуллар истилоси даврида бутунлай издан чиққан. Бундай дейишимизга сабаб шуки, Туятортар канали атрофида ўрганилган ёдгорликларнинг асосий қисми ривожланган ўрта асрлар билан боғлиқ. XIII аср бошларига келиб бу ёдгорликларда фаолият деярли тўхтаган. Бу эса мўғуллар даврида канални тўлиқ издан чиққанлигини кўрсатади. Амир Темур ва темурийлар даврида канал яна таъмир қилинган ва қайта тикланган. Ҳаттоки XV асрнинг бошида Жиззах воҳасида деҳқончилик хўжалиги, шу жумладан унинг асоси ҳисобланган сунъий суғориш тармоқларининг ўрни ҳам ортган.

Сўнгги изланишлар натижаси шуни кўрсатадики Туятортар канали айнан Амир Темур ва темурийлар даврида қайта тикланган. Масалан, Ғаллаорол туманидаги Кўрғонтепа

шаҳар харобасидан ва унинг атрофидаги ёдгорликлардан олинган археологик ашёлар, шу билан бир қаторда Жиззах туманидаги Қалиятёпа шаҳар харобасидан қўлга киритилган Амир Темур ва темурийлар даврига оид ашёвий далиллар ҳамда Ўрда шаҳар харобасидан топилган археологик материаллар воҳада шу даврда суғориш каналларининг қайта тикланганлигини ва суғориладиган экин майдонларини кенгайганлигини кўрсатади. Лекин Улуғбек вафотидан (1449 й.) сўнг тахт учун кураш бошланиб кетади, мамлакатда хўжалик бир мунча издан чиқади. Кўпгина суғориш каналлари ҳамда сунъий суғориш иншоотлари қатори Туятортар канали ҳам яроқсиз ҳолга келади. Орадан юз йил вақт ўтгандан сўнг XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида бир томондан, марказий ҳокимиятнинг сиёсий мавқеи мустаҳкамланади, иккинчи томондан ўзбек уруғларининг ўтроқ деҳқончилик ҳаётига кўчиш жараёни кучаяди ва у ерда обикор ерларга бўлган талаб ортади. Бу эса мамлакатда қаровсиз ҳолда бўш ётган ерларга сув чиқариш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация ишларини жонланишига олиб келади. Бундай ижодкорлик, бунёдкорлик ишларидан Жиззах воҳаси ҳам четда қолмайди. Археологик маълумотлар ва тарихий манбаларнинг аниқлик беришича XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида айниқса унинг марказий қисми ҳисобланган Зарафшон водийсида бир қанча йирик сунъий суғориш каналлари, сув иншоотлари қурилади ва қайта тикланади. Бухоро хони Абдуллахон (1557-1598 йй.) катта стратегик аҳамиятга эга бўлган Жиззах шаҳрини қўлда мустаҳкам ушлаб туриш мақсадида халқни жалб қилиб, Туятортар каналининг бош қисмини қайтадан, ўрта ва қуйи қисмларини янгитдан қазитади. Зарафшон дарёсининг суви Туятортар канали орқали Фармонтепа, Дўснат, Тойпоқсой, Шўрбулоқ, Музбел, Тозаррук қишлоқларидан ўтади ва Гул қишлоғига яқин жойда Сангзорга қуйилади. Сангзор дарёси орқали Жиззах воҳаси тўлиқ сув билан таъминланади (Бухорий, 1999. 38 б).

Бизга тарихдан маълумки XVIII асрнинг охирларига оид тарихий манбалардан Мирзо Баде Девоннинг “Мажмаъ ал-арком” номли асарида келтирилган маълумотларга кўра, Зарафшон дарёсининг суви шу каби иншоотлар орқали суғориш тизимларига тақсимланган. Бу суғориш системаларидан бири айнан Туятортар каналининг чиқарилиши бўлади. Жиззах воҳасида сув таъминотининг яхшиланиши ўша даврда амалга оширилган йирик ирригация қурилишларидан бири бўлган (Мирзо Баде Девон, 1970. С. 51-53).

Шундай қилиб тўпланган археологик материаллар ва тарихий манбаларга суянган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

а) Демак, Фармонтепа ёдгорлигидан олинган археологик ашёвий далилларга асосланган ҳолда Туятортар каналининг бош қисми милоднинг бошларида бунёд қилинган деган фикрга келиш мумкин.

б) Зарафшон дарёсига ўрнатилган сув тўғони араблар даврида бутунлай вайрон қилинган. Шулар қаторида Туятортар канали ҳам тўлиқ издан чиққан. Шундан сўнг канал XI-XII асрларда яна қайта тикланган. Бундай дейишимизга сабаб, Туятортар каналининг ўнг томонида, Тазаррук қишлоғига яқин ерда Тўрткўлтёпа (X-XII асрлар) ёдгорлиги жойлашган. Тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг атрофида қуруқ ўзан сақланиб қолганлиги аниқланди.

в) Туятортар канали мўғуллар истилоси даврида ҳам бутунлай вайрон бўлиб, қаровсиз ҳолда қолган. Сўнгра Амир Темур даврида Зарафшон дарёсининг тўғони ва Туятортар

канални яна қайтадан ҳашар йўли билан тикланган. Тиклангандан сўнг, каналдан тахминан секундига 10 м<sup>3</sup> гача сув оққан. Бу эса воҳада суғориш ишларини яхшиланишига олиб келган.

г) Бухоро хони Абдуллахон даврида Зарафшон дарёсидан бош олган Туятортар канали Булунғур даштларидан Сангзоргача кенгайтирилган ҳолда қайта қазилган. Каналда биринчи марта тахминан 15 м<sup>3</sup> сув оқиб келган. Бунинг ҳисобидан XVI асрнинг иккинчи ярмида, Туятортар канали орқали суғориладиган ер майдонлари тахминан 12-15 минг га етган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Анарбаев С.** Туятортар канали қурилиши тарихи // Археологлар ҳикоя қилади. – Тошкент, 1974.
- Алимов Г.** Ўрта аср боғлари ҳақида. – Тошкент, 1984.
- Гулямов Я. Г.** К изучению древних водных сооружений в Узбекистане // «Известия АН УзССР». №.2. – Ташкент, 1955.
- Ғуломов Я. Ғ.** Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадим замонлардан ҳозиргача. – Тошкент, 1959.
- Муҳаммаджонов А. Р.** Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1972.
- Пардаев М. Х., Суюнов С. С.** Шимоли-ғарбий Уструшонанинг суғорилиш тарихидан // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Республика илмий – амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 1993.
- Эшонқулов У.** История ирригации верхнего Зарафшана (с древнейших времен до начала XX в. ). Автореф. дис... канд. ист. наук. – Самарқанд, 1989.
- Мирзо Баде Девон.** Мажмаъ ал-арқом // А.В. Вильданова томонидан нашр этилган фото факсимиле, варақ 90-91. Письменные памятники востока, ИФИ. – М., 1970.
- Ҳофиз Таниш ал-Бухорий.** Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий). Биринчи китоб. Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Тошкент, 1999.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ НЕОЛИТ ДАВРИ СОПОЛ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

**З. Н. Холматова**

Самарқанд археология институти

Инсон тараққиёти тош давридан бошлаб кишилик жамияти равнақининг барча кетма-кетликдаги босқичлари, яъни тарихий даврлари учун хос бўлган босқичли, тизимли, маълум табиат қонуниятларига асосланган ривожланиш тарихига эга. Инсоният тарихининг илк жамияти бағрида инсоннинг табиатга қарамлигидан аста-секин, эволюцион тарзда ўз кунлик турмуш тарзи, машғулотлари мазмуни, меҳнати жараёнида тўпланган тажриба асосида табиат ҳодисаларининг моҳиятини тушуниб, уларни ўзига бўйсундирганлиги фавқулодий ҳодиса бўлмасдан, балки бу жараён уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда кетма-кет эришган инновацияларининг маҳсулидир. Бу инновациялар замирида фақат инсоннинг ўз меҳнати фаолиятида тўплаган тажриба, билим кўникмаси ва иқтидорини маълум мақсадга тўғри ва онгли йўналтира олганлик қобилияти ётади. Бу тараққиёт йўли тарихий жараёнлар инсоннинг ўзининг биологик жиҳатдан такомиллашиши ва унинг жамияти ривожини уйғунлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараён тош асри тараққиёти босқичлари ҳисобланувчи тарихий даврлар (палеолит, мезолит, неолит) тадқиқотида яққол кузатилади.

Кишилик тарихи ривожини илк босқичларини тош асри ( мил. авв. 3-2 млн. - мил. авв. 4 минг йилликлар) ўз ичига олади. Бу давр одамзоднинг тош қуроллари ясаши билан ҳайвонот дунёсидан ажралиши, яъни одамзод пайдо бўлиши ва унинг илк ватанлари (антропогенез жараёни), унинг моддий маданияти ўзига хос хусусиятлари каби масалалар билан узвий боғлиқ бўлган тарихий давр ҳисобланади. Маълумки, тош асри дастлабки босқичларида одамлар табиатга тўла қарам бўлишган. Бу қарамлик бир томондан одамнинг биологик жиҳатдан тўлиқ такомиллашмаганлиги, иккинчи томондан унинг турмуш тарзини ҳайвонлар турмуш тарзидан деярли фарқ қилмаганлиги билан изоҳланади. Улар ўзлари яшаб турган атроф-муҳит, табиатни, табиат сирларини тушунишмаган. Лекин, вақт ўтиши билан, гарчи аста-секинлик билан бўлсада, одамзод жамияти (ибтидоий тўда, ибтидоий гала) шакллана борганлигини, ўзи ҳам биологик жиҳатдан такомиллашувини кўрамиз. Иккала ҳолатда ҳам инсон ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи мазмунан ўта долзарбдир. Бу алоқадорлик сўзсиз уларнинг кунлик турмуш тарзини, машғулотлари жараёнида кечади. Ушбу жараёнда одамларда ўзлари яшаётган атроф- муҳитни билишга интилишлари шаклланади, бу интилишлар эса одамларнинг ўз турмушларини яхшилашга қаратилган ихтиро ва кашфиётлар яратишларига олиб келганки, улар том маънода ўз даврининг

инновациялари демакдир. Масалан, тош қурулларининг турмушда бажарган функциясига кўра турларининг кўпайиши, одамзоднинг дастлаб табиий оловдан сўнг сунъий оловдан фойдаланиши, тураржойларнинг қурилиши, тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши, сопол идишлар ясалиши шу каби дастлабки инновациялар жумласига киради.

Келтирилган омиллар таъсирида инсоннинг кунлик турмуш тарзи, хўжалик машғулоти, тафаккури, онги, моддий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари шаклланади. Ушбу хусусиятларнинг асосини тош, суяк қуруллари, сопол идишлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари ясалиши ташкил этади. Улар ўз мазмунини турмушда бажарадиган функциясида топади. Энг муҳими ишлаб чиқариш воситалари моҳиятида ибтидоий одам имкониятлари унинг табиат, жамият, атроф-муҳитга бўлган муносабати ўз аксини топган. Улар ўз ясалиш технологияси билан ишлаб чиқаришнинг мазмун-моҳиятини, тарихини, моддий маданият мазмунини беради.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тош асрининг яқунловчи босқичи ҳисобланган неолит даврида ибтидоий одамлар интеллектуал салоҳиятининг маҳсули бўлган сопол ҳунармандчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида Ватанимиз сарҳадлари миқёсида амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижалари асосидаги маълумотлар, уларни ўрганилиши тарихини ушбу мақоламазда келтиришга ҳаракат қиламиз.

Неолит даври жамоалари турмушидаги сопол ҳунармандчилигининг шаклланиши ва ривожини масалалари жаҳон тарихшунослиги амалиётида соҳа мутахассислари томонидан кенг эътироф этилган (Третьяков, 1962; Gibbs, Kevin, Jordan, 2016. PP. 1-9; Андреев, Выборнов, 2017. С. 91-99). Ўрта Осиё миқёсида ҳам сопол ҳунармандчилиги, унинг шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари, ясалиши техникаси ва технологияси борасида, шунингдек, жамоалар моддий маданиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда, ўзаро маданий алоқалар, аҳоли этник бирикмаларининг билишда махсус тадқиқот объекти эканлиги ҳақида қатор илмий изланишлар мавжуд (Толстов, 1948; Виноградов, 1957. С. 34-45; Итина, 1959. С. 5-30; Виноградов, 1968. С. 178; Виноградов, 1981; Сайко, 1982. С. 164-181; Виноградова, Филимонова, 2008. С. 383; Холматов, 2020. 37 б.).

Сопол буюмлар тайёрлаш ҳунармандчилиги кишилик тарихи тараққиётида ишлаб чиқариш иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса том маънода ўзига хос “неолит инқилоби”нинг тарихий, тадрижий маҳсулидир. Бу жараён ҳам ўз-ўзидан бирданга содир бўлмасдан, келиб чиқиш тарихий шарт-шароитлари, илдишлари ва тарихий ривожланиш босқичлари ҳамда ўз ясалиши технологиясига эга. Бу ҳақда Э.В. Сайко, В. Ферсарвис, Е.М. Пещерова, С.П. Толстов, Я.Ғ. Ғуломов, М.К. Раҳимов, А.И. Августиник, М.Г. Воробьева, Ю.А. Заднепровский, С.Б. Лунина, В.М. Массон, А.В. Виноградов, В.И.Сарианиди, И.С.Масимов, Ў.И. Исломов, А.А. Асқаров каби соҳа мутахассислари тадқиқотларида маълумотлар учрайди. Хусусан, Э.В. Сайконинг Ўрта Осиё тарихий тараққиёти босқичлари ривожидида сопол ишлаб чиқарилиши технологияси ва техникаси борасида амалга оширган тадқиқоти муҳим ҳисобланиб, Ўрта Осиё сопол ишлаб чиқариш иқтисодиётининг ривожланишини 7 та йирик босқичга (мил.авв. VI минг йилликдан мил.одий XV асргача бўлган тарихий даврни), сопол идишлар тайёрлашда 4 та технологик жараённи ажратади: 1. Лойни тайёрлаш; 2. Идишни ясаш; 3. Идиш сиртига ишлов бериш; 4. Идишни пишириш жараёни. (Сайко, 1982. С. 164-181) Шунингдек, сопол ҳунармандчи-

лигининг ривожланиши босқичлари ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: 1. Уй шароитида сопол ишлаб чиқариш. Бунда сопол ишлаб чиқарилиши, унинг базасининг барқарор фаолияти бўлмайди; 2. Сопол ишлаб чиқарилишида жамоатчилик шароити. Бунда жамоат меҳнатидан касбий нуқтаи назардан ихтисослашган усталар меҳнати ажралиб чиқа бошлайди. 3. Сопол хунармандчилиги. Бунда ишлаб чиқариши жиҳатидан кучли бўлган йирик устахоналар фаолият кўрсатади. Сопол хунармандчилиги ишлаб чиқариш бирлашмалари пайдо бўлади.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон неолит даври сопол хунармандчилиги ўз ўрганилиш тарихига эга. Ўрта Осиё миқёсида аввалги ахборий маълумотлар ва ҳозирги кунда амалга оширилаётган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, неолит даври жамоалари моддий маданиятига тегишли сополлар Жойтун, Калтаминор, Ҳисор, Сазоғон, Марказий Фарғона ва Устюрт неолит жамоалари маданиятлари ёдгорликлари тадқиқотлари асосида ўрганилган (Массон, 1971. С.207; Виноградов, 1981. С. 173; Исламов, имофеев, 1986; Бижанов, 1996. С. 50; Виноградова, Ранов, Филимонова, 2008; Джуракулов, Холматов, 1991. С. 3-122; Холматов, 2008. 210 б; Холматов, 2020. 378 б). Фактларга муножабат этсак, даставвал Калтаминор неолит жамоалари сополлари тадқиқоти маълумотларига дуч келамиз. Маълумки, ўтган асрнинг 30-йиллари охирида Қуйи Амударёнинг Оқчадарё ҳавзаси Жонбос-4 макони кашф этилиши билан неолит жамоалари турмушида қўлланилган сополлар тадқиқоти бошланди (Толстов, 1939. С.91-92.) Жонбос-4, Қунак-1, Қават-5 каби ёдгорликларнинг сополлари тарихий манба сифатида илк бор илмий муомалага киритилди (Толстов, 1948. С.65-74.)

Ўтган асрнинг 40-йиллари 2-ярми - 50-йиллар мабойнида Калтаминор маданиятига оид янги ёдгорликлар кашф этилиб, маданиятнинг янги қирралари ойдинлашди, хусусан, катта ҳажмдаги сопол буюмлари материаллари қўлга киритилди. Бу материаллар сопол хунармандчилиги шаклланиши ва ривожланиши, сопол буюмлар ясалиши техникаси, технологияси, нақшлари, неолит жамоаларининг қўшни ҳудуд жамоалари билан ўзаро маданий алоқаларини, ёдгорликлар даврий хронологиясини аниқлаштиришда муҳим аҳамият касб этди (Виноградов, 1957. С. 34-45; Толстов, 1960. С. 170-177; Итина, 1959. С. 5-30; Виноградов, 1963. С. 91-93; Виноградов, 1968. С. 178). Ўтган аср 60-70-йилларида Хоразм археологик экспедицияси Қизилқум ички ҳудудлари, хусусан Лавлакан, Мингбулок, Бешбулок, Қорақата чўкмалари атрофида тош даври жамоаларининг моддий маданиятини ўрганишда самарали тадқиқотларни амалга оширди. Тадқиқотлар комплекс равишда бўлиб, археологик, геоморфологик ва гидро-географик жиҳатдан текширув асосида Калтаминор жамоаларига тегишли катта ҳажмдаги археологик материаллар қўлга киритилган. А.В. Виноградов бу материалларни типологик жиҳатдан таҳлил этиб, Оқчадарё ҳавзаси, Жанубнинг ўтроқ деҳқон жамоалари моддий маданиятидан фарқли жиҳатларини аниқлаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган Калтаминор маданиятининг маҳаллий характердаги Лавлакан маданий вариантыни ажратди. (Виноградов, 1975). Жумладан, сопол буюмлари ҳам ўрганилиб, улар 3 та хронологик босқичга ажратилди ва идишлар нақшлари асосий қисмини босиб туширилган тишсимон нақшлар ташкил этганлиги аниқланди. Бу сополлар тўғрисидаги маълумотлар қатор илмий ишларда ўз аксини топди (Виноградов, Мамедов, 1975. С. 43, 69-71, 219-221, 263-274, Холматова, 2011. 60-63 б.).

Калтаминор сопол хунармандчилигини ўрганишда А.В. Виноградов томонидан 1976 йилдан эътиборан Оқчадарё ҳавзасида тадқиқ этилган “Толстов макони” сопол идишлари ҳам муҳим ўрин тутди. Сопол идишлар ичида Калтаминор сополларига хос бўлмаган қорин танаси цилиндр шаклда, таг қисми эса текис бўлган идишлар аниқланиб, шу асосда жамоаларнинг жанубий ҳудудлар ўтроқ деҳқон жамоалари билан ўзаро маданий алоқада бўлишганлиги ҳақида хулосалар билдирилган. (Виноградов, 1981.С.81-82). Калтаминор сополлари тўғрисида Қуйи Сирдарё воҳасида тадқиқ этилган Космола 1-6, Аймора-1, Талас-1 маконлари сополлари ҳам муҳим маълумотлар беради (Виноградов, 1981. С. 90-94).


Маълумки, палеогеографик, палеогидрографик тадқиқотлар натижасида Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида унинг 3 та қадимги ўзанлари тизими ҳаракатда бўлганлиги аниқланган: 1. Жанубий ўзан - Моҳандарё ва унинг тармоғи, Хўжайли, Катта ва Кичик Тузкон; 2. Шимолий ўзан - Эчкиликсой, Оёқоғитма ва Дарёсойлардан иборат; 3. Ўрта ўзан - Чорбақти воҳаси ҳисобланади. Бу жойларда дастлаб ўтган асрнинг 50-йиллар охири - 60 йилларда ЎЗР ФА тарих ва археология институти ходимлари (Гулямов, Исломов, Аскарлов 1966. С. 14-98), кейинчалик Россия ФА этнография институти ХАЭ ходимлари, 1984-86- йиллари Чорбақти воҳасида Россия ФА этнография институти ХАЭ, ТошДУ география факультети, СамДУ археология кафедраси ходимлари томонидан археологик тадқиқотлар олиб борилиб, кўп сонли неолит даври ёдгорликлари аниқланган. Хусусан, Қуйи Зарафшон воҳаси жанубий ўзанидаги Моҳандарё ва Гурдуш ўзанлари ҳосил қилган Катта ва Кичик Тузкон соҳиллари бўйлаб тарқалган неолит маконлари Ў. Исломов томонидан ўрганилиб, Дарвозақир-1, 2, ёдгорликларида бевосита қазилма ишлари бажарилган. Тадқиқотларда қўлга киритилган материалларнинг катта салмоғини сополлар ташкил этган. Ў. Исломовнинг кўрсатишича, бу сополларнинг кўпчилиги ўз шакли ва нақшлари билан Жонбос-4, Куняк-1, Қават-5 маконлари сополлари, шунингдек, баъзи сопол буюмлари эса тўлқинсимон чизикли нақшлари билан жанубий ҳудудлар ўтроқ деҳқон жамоалари сополларига яқин бўлган (Исломов, 1963). А.В. Виноградов ҳам Қуйи Зарафшон неолит сополларининг Оқчадарё сополларидан фарқли ва ўхшашлик жиҳатларини ўз тадқиқотларида келтирган (Виноградов, Мамедов, 1975. С. 269-270). Ўрта ўзан - Чорбақти воҳасида 60 га яқин неолит маконлари тадқиқ этилиб, жамоалар моддий маданияти Калтаминор маданиятига оидлиги аниқланган. Хусусан, Калтаминор сополлари тўғрисида муҳим маълумотлар қўлга киритилган (Виноградов, Мамедов, 1978. С. 547; Холматов, 2007. С. 44-139). Қуйи Зарафшоннинг шимолий ўзанидаги Дарёсой воҳасида А.В. Виноградов томонидан Учаши 131 макони тадқиқ этилиб, маданий қатламдан илк неолит даврига оид сопол идиш парчалари топилган (Виноградов, 1981.С. 64-66).

Республикаимиз мустақиллиги йилларида, хусусан 1995-2005 йиллари Оёқоғитмада Ўзбек-Польша, Ўзбек-Франция халқаро экспедициялари тадқиқот ишлари олиб боришиб, маданий қатлам сақланиб қолган Оёқоғитма неолит маконидан кўплаб Калтаминор сопол идишлари парчаларини топишди. Тадқиқотларда қўлга киритилган сополлар илк неолит даври сополлари деб эътироф этилмоқда (Szymezak, Khudzhanazarov, Fontugne, Muchniak, 2004. P. 26-32; Хужаназаров, Брунет, Шимчак, 2006. С. 244-250). Қуйи Зарафшон воҳаси неолит даври сополлари, хусусан, Дарвозақир, Учаши 131, Чорбақти ва Оёқоғитма сопол

идишлари ва улар нақшлари илмий таҳлили археологик адабиётларда ўз ифодасини топган (Холматова, 2012. 109 б.).

Ўзбекистон неолит даври сопол хунармандчилигини ўрганишда Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси ён бағрида тош даври жамоалари моддий маданияти тадқиқотида қўлга киритилган сополларнинг ҳам ўрни бор. Мазкур худуда ўтган асрнинг 60-йиллари 2-ярмидан ҳозирги кунга қадар Сазоғон неолит жамоалари маданиятига тегишли ёдгорликлар СамДУ археологлари томонидан тадқиқ этилиб келинмоқда ва қўлга киритилган катта ҳажмдаги археологик материаллар асосида Сазоғон неолит маданияти ажратилиб, илмий жамоатчиликка тақдим этилган. (Джуракулов, Холматов, 1991. С. 207; Холматов, 2020. 383 б) Сазоғон-2 (1978-1983 йиллар), Жангал-1 (1986-1989 йиллар), Тепакул-3 (1989-1994 йиллар), Тепакул-4 (1995-2004 йиллар), Очилғор макони (2005-2016 йиллар) қазилмаларида қизиқарли сопол идишлари қолдиқлари топилган. Улар юпқа деворли қўлда ясалган идишлар бўлаклари бўлиб, бу бўлақлар асосида оғиз қисми тўғри ёки озгина ташқи томонга қайрилган, таг қисми текис, айлана шаклда, қорин қисми кенгайган кўринишли идишлар бўлганлиги ҳақида хулоса билдириш мумкин. Сопол идишлар лойига майдаланган оқ рангли кварцлар қўшилганлиги, ички томонида мато излари сақланганлиги кўриниб турибди. Нақшлар бир бирига уланган “тирноқсимон”, ёнма-ён куч билан ниқтаб солинган чуқурсимон, майда, бир-бирига уланган нуқтасимон изли кўринишли идишга горизонтал ҳолда солинган. Шунингдек, идиш сиртига горизонтал, вертикал чизикли кўринишдаги геометрик шаклда солинган нақшлар ҳам учратилган (1-расм). Айниқса, Жангал-1 ёдгорлигидан нақшли идиш парчалари топилган. Ўрта Зарафшон воҳаси Сазоғон неолит сопол идишлари ўз ясалиш шакли ва нақшлари билан Қуйи Зарафшон воҳаси, Амударё этаги Оқчадарё воҳаси ҳамда Қизилкум Қалтаминор жамоалари сопол буюмларига ўхшаш. Бу ўз навбатида неолит жамоаларининг ўзаро маданий алоқада бўлганликларини билдиради.

Ўзбекистон худуди Марказий Фарғона ва Устюрт неолит ёдгорликлари тадқиқотида ҳам сопол парчалари топилган. Маълумки, бу ёдгорликлар маданий қатламлари бузилган ёдгорликлар ҳисобланади. Гарчи, бундай ҳолат бўлсада, уларнинг Ўзбекистон неолит даври сопол хунармандчилигини билишимизда ўзига хос илмий аҳамияти мавжуд. Фарғона водийсида тадқиқ этилган Марказий Фарғона неолит маданияти ёдгорликлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг 50-йилларига тўғри келади. Булар Б.З. Гамбург ва Н.Г. Горбуновалар томонидан Дамқўл атрофларида амалга оширилган тадқиқотлари на-



1-расм. Сазоғон маданияти сополлари: 1-6 Сазоғон 2; 7-9-Жангал 1; 10,11- Тепакул 3.

тижасида қўлга киритилган тош буюмлар тўпламлари ҳақидаги фактик материаллар ҳисобланади. Ю.А. Заднепровский 1963-1964 йиллари воҳанинг марказий қисмларида археологик қидирув ишларини ўтказиши жараёнида 21 та тош даврига тегишли топилма жойларини аниқлаган (Заднепровский, 1966). Кейинги йиллар (1970 йиллар) неолит даври жамоаларига тегишли ёдгорликлар тадқиқотлари асосан Ў.И. Исломов, В.И. Тимофеевлар томонидан амалга оширилиб, 80 дан ортиқ топилма жойлари аниқланган ва улар қуйидаги гуруҳларга ажратилган: водийнинг шимолий қисмида Мадяр гуруҳи; водийнинг шимоли-шарқий қисмида - Сариксув, Мингбулоқ маконлари гуруҳи; водийнинг жанубий қисмида Замбар, Тайпоқ, Сигирчилик, Янгисув гуруҳи маконлари; водийнинг марказий қисмида эса Янги қадам, Дарозқўл, Хонобод маконлари гуруҳлари ўрганилган. Юқорида келтирилганидек, бу маконларнинг маданий қатламлари асл ҳолатда сақланиб қолмаган, уларнинг майдон сатҳлари ҳам унчалик катта эмас, шу боис тадқиқотчилар уларни жамоалар мавсумий характердаги манзилгоҳлари бўлишган, деб ҳисоблайдилар. Мазкур маконлардан кам сонли бўлсада неолит даври сополлари топилган (Исламов, Тимофеев, 1986. С. 107).

Ватанимиз сарҳадларида неолит даври сопол ҳунармандчилигини ўрганишда Устюрт платоси миқёсида ўтган асрнинг 60-70 йилларида тадқиқ этилган тош даври ёдгорликлари материаллари, хусусан неолит даври сополлар аҳамиятли ҳисобланади (Бижанов, 1978. С. 18-79; Бижанов, 1982. С. 14-38; Бижанов, 1984. С. 8-21). Уларнинг умумий сони 150 тага яқин бўлиб, Е. Бижанов неолит маконлари тош индустрияси характери, тош қуроллари, сополларининг типологик таҳлилидан келиб чиқиб, неолит жамоалари моддий маданиятини учта тараккиёт босқичига бўлган: 1. Илк неолит – Оқтойлоқ-1, Оқтўба-2, Чурук-2, 3, 7, Жаринқудуқ-2, Айдабал -2, 4, 7, 10, 20, 23 каби маконлардан иборат бўлиб, уларнинг моддий маданияти мил. авв. VI-V минг йилликларга тўғри келади. 2. Ўрта (ривожланган) неолит (мил. авв. V-IV минг йилликлар) – Косбулоқ - 5, 7; Чурук-5, 6, 8, 9; Аллам - 3, Айдабал - 3, 5, 8, 13, 19, 24, 26; Жаринқудуқ каби маконлардан иборат. 3. Сўнгги неолитга (мил. авв. IV-III минг йилликлар) – Исатай - 3, Чурук - 1, 4, Каскажол, Оқтумсиқ, Кугесем каби маконлар киритилган.

Шу ўринда, неолит даври сопол ҳунармандчилиги шаклланиши ва ривожланиши борасида Ўрта Осиёнинг жанубий сарҳадлари, хусусан Туркменистон ҳудуди Копетдоғ ён бағрида Жойтун неолит маданияти, Шарқий Каспий бўйи неолит жамоалари ва Марказий ва Жанубий Тожикистон ҳудуди Ҳисор неолит маданияти сополарининг маълумотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади (Массон, 1964. С. 466; Массон, 1971; Ранов, 1998. С. 105-123; Виноградова, Ранов, Филимонова, 2008) Хусусан, ўз вақтида Ўрта Осиёда дастлабки сопол идишлар пайдо бўлиши Жойтун маданияти сопол манбалари асосида мил.авв. V-IV минг йиллик, Жабал ғори 5-маданий қатлампидан топилган сопол идиш парчалари мил. авв. V минг йил билан саналанган эди. Бошқа йирик мутахассис Г.Е. Марков томонидан Дам-Дам-Чашма-2 ёдгорлиги маданий қатлампидан топилган сопол идиш парчалари мил.авв. VI минг йиллик охири билан белгиланган. Лекин, Жабал ғори, Дам-Дам-Чашма 2 ёдгорлиги сопол идишлари тўғрисида ёдгорликлар маданий қатламлари аралашиб кетганлиги эҳтимолидан соҳа тадқиқотчилари ўртасида баҳсли ҳолатлар мавжуд.

Ўрта Осиёнинг қадимги сополлари тўғрисида А.В. Виноградов томонидан Қизилқум худуди, Дарёсой воҳасидан Учаши-131 ёдгорлигидан (Мил. авв VI минг йиллик 2-ярми) топилган сопол идишларни Ўрта Осиё миқёсидаги қадимги сополлар бўлган Жойитун сополлари билан хронологик жиҳатдан бир қаторга қўйиш мумкин. Сопол идишларни илк неолит давридан пайдо бўлганлиги фактига Ф. Брунет, М. Хўжаназаров томонидан яқин йиллар мобайнида Оёқоғитма, ёдгорлиги тадқиқотида қўлга киритилган сопол идишлар тўғрисидаги маълумотларни эътиборга олиш мумкин (мил. авв. VII-VI минг йилликлар). Шу ўринда В.А. Ранов томонидан Ўрта Осиёга қўшни бўлган Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон ҳамда Шарқий Осиёнинг Хитой, Япония худудлари қадимги сополлари ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам аҳамиятлидир (Виноградова, Ранов, Филимонова, 2008. С. 37).

Хуллас, инсоният тарихи тош асрининг сўнгги тарихий босқичи ҳисобланувчи неолит даврида сопол хунармандчилиги пайдо бўлган. Сопол ишлаб чиқариш хунармандчилигининг кишилиқ тарихи тараққиёти босқичлари иқтисодий ривожланишида, давр ижтимоий ҳаёти, жамоалар иқтисодий ва маданий алоқалари тарихида ўзига хос ўрни бор. Ўзбекистон неолит даври жамоалари моддий маданияти тадқиқотида сопол хунармандчилиги шаклланиши ва ривожланиши борасида қимматли материаллар, маълумотлар тўпланишига эришилган ва бу ўз ўрганилиши тарихига эга.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Андреев К. М., Выборнов А. А.** Керамика раннего неолита от Средней Азии до Дании // Самарский научный вестник. № 3 (20). Т. 6. – Самарканд, 2017.
- Бижанов Е. Б.** Каменный век Устюрта // Автореф... дисс. док. ист. наук – Нукус, 1996.
- Бижанов Е. Б.** Мезолитические и неолитические памятники северо-западного Устюрта // Археология Приаралья. Вып. 1. – Ташкент, 1982.
- Бижанов Е. Б.** Неолитические памятники юго-восточного Устюрта // Древняя и средневековая культура юго - восточного Устюрта. – Ташкент, 1978.
- Бижанов Е. Б.** Памятники каменного века впадины Шахпахты // Археология Приаралья. Вып. 2. – Ташкент, 1984.
- Бижанов Е. Б.** Первое неолитическое погребение на Устюрте // Советская археология. №1. – М., 1985.
- Виноградов А. В., Мамедов Э. Д.** Комплексные археолого-геоморфологические работы в юго-западных Кызылкумах // Археологические открытия 1978 г. – М., 1979.
- Виноградов А. В.** Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. – М., 1981.
- Виноградов А. В.** К вопросу о южных связях кельтеминарской культуры // Советская этнография. Вып. 1. 1957.
- Виноградов А. В. Мамедов Э. Д.** Первобытный Лявлякан. Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов. МХЭ. Вып. 10. – М., 1975.
- Виноградов А. В.** Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. Вып. 8. 1968.
- Виноградов А. В.** Новые материалы для изучения кельтеминарской культуры // МХЭ. Вып. 6. 1963.
- Виноградова Н. М., Ранов В. А. Филимонова Т. Г.** Памятники Кангуртута в Юго-Западном Таджикистане (эпоха неолита бронзовый век. – М., 2008.

- Гулямов Я. Г., Исламов У. И., Аскарлов А. А.** Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент, 1966.
- Джуракулов М. Д., Холматов Н. У.** Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент, 1991.
- Заднепровский Ю. А.** Неолит Центральной Ферганы // КСИИМК. Вып. 106. – М., 1966.
- Исламов У. И., Тимофеев В. И.** Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент, 1986.
- Исламов У. И.** Неолитическая культура в низовьях Зарафшана // Автореф... дисс. кан. ист. наук. – Л., 1963.
- Итина М. А.** Первобытная керамика Хорезма // ТХЭ. IV. – М. 1959.
- Массон В. М.** Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА. Вып. 180. – Л., 1971.
- Массон В. М.** Средняя Азия и Древний Восток. – М. –Л., 1964.
- Ранов В. А.** Неолит (Гиссарская культура) // История Таджикского народа. Том 1. – Душанбе, 1998.
- Сайко Э. В.** Техника и технология керамического производства Средней Азии в историческом развитии. – М., 1982.
- Толстов С. П.** Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой // МХЭ. Вып. 3. – М., 1960.
- Толстов С. П.** Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М., 1948.
- Толстов С. П.** По следам древнехорезмской цивилизации. – М., 1948.
- Толстов С. П.** Хорезмская археологическая экспедиция 1939 г // КСИИМК. Вып. VI. – М. –Л., 1940;
- Третьяков В. П.** Неолитическая керамика и археологические культуры // Советская археология. №1. 1984.
- Третьяков П. Н.** Этнический процесс археология // Советская археология. №4. 1962.
- Холматов Н. У.** Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана. – Ташкент, 2007.
- Холматов Н. У.** Садогон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. – Самарканд, 2020.
- Холматов Н. У.** Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. – Тошкент, 2008.
- Холматова З. Н.** Калтаминор маданияти сополлари хусусида // Марказий Осиё деҳқончилик ва дашт цивилизациясининг ўзаро муносабатлари мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Самарканд, 2011.
- Холматова З. Н.** Калтаминор сополлари (маҳаллий маданий вариантлар мисолида) // ИМКУ. Вып. 38. – Самарканд, 2012.
- Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К.** Археологические исследования Узбекско-Французской экспедиции на памятниках Кызылкумов // Археологические исследования в Узбекистане 2004-2005 годы. – Ташкент, 2006.
- Szymezak K., Khudzhazarov M., Fontugne M., Muchnik R.** 14C dating of Ayakagytmah site, neolithic settlement in south-eastern Kyzyl-Kums, Uzbekistan // ИМКУ. Вып. 34. – Самарканд, 2004.
- Gibbs K., Jordan P. A.** O comparative perspective on the “western» and «easteren» Neolithics of Evrasia: agraculture and sedentism. QuaternaryInternational. XXX, 2016.

## СУЛТОН УВАЙС ТОҒ ТИЗМАСИ ВА УНГА ТУТАШ ҲУДУДЛАРДА ТОШ ДАВР ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

**Ҳ. Эгамберганов**

Қорақалпоқ давлат университети

Қуйи Амударё ва унга туташ Қизилқум ҳудуди кишилиқ тарихи тош асри жамоалари моддий маданиятини ўрганишда истиқболли ўлкалардан бири саналади. Бу сарҳадда дастлабки тош асри ёдгорлиқлари тадқиқоти ишлари ўтган асрнинг 30-йиллари охирида С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик экспедицияси томонидан Оқчадарё ҳавзасида Жонбос-4 неолит ёдгорлиги очилиши билан бошланиб кетган эди (Толстов, 1948). Кейинги йилларда Амударё этаги ўнг ва чап томони ҳудудларидан (Ўзбой, Сарикамиш, Оқчадарё ҳавзалари ва унга туташ Қизилқум ерлари) кўп сонли неолит даврига оид ёдгорлиқлар тадқиқ этилишга эришилди ва қўлга киритилган материаллар асосида Қалтаминор неолит даври маданияти ажратилиб, илмий муомалага киритилган (Виноградов, 1957. С. 29; Виноградов, 1968. С. 178; Виноградов, 1981. С. 173).

Ўтган асрнинг 80-йилларида Оқчадарё ҳавзасида А.В. Виноградов томонидан “Толстов макони” тадқиқ этилган. Шундан кейин 2005 йилда қисқа муддатли Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси ходимлари томонидан амалга оширилган археологик қидирув ишларини эътиборга олмасак, ҳозирги кунга қадар бу сарҳадларда тош даври жамоалари моддий маданиятини ўрганиш ишлари олиб борилмаган. Яна бир жиҳатни эътиборга олиш лозим бўлади. Ўз вақтида Хоразм археологик экспедицияси ходимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотларда тош асрининг яқунловчи босқичи бўлган неолит даври жамоаларининг моддий маданияти ўрганилган. Ваҳоланки, ҳозирги кунга қадар бу минтақада тўлақонли, маданий қатлами сақланган палеолит ва мезолит даври ёдгорлиқлари топилмаган (Бурли-3 устахонаси материаллари ва Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси ходимлари томонидан амалга оширилган археологик қидирув ишлари йиғма материалларини ҳисобга олмаганда). Султон Увайс тоғ тизмаси атрофлари ва ундан Нукусгача булган сарҳадларда тош даври ёдгорлиқларини ўрганиш ишлари тўлақонли равишда амалга оширилмаган. Биз қуйидаги сатрларда Султон Увайс тоғ тизмаси ва унга туташ ҳудудлар миқёсида тош даври ёдгорлиқлари ҳамда қоятош расм ёдгорлиқларини ўрганиш борасидаги маълумотларни келтиришга ҳаракат қиламиз.

Султон Увайс тоғ тизмаси Қизилқумнинг Шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, унинг ғарбий қисмлари Амударёнинг ўнг соҳилларигача боровчи кўплаб унча баланд бўлмаган паст бўйли тоғли кўтарилмалардан иборат. Мазкур тоғ тизмаси ғарбдан Амударёга туташган бўлиб, шарқ томони 70 км. гача чўзилиб борганлиги кузатилади. Унинг кенг-

лиги шарқий қисмида 4–5 км, марказий ва ғарбий қисмида 13 км гача ўлчамни ташкил этади. Энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 500 метргача баландликка эга. Амударёнинг қадимий Оқчадарё дельтаси оқимларига туташиб турувчи жанубий ёнбағирлари анча тик, шимолий ён бағри Қизилкум томон пасайиб, деярли сезилмас даражада қўшилиб кетади. Тоғ тизмаси асосан қуйи палеозой ётқизикларининг юқори даражада метаморфланган жинсларидан иборат бўлиб, улар орасида амфиболитлар, гнейслар ва мрамлар, ғарбий қисмида эса кремнийли сланецлар устунлик қилади. Деярли барча ҳудудлардаги палеозой даври қатламларида бўр ва учламчи давр ётқизикларининг минераллари - оҳақтошлар, мергеллар, кумтошлар ва гиллар қайд этилган (Шилин, 1935. С. 115; Вишневский, 1940. С. 6-81).

Султон Увайс тоғи ва унга туташ ҳудудларда ҳозирги давргача тош асри ёдгорликлари тадқиқоти кенг кўламли равишда амалга оширилмаган. Лекин, кейинги тарихий даврларга оид ёдгорликлар тадқиқоти бажарилган. Хусусан, тоғ тизмасининг жанубий ён бағирларида антик даврга оид Гаур қалъа ва ўрта аср тегишли Жамбиққалъа ёдгорликлари, минераллардан талк ва фируза конлари ҳамда устахоналари маълум. Энди, тош асри ёдгорликлари тадқиқоти масаласига келсак, ўтган асрнинг 60-йилларида С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик экспедицияси ходимлари томонидан мазкур ҳудудда археологик қидирув ишлари амалга оширилиб, Бурли-3 чакмоқтош устахонаси ва шахтаси аниқланиб археологик харитага туширилган. Ёдгорлик археолог А.В. Виноградов томонидан тадқиқ этилган ва у неолит даврига оид тош устахонаси деб илмий муомалага киритилган (Виноградов, 1968. С. 126-134). Таъкидлаш жоизки, Бурли-3 устахонаси Султон Увайс тоғининг жануби-шарқий қисмидан, Қизилкум саҳроси билан туташиб кетган тепаликларнинг ёнидан топилган. Ёдгорликнинг номланиши унинг яқинида жойлашган Бурли қалъа билан боғлиқ ҳисобланади (Манилов, 1972. С. 5; Манилов, Ходжаниязов, 1981. С. 32-49).

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур тош даври устахонаси тепалик устида жойлашган бўлиб, кўриниши суйри шаклда шарқдан ғарбга томон тахминан 60-70 метрга чўзилган, кенлиги эса 45 метрни ташкил қилади. Устахона аниқланган ҳудудда иккита карьер мавжуд, улардан биринчиси узунчоқ шаклда ўлчами 30x5,6 метрни, иккинчиси тўртбурчак шаклда ўлчами 12x2-3,5 метрни ташкил қилади.

А.В. Виноградовнинг кўрсатишича, устахонадан асосан чакмоқтош бўлаклари ва парчалари топилган. Бу материаллар орасида қизғиш-жигаррангли чакмоқтошлар кўпчиликни ташкил этади ва оқ, кулрангли чакмоқтошлар эса нисбатан камчиликни ташкил этади. Мутахассислар таъкидлашича, Бурли 3 устахонасининг тоғ жинслари чакмоқтош билан тўйинганлигининг салмоғи жуда юқори ва улар бу атроф ердаги умумий тоғ жинслари ҳажмининг тахминан 40-50%ини ташкил этади. А.В. Виноградовнинг маълумотича, Бурли-3 чакмоқтош устахонасига яқинроқ теварак-атрофда, хусусан, Оқчадарё ҳавзасида тадқиқ этилган Калтаминор неолит жамоаларига тегишли бўлган ёдгорликлар тош индустрияси тош буюмларининг 70-80% ини қизғиш-жигаррангли ҳамда сариқ рангли чакмоқтошлар ташкил этган. Булар Бурли-3 устахонасидан топилган чакмоқтошларнинг айнан ўзи бўлиб, шу асосда мазкур устахона шу туташган ҳудудларда, хусусан, Оқчадарё ҳавзаси, Қизилкум ҳудудларида яшаган Калтаминор неолит жамоаларига тош қуролларини ясаши

учун хомашёси манбаи, маркази ролини ўйнаганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Бу жуда муҳим илмий хулоса ҳисобланади ва сўзсиз, Султон Увайс тоғи атрофларида тош даври ёдгорликлари тадқиқотининг истиқболини белгилайди.

Устахона худудидан сопол буюмларнинг топилганлиги диққатга сазовор. Манзилгоҳнинг пастки қатламларидан кулранг ва жигаррангли, юпқа деворли сопол буюмлар парчалари топилган, уларни баъзиларининг сиртида унча тиниқ, ёрқин тасвирланмаган нақшларнинг излари бор. Сақланиб қолган сопол парчаларида перпендикуляр кўринишдаги нақшлар атрофи чўзиқ чизик билан ифодаланган нозик тишли нақш билан безатилган. Шунингдек, горизонтал чизиклар билан безатилган сопол идиш парчалари ҳам топилган. Ташқи кўриниши юпқа деворли, ясаиш техникаси, безатилган нақшлари асосида уларни неолит даврига оид, деб ҳисобласа бўлади. Ушбу сопол буюмлар парчалари ўз жиҳатлари билан Қалтаминор жамоаларига тегишли бўлган Қават-7 неолит даври манзилгоҳи буюмларига ўхшаш. Устахонадан топилган сопол буюмлар орасида пастки қисми текис, пишириш табиати Хоразм бронза сопол идишларига хос парчалар ҳам учрайди.

Султон Увайс тоғи ва унга туташ худудлардаги тош даври ёдгорларликларини ўрганиш ишлари кейинги даврларда ҳам қисман давом эттирилган. Жумладан, Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедиция ходимлари 2005 йилида Султон Увайс тоғи ва унга туташ бўлган Оқчадарё ҳавзасида тош даври ёдгорликларини топиш мақсадида археологик қидирув ишларини амалга оширишди (Хужаназаров, Брунет, Шимчак, 2006. С. 244-250). Бу археологик қидирув ишлари жараёнида Султон Увайс тоғининг жанубий ва жануби-шарқий ён-бағирларида тош даврига тегишли бир нечта топилма жойлар ҳамда ушбу тоғ тизмасининг шарқий қисмида жойлашган Аёзқалъа атрофидан ҳам бир нечта топилдик жойлар аниқланиб харитага туширилган. Топилма жойлардан қизиқарли тош қуроллари тўплами йиғиб олинган. Бу тош буюмлар тўплами бир платформали, кўп платформали, шунингдек, учли, дисксимон, ортогонал нуклеуслар, пластинкалар ва кичик ўлчамдаги учириндилардан иборат. Мутахассислар бу тош буюмларни типологик таҳлилига кўра сўнгги палеолит даври ва кейинги тош даври тараққиёти босқичларига тааллуқли деб ҳисоблаганлар. Шу асосда Султон Увайс тоғи ва унга туташ худудларда одамзод сўнгги палеолит давридан эътиборан яшаб келганликлари ҳақида илмий хулосага келинган (1-расм).

Султон Увайс тоғи ва унинг атрофидан топилган маконлар тартиб рақами билан белгиланган. М. Хужаназаров, Ф. Брунетларнинг ёзишича, 23- ва 24-рақамлар остида шартли ном билан белгиланган топилдик жойларидан нисбатан кўпроқ тош буюмлар йиғиб олинган (Хужаназаров, Брунет, 2006. С. 12-21). 23-топилма жойидан йиғилган тош буюмлар тўпламидаги тош қуроллари типологик таҳлили улар орасида нафақат, неолит даври, балки палеолит даврига оид буюмлар борлигини кўрсатди. Қизиқарлиси шуки, мутахассислар фикрича, бу материаллар тоғ ён бағридан селлар таъсирида оқиб келганлиги боис ер сатҳи маълум бир жойига тўпланиб, зичлашиб қолганлиги кузатилади. Шунингдек, материаллар тарқоқ бўлиб ётганлиги ҳолати ҳам мавжуд. Бундай ҳолатлар ва қуёш ҳамда табиат ҳодисаларининг таъсири тош буюмлар сиртларида кузатилади (силлиқланиш, ёрилиш). Лекин, уларнинг кўринишлари ва сақланиш ҳолатлари типологик таҳлиллар ўтказиш учун яроқли ҳисобланади.

24-топилма жойи нисбатан 23-пунктга яқин жой бўлиб, бу жойлар Султон Увайс тоғи ён бағирлари ҳисобланади. Тадқиқотчилар маълумотича, бу ердан 28 та тош буюм намуналари топилган. Бу тош буюмлар тўплами 16 дона тош ўзаги, бир дона ишлов берилган пайрақа қуроли, 6 дона ишлов берилмаган учириндилар, 4 дона кварц бўлаги ва 1 дона чақмоқтошли оҳақтошдан ясалган тош буюмидан иборат.

Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг илмий ходимлари қоятош расмлари ёдгорликлари устида ҳам изланишлар олиб боришган. Бу тадқиқотлар Султон Увайс тоғ тизмаси ва унинг ён бағирларида ҳамда унга туташ ҳудудлар паст бўйли қирликлар ёнларида амалга оширилган. Жумладан, Қипчоқ мавзесидаги қирликлар табиий ландшафти билан боғлиқ бўлган жойлар, яъни тепаликларда А.В. Оськин томонидан изланишлар амалга оширилган (Оськин, 1977. С. 537). Тадқиқотда Султон Увайс тоғининг жанубий ён бағи тоғ қояликлари сатҳидан, Султон Увайс бобо зиёратгоҳидан унча узок бўлмаган жойда майда ўлчамли тош сатҳларида, тошлардан бирида тўртбурчак рамкада Малта хочи кўринишидаги тирналган белги топилган. Шунингдек, мазкур ҳудуд қоятош расмлари ёдгорликлари тадқиқотида С.П. Толстов томонидан амалга оширилган ишларнинг аҳамияти катта. Бу ёдгорликлар ҳам Чилпик, Қоратепа ва Бештюбе ёнидаги тепаликлар тошлари сатҳида аниқланган. С.П. Толстовнинг ёзишича, бу қоятош расмлари солинган тош сатҳлари ўлчами жиҳатидан унчалик катта эмас, уларда асосан ҳайвонлар тасвири келтирилган, ов жараёни ҳақида ҳам мулоҳаза қилиш мумкин. Тадқиқотчи томонидан улар кишилик тарихи бронза даври жамоаларига тегишли деган хулоса билдирилган (Толстов, 1948. С. 82).

Султон Увайс тоғи ва унга туташ ҳудудлар бўйича тош асри жамоалари моддий маданиятини ўрганиш борасида юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидагича хулосаларни билдириш мумкин:

1. Султон Увайс тоғи ва унга туташ ҳудудлар тош даври жамоаларининг моддий маданиятини ўрганиш бўйича истиқболли минтақа ҳисобланади. Бунга ҳудудга унча узок бўлмаган жойдаги Оқчадарё ҳавзасида Калтаминор неолит маданияти ёдгорликларининг ўрганилиши ҳам илмий асос беради.

2. Айна кунда кўлимиздаги маълумотлар асосида Султон Увайс тоғи ва унга туташ ҳудудлар одамзод томонидан сўнгги палеолит давридан ўзлаштирилиб, ўзига хос моддий маданият яратилганлиги ҳақидаги фикрни айтиш мумкин.

3. Бурли-3 чақмоқтош устахонаси манбалари асосида бу устахона кўшни ҳудудлар, яъни Оқчадарё ҳавзаси, Қизилкум, Амударёнинг чап соҳили ҳудудлари, яъни Узбой, Сарикамиш музофатлари тош даври жамоаларига тош қуролларини ясашлари учун хомашё маркази ролини ўтаганлиги ҳақида хулоса билдириш мумкин.

4. Султон Увайс тоғи ва унга туташ ҳудудлар ибтидоий давр одамлари қоятош расмларини ўрганишда истиқболли ҳисобланади.

5. Султон Увайс тоғи ва унга туташ ҳудудлардаги тош даврига оид ушбу маълумотлар мазкур тоғ тизмасидан ғарбий, жануби-ғарбий ҳудудлар, яъни Нукус шаҳригача бўлган ҳудудларда тош даври ёдгорликларини топиш учун археологик қидирув ишларини амалга ошириш истиқбол режасини беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Виноградов А. В.** Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ. Т. XIII. –М., 1981.
- Виноградов А. В.** Неолитические памятники Хорезма // МЭХ. Вып. 8. –М., 1968.
- Виноградов А. В.** Неолитические памятники Хорезма. МХЭ. Вып. 8. –М., 1968.
- Манылов Ю. П., Ходжаниязов Г.** Аяз кала 1 и Бурлы кала. (К изучению Хорезмской фортификации) // Археологические исследования в Каракалпакии. – Ташкент, 1981.
- Вишневский Я. С.** Петрография основных и ультраосновных пород Султан -Уиз Дага. – Ташкент, 1940.
- Оськин А. В.** Петроглифы Каратюбе 3. Археологические открытия 1976 года. –М., 1977.
- Толстов С. П.** Древней Хорезм. –М., 1948.
- Толстов С. П.** По следам древне хорезмийской цивилизации. – М. – Л., 1948.
- Хужаназаров М. Брунет Ф.** Отчет по археологическим работам 2005 год. –Самарканд, 2006.
- Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К.** Археологические исследования Узбекско-французской экспедиции на памятниках Кызылкумов // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2004-2005 йиллар. 5-сон. – Тошкент, 2006.
- Шилин Л. Л.** Пегматиты Султан Уиз Дага - Каракалпакия, геология и полезные ископаемые Кызыл Кумов // Труды Каракалпакской комплексной экспедиции 1931-1932 гг. Т. 4. –М. –Л., 1935.

## ФОРТИФИКАЦИОННЫЕ СООРУЖЕНИЯ СЕВЕРО-ЗАПАДНОЙ БАКТРИИ IV-II ВВ. ДО. Н. Э.

**Б. Базаров**

Самаркандский институт археологии

В период доминирования Селевкидского и Греко-Бактрийского царств, правительство проводило политику, которая была направлена на строительство военно-оборонительных сооружений (Кошеленко, 1979. С. 80-180; Бикерман, 1985. С. 52; Ртвеладзе, 2009. С. 148).

В IV-II вв. до н. э. на территории Бактрии существовали несколько типов оборонительных сооружений: крепости (Узундара, Кампыртепа, Мирзаликурган); пограничные системы укреплений (система укреплений протянувшаяся вдоль горы Сувсизтага до горы Сарымаск); форпосты (Курганзол, цитадель Старого Термеза, возможно Зартепа и поселение у Айритама); длинные стены (Дарбандская стена); отдельно стоящие выносные башни (башни закрывающие проходы Сувсизтага).

Крепости являются важным типом оборонительных сооружений. В зависимости от площади (вместимости воинского контингента) и расположения можно сделать заключения об их значении и функциях. Для периода правления Селевкидского и Греко-Бактрийского царств расположение таких крепостей можно определить следующим образом: горные крепости; крепости, расположенные в предгорной полосе; крепости на переправах рек; крепости на важных пекрестках караванных дорог. К этому типу можно отнести такие крепости как Узундара, Мирзаликурган и Паёнкурган, Кампыртепа и др.

Пограничные системы укреплений включают в себя несколько типов оборонительных сооружений. К этой системе относятся военные крепости, стены и отдельно стоящие дозорно-сигнальные башни. В настоящее время нам известно подобная система в северо-западной Бактрии, которая образует комплекс оборонительных сооружений, прекрывающий горные проходы на территории от киш. Сайроб до горы Сарымас.

Следующий важный тип оборонительных сооружений - форпосты. В течение IV-II вв. до н. э. на территории правобережной Бактрии для укрепления своей власти Селевкиды и греко-бактрийские правители стали возводить форпосты. Подобные сооружения в основном находились на узловых местах важных караванных путей и на переправах через реки. Старый Термез и Курганзол относятся к этой группе. Первый из них охранял переправу через Окс-Амударью, второй осуществлял контроль над дорогой и коммуникацией данной округи.

В IV-II вв. до н. э. пограничные стены являлись важным типом оборонительных сооружений северо-западной Бактрии. К этому типу можно отнести стены, которые закрыва-

ли проходы через ущелья около Дарбанда, Сайроба, Панджоба и Хатака (Ртвеладзе, 1986. С. 39.), а также у горного кишлака Сина. В настоящее время состояние таких стен достигает ширины 3 м. За исключением Дарбандской стены, все упомянутые стены, требуют отдельного исследования.

Отдельно стоящие выносные башни как правило, находились в горных ущельях и на вершинах гор. В их задачу входило, осуществление дозорно-сигнальной функции в системе пограничных оборонительных сооружений. Подобные башни встерчаются на горе Сувсизтаг, которые контролировали долину между горами Сувсизтаг и Тубере-Оланд. Похожую картину можно наблюдать в долине Кайстер, на западе Малой Азии (Meriç, 2009. P. 150). Можно полагать, что в IV-II вв. до н. э. подобные башни возводились вдоль ущелий высоких гор и горной долины Кайстер и служили как сигнальные объекты в данной местности.

Фортификация городов IV-II вв. северо-западной Бактрии состояла из трех основных компонентов - ров, протейхизма и оборонительная стена. Они образовали трехлинейную систему обороны города или крепости.

Оборонительных стен городов и военных крепостей IV-II вв. до н. э. можно разделить следующие типы:

1. Монолитные стены и башни. Города и крепости, имевшие такие стены и башни, оборонялись защитниками, которые укрывались за парапетами этих стен. К этой группе можно отнести оборонительные стены IV-II вв. до н. э. таких городов, как Ай-Ханым, Кей-Кобадшах, Кампыртепа и Далварзинтепа.

2. Оборонительные стены с внутренними коридорами. Внешняя толщина таких стен составляет 1-1,5 м, имелись стрельчатые и прямоугольные бойницы, образующие несколько рядов, через которых велись оборонительные бои. Башни были полые и имели казематы для боеприпасов. Оборонительные стены крепости Узундара, Дильберджин, Джигатепе, а также Дарбандская стена относится к данной группе.

3. Оборонительные сооружения с монолитными стенами и башнями с внутренними казематами. Крепость Курганзол имела такую систему оборонительных сооружений.

Еще одним аспектом городской обороны бактрийских городов и поселений в IV-II вв. до н. э. являлось существование протейхизмы. Протейхизма - дополнительная внешняя стена к оборонительным стенам городов или поселений. В Северной Бактрии такой элемент системы обороны отмечен при археологических раскопках на таких памятниках, как Халчаян (Карабагтепа), Кей-Кобадшах, Кампыртепа и др.

Еще одной особенностью системы обороны городов и крепостей Бактрии IV-II вв. до н. э. является, наличие рвов у оборонительных стен городов. Особенно такая дополнительная часть оборонной системы характерна для городов и крепостей, которые находились в равнинной части Бактрии. Рвы как важная черта в оборонительной системе градостроительства Северной Бактрии уже стала использоваться в ахеменидский период (Ртвеладзе, Пидаев, 1993. С. 144; Абдуллаев, Аннаев, Рахманов, 1995. С. 18). Исходя из проведенных археологических исследований, которые показали, что рвы выполняли в эллинистический период передовую оборонительную линию, можно выделить несколько вариантов данной системы:

1. Наличие рва перед главной оборонительной стеной города
2. Цитадель и оборонительные стены города были окружены отдельным рвом.
3. Очень редко встречается случай, когда оборонительные стены городов окружены двумя параллельными рвами.

Если проанализировать архитектуру греко-македонского мира, то можно проследить, что города и военные крепости возводились в основном на высоких холмах, горных скалах или на крутых берегах рек. В первую очередь это было связано с необходимостью обороны города или крепости. Этот опыт также использовался в IV-II вв. до н. э. на территории завоеванной древней Бактрии.

#### **ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:**

- Абдуллаев К., Аннаев Т., Рахманов Ш.** Отчет о работе узбекско-французской Бактрийской экспедиции за 1995 г. – Самарканд, 1995.
- Бикерман Э.** Государство Селевкидов. – М., 1985.
- Кошеленко Г. А.** Греческий полис на эллинистическом Востоке. – М., 1979.
- Ртвеладзе Э. В.** Стена Дарбанда Бактрийского // ОНУ. № 12. Тошкент, 1986.
- Ртвеладзе Э. В., Пидаев Ш. Р.** Дренебактрийская крепость Талашкан-тепе I // РА. № 1. – М., 1993.
- Ртвеладзе Э. В.** Селевкидское царство // История государственности Узбекистана Т. 1: Вторая половина II тысячелетия до н.э. – III век н.э. – Ташкент, 2009.

## ПАХСА УЙЛАРНИНГ ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА

**А. К. Алимбетов**

Қорақалпоқ давлат университети

Жанубий Орол бўйи халқларининг тураржой қуриш тарихи узоқ даврларга эга бўлиб, унинг ривожланишида миллий анъаналар ва инновцион янгиликларнинг ўзига хос ўрни бор. Мазкур омилларнинг ўзаро қоришуви натижасида илк ўрта асрлардан то янги давргача тураржой қуриш маданияти шаклланади ва ривожланади. Бу анъана бино ва турар учун жой танланишидан бошланиб, то унинг устки қисми ёпилгунча ва ичига киргунча бўлган жараёни ўз ичига олади.

Марказий Осиё қурилиш маданиятида бинолар турар жойлар одатда платформа ва пойдевор устига қурилган. Мустақкам платформа илк ўрта аср Марказий Осиё қурилиш маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, унинг аҳамияти жуда катта бўлган. Платформа учун ҳам асосий қурилиш материали пахса ва хом ғишт ҳисобланган. Пахсадан тайёрланган платформалар илк ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг деярли барча ҳудудларида учрайди. Суғд қурилишида бино платформаларининг 4 та тури мавжуд бўлган. (Кубаев, 2015. 89-90 б.).

Бинолар ва турар жойлар пахса уй, синч уй, ғиштли уй одатда платформа ва пойдевор устига қурилган. Пахса уй қуриладиган жой пишиб бўлингандан кейин атрофига қондириб суғорилган лой ташиб олинади ва у оёқ билан тепкиланади, яна болға шаклидаги оғир ёғочдан ясалган тўқмоқ билан уриб пиширилади. Лойнинг пишганлиги унинг юзининг ялтирашидан билинади ва у белкурак билан кесиб олинганда бириккан бўлиб, пахсага ортганда узилмайди, емирилмайди.

Пойдевор. Дастлабки пишган лой (ертирноқ) пойдевор ишланган, пойдеворнинг (ертирноқ) эни 80 см, баландлиги 20 см шаклида бўлади. У ясаиб бўлингандан кейин 4-5 кун қуритишга қўйилади. Жанубий Орол бўйлари турар жойлари пойдевориға тош, қамиш, чангал, пахса қўйилган.

Ота-боболаримиз уйнинг пойдевори учун намликка чидамли чангал ёки қамишдан фойдаланган. У қуриган жой пойдеворнинг устига қалинлиги 50-60 см. дан асоси ташқарига қаратилиб, бир-бириға қориштириб ётқизиб чиқилади. Бу ётқизилган пойдеворлар устига лой қўйилгандан кейин баландлиги 20 см пасайтириб текисланади.

Пахса. Чангал ёки қамиш пойдеворнинг устига босилиб ва тўқмоқ билан урилиб пиширилган лойдан пахса қўйилади пахсанинги эни 70 см бўлади, лой белкурак билан улоқтирилади. Лой улоқтирган отарман, у лойни жойловчилар пршман деб аталади. Биринчи пахсанинги баландлиги 1 м бўлади. Қўйилган лой қарама-қарши тарафдан уста томонидан узун дастали белкурак билан чиройли қилиб таралиб борилади. Пахсани тарайдиган уста

қорашман деб аталади. Биринчи пахса битганидан кейин, у бир ҳафта ёки 10 кунга қури-тишга қўйилади шу ҳолда иккинчи, учинчи пахсалар урилади. Учинчи пахсанинг эни энг юқорида 40-45 см. га тенг бўлади.

Эшик ўрнилари ер пойдеворининг ўрнидан бошлаб жой ташлаб кетилади, эшик қўйил-диган ўринга чангал ёки қамиштирноқ қўйилмайди у жой пойдевордан бошланади.

Эшик иккинчи пахса битишига 20-25 см қолганда энига лойиқли кесилган оқ тол ёғоч билан бостирилади, у чарқировуқ деб аталади.

Учинчи пахсада тўрт кўз ёки олти кўзли ойнага аталган ойна ўрни ташлаб кетилади ва у учинчи пахса битишига 20-25 см қолганда эшикка ўхшаган чарқировуқ қўйилади.

Ривожланган ўрта аср турар жойларида пахса асосий қурилиш материали сифатида қўлланилиши давом этиб, уларнинг илк ўрта асрлардан фаркли равишда ўлчамини кичрайганлиги қайд этилади. (Саидов, 2018. 22 б). Хоналарни ички қисмини лой, ганч билан суваш, безак бериш, турли хил рангларга бўяш анъана сифатида кейинги давр-ларда ҳам давом этади.

Пардевор. (ёғоч солиб бўлгандан кейинги солинадиган босқичи) Уч пахса тўлиқ бит-гандан кейин унинг тепасига ёғоч чиқарилиб устига пардевор қўйилади. Пардевор деворга ётқизилган ёғочларни ушлаб туриш учун хизмат қилиб, унинг баландлиги ёғочга жойлан-гандан кейин 10-15 см баландликда бўлади. Уйнинг тепаси оқтерак ёғочи билан ёпилади, ёғочда хоналарнинг катта-кичиклигига қараб 5, 7, 9, 11, 13 ёғочдан тўғри келиши мумкин. Айтишларича, ҳеч бир хонага ёғоч жуфт қилиб бостирилмайди.

Қорақалпоқлар асосан тўрт хонали, тўрт бўлинмали жой солган. Унинг кириш жойидаги хонаси ҳамма хоналардан катта бўлиб, у дахлиз деб аталган. Дахлизни анча-мунча оқтерак энлмайди. Шунинг учун у қоқ марказдан узунига диаметри 40-50 см, учининг эни 20-25 см. дан кам бўлмаган катта оқтерак билан ёпиб қўйилади. Бу ёғоч “арғит” деб аталади. Арғитга икки тарафдан бир-бирига қарама-қарши қилиб унча катта бўлмаган оқтерак ёғочлар қўйи-лади. Унинг оғирлиги икки томондаги деворга ва ўртадаги арғитга тушади. Шундай вазият-да арғит эгилмаслиги учун унинг қоқ ўртасидан ер билан арғитнинг ўртасига текис оқтерак-дан тираб қўйилади. Бу тиркама ниғирик деб аталади. (Нызанов М, 2020.).

Ёпиш. Уйга ёғочлар ётқизилиб бўлингандан кейин унинг тепасига тигиз қилиб қоратол ходалари ёйилади. Унинг усти ҳар хил қуруқ ўт ўсимликлар билан қалин қилиб ёпилади, устига тупроқ чиқарилади. Тупроқнинг усти ўртаси баландроқ, қор ёмғир пастга оқиб кета-диган қилиб қалин сомонли лой билан сувалади.

Шундан кейин уйнинг ташқи кўриниши тайёр бўлади. Уйга ешик дераза қуриб бўлин-гандан кейин унинг ичи ташқариси дастлаб сомонли лой билан тайёрланган йирик сувоқ билан сувалади. Биринчи сувоқ қуригандан кейин иккинчи қум сувоқ, яъни майда сувоқ урилади. Унинг қум сувоқ, деб аталишининг сабаби сувоқ учун майда тупроқ ишлатилади. Унга қўшиладиган сомон жуда майдалаб чопилади, гоҳида сомон ўрнига майдаланган дон-нинг қипиғидан ҳам фойдаланиш мумкин. Натижада, майда сувоқдан кейин уйнинг кўрки чиройли бўлади ва унга ёриқ тушмайди. Қадимда ясалган тўрт хужранинг ҳаммасига печка қурилмаган. Печ ўтиннинг ҳолатига қараб бир ёки икки хонага қурилган. Ўтирадиган жой нам бўлмаслиги учун унинг таги 30-40 см тарангликда қазилиб қуруқ чангал тўшалган ва усти тупроқ билан енгил қилиб кўмилиб кейин сувалган, у пастдан келадиган намликни

юқорига ўтказмайди. Печлар уч ўчоқли ёки беш ўчоқли бўлиши мумкин. Беш ўчоқли печ иссиқликни узоқ вақт сақлаб туради, бироқ унинг йўли айлана-айлана бўлиб қурилганликдан яхши тарқатмайди. Бундай вазиятда тутун ичга уриб деворларда ва тепадаги ёғочларда хид бўлади. Печдан ичга қайтиб урган тутун чиқиб кетиши учун бир бурчакдан тепадан катталиги косанинг оғзидай қилиб тешиб қўйилади. Буни дудгач деб атайти. (Глеубергенова, 1996. С. 14).

Уйнинг тепаси ички тарафдан патик деб аталади. Даҳлизнинг тўғрисидаги кичик хона - донхона (омбор) вазифасини бажарган. Унда кузда йиғиб олинган жўхори, тарик, мош, ловия, қовун, тарвуз, қовоқ каби деҳқончилик маҳсулотлари сақланган. Донхонанинг ўртасида тепага арқон ёки сим билан илинган сават турган, унда нон сақланган саватда сақланган нон салқин жойда тургани учун айнимайди. Унга мушук ёки сичкон ўрмалай олмайди.

Даҳлизнинг кириш жойидаги ўнг томон бурчагидан тегирмон қурилган. Бу пахса уй қуришнинг эски усули. Ота-боболаримиз бундай иморатда ўтган асрнинг 60-йилларигача яшаб келган. Бундай уйларнинг умри 25-30 йилдан ошмайди. Натижада, ҳар одам ўз ҳаётида энг камида икки марта уй қуришга мажбур бўлади.

Пахса уйларнинг афзаллиги шундаки, пахса уйлар қишда совукни ёзда иссиқни ичкарига ўтказмайди. Бунинг сабаби, пишган ёки хом ғиштдан қурилган уйлар ғиштлирининг орасидаги лойлар зич эмас ва очиқ қолади, ундан иссиқ ҳам совуқ ҳам тез ўтади. Лойдан қурилган пахса уйларда бундай ҳолат кузатилмайди. Иккинчи бир афзаллиги - ғишт уйлар куни билан қуёшдан ўтган иссиқликни ўзига қабул қилиб туни бўйи уни ичга беради. Натижада хоналар ичи кундузи ҳам, кечаси ҳам салқин бўлмайди. Шунинг учун ёзда ҳам, қишда ҳам чиллачидан фойдаланишга тўғри келади. Лойдан қурилган пахсали уй учун қишда ҳам ёзда ҳам чиллачининг кераги йўқ.

Албатта, биз бунинг билан пишган ғиштдан терилган уйларнинг фойдаси йўқ, демоқчи эмасмиз. Унинг ҳам аҳамиятли жиҳатлари мавжуд. Пишган ғиштдан терилган уйлар 3-4 қаватгача қурилиши ва унинг умри бир неча авлодларга мерос қолиши мумкин. Шундай бўлса ҳам бизнинг ёшларимиз ва келажак авлодлар ота-боболарининг қандай ҳаёт кечирганини билиши, улар яшаган уйларнинг қандай сифатга эга бўлганлигини ва қандай қурилганлигини билиб юришлари катта аҳамиятга эга.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Анарбаев А. А.** Ахсикет-столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013.
- Воронина В. Л.** Древняя строительная техника Средней Азии // Архитектурное наследие. №3. – М., 1953.
- Кубаев С.** Илк ўрта аср Суғд тураржой қурилиш анъанаси ҳақида баъзи бир мулоҳазалар // Ўзбекистон археологияси. №1 (10). – Самарқанд, 2015.
- Нызанов М.** Қарақалпақлар. Биринчи китап. Нукус, 2020.
- Сандов М. М.** IX-XIII аср бошларида Самарқанд турар жойлари ва уларнинг суғд қурилиш маданиятидаги ўрни // тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. – Самарқанд, 2018.
- Глеубергенова Н. А.** Традиционные жилище каракалпаков XIX- начале XX вв // АКД. – Нукус, 1996.

## УСТРУШОНАНИНГ ИЛК ЎРТА АСР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА ДОИР

**Ж. И. Ғофуров, А. А. Ўролов**

Жиззах Давлат педагогика университети

Илк ўрта асрлар (V-VIII) Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлган муҳим бурилиш даври сифатида тарихдан ўрин олган. Дастлаб эфталлийлар, сўнгра Турк ҳоконлиги ҳукмронлиги остида бирлашган Ўрта Осиёнинг икки дарёси оралиғи ва ҳавзаларида бир-бири билан ёнма-ён яшаган халқларнинг диний-руҳоний ҳаёти турли хилда бўлиб, улар зардуштий, будда, насроний каби халқаро йирик динлардан тортиб, монийлик, шомонийлик, тотемизм каби турли маҳаллий диний тасаввурларга эътиқод қилишган.

Пардақултепа ва Комилбоботепа қалъаларини очиш мобайнида бир қанча топилмалар қўлга киритилдики, мазкур ашёвий далиллар ўша давр идеологияси, диний дунёқарашлари, турмушдаги баъзи бир урф-одат ва расм-русумлари ҳақида маълумот бериши мумкин. Алоҳида эътиборга молик бўлган шундай топилмалар қаторига бурама шохли кўчқор ҳайкалчалари ва ушбу ҳайкалчаларга тақлид қилиб ясалган махсус буюмларни киритиш мумкин.

Кўчқор ҳайкалчалари Пардақултепа ва Комилбоботепа қишлоқ маконлари маданий қатламларида қайд этилган бўлиб, уларга маълум тоифани ташкил қилган 10 га яқин топилмаларни киритиш мумкин. Бу хилдаги топилмалар археологик адабиётларда “қозон таглиги” (подставка котла), деб ном олган, аслида эса қўй калласига тақлид қилиб (шохли кўчқорга эмас) схематик тарзда хом лойдан ясалган буюмлардир. Бу буюмларнинг кўпчилиги хумдонда пиширилгани оқибатида қизғиш, оқиш малла ранг тусда бўлса, айрим ҳолларда фақат офтобда қуритилган холос. Лой таркибидаги турли аралашмаларнинг кўплиги ва сифатсиз пиширилиши сабабли, бу топилмалар ғоваксимон массадан иборат бўлиб, у тезда уқаланиб кетишга мойилдир (Пардаев, 1995а. С. 43).

Эслатиб ўтишимиз жоизки, қўй тасвири ифодаланган ҳайкалчалардан, схематик ашёлардан ташқари бундай тасвирлар Пардақултепа, Комилбоботепа моддий маданиятига тегишли баъзи бир сопол идишларнинг балдоғида ҳам ифодаланган. Бундай идишлар Ўрта Осиёнинг барча тарихий-маданий минтақасида учрасада, лекин Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида, айниқса, Тошкент воҳасидаги ёдгорликлар учун характерли ҳисобланади. Асосан кўза ва бир балдоқли қувачаларда (кружка) учрайдиган бундай мўъжаз иконографик “асар”лар идиш балдоғи устида вертикал ҳолатда жойлаштирилган ва унинг боши идиш девори томон қаратилган. Айнан сопол идишлар, узук, билакузук ва муҳр-

ларга тасвири туширилган Чоч зооморф топилмалари хусусида тадқиқотлар олиб борган Г. Богомолонинг фикрича, илк ўрта асрларда кўп маъбудлар тимсоли турли жониворлар кўринишида ифодаланган (Богомолон, 2015. С. 33-45).

“Қуёш”, “шон-шуҳрат”, “бахт”, “хукмдорлик”, “давлат”, “барака”, “қут” тимсоли бўлган фарн зардуштийларнинг кейинги баённомаларида асосан учта нарса тимсолида ифодаланган. Яъни, баъзи бир ҳолатларда оху (ғизол) тимсолида, иккинчи ҳолатда ўзидан кучли ёруғлик таратувчи олов суратида ва ниҳоят, учинчи ҳолатда қўй (кўчқор) тимсолида. Х.В. Бейлнинг аниқлашича, сосонийлар даврида фарннинг уч “ипостаси” мавжуд бўлган. Булар “эронийлар фарни”, “зардуштийлар фарни”, “қавийлар (шоҳлар) фарни” (Бейл, 1943. С. 47).

Сосонийлар Эронидан Шопур II давридан қўй образи худо фарни тимсолида кенг тарқалади. Ёзма манбаларнинг хабарига кўра, бир сафар Шопур II қўй калласига ўхшатиб ясалган, олтин суви юритилиб, қимматбаҳо тошлар қадалган дубулға кийиб жангда қатнашади. Худди шундай дубулға кийган шоҳ-овчи тасвирини Керчдан топилган, Эрмитажда сақланган кумуш товоқда ҳам кўришимиз мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, дубулғадаги қўй тасвири бир томондан уруш ва ғалаба худоси Вэрэтрагна атрибути бўлса, иккинчи томондан хукмдорлик, шоҳлик фарнини улуғлаш ҳам демакдир.

Демак, маълум бир халқнинг қадимги диний дунёқараши, урф-одатлари хусусидаги мавзуга бир томонлама ёндашмаслик керак. Демокчимизки, тадқиқотчилар бу масалани ечиш жараёнида милодий эранинг бошларида Ўрта Сирдарё бўйларига кириб келган туркий аҳоли ҳақида гўё унутиб қўйишган. Ваҳоланки, юқорида таъкидланганидек, археология фани маълумотлари бўйича милоддан аввалги даврнинг сўнгги асрларида Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида “Қовунчи маданияти” шаклланади ва Фарғона водийси, қадимги Бухоро воҳаси, марказий, жанубий Суғдга яқиндан таъсир этган ҳолда фаолият кўрсатади (Буряков, 1982. С. 70-80). Академик А.А. Асқаровнинг фикрича – “Қовунчи маданияти”нинг дастлабки даври ўзбек халқи шаклланишининг илк босқичларидан бири ҳисобланади. Ёзма манбалар археологик ва антропологик ашёвий далилларнинг кўрсатишича, ушбу этногенетик жараёнларнинг навбатдаги босқичи VI асрнинг иккинчи ярмидан бошланади (Асқаров, 1986. С. 9-10).

Дарҳақиқат, бу даврда Тошкент воҳасининг асосий қисмини турк тудунлари бошқаришган. Археологик топилмалар орасида учраган қадимги турк тамғалари ва Чоч маликлар тасвири туширилган тангалар бундан далолат беради. Айниқса, турк тамғалари, ҳатто қадимги қатламларда Қовунчи I даврига оид топилмалар орасида ҳам учрайди (Буряков, 1982. С. 73, 135-137). Бундан келиб чиққан ҳолда қўй тимсоли билан боғлиқ топинчи фақат бошқа регионлар маънавий маданиятидан эмас, балки, тотемизм билан боғлиқ туркий халқлар асотирларидан (миф) ҳам изламоқ керак. Тотемистик характердаги туркий халқлар шажараси бошланишини ифодаловчи, анъанавий тарзда жуда кенг тарқалган асотирдан бири бўри топинчи билан боғлиқ асотирдир.

Хитой сулолавий йилномаларидан бири Чжоу-шуда (629 йилда тугалланган) ёзилишича, қадимги турклар аждоди гунн-шанъёси (ҳоқони) кизи ва бўридан тарқалган. Бошқа бир асотирда ҳикоя қилинишича, туркларнинг қадимги бобокалонлари катта ботқоқлик яқинида яшаган ва қўшни қабила томонидан бутунлай кириб ташланган. Омон қолган 10 ёшли

болани она бўри Гаоганнинг (Турфон воҳаси) шимолидаги ғорга яшириб кутқаради ва уни ўз сути билан боқади. Она бўри ўсмирдан ўнта ўғил туғади. Уларнинг барчаси Гаоганлик кизларга уйланишади ва турли турк уруғларининг асосчиларига айланишади. Улардан бири Ашина давлат тепасига келади ва ўзининг келиб чиқиш шажараси хотирасига ҳамда уни улуғлаш мақсадида ўз байроғига бўри боши тасвирини туширади. Хитойликларнинг ушбу ёзма манбасида айтилишича, Хунну оиласидан чиққан қадимги турк хоқонлари ўз қабулига келган элчиларни бўри тасвири туширилган байроққа сажда қилишга мажбур этишган. Шунингдек, ўғуз кипчоқларининг энг жанговор дружинаси “фули” яъни “бўрилар” деб аталган (Негматов, Соколовский, 1975. С. 448). Туркий халқлар генеалогияси билан боғлиқ деярли барча асотирларда шажара муқаддимаси бўридан бошланган ва унинг тотеми бўри тимсолида ифодаланган. Туркий асотирлардаги бўри образи, нафақат Ўрта Осиё, балки Евросиё, хусусан славянлар, итальянлар маънавий ва моддий маданиятида ўз аксини топган бўлсада, мисолларни фақат ўрта Сирдарё ҳавзасидан келтирамиз.

Маълумки, барча диний дунёқарашлар ғояси асосини ёвузлик ва эзгулик руҳи ўрта-сидаги кураш ташкил этади. Инсон ёвуз руҳлардан сақланиш ва уни оиладан, хонадан қувиш мақсадида турли хил туморлар, кўзмунчоқлар, тақалар, тотем ҳайвонлар калла суяги ва бошқа нарсалардан фойдаланган. Қачонки, ёвуз руҳлар устунлиги сезилиб касаллик, қурғоқчилик, очарчилик тарқалганда ёвузлик руҳларига қурбонлик қилинган ва улар ёрдамга чақирилган. Ёрдамга чақирилувчи асосий руҳлар сифатида ўтган аждодлар ва тотем ҳайвонлар руҳи ҳисобланган. Исломгача бўлган ва исломдан кейин ҳам бидъат сифатида сақланиб қолган удумлардан бири аждодлар руҳига (арвоҳга) қурбонлик қилишдир. Ровийларнинг ҳикоя қилишича, арвоҳнинг энг яхши кўрадиган нарсаси чўзма-чалпак қилиш учун чучитилган мой ҳиди, шам шуъласи ва олма гулидир. Тасаввур бўйича арвоҳ келиб олма гулига қўнган, мой ҳидини ҳидлаган ва шам шуъласи билан ўйнашган. Қурбонлик маросими ва ундаги уч омил ҳозир ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида сақланиб қолган. Ўзбекистоннинг чорвадор туманларида ханузга қадар қурбонлик учун атаб сўйилган қўйнинг калла суяқларини эшик ва дарвозага осиб қўйиш одати сақланган ва бу билан аждодлар руҳи ёки тотем чақирилган.

Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, Ўрта Сирдарё бўйи ёдгорликларининг асосан Қовунчи II, III босқичларига тааллуқли маданий қатламларидан, шунингдек, шимолий-ғарбий Уструшона ҳудудига оид Жиззах воҳасидаги Пардақултепа ва Комилбоботепа қалъаларидан (IV-VI; VII-VIII асрлар) қўй тасвири ва бурама шохли кўчкор ҳайкалчалари, тотем ҳайвон бўрини, тўғрироғи, бўри руҳини чақириш учун хизмат қилган (Пардаев, 1995а, 43 б.; Пардаев., Гофуров, 2016. 264-265 б.). Отарига бўри оралаган чорвадорларда – “жондор ўз ҳақиға келибди”, – деган гап бор. Улар кўп ҳолларда бўрини ўз номи билан аташмай “жондор”, “қорачқўл”, “қашқир” ибораларини қўллашади. Шунингдек, бўри тиши, тирноғи, жағи, териси ва калла суягидан турли касалликлардан асровчи, ёмон кўзлардан сақловчи восита сифатида фойдаланишган ва улар орқали ёвуз руҳларни ҳайдашган (Потапов, 1958. С. 139-142).

Шундай килиб, барча Ўрта Осиё халқлари учун беозор ва тез кўпайиши сабабли баракали саналган ва қадимдан улуғланиб келган қўй топинчини туркий аҳоли тотеми бўри тимсоли билан бирга олган ҳолда тадқиқ қилмоқ керак. Чунки, зардуштийликка оид эро-

ний-пахлавий йилномалари ва қўй тимсолидаги “фарн”лар Турон замин учун қанчалик моддий-маданий ва маънавий мерос бўлса, қадимги туркий қавмларнинг жанговар ҳаёт тарзи, ўзига ҳос маънавий дунёси ҳам шунчалик қадридлир. Бу икки катта маданий оқим асрлар оша бир-бирини тўлдириб келди, ривожланишнинг юксак чўққиларига кўтарилди ва кўпгина соҳаларда бир-биридан ажратиб бўлмас даражада қўшилиб кетди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Аскарлов А. А.** Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. –Ташкент, 1986.
- Богомолов Г.** Зооморфные культы раннесредневекового Чача // Археология Узбекистана, № 1 (10). –Самарканд, 2015.
- Буряков Ю. Ф.** Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент. 1982.
- Негматов Н. Н. Соколовский В. М.** “Капитолийская волчица” в Таджикистане и легенды Евразии // Памятники культуры. Новые открытия. Письменность, искусство. Археология. – М., 1975.
- Пардаев М. Ҳ.** Қўй ва бўри рўхига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // ЎЗИФ, №1-3. – Ташкент, 1995.
- Пардаев М. Ҳ., Ғафуров Ж. И.** Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). – Тошкент, 2016.
- Потапов Л. П.** Волк в старинных народных поверьях и предметах узбеков // КСИЭ. Вып. XXX. – М., 1958.

## “БУХОРХУДОТ ДИРҲАМАЛАРИ” XI АСР (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ) ХАЗИНАСИ

А. Х. Атаходжаев, С. Ҳ. Хўжамов  
Самарқанд археология институти

Тарихий маълумотларда бизгача етиб келган ўтмиш суратларини (расмларини) қайта тиклаш (реконструкция)да моддий маданий объектлар, меъморий ёдгорликлар ёки археологик артефактлар, нумизматик маълумотларни ўрганиш натижасида олинган ахборот маълумотлар катта аҳамиятга эга. Улардан илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган ҳолда қайта ишлаш тарихчилар томонидан амалга оширилган ўтмиш ҳаётини қайта тиклаш учун барқарор платформа яратади.

Ушбу тангалар Мовароуннаҳр аҳолиси орасида VIII-XII асрларда муомалада бўлган. Муайян ҳудудда бўлган, Бухорхудот ёки илмий адабиётларда Бухорхудот типдаги дирҳам тангалар, деб номланади. Бу тангалар ўрта аср археологик ёдгорликларни ўрганишда археологик артефактлар орасида кенг тарқалган, лекин улар кўпинча хазиналар (клад) бўлиб ҳам учрайди. Ушбу қумуш дирҳам тангалар Сосонийлар шоҳи Варахран V (420-438 йй.) илк ўрта асрлар даврида Бухоро воҳасида зарб қилинган, Бухорхудот тангалари араб халифалиги ўрнатилганидан кейин ҳам зарб қилинган.

Барча бухорхудот танга типлари олд томонида ҳукмдор тасвирланган. Орқа томонида муқаддас олов ва ҳукмдор бош тасвири ён томонлама ва икки ёнда соқчилар тасвирланган. Барча суратлар (расмлар) схематик чизилган. Уларнинг олдида узук чизик ва нуқталар қуйилган (Кочнев, 1990.).

Бу қумуш танга хазинасида тангалар 2 хил типдан иборат. Биринчи тип характерли олд томонда юзи билан Шоҳ ва 3 сўздан иборат суғд ёзуви, бошини орқа томонида араб ёзуви ушбу шаклда (ал-Маҳдий) учрайди (Давидович, 1979).

Бухорхудот тангалари анча узок вақтлардан бошлаб ўрганиб келинмоқда. Дастлаб Х.М. Френа томонидан, кейинчалик маҳаллий ҳамда хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилади. Биринчилардан бўлиб П.И. Лерх, сўнг Дж. Уокер каби тадқиқотчилар бундай тангаларнинг катта қисмини ўрганишиб, уларнинг тавсифини ишлаб чиқадилар.


О.И. Смирнова танга хазиналаридаги бир хил типдаги тангаларни тавсифлаб, олд томонида ҳукмдор гавда қисми тасвирланганлигини таъкидлаб, асосини ташкил этувчи нуқталар сонини белгилайди (Кочнев, 1990.).

“Бухорхудот” типдаги дирҳамлар Ўрта Осиё чегарасидан ташқарига муомалага чиқмаганлиги учун хазиналар фақат бизнинг ҳудудда топилади.

2019 йилда Жиззах вилояти Фориш тумани Гараша қишлоғида жойлашган Чоштепа ёдгорлигидан унча узоқ бўлмаган экин майдонида ер ағдараётган вақтда тасодифий топиб олинган, маҳаллий аҳолининг берган маълумотларига кўра, умумий сони 2500 мингдан ортиқ бўлган, бизгача фақатгина 112 дона танга, улардан 110 донаси бутун, 2 донаси синик тангаларнинг маълумоти етиб келган (1-4 расмлар). Ушбу танга хазиналар дастлаб методологик жиҳатдан ўрганилиб, уларнинг оғирлиги, ўлчамларини текширишлар натижасида Бухорхудотларга тегишли бўлган кумуш тангалар “бухорхудот” дирҳамлари эканлиги аниқланди. Тангаларни асосий қисми 2,5 см ўлчамли (16x22; 24x2,5; 25x26 см), оғирлиги 0.97 грамдан - 3.27 грамгача бўлган тангалардан иборат.

**Фориш танга хазинаси оғирлиги ва сони**

0,97 (1 дона, синик); 1,93 (1 дона); 1,97 (1 дона); 2 (4 дона); 2,03 (1 дона); 2,07 (1 дона); 2,12 (1 дона); 2,14 (1 дона); 2,15 (5 дона); 2,17 (1 дона); 2,18 (2 дона); 2,19 (3 дона); 2,21 (1 дона); 2,22 (1 дона); 2,23 (1 дона); 2,24 (2 дона); 2,25 (2 дона); 2,26 (1 дона); 2,27 (2 дона); 2,28 (3 дона); 2,29 (3 дона); 2,3 (1 дона); 2,32 (3 дона); 2,33 (7 дона); 2,34 (5 дона); 2,35 (5 дона); 2,36 (2 дона); 2,37 (1 дона); 2,38 (7 дона); 2,39 (1 дона); 2,4 (2 дона); 2,41 (2 дона); 2,42 (6 дона); 2,43(2 дона); 2,44(7 дона); 2,45(2 дона); 2,46 (1 дона); 2,47 (1 дона); 2,48 (1




1-расм

2-расм




3-расм

4-расм



Фориш хазинаси 0,97-2,39 грамгача бўлган тангалар



Фориш хазинаси 2,4-3,27 грамгача бўлган тангалар

дона); 2,49 (1 дона); 2,5 (2 дона); 2,52 (3 дона); 2,53 (1 дона); 2,55 (1 дона); 2,56 (2 дона); 2,58 (1) дона; 2,6 (2 дона); 2,61 (1 дона); 2,66 (1 дона); 2,86 (1 дона, синик); 3,27 (1 дона).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ушбу тангаларни ўрганиш орқали “бухорхудот тангалари” ҳақида кўплаб янги маълумотларга ва ўша давр тўғрисида кенгроқ тасаввурга эга бўламиз.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

**Кочнев Б. Д.** Клад Монет Бухархудатского типа из Мианкаля // Нумизматика Узбекистана. – Ташкент, 1990.

**Давидович Е. А.** Клады древних и средневековых монет Таджикистана // № 21 ИИТ, Н-4258. Клад Серебряных “Бухархудатских” монет. – М., 1979.

## МИРЗАЧЎЛДАГИ ҚАДИМГИ СУВ ИНШООТЛАРИ

С. Қудратов

Гулистон давлат университети

Айримлар Сирдарё деганда яқин-яқингача бирорта гиёҳ ҳам ўсмаган кимсасиз чўлни тушунишади. Бу кўп ҳам тўғри фикр эмас. Зеро, бу ҳудудларни макон тутишган аждодларимиз бу жойларга сув олиб чиқиб, обод этишгани бор гап.

1869 йилда Мирзачўлга экспедиция раҳбари этиб тайинланган барон Г.А. Аминов бу чўлнинг Чиноз, Хўжанд ва Жиззах оралиғидаги учбурчакни харитага туширади ва ўз тассуротларини куйидагича баён этади: “Камина тадқиқ этган чўл ўзининг “Оч чўл” (“Голодный степь” - С.Қ.) номига жуда муносиб, бир қараганда, ҳеч бир қизиқиш уйғотмайди. Бироқ яқинроқ бориб, унга разм солсангиз, айрим етарлича ўзига хос маҳаллий ҳолатларни эътиборга олмаганда, мана шу деярли сувсиз, айниқса, ҳозирги вақтда мутлақо яроқсиз текислик қачонлардир муқим яшаган аҳоли билан гавжум бўлганлигини фаҳмлаш қийин эмас, ўша аломатлар ҳозиргача сақланиб турибди. Масалан, улар кўҳна иморатларнинг харобалари, тарк этилган ҳайдалма ерларнинг аломатлари ва муҳими, қадимги суғориш тармоқларини изларида сақланиб қолинган” (Туркестанские ведомости, 1873 йил).

Дарҳақиқат, Мирзачўл ерларига сув чиқариш ва бу ерда обод манзиллар яратишга аждодларимиз қадимдан қатъий бел боғлаганлар. Не-не машаққатлар билан бўлсада, ўзларининг меҳнати, тафаккури боис бу ерларга сув чиқарганлар. Милоднинг бошларида қазилган ва Мирзачўлга сув олиб келган Туятортар канали фикримизнинг исботидир. Ушбу канал сувни Зарафшондан дарёга тўғон қуриш орқали олган. Туятортар канали Зарафшон дарёсидан сув оладиган Булунғур каналининг бир қисм сувини ўзига олади. Шундан кейин у Моргузар тоғлари этакларидан ўтиб, шимол томонга бурилади. Кейин Сангзор дарёси билан қўшилиб, Мирзачўлга оққан. Канал милодий VI-VIII асрларда ўзаро урушлар натижасида вайрон бўлган бўлса, XVасрда Бухоро хони Абдуллахон II даврида қайта тикланган. Туятортар каналининг суви бир неча ариқларга бўлинган. Ана шундай ариқлардан иккитаси Қарой ва Мирза Работ деб номланган. Уларнинг суви ҳозирги Сирдарё туманига қарашли “Малик” қишлоғи ерларигача етиб келган. Академик Я. Ғуломов фикрича, канал қурилишида асосий транспорт воситаси туя бўлганлиги сабаб, канал Туятортар деб номланган.

Ўримбой ариқ ҳозирги Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Спитамен тумани, Қўштегирмон қишлоғи яқинида Сирдарёдан сув олган. Ушбу ариқнинг излари Гулистон туманидаги “Боёвут”, “Уч-қаҳрамон” қишлоғи ҳудудларида сақланиб қолган. Бу ердаги ёши улуғ инсонларнинг хотирлашларича, ариқ тахминан ҳозирги Дўстлик канали бўйлаб ғарбга қараб, Мирзачўлнинг ичкарасига сув берган. Унинг ёрдамида 7000 гектар ернинг

суғорилиши мўлжалланган. Ривоятларда айтилишича, ҳозирги Сардоба туманидаги XVI асрга оид “Ёғочли” сардоба ёдгорлиги ҳам Ўримбой ариқ ёрдамида сув билан тўлдирилган.

1870 йили инженер Г.А. Аминов ҳам, 1917 йили тадқиқотчи В.Ф. Караваев ҳам Ўримбой-ўғиз ариғини соҳил бўйидаги Чол-тўқай (қозоқча номи Шал-тўғай) деган жой яқинида Сирдарёдан сув олган деб ёзадилар (Караваев, 1914). Аслида эса, “Ўринбой-ўғиз” ариғи “Ўринбой ариқ”нинг ўнг тармоғи ҳисобланиб, унинг бошланиш нуқтаси ҳозирги Гулистон тумани Уч-қахрамон кишлоғидаги Кўнчи бозори рўпарасидан бошланади. Ариқ шу ерда, Ўринбой ариқдан ўнг томонга ажралиб, Сирдарёга параллел равишда оқади ҳамда юқоридаги Чол-тўқай (ҳозирги Сирдарё тумани Матонат кишлоғи худуди)гача бориб, бу ердан чапга бурилиб, Чордарагача бўлган жойларни суғорган. “Ўримбой-ўғуз” ариқнинг ҳозирги Сирдарё туманидаги Малик кишлоғи атрофида Туятортарнинг қўйи оқимидаги ариқлар - Қарой ва Мирза Работга жуда яқин борганлиги, ҳаттоки қўшилганлиги борасида тахминлар мавжуд.

Мирзачўл ерларида тадқиқотлар олиб борган В.Ф. Караваев ариқ номидаги “ўғуз” этномига асосланиб, ариқ X-XII асрларда қазилганлиги борасида фикр билдиради (Караваев, 1914). Мирзачўлда изланишлар олиб борган инженер А. Курсиш фикрича, ариқ ўз фаолиятини XVIII асрларда тўхтатган, буни Сирдарёнинг Ўринбой-арикнинг Қўш-тегирмон кишлоғи ёнидаги бошланғич нуқтасини ювиб кетганлиги билан изоҳлайди (Курсиш, 1913. С. 70). Бошқа бир фикрга кўра, Ўримбой ариқ Мирзачўлдаги кумлар билан тўлиб қолганлиги сабаб қуриган деб тахмин қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги сув иншоотлари - ариқлар ва сардобалар ўлкамизда чор Россияси босқинига қадар ҳам ажодларимиз бу ерларда ҳаёт кечиришганини, бу жойлар муҳим савдо-карвонлари йўли бўлганлигидан гувоҳлик беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Караваев В. Ф.** Голодная степь в ее прошлом и настоящем: Статистико-экономический очерк (по исследованию 1914 г.). Вып. I. – Петроград, 1914.
- Курсиш А.** Голодная степь. Очерк работ по орошению северо-восточной ее части. – Спб., 1913.
- Туркестанские ведомости.** № 23 (12 июня). 1873.

## ЛЕПНАЯ КЕРАМИКА СРЕДНЕВЕКОВЫХ ПАМЯТНИКОВ УСТЮРТА

**О. Ш. Қдирниязов**

Каракалпакский государственный университет

Большое географическое пространство Арало-Каспийского региона - плато Устюрт соседствует с территорией Средней Азии с одной стороны, Западным Казахстаном и Уралом с другой. В нем выделяются юго-восточные (ближе к Хорезму), северные (ближе Западному Казахстану и Урал) и южные зоны примыкающие к Туркмэнистану. Устюрт и ее районы по своим естественно-природным условиям отличаются друг от друга. Северная часть плато с древнейших времен считается суровой пустынной зоной, удобно только для скотоводства, а юго-восточная территория отличается более мягким климатом, здесь можно было заниматься скотоводством, сезонной охотой и поддерживать контакты земледельцами дельты Амударьи. Здесь в контактной зоне ярко проявляются взаимодействия земледельцев и скотоводов, оседлости и кочевничества, города и степи. Эти взаимодействия отчетливо прослеживаются по материалам средневековых памятников юго-восточного Устюрта.

Планомерные археологические изучения городской оседлой, земледельческой культуры причинковой зоне позволило выявить новый материал, систематизировать его и рассмотреть целый ряд вопросов, в том числе касающиеся керамическим изделиям. В ходе археологических работ Отдела археологии ИИАЭ ККО АН РУз причинковой полосе на террасах чинка и у его подножья к настоящему времени выявлены 70 археологических Объектов. Большинство из них относятся городищам, поселэниям, башням, стоянкам и святилищам. Кроме того во внутренних районах впадинах Ассакеаудан, Барсакельмес,, Жарынкудук, урочище Алан и в песках Сам обнаружен 28 археологических объектов (Ягодин, 1992, с. 11). Некоторые из этих памятников стационарно исследован.

В ходе раскопок памятников Устюрта собран комплекс средневековой керамики, они по технологическим признакам разделяются на две группы. К первой группе относятся изготовленные сосуды на гончарном круге. К второй группе относятся керамика изготовленные вручную и обожженные напольным способом. Мы в кратком тезисе нашего доклада попытаемся анализировать один из компонентов материальной культуры средневекового Устюрта - лепную керамику.

Лепная керамика часто встречаются в юго-восточных памятниках Устюрта, такие как городище Ербурун, Галыкумбез, караван-сарай Куланлы, археологическом комплексе Караумбет, Кияжол, Урга и многочисленных сигнальных башнях. Большинство лепных изделий не находят себе аналогии в материалах Хорезма. Это объясняется господством

производства станковой керамики в городах и сельских поселениях области. Лепная керамика изготовлена из теста, в котором содержится большое количество крупных кусочков шамота, дресвы, а иногда гипса. Обжиг изделий неравномерный, отдельные сосуды перекалены, из-за чего на поверхностях изделий имеются разрывы. Неравномерный обжиг также проявляются в изломах цвет черепка, они имеют от темно-серого до фиолетово-красноватого оттенка. Сосуды лепились способом наложения глиняных полос друг на друга, из-за чего толщина сосудов различная. На внутренней поверхности сосудов прослеживаются вмятины от пальцев. После изготовления посуды ручным способом их обтирали рукой с применением пучка травы или обмазывали жидкой глиной. По морфологическим признакам лепная керамика средневекового Хорезма относятся к хумам, кувшинам, горшкам, сковород, керамическим очагами, крышек светильникам. Горшки имеет вертикально направленная горловина в виде раструба с короткой шейкой, двух ручек, украшен по плечикам прочерченным до обжига орнамент стоящий из двух вдавлений, волнистых линий, обрамленные между горизонтально проведенными полосами (Древняя и средневековая культура.... 1978. С. 219). Горшки второго типа имеют шаровидное тулово, выпуклое дно, венчики сосуда слабо оформлены вдавлениями, имеет одну ручку. Ручки в верхней части имеют небольшие округлой формы площадки, они украшены прочерченным орнаментом. Иногда ручки трех сторон украшен волнистым орнаментом, наколками и косыми насечками. На плечиках нанесен слабо процарапанный орнамент в виде вертикальных полос с отходящими в разные стороны линиями, В некоторых изделиях под венчиком проходит налепная полоса на которой нанесены ногтевые вдавления. Другие варианты имеют под венчиком налепной полосы с пальцевыми вдавлениями или вдавления в виде полумесяца (Древняя и средневековая культура..., 1978. С. 234). Таким образом, горшки по своим формам разделяются на два типа. Эти типы горшков по морфологическим признакам орнаментации (наковки, насечки) находят близкие аналогии в кочевнических памятниках Прикаспий (Гмыря, 1980. С. 87).

Одним из разновидностей лепной керамики памятников Устюрт являются керамические очаги. Они изготовлены из глиняного теста с большим содержанием дресвы. Аналогичные очаги больше всего найдены и фрагментированном виде, но есть хорошо сохранившиеся целые формы. Один из них известны по комплексу Кияжол-2. Очаг в плане подковообразной формы, предназначен для установки их на полу. Орнаментальные мотивы украшения (параллельно пересекающие волнистые линии загнутые во внутрь концами («рога»), кружки, круглые налепы) хорошо известны по ремесленным изделиям этнических группам Средней Азии, чьи предки были в прошлом связаны с степью Евразии. Аналогичные очаги, известны по материалам Ербурун, Аджибай, Малая Айбуйир-кала и в Кават-калинском оазисе (Древняя и средневековая..., 1978. С. 251) и за пределами Южного Приаралья. Кроме того в памятниках Устюрта встречаются фрагмент сковорода, светильников и мелкие фрагменты не определенных предметов.

В целом, лепная керамика средневековых памятников Устюрта находят близкие аналогии в памятниках позднего этапа Кердерской культуры (IX-XII вв.) и на городищах нижней Сырдарьи (XII начала XIII вв.).

**ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:**

**Гмыря Л. Б.** Столовая керамика Андрей аульского городища Средневековые древности евразийских степей. – М., 1980.

Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. – Ташкент, 1978.

**Ягодин В. Н.** Скотоводы-охотники Арало-Каспийского междуморья и средние века / Научный доклад представленный в качестве диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – М., 1992.

## УСТРУШОНАНИНГ ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ ҚЎЛДА ЯСАЛГАН БЕЗАКЛИ СОПОЛ ИДИШЛАРИ “СОХТА ТРИПОЛЬЕ” МАЖМУАСИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш. А. Оманов

Миллий археология маркази

Уструшона ўлкаси маданиятлар алмашинуви ҳудудида жойлашганлиги боис, бу ерда қадимги, антик ва ўрта асрларда турли туман хусусиятларини ўзида жамлаган моддий ва маънавий маданият шаклланган. Маълумки, кулоллик буюмлари орқали ўрганилаётган ҳудуднинг моддий ва этник тарихини тиклаш мумкин. Уструшонанинг ривожланган ўрта асрларга оид ёдгорликларида Сомонийлар ва Қорахонийлар даври моддий маданияти излари сақланиб қолган. Айниқса Қорахонийлар даври кулоллигига хос хусусиятлар Жиззах воҳаси кулоллик ҳунармандчилигида ҳам мавжуд.

Қорахонийлар даврига келиб, Уструшонанинг тоғли ва тоғолди минтақаларида ўрта асрларда қўлда ясалган безакли сопол идишлар тарқала бошлаган. “Сохта триполье” сополларининг ажойиб намуналари Уструшонанинг кўплаб ёдгорликлари XI-XII асрларга оид маданий қатламларидан ҳам аниқланган.

Ўрта Осиёда ўрта асрларга хос (асосан X-XIII аср бошлари) қўлда ясалган безакли сопол идишларнинг келиб чиқиши масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда (Анарбоев, 1988). Ўтган давр тадқиқотларида ҳам қўлда ясалган безакли сополларнинг тарихий илдизлари муаммоси кўтарилган. Ўрта асрларга хос қўлда ясалган сопол идишлар кўп жиҳатдан сўнгги бронза, темир, антик ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган қўлда ясалган сопол идишларга ўхшашлиги тадқиқотчиларда уларнинг илдизларини қадимий даврлардан излашга ундаган. Кейинги даврда олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, Фарғона водийсидан Қорахонийлар даврига мансуб қўлда ясалган безакли сопол идишлар (“сохта триполье”) Мовароуннаҳрга Шарқдан, Фарғона водийсидан кириб келганга ўхшайди.

Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёда кенг тарқалган ўрта асрларда қўлда ясалган безакли сополларнинг келиб чиқиш илдизлари сўнгги бронза ва темир даврларига оид Чуст, Шўрабашат, Октом-Эйлатон маданиятларига боғлайди.

Асосан XI-XII асрларга оид “сохта триполье” сопол идишларининг келиб чиқиши юзасидан хилма-хил, ҳатто бир-бирини инкор этувчи назария ва қарашлар мавжуд. Улардан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

– Бу хил сопол мажмуалари Қорахонийлар давлатининг сиёсий ва ҳарбий ядросини ташкил этувчи кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларга тегишли ва уларнинг миграцияси сабаб Ўрта Осиёда тарқалади. Мазкур кўчманчи халқлар шаклланган ҳудудларда қа-

димданоқ худди шундай сопол идишлар яшаш анъанаси мавжуд бўлган ва улар буни локал даражада сақлаб келишган.

– Ўрта асрларда қўлда ясалган сопол идишлар Фарғонада шаклланган бўлиб, генетик жиҳатдан сўнгги бронза ва илк темир давридаги қўлда ясалган безакли сополларга бориб тақалади. Улар мил. авв. XIII-XII асрлардан милодий XIII асрга қадар узвий равишда давом этиб келган.

– “Сохта триполье” сопол мажмуаси кўчманчиларга ҳам тегишли эмас, улар қадимий ва илк ўрта асрлар илдизларига эга ҳам эмас, аксинча ривожланган ўрта асрларда қишлоқ хунармандларининг шаҳарларга кириб келиши ёки қишлоқ хунармандчилигининг шаҳар бозорлари таъсир доирасига тушиши туфайли тарқалган.

– Қўлда ясалган безакли сополлар анъанасининг ривожланган ўрта асрларга келиб яна урф бўлишида этник миграцияларни муҳим омил бўлган деб ҳисобловчи қарашлар ҳам мавжуд.

– XII асрнинг иккинчи ярми - XIII аср бошларида юз берган иқтисодий тушкунлик сопол идишларни қўлда яшашни келиб чиқишга олиб келган бўлиши мумкин.

– Айрим хориж тадқиқотларида бундай типга хос сопол идишлар қадимдан мавжуд бўлганлиги, сополларнинг сифати ошиб борган бўлсада улар локал даражада сақланиб қолганлиги қайд этиб ўтилган. Ривожланган ўрта асрларга келганда эса кулолларнинг кўчиб юриши билан бу анъана яна жонланади (Оманов, 2021. 100-111 б.).

**Ўрганилиш тарихи.** Уструшонанинг “сохта триполье” сопол мажмуалари типологияси ва уларнинг ушбу тарихий ўлканинг ёдгорликлари бўйлаб тарқалиши нисбатан яхши ёритилган. Худуднинг Фарғонага бевосита қўшнилиги ҳам бу ерда ушбу тип сопол идишлар мажмуасининг тарқалишида асосий омил бўлган. Шунинг учун бўлса керак, Уструшонанинг “сохта триполье” сопол идиш мажмуалари кўп жиҳатдан Фарғонанинг худди шундай сополларига ўхшаш. Мазкур сопол мажмуалари Фарғонадан кейин Уструшонада нисбатан кўпроқ тарқалган. Юқорида таъкидлаганимиздек, худуднинг тоғли ёдгорликларида, хусусан Тошбулоқ (Maksudov, 2019. P.293-294. Fig. 7-8.) ва Муғ шаҳарчаларида жуда кўп миқдорда қўлда ясалган безакли сополлар ва уларнинг парчалари топилган. Мазкур жойлар ярим кўчманчи аҳолининг яшаб, чорвадор хўжалик юритиши учун қулай муҳит эканлиги билан боғлиқ. Уструшонанинг юқорида номлари тилга олинган ёдгорликларидан ташқари, Мунчоктепа, Нурота, Култепа, Зомин (Буряков, Грицина, Кочнев, 1994. Рис. 7.), Эски Ховос, Жартепа, Азлартепа, Қизил массивдаги Оқтепа, Пшағарсой яқинидан, Тўрткўлтпепа карвонсаройи, Бунжикат, Қўрғонтепа, Бешпшағар каби ёдгорликлардан ҳам қўлда ясалган безакли сополлар жуда кўплаб топилган. Улар кўза, хумча, тувак, чойнак, қозон, мурғоби ва ёғлоғилардан иборат (Грицина, Абулгазиева, 2014. С. 63-66). Уструшонанинг бундай сопол идишлари орасида кулоллик чархида ясалганлари ҳам мавжуд (Грицина, 1991. С. 195; Негматов, Пулатов, Хмельницкий, 1973. С. 124. Рис. 53, 8). Бизнинг фикримизча, қўлда ясалган безакли сопол идишлар орасида кулоллик чархида ясалганларининг ҳам бўлиши маҳаллий кулолларнинг ярим кўчманчилар талаби ва истакларини инобатга олганликлари ҳам бўлиши мумкин. Минтақада бундай идишларнинг кўплиги уларнинг шу ерни ўзида ясалганлигидан дарак беради. Тадқиқотчилар Уструшонада “сохта триполье” сополларининг тарқалиши Фарғона орқали кириб келган кўчманчи туркий қабилаларнинг таъсири

ва уларнинг анъаналарини маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилинган бўлиши ҳам мумкинлигини таъкидлашган (Грицина, Абулгазиева, 2014. С. 68).

**Сопол идишлар типологияси.** Уструшонанинг ўрта асрларга оид қўлда ясалган безакли сополлари мурғоби, кўза, чойнак, қозон, ёғлоғи каби типлардан иборат (1-расм). Ҳар бир тип идиш сиртига тўқ жигарранг, қизил, қора ва яшил рангли минерал бўёқ ёрдамида нақш солинган. Нақшларда ўсимликсимон ва геометрик мотивлар етакчилик қилади (Грицина, 1991. С. 195).

**Кўзалар.** Қўлда ясалган безакли сополларнинг нисбатан энг кўп тарқалган туридир. Улар мажмуанинг таркибига кирувчи бошқа тип сопол идишлардан ўзининг чиройлилиги билан ажралиб туради. Биз кўзаларнинг аксариятини қўлда ишланган безакли идишларнинг “ҳашамдор” турига киритишимиз мумкин.

**Мурғоби.** Ўзига хос тип бўлиб, кўриниши жиҳатдан зооморф-ўрдакни эслатади. Бу идишлар ривожланган ўрта асрларда кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам кулоллар совға сифатида яшади. Этнографик сопол идишлар сирасига ҳам тааллуқлидир (Пардаев, Убайдуллаев, 2012. 4-расм). Мурғоби идишларнинг иккита жўмраги мавжуд бўлиб, жўмракларнинг ўртасида дастаси ўрнатилган.

**Қозон.** Уларнинг шакли ва вазифаси ривожланган ўрта асрларда чархда ясалган қазонларники каби бир хил. Шу ўринда таъкидлаш керакки, чархда ишланган қозонларнинг айримларига “сохта триполье” анъаналарига хос нақшлар туширилган.

**Чойнак.** Уларнинг вазифаси ва шакли ёғлоғилардан анча фарқ қилади. Ташқи тузилишига кўра, ҳозирги чойнакларга ўхшаб кетганлиги боис уларга шу тарзда ном берилган. Шунингдек, уларнинг барчасини остки қисмида оловдан куйиш излари мавжуд. Афтидан, улардан чой ёки сут кабиларни қайнатишда фойдаланилган бўлиши мумкин (Оманов, 2020. 1-2-расмлар).

**Хум ва туваклар.** Бу турдаги сопол идишлар бир дастали ва дастасиз қилиб ясалган, ўрама, оқизма, чизикли каби мотивлардан ташкил топган (Грицина, 2002. Рис. 5).

Мазкур турларга хос идишлар “сохта триполье” мажмуаси учрайдиган барча ёдгорликларда мавжуд.

**Хулоса.** Қорахонийлар даврига келиб Уструшонанинг меъморчилиги ва кулоллик соҳасида жуда кўплаб ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар айниқса, кулолликда яққол на-



1-расм. Уструшонанинг “сохта триполье” сопол мажмуалари типлари.

моён бўлади. Фарғона ва Еттисув худудларидан тарқалиши бошланган қўлда ясалган безакли сополлар XI-XII асрларда Уструшона худудларида ҳам кенг тарқалади. Минтақанинг тоғ ва тоғ олди теграларида жойлашган ёдгорликларнинг Қорахонийлар даври қатламларидан фанда “Афросиёб трипольеси”, “сирли мажмуа” ёки “сохта триполье” сополлари деб номланувчи қўлда ясалган безакли сопол идишларнинг ўрта асрларга хос типлари кўп миқдорда аниқланган.

Қўлда ясалган безакли идишларнинг ўрта асрларга хос типи Уструшона ва унга яқин худудларда тарқалиши Қорахонийлар даврида шарқий худудлардан кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг миграцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Анарбаев А. А.** Ахсикент в древности и средневековье (итоги и перспективы исследования) // СА. №1. – М., 1988.
- Грицина А. А., Абдулгазиева Б.** Лепная расписная керамика из караван-сарая Турткультепа // Археология Узбекистана, №1 (8). – Самарканд, 2014.
- Грицина А. А.** Материалы XII - начала XIII вв. с городища Культепа (Северная Уструшана) // ИМКУ. Вып. 25. – Ташкент, 1991.
- Грицина А. А.** Гончарная продукция домонгольского Заamina // ИМКУ. Вып. 32. – Ташкент, 2002.
- Буряков Ю. Ф., Грицина А. А., Кочнев Б. Д.** Древний Заамин (история, археология, нумизматика, этнография). – Ташкент, 1994
- Оманов Ш. А.** Ахсикатдан топилган қўлда ясалган безакли “чойнак” тўғрисида // O'zbekiston arxeologiyasi. №4. – Samarqand, 2020.
- Оманов Ш. А.** Ўрта Осиёнинг Қорахонийлар даври қўлда ясалган безакли сополларининг ўрганилиш тарихи // O'zbekiston arxeologiyasi. №2. – Samarqand. 2021.
- Пардаев М. Х., Убайдуллаев И. Х.** Жиззах ривожланган ўрта асрларда // ИМКУ. Вып. 38. – Самарканд. 2012.
- Maksudov, F., Bullion, E., Henry E. R., Hermes T, Ann. Merkle, Frachetti M. D.** Nomadic Urbanism at Tashbulak. A new highland town of the Karakhanids //Urban Cultures of Central Asia from the Bronze Age to the Karakhanids. Proceedings of the First International Congress on Central Asian Archaeology held at the University of Bern, 4 – 6 February 2016. Harrassowitz Verlag-Wiesbaden, 2019.

## ДАБУС ҚАЛЬАНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

**Ғ. И. Маҳмадиев**

Самарқанд давлат университети

Тарихий манбаларда, жумладан, Истахрий, Ибн Ҳавқал ва ас-Саъмоний асарларида Дабусия шаҳри Суғд дарёсидан жанубда, катта Хуросон йўли устида жойлашганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди (Камоллиддин, 2011. 65 б). Тарихий манбаларда ёзилишича Дабус ёки Дабусия сўзининг маноси - “гурзийи оҳани”, яъни “темир гурзи” деган маъноларни билдиради (Муҳаммад Ғиёсиддин, 1988. 327 б.).

Ёзма манбаларда қайд этилган қадимий Дабусия шаҳар харобаси Пахтачи туманига қарашли “Дабусия” номли маҳаллада жойлашган. Бу кўҳна кент Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларига хос арк, шаҳристон ва рабод қисмларидан иборат бўлиб, шаҳарнинг шимоли-шарқий томонидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Ёдгорликнинг арк қисми квадрат шаклда, тарҳи 50х50 м, баландлиги эса 5-6 м, атрофи хандақ билан ўралган.

Шаҳристон тарҳи тўртбурчак шаклда, умумий майдони 23 гектар бўлиб, асосий кириш дарвозаси унинг жанубий томонида жойлашган.

Рабод шаҳристоннинг жанубий ва шимолий-ғарбий томонларида жойлашган бўлиб, умумий майдони 50 гектарни ташкил этади. Шаҳристоннинг жанубий томонида жойлашган рабоднинг устки қисми қабристонга айланирилган, шимолий-ғарбий томонида Имом Баҳра ота мақбараси қад кўтариб турибди.

Қадимги Дабусия харобалари тўғрисида дастлаб XIX асрнинг охирларида ҳарбий топограф Н.Ф. Ситняковский маълумот бериб ўтган. Шунингдек, Н.Ф. Ситняковский ўзининг кундалигида Дабусия аркининг жануби-шарқий томонида жойлашган Зиёвуддин беклигининг қароргоҳ харобалари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. (Ситняковский, 1898. С. 92). 1915 йилда шарқшунос олим Л.А. Зимин қадимий Дабусия билан боғлиқ бўлган ёзма манбалар тўплаган ва уларни нашр эттирган (Зимин, 1917. С. 64).

1915 йилда француз тадқиқотчи Жозеф Кастанье Туркистон ёш археологлари тўғрагининг йиғилишида Бухорода олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари ҳақида маъруза қиларкан, унинг фикрича Абдуллахон мадрасаси, Захоки Морон қалъаси ҳамда Дабусия шаҳарлари келажакда археологик ва этнографик тадқиқотлар олиб бориш учун асосий манзилгоҳлардан бўлишини қайд этган (Кастане, 2016. С. 1309).

Дабусия ёдгорлигида 1934 йили А.Ю. Якубовский раҳбарлигида тадқиқот ишлари давом эттирилди. Мазкур экспедиция таркибида В.А. Шишкин, Я.Ғ. Ғуломов, Т. Мирғиёсов каби таниқли археологлар иштирок этиб, шаҳарнинг топографик тарҳини чизишган, кўриниб қолган дарвозалар ўрни, мудофаа деворлари ва бурж колдиклари ҳақида ўз кундаликларида маълумотлар берганлар. Шунингдек, В.А. Шишкиннинг қайд эти-

шича, шаҳарнинг шимол томонида Зарафшон дарёси оқиб ўтадиган тарафида кўп сонли бадраб ўрнлари сақланиб қолган (Якубовский, 1940. С. 151-156). Ёдгорликда 30 дан ортиқ бадраб ўрнлари ҳозирги кунгача мавжуд.

1976 йилда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигида Санъатшунос-лик институтининг Миёнқол гуруҳи томонидан Самарқанднинг ғарбий томонида жойлашган археологик ёдгорликлар ҳисобга олинди ҳамда қазилма ишлари амалга оширилди. Тадқиқотчи томонидан Дабусияда жойлашган Имом Баҳри ота мақбарасининг режаси олинди (Пугаченкова, 1976. С. 36-40). Э.В. Ртвеладзе мақбарадаги қабр тошлари XVI асрга тегишли эканлигини қайд этади.

1988 йилда Д.К. Мизаахмедов, Ш.Т. Адилов, Э.Ф. Вульффертлар Нарпай ва Пахтачи туманларидаги археологик ёдгорликлар мажмуаларини яратиш мақсадида кенг қамровли тадқиқот ишларини амалга оширадilar. Натижада, Пахтачи туманида 25 та ёдгорлик қайд этилган бўлиб, улардан энг йирик ёдгорлик Дабусиядир (Мизаахмедов, 1989. С. 17-25).

2012 йилнинг август ойида ЎзР ФА Археология институтининг бир гуруҳ мутахассислари (катта илмий ходимлар - К.А. Раҳимов, Б.Қ. Сайфуллаев, М.Хасановлар) томонидан Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидаги археологик ёдгорликлар қайта рўйхатдан ўтказилди. Натижада, туман ҳудудида 30 дан ортиқ археологик тепаликлар сақланиб қолганлиги аниқланди (Раҳимов, 2013). Воҳа асосий сув манбалари бўлган тоғлардан оқиб келган сой сувлари, булоқлар ҳамда дарёдан бош олган канал (Нарпай) ёрдамида суғорилган. Нарпай каналининг сув ўтказиш имконияти 70 м<sup>3</sup>/с. Суғориш майдони 42,2 минг га. ни ташкил этади. (ЎЗМЭ. 2000. 77 б). Дабусия ва унинг теварагидаги ёдгорликлар ушбу сув манбалари атрофида жойлашган. Бу каналдан 370 зиёд ариқлар сув ичади. Бундан ташқари Зарафшон дарёси ва Зирабулоқ тоғларидаги булоқлардан ҳам сувлар оқиб турган. Барча археологик тепаликлар шу сувлар бўйида жойлашган. Шулардан Рабинжон ва Дабусия 70-75 гектар майдонни эгаллайди. (Буряков, 1982. С. 182-183)

Шулуктепа ва Қалъаи Захоки Морон ёдгорликлари Қалъа-и-Дабус туркумидаги қалъалар бўлиб, улар тўғри тўртбурча шаклга эга (Бартольд, 1963. С. 210-211).

Ушбу маълумотларга ойдинлик киритиш учун ёдгорликда археологик тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Дабусия ёдгорлигини археологик жиҳатдан тизимли ўрганиш ишлари асосан ЎзР ФА Археология институти ходимлари ва Япониянинг Киото шаҳридаги Япон маданиятини ўрганиш халқаро илмий маркази олимлари билан ҳамкорликда 2007-2012 йилларда олиб борилган. Экспедицияга Япония томонидан профессор Уно Такао ва Ўзбекистон томонидан тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов раҳбарлик қилган. Ушбу тадқиқотлар асосан ёдгорликнинг арк, шаҳристон ва рабод қисмларида олиб борилган (Бердимуродов, 2009. С. 76-95).

Ўзбекистон – Япония қўшма экспедициясининг 2007 йилдаги тадқиқотлари (№1-қазилма) шаҳристоннинг жануби-шарқий бурчагида, мудофаа девори ёнида олиб борилган. Қазилмалар мабойнида 4 та қурилиш даври аниқланган бўлиб, эрамизнинг III-IV асрларидан XIX асрларигача бўлган давр билан саналанган. Рабоднинг стратиграфик қатламларини аниқлаш мақсадида иккита шурф қазилган. 1-шурф рабоднинг шарқий қисмида ташланган. Қазилма жараёнида бу ерда 11 та маданий қатлам мавжудлиги аниқланган.

Қазишма натижасидаги маданий қатлам мил. авв. III асрдан милодий XIII асрлар билан даврлаштирилган. Дабусия рабодида қазилган 2-шурф, 1-шурфдан 100 м ғарбда жойлашган бўлиб, бу шурфда ҳам 11 та маданий қатлам аниқланган. Қазишма III-IV асрлардан то XIII асрлар билан даврлаштирилган.

2008 йилда Ўзбек-Япон археологик экспедицияси томонидан ёдгорликнинг тўртта жойида археологик қазиш ишлари олиб борилди. Шулардан иккита қазишма ёдгорликни рабод қисмида (4, 7-қазишма), иккитаси эса шахристонда (5, 6-қазишма) ўтказилган. 4-қазишма рабоднинг жанубий қисмида олиб борилиб, XX асрнинг ўрталарида бу ерда масжид бўлган. Масжид остида 5 та қурилиш даври аниқланган. Бу қазишма мил. авв. III асрдан милодий XX асрнинг 50 йиллари билан даврлаштирилган. 5-қазишма шахристоннинг жануб томонида ўтказилган. Қазишма 5,90 м чуқурликда қазилган бўлиб, унда 20 та маданий қатлам аниқланган, XII-XIII асрлар билан даврлаштирилган.

6-қазишма шахристоннинг жануб томонида, юқоридаги 5-қазишмадан 15-20 м жанубда, 1-қазишмадан тахминан 200-250 м ғарбда, арқдан чамаси 50-60 м жанубда олиб борилган. Қазишмадан асосий мақсад қалъа девори чизигидаги турар жойлар характерини ўрганиш ҳамда шахристон деворини аниқлашдан иборат булган. Ушбу қазишма VIII асрдан то XVII-XIX асрлар билан даврлаштирилган.

7-қазишма рабоднинг шимолий-шарқий чегарасида, шахристонга яқин жойда амалга оширилган. Қазишма 20 та қатламдан иборат бўлиб, X-XII асрлар билан даврлаштирилган. 2009-2012 йилларда 8-қазишма ёдгорликнинг арқ қисмида давом эттирилади. У ердан турар жой қолдиқлари ва ҳамом ўрни топилган булиб, IV-XVIII асрлар билан даврлаштирилган. 2009 йилда шахристоннинг пастроқ қисмида, қалъа этагидан шарқда жойлашган 9-қазишма стратиграфия тарзида бўлиб, қатламларни таҳлил қилиш учун олиб борилган. Бу қазишма маданий қатламлар XII асрдан XIX асрларгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон - Япония қўшма экспедицияси 2010 йилда қазув ишларини давом эттиради. 10-қазишма Дабусия қалъасининг ғарбий девори марказида, 8-сонли стратиграфик қазишма билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, қалъанинг ғарбий девори бир қисмидир. 10-қазишма ишларининг асосий мақсади қалъанинг мудофаа иншоотлари хусусиятини ўрганиш, уларнинг қўшилиш босқичларини ва турар жойнинг ички ривожланиши билан боғлиқлигини аниқлашдан иборат бўлди.

Халқаро экспедиция 2011 йилги мавсумда 11-қазишмада дала тадқиқот ишларини олиб боради. 11-қазишма ишлари шахристоннинг шарқий чеккасида олиб борилган бўлиб, бу ерда хўжалик хоналари очилган. Ушбу хоналарда 4 та қурилиш даври аниқланган ва у X-XVIII асрларни ўз ичига олади.

2012 йилда Дабусия шаҳар ёдгорлигида қазув ишлари шахристонинг шимолий-ғарбий қисмида амалга оширилган. Ушбу 12-қазишма натижасида Дабусия қалъасининг дарвозаларидан бири аниқланган. Дарвоза X-XII асрлар билан даврланган (Бердимуродов, 2013. С. 22-255).

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Дабусқалъа ёдгорлигида келгусида кўплаб кенг кўламдаги тадқиқот ишлари олиб борилиб, унинг ҳали бизга маълум бўлмаган қирралари очиб ўрганилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Бартольд В. В.** История культурной жизни Туркистана / Соч. Т. II (1). –М., 1963.
- Бердимуратов А. Э., Токао У., Рахимов К. А.** Дабусияда ўтказилган археологик тадқиқотлар ҳақида // Археологические исследования в Узбекистане 2006-2007г. Вып. 6. – Ташкент, 2009.
- КАЛА-И ДАБУСИЯ** «Согдийский город на Великом Шелковом Пути. Научные исследования городского центра Средней Азии» / Отр. ред. А. Э. Бердимуратов, Токао Т. Қала-и Дабусия. – Киото 2013.
- Зимин Л. А.** Кала-и-Дабус // ПТКЛА. Год двадцать первый. – Ташкент, 1917.
- Ибн Ҳавқал.** Китоб сурат ал-ар / Таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камоллидин. – Тошкент, 2011.
- Мизаахмедов Д., Адылов Ш. Т., Вульферт Э. Ф.** Отчёт. О работах Нарпайско-Пахтачинского отряда в 1988г. – Самарканд, 1989.
- Муҳаммад Ғиёсиддин.** Ғиёс ул луғат. – Душанбе, 1988.
- Пугаченкова Г. А.** Забытый архитектурный памятник Самаркандской области (ханака Имам-Бахра. XVI в.) // Строительство и архитектура Узбекистана. №12. 1976.
- Рахимов. Б. Қ. Сайфуллаев. Хасанов М.** Пахтачи археологик экспедицияси. Пахтачи туманида 2012 йилда олиб борилган археологик дала қидирув тадқиқотларнинг илмий ҳисоботи. – Самарканд, 2013.
- Ситняковский Н. Ф.** О древностях в районе Зеравшана // ПТКЛА. Год третий. – Ташкент, 1898.
- Якубовский А. Ю.** Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 // ТОВЭ. Т.II. -Л. 1940.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** Т. 2 – Тошкент, 2000.

## ОШИҚ (АСТРАГАЛ)НИНГ АРХЕОЛОГИК-ЭТНОГРАФИК ТАЛҚИНИ ВА ОШИҚ ЎЙИНИ ҲАҚИДА

**Р. Х. Муродалиев**

Миллий археология маркази

Археологик қазув ишлари давомида ҳайвон суяклари қолдиқлари кўплаб учрайди. Табиийки, бу аввало ҳайвонот олами инсониятнинг кундалик озуқа рўйхатида муҳим ўрин тутганлиги, хўжалик ва диний-маиший ҳаёти билан бевосита боғлиқдир. Бироқ археологик ёдгорликлардан, мазор-қўрғонлардан уй ҳайвонларига тегишли ошиқ (астрагал) суяклари-нинг алоҳида бир жойга йиғилган ҳолатда учраши моддий омиллардан кўра қадимий маданий қадриятлар билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Ушбу мақолада халқ орасида машҳур бўлган ошиқ ўйини ва унинг тарихий илдизлари борасида фикр юритиш имкониятини берувчи археологик ёдгорликлардан топилган иккиламчи топилмалар – ошиқларнинг инсон маданий ҳаётидаги функционал вазибаларига тўхталмоқчимиз. Топилмалар орасида ошиқ суяклари тўпламининг кўплаб учраши бизга уларни ўйин буюмлари сифатида баҳолаш имкониятини берди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган Сўнғак мазорқўрғонининг тадқиқ этилиши бу борада қизиқарли ва муҳим тарихий маълумотларни беради. Ёдгорлик илк ўрта асрлар (Турк хоқонлиги даври)га оид бўлиб, тоғ олди ва тоғли теграларда истиқомат қилган Чоч аҳолисининг чорвадор жамоалари томонидан ўзлаштирилган. 2021 йилда Сўнғак мазорқўрғонининг қазилмалари давомида № 6-қабрдаги майитнинг оёқлари орасидан икки дона ҳайвон ошиқ суяклари топилди. Улар тозалангач, майда шохли қорамол (қўй ва эчки)га тегишли бўлган ошиқ суяклари эканлиги маълум бўлди. Бу ошиқларнинг ҳажми 3x1,5 см.ни ташкил қилиб, бир томони емирилган ёки ишлов берилган (1-расм).

Манбалардан маълумки, ошиқлар кўп вазибали ва полисемантик буюмдир. Бу каби топилмалар Ўрта Осиё, Шарқий Осиё, Урал, Сибир, Волга бўйи, Кавказ, Кавказорти, Шарқий Европа ва Ўрта ер денгизи бўйи ҳудудларидаги археологик ёдгорликларида ҳам аниқланган. Ошиқ билан боғлиқ ўйинлар, маросимлар ва фол очиш жез ва илк темир даврларида Евросиёнинг аксарият қисмида жуда кенг тарқалган ва машҳур бўлган. Асосан хонаки чорва ҳайвонларининг (қорамол, қўй ва эчкилар) ошиқ суякларидан фойдаланилган. Баъзи ҳудудларда ёввойи ўтхўр ҳайвонлар ошиқлари ҳам қўлланилган. Хусусан, илк темир даврига оид Қозоғистон ҳудудида жойлашган Чирикработ маданиятига мансуб бўлган Сирдарёнинг эски ўзани Жанадарёнинг ўнг томонидаги Бабиш-мола ёдгорлигидаги қазилмаларда қўй ва эчки ошиқлари билан бирга жайрон (қорақуйруқ, *Gazella subgutturosa*) ва сайғоқ (*Saiga tatarica*) ларнинг ошиқлари ҳам топилган (Шагирбаев, Утубаев, 2019. С. 79-115) (2-расм). Дафн ёдгор-



1-расм. Сўнгак мозор-қўрғонидан аниқланган ошиқ (астрагал)лар



2-расм. Бабиш-мола ёдгорлигидан аниқланган сайгоқ (*Saiga tatarica*) ошиқлари (М. Шагирбаев, Ж. Утубаев, 2019)

ликларида ошиқ энг кўп топилган худуд чорвачилик билан шуғулланадиган туркий тилли қабила-лар яшаган Ўрта Осиё ва Ғарбий Сибир сарҳадларига тўғри келади, бу ерда ошиқ чорвачиликнинг рамзи бўлган. Айтиш мумкинки, ошиқ - бир вақтнинг ўзида муайян ўйин ашёси, фол очиш, тумор ва қабр буюми сифатида ишлатилиши мумкин бўлган.

Ўзбекистон худудидаги қадимги шаҳар, қишлоқ ва мозор-қўрғонларда ўтказилган археологик қазилмалар натижасида жез даври ёдгорликларидан кўплаб ошиқлар аниқланган. Сополлитепа, Кучуктепа, Жарқўтон, Ерқўрғон, Зартепа, Афросиёб каби ёдгорликлар шулар жумласидандир (Батиров, Ширинов, 1984. С. 114). Фарғона водийсида Чуст ёдгорлигидан бир томони, икки томони, тўрт томонига ишлов берилган, ишлов берилмаган, ўртаси тешикли, ўртаси жез ёки гипс қуйилган 20 дан ортиқ кўй ва эчкининг ошиқлари аниқланган (Матбабаев, Батиров, 1992. С. 20-21).

Жез даврига оид Сурхондарё вилоятидаги Жарқўтон қабристонининг № 333-қабридаги ёш болага тегишли майит оёқлари орасидан 100 дона ошиқ аниқланган бўлиб, уларнинг 40% ига ишлов берилган эди. А.Р. Ботиров ва Т.Ш. Ширинов томонидан 250

дан ортиқ ошиқ суяклари жез даврига оид Сополлитепа (35), Жарқўтон (150), Кучуктепа (30) ёдгорликларидан, илк темир ва антик даврга оид Талашкантепа (20), Бухоро (10), Ромиштепа (12) ёдгорликларидаги археологик изланишлар давомида тўпланган. Улар ушбу ошиқ суякларини ўйин буюми сифатида талқин қилишган (Батиров, Ширинов, 1984. С. 114).

1975 йилда Ахсикент шаҳар хароба-сида И. Ахроров томонидан олиб борилган 1-қазилманинг 9-ярусидан тўққиз (9) дона, минорадаги қазилманинг иккинчи хонаси 6-ярусидан тўрт дона қўй ёки эчкининг ошиқ суяклари аниқланган (3-расм). Ушбу топилмалар шу кунгача алоҳида тадқиқ қилинмаган.

Этнографик маълумотларга кўра, хўжалигининг асосини чорва ҳайвонлари ташкил қилувчи кўчманчи халқларда ошиқ ўйинларини ҳосилдорлик сеҳри билан боғлиқлиги борасида қарашлар кенг тарқалган. Масалан, хакаслар уйларида сақланадиган қўй ошиқлари бахт келтиради, деб ишонишган. Ошиқлар сони юзтага етганда, қўйхонанинг бир бурчагидаги ерга кўмилган. Ошиқларни кўмган одамнинг пода-



3-расм. Ахсикентдан аниқланган ошиқ (астрaгал)лар

сига уларни кўмганчалик қўй бошлари қўшилишига ишонишган. Шунга ўхшаш тушунчалар туваликлар орасида ҳам қайд этилган. Мингта ошиқни йиғиб, уларни қишки қўйхонага кўмиб, яна йиғишни бошлашган. Ушбу маросим чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш учун мўлжалланган (Молодин, Ефремова, 1998. С. 306-307).

Тадқиқотларга кўра, ошиқ ўйинлари тўпламига “соққа” ҳам киритилган бўлиб, улар ҳатто махсус ишлаб чиқарилган. Шундай қилиб, бошқирдлар орасида ўйиннинг асосий фигураси бўлган “соққа” – қозон куяси билан қора рангга бўялган (Шагапова, 2010. С. 67). Тоғли тожиклар қорамол ошиқлари билан нисбатан кам ўйнаган. Улар бундай ошиқларни кўпроқ соққа сифатида ишлатишган ва ҳатто уларга бошқа ном беришган. Бундан ташқари, танланган қўй ошиқлари кўпинча соқа бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган. Соққалар шар ёки кичик тўртбурчак пластинка шаклида тошдан ҳам ясалган. Баъзи ҳудудларда ёввойи эчкиларнинг шохларидан тўртбурчак шаклдаги соқалар ясалган (Пещерева, 1957. С. 65-66).

Тоғли тожикларда ошиқнинг бир неча турлари - қўй, эчки ва қорамол ошиқлари бўлган. Одатда, ўйинчилар қўй ва эчки ошиқларидан фойдаланган. Улар шундай ишлов берилганки, ўйинга ташланганда, қоидаларга кўра ғалаба қозонадиган позицияга осонгина тушиб қолишлари мумкин бўлган. Ишлов берилган ошиқлар оддийсидан ажралиб турадиган номларга эга бўлган. Шу тариқа, Яғнобда қайта ишланган ошиқлар “сус”, ишлов берилмагани – “курр” ёки “куррага”, деб аталган. Энг яхши ошиқларни ўғил болалар тутун ёрдамида бўяшган. Бунинг учун буғдой сомонлари йиғилиб, унинг атрофида суяклар қўйилган. Сомон оловга қўйилган ва суяклар билан бирга катта ёғоч коса билан қопланган. Тутун таъсирида суяклар кизғиш рангга эга бўлган. Ўғил болалар бундай ошиқларни алоҳида-алоҳида сақлаб, уларни

лой кўзаларга солиб қўйишган. Баъзида ошиқли кўзалар ҳатто бир муддат ерга кўмилган. Ўғил болалар бир-бирлари билан ошиқ алмашишган. Яғнобда битта ишлов берилган ошиқнинг нархи саккиздан ўнтагача қайта ишланмаган куррагага тенг турган (Пещерева, 1957. С. 66). Бошқирдлар ошиқни одатда, асл ҳолати – оқ рангда ўйнашган. Бундан ташқари, маълумот берувчилар вақти-вақти билан суякларнинг ранги ҳақида хабар беришади, аммо рангли суяклар нимани англатиши номаълум (Шагапова, 2010. С. 67).

Кустованинг таъкидлашича, болаларнинг суяк билан ўйинлари – (нафақат) магия билан боғлиқ бўлган удум ва анъанавий фаолиятнинг бир туридир. Шу нуқтаи назардан, хакаслар орасида ошиқ ўйинларини шартли равишда уч гуруҳга бўлинади. Улардан биринчиси, этнографик маълумотларга кўра энг кенг тарқалгани, бу – асосий мақсад рақибларидан имкон қадар кўпроқ ошиқларни ютиб олиш билан боғлиқ бўлган ўйиндир. Бу ўйин *хазых ойыны*, яъни ошиқ ўйини деб аталган. Уларнинг кўпчилиги омадни, маълум бир позицияга тушиши керак бўлган ошиқни улоқтирганда ўйинчининг эпчилигини қадрлашди. Ошиқнинг энг муваффақиятли улоқтирилиши *плас* деб аталган (Сунчугашев, 1963. С. 146), бу вақтда барча ошиқлар бир томони юқорига кўтарилган ҳолда тушса, ўйинчилар барча ошиқларни ўзлари учун олишга ҳаракат қилишган. Бу томонлари ўйин ва яшаш жойига қараб ўз номларига эга бўлган бўлиб, кўп ҳолларда улар чорва моллари номлари билан боғланган. Масалан, юқори қавариқ томони – *хой* (кўй), қарама-қарши томони – *ўске* (эчки), *қулоққа* ўхшаш томони – *инек* (сигир), қарама-қарши томони – *ат* (от) деб аталган (Кустова, 2000. С. 113). Я. И. Сунчугашев томонларнинг бошқа номларини ҳам берган: тишли томони – *сына*, унга *қарама-қарши*, *қавариқ томони* – *муга*, ён томонида тирқишсиз тургани – *таха* ва унга *қарама-қарши*, тишли томони – *алчи* (Сунчугашев, 1963. С. 146). Бу номларнинг таржимаси йўқ бўлиб, хакасча-русча луғатда уларни оддийгина ошиқнинг ён томонлари номлари сифатида белгиланган (Кустова, 2018. С. 85).

Иккинчи ўйинлар гуруҳи овчилик билан боғлиқ ёки сюжетли ўйинлар ҳисобланиб, бунда ошиқлар турли хилдаги ҳайвонларни ифодалаган. Хакаслар бу ўйинларни ўйнаш орқали ёш болалар ўзларига керакли ҳаётий кўникмаларни шакллантиришини яхши тушунадилар. Бу эса қадимдан авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзига хос тажриба намунасидир.

Учинчи гуруҳ ўйинлари эса ҳайвон суякларидан ясалган кўғирчоқлар билан боғлиқ эди. Бу асосан қизларни аёллик ва оналикка тайёрланиши учун қўл келади. Хакас оилаларида жуда кўплаб *тёс'* (идол)лар бўлиб, қизлар турмушга чиққандан сўнг ҳам уларни қўллашда давом этган. Улар тўқинчилик келтиришига ишонилган. Қизилликлар амалий санъати намунасида *хазыхтар* (ошиқлар) деб номланган нақш тури сақланиб қолган. У отнинг тўпиқ суяги шаклида ифоданган бўлиб, унинг сеҳрли хусусияти эътиқод қилинган ва аёллар кўриқчиси ва оилада фарзанд тўғилиши ва бахт рамзи сифатида кўрилган (Кустова, 2018. С. 86-88).

Ўзбекистон ҳудудида ҳам ошиқ билан боғлиқ кўплаб халқ ўйинлари мавжуд бўлиб, бошқа халқлар ўйинига жуда ўхшаб кетади. Шунингдек, алоҳида хусусиятга эгалари ҳам мавжудки, улар кўпроқ маълум ҳудудларгагина хосдир. Мисол учун, “Олтин қобок” ўйини. Қоидага кўра, 5-6 метрлик ёғочлардан тўрттасини бир-бирига улаб боғланади. Ана шу тарзда ҳосил бўлган узун ёғочнинг учига қўй ошиғи ёки танга пулни осиб, ёғочни тикка қилиб ўрнатганлар. Камон ўқи билан ана шу ёғоч учига осилган ошиқ ёки танга, яъни “Олтин қобок”ни урган мерган махсус соврин эгаси бўлган (Қиличев, 1989. Б. 92-94). “Олтин қобок” отиш

Ўрта Осиё туркий халқларининг тўй маросимларида ўйналадиган анъанавий ўйинлардан бири бўлган (Вамбери, 1968, С. 94; Сагитов, 1963. Б. 346).

Ўзбек халқ ўйинлари орасида ошиқ иштирокида турли хил ўйинлар ўйналганлиги ҳақида А.К. Боровков шундай ёзади, – “Ўзбекларда ошиқ билан ўйналадиган ўйинлар кенг тарқалган. Ҳар бир туманда ошиқ билан ўйналадиган жуда кўп миқдорда ўйинлар мавжуд бўлиб, бу ўйинларда ҳатто катта ёшдаги кишилар ҳам иштирок этадилар. Ошиқ билан ўйналадиган ўйинлар орасида шавқи баланд ўйинлар ҳам бор. “Хумор”, “Уч ошиқ”, “Тўрт ошиқ” каби ўйинлар шулар жумласидандир” (Боровков, 1927. С. 41).

*Ошиқ* ўйини - ошиқ (*астрагал*) воситасида ўтадиган мусобақа ўйинлари мазмун ва келиб чиқиши жиҳатидан тош ўйинларига ўхшаб кетади. Бундай ўйинларни болалар, ўсмирлар, ҳатто катта ёшли кишилар ҳам ўйнашган. Катталарда ўртага маълум миқдорда пул қўйилган. Болалар эса ёнғоқ ёки ошиқ қўйиб ўйнашган.

Уч киши қатнашувчи “Уч ошиқ” ўйини қуръа ташлаш билан бошланади. Омади чопган ўйинчи барча ошиқларни қўлга олиб, тахминан 35-40 сантиметр баландликдан навбати билан ерга ташлайди. Қоидага қўра, кимнинг ташлаган ошиғи ерга “олчи” ҳолатида тушса, у ютуқни олишга ҳақли бўлади. Халқимиз орасидаги “Ошиғи олчи” ибораси ҳам аслида шунга ишора сифатида пайдо бўлган. Шунингдек, унинг “Уч оёқ”, деган хили ҳам бор. Зарафшон қипчоқлари уни форсчасига “Се пой” деб аташади. Кўпинча иштирокчилар ўз ошиқларини текислаб, кўзга ташланадиган ранглар билан бўяб олишади. Бундай ошиқлар бошқаларникидан алоҳида ажралиб туради ва табиийки, ҳамма уни ютиб олишга ҳаракат қилади.

Ўйин тартибига қўра, дастлаб ерга айлана чизилади. Кейин қарама-қарши томонларда иккита тўғри чизик тортилади. Шу чизикларнинг устида туриб айланага қарата ошиқлар отилади. Отилган ошиқ айлана ичидаги ошиқлардан бирига тегиб ташқарига чиқара олса, ўша ошиқ унга ютуқ сифатида берилади. Айлана чизигини босиш ўйин қоидасига зид. Бундай ҳаракат юз берганда, ўйинни унинг рақиби давом эттиради.

Ошиқнинг тўрт томони ҳам алоҳида номлар билан аталган. Чуқурчали тарафи “Чикка”, чикканинг терс томони, яъни ошиқнинг салгина бўртиб турган тарафи эса “пукка”, деб номланган. Ён томонлари эса “олчи” ва “харра”, деб аталган (Шаниязов, 1964. С. 172-173).

“Олчи қўпар” ўйини тартибига қўра, ўйин иштирокчилари биринчи гал учун ҳар бири биттадан “ганак” ошиғини беради. Болалардан бири ошиқларни йиғиб, тепага отади. Ошиқлар ерга тушганда, уларнинг ҳолатини бориб кўрадилар. Қайси боланинг ошиғи “олчи” турган бўлса, “чикка” томони билан тушган ошиқларнинг барини йиғиб олади. “Харра” тушган ошиқ эгаси “пукка” ошиқларини олади. Бу ўйин асосан болалар ва ўсмирлар орасида омалашган бўлса-да, шавқи баланд ўйин сифатида айрим ҳолларда катта ёшдаги кишилар томонидан ҳам ўйналган.

Ошиқ ўйинларида икки хил ошиқ (*астрагал*)дан фойдаланилган. Биринчиси, ҳисори қўй ошиғи анча йирик ва салмоқли бўлгани учун “соққа”, деб аталади. Иккинчиси, оддий жайдари қўйларнинг ошиғи бўлиб, майдароқ бўлади. У “ганак” ёки “гена”, деб аталади. Ҳар бир ўйинчи бир дона соқа билан ўйнаш ҳуқуқига эга бўлган. Бир соққа 5-10 дона генага тенг келган.

Демак, ошиқ ўйинлари қадим замонларда ўйлаб топилган ва кишилар маданий ҳаётида маълум аҳамиятга эга бўлган. У асрлар давомида авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб

келмоқда. Таъкидлаш жоизки, ошиқ ўйини кўчманчи халқларда, айниқса, кенг оммалашган. Ушбу ўйин Қозоғистон Республикаси ташаббуси билан 2017 йилда ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерослари рўйхатига киритилган.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ошиқлар ёш болаларни турли ўйинлар орқали катта ҳаётга тайёрлаш, кўниктиришга хизмат қилувчи ўйин буюмлари бўлиб, айни дамда турли балолардан сақловчи буюм ёки шу каби сеҳр буюми сифатида ҳам кўрилган. Ошиқларни қабрларда учрашини эса қуйидаги сабабларга боғлаш мумкин: биринчидан, боланинг ёшини ва унинг фаолиятини асосий турини ифодаловчи ўйин тўпламлари сифатида; иккинчидан, дафн этилганларнинг ўлиmidан сўнг «яхши овқатлар» мавжудлигини таъминлайдиган маросим таоми сифатида; учинчидан, ўлимдан кейин одам руҳининг кўриқчилари ва химоячилари сифатида, уни нариги дунё худолари билан боғлашга хизмат қилган сеҳрли буюм сифатида кўриш мумкин. Айтиш мумкинки, ўрганилган ўйин буюмлари бўлган ошиқ суяклари ўша давр кишиларининг ижтимоий фаолияти ва турмуш йўсинини акси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Батиров А. Р., Широков Т. Ш.** Костяные изделия из археологических памятников Узбекистана // ИМКУ. Вып. 19. – Ташкент. 1984.
- Боровков А. К.** Игры узбекских детей // Сб. научн. кружка при Востфаке САГУ. Вып. 1. – Ташкент, 1927.
- Вамбери Г.** Очерки Средней Азии. – М., 1868.
- Кустова Ю. Г.** Ребенок и детство в традиционной культуре хакасов. – СПб.: 2000.
- Кустова Ю. Г.** Детские игрушки из кости и ритуалы с ними у Хакасов // Вещь и обряд: рациональное и иррациональное в архаике, Междисциплинарный семинар Теория и методология архаики. Вып. XI. – СПб. 2018.
- Матбабаев Б. Х., Батиров А. Р.** Костяные изделия Чустского поселення // ИМКУ. Вып, 26. – Ташкент, 1992.
- Молодин В. И., Ефремова Н. С.** Коллекция астрагалов святилища Кучерла-1 // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. 4. – Новосибирск, 1998.
- Пещерева Е. М.** Игрушки и детские игры у таджиков и узбеков (по материалам 1924–1935 гг.) // Сборник Музея антропологии и этнографии. Т. 17. – М.–Л., 1957.
- Сагитов И. Т.** Қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик эпоси. – Нукус, 1963.
- Сунчугашев Я. И.** Материалы по народным играм хакасов // Ученые записки ХакНИИЯЛИ. Вып. IX. – Абакан, 1963.
- Қиличев Т.** Хоразм халқ театри. – Тошкент, 1989.
- Шагапова Г. Р.** Семантика игровой культуры башкирского этноса. – Уфа, 2010.
- Шагирабаев М. С., Утубаев Ж. Р.** Жануар асыктарының археозоологиялық зерттелуі (Бәбіш мола қаласының материалдары бойынша) // Қазақстан археологиясы, № 4. (6). 2019.
- Шаниязов К.** Узбеки - карлуки (Ист.-этногр. очерк) / Акад. наук УзССР. Ин-т истории и археологии. – Ташкент: Наука, 1964.
- Maksud F., Muradaliyev R.** Göktürkler ve üzeninin yayılması üzerine // Genel Türk tarihi araştırmaları dergisi. Cilt/Volume 2, Sayı / Issue 4, Temmuz / July 2020.

## ЎРТА ОСИЁДАГИ ИЛК ЎТРОҚ АҲОЛИ ДИНИЙ ОНГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

А. А. Абдуғаниев  
Ўз ФА Тарих институти

Дунё ўтмиш тарихи асосан халқлар, жамиятлар, давлатлар тарихи билан белгиланади. Аммо ана шундай жамиятлардаги ижтимоий муносабатлар инсониятнинг дастлабки ўтмиш тузуми ҳисобланган ибтидоий жамоа тузуми давридан то ҳозирги кунгача ягона социал муносабатга асосланган. Бу аёл ва эркак муносабатларидир. Бу ижтимоий муносабат мулкчилик, бошқарув, дин, маданият, урф-одат, анъана, адабиёт, санъат, илм-фан деярли барча соҳаларида кўзга ташланди. Бизгача маълум бўлган дунё тарихидаги дастлабки жамоалар, халқлар, цивилизациялар, давлатлар, динлар тарихнинг оғзаки ва ёзма манбаларида, шунингдек, археологик моддий манбаларида яққол намоён бўлади. Кўпгина ибтидоий жамоаларда қадимги тош даврининг охирларида аёл жинсига сиғиниш, уни илоҳийлаштириш вужудга кела бошлайди, бунинг исботини археологлар аёл тасвирлари мавжуд бўлган суяк ва тошдан ясалган одам тасвирланган ибтидоий ҳайкалчаларда учратадилар. Бу илоҳалар кейинги динларнинг асосий илоҳаларига айланади. Қадимги Ўрта Осиё деҳқончилик маданияти манзилгоҳи бўлган Жойтундан аёл ҳайкалчалари топилган. Ушбу ҳайкалчалар қабрларга қўйилган, тураржой бинolari ёки зиёратгоҳлардаги махсус жиҳозларга осилган бутлар ёки инъом сифатида ишлатилган деб тахмин қилиш мумкин. Топилган артефактлар тўплами жуда кичик бўлиб, кўпчилик ҳайкалчалар яхши сақланмаган, шунинг учун ўша даврда худолар пантеони мавжуд бўлганми ёки битта худо турли қиёфада ҳаракат қилган дейиш мушкулдир. Аммо бу топилмалар жанубий Туркманистоннинг неолит даври аҳолиси сиғинадиган худонинг аёл қиёфасида бўлганлиги ва қадимги одамларнинг бутун эътиқод тизими ва диний ҳаёти айнан шу образда тўпланганлигининг шубҳасиз далилидир. Ушбу ҳайкалчалар орасида фақат биттаси тўлиқ сақланиб қолган бўлиб, унинг боши ясси кўринишда, юзи схематик тарзда ўйилган, қўллари, кўкраклари бўлмаган теккис танаси ва бўрттирилган танасининг орқа қисми мавжуд. Бошқа ҳайкалчалар қисман сақланиб қолган бўлиб, цилиндрсимон қисмларга бўлингандир. Бу эса уларни рамзи рамзий маъно касб этишини англатади. Бу бошқа неолит даври маданиятлари ва қадимги цивилизациялар тасвирлари билан ўхшашликни ифодалайди. Устунга ўхшаш пойдеворни қадимги маданиятларда она маъбуда тимсоли сифатида қаралган дарахтнинг рамзи бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Қадимги Жанубий Туркманистон маданиятида бу кўриниш сўнгги энеолит даври сопол идишлари сиртидаги одамга ўхшатиб чизилган дарахт шакли туширилган тасвирларда ўз аксини топган (Хлопин, 1966. С. 124-125). Бу ҳайкалчаларда шохлари кенг

ёйилган дарахт кўринишидаги инсон тасвирланган. Дарахт рамзий кўринишдаги маъбуданинг бағри ҳисобланиб, новдалар гўё унинг пастки қисмида, учбурчакдан ўсиб чиққанлигини тахмин қилиш мумкин. Қадимги маданиятларнинг антропоморфик тасвирларидаги дарахт семантикаси мураккаб бўлиб, ҳайкалча сиймосини бошқа дунё билан алоқасини кўрсатади. Бошқа томондан, дарахт ҳаёт рамзи сифатида, унумдорлик худосининг атрибути ёки тимсоли ҳисобланади. Устунга ўхшаш таглиги бор ҳайкалчалар хусусияти улардаги худонинг унумдорлик ғояси билан боғлиқлигини англатади.

Бу борада энг катта қизиқиш уйғотган топилма Олтинтепада топилган, ҳомиладор маъбуда тасвирини акс эттирувчи ҳайкалчадир. Шуниси эътиборга лойиқки, унинг қорин қисми ўткир найза излари билан қопланган. Бошқа ҳайкалчаларда жинсий аъзоси қисми кўплаб майда тешиқлар билан қопланган ва қориннинг пастки қисмида чуқур кесма қилинган. Эҳтимол, бу ҳайкалчаларда туғиш арафасидаги ва ҳомиладор аёлларнинг ҳомийси бўлган илоҳа қиёфасини тасвирлаган. Ушбу ҳайкалчалар туғишни осонлаштиришга қаратилган сеҳрли маросимларда ишлатилганлигини тахмин қилиш мумкин (Массон, 1973. С. 37). Баъзи этнографик маълумотлар шуни кўрсатадики, кўплаб халқларда лойдан ҳайкалчалар яшаш анъанаси доялик белгиси билан боғлиқдир. Бу шунингдек, инсоннинг лойдан яратилиши ҳақидаги Месопотамия мифларидан бирига ишора қилади, унда бундай ҳайкалчалар туғишни осонлаштириш маросимида фойдаланилган. Жойтун маданияти турар жойларидан топилган топилмалар орасида ўтирган одам қиёфасига ўхшаш шаклидаги тош артефактни ҳам учратиш мумкин (Антонова, 1977. С. 112). Ҳайкалча шартли равишда яратилганига қарамай, у шубҳасиз аёл худосининг қиёфасини акс эттиради.

Жанубий Туркменистон маданиятида маъбудани ўтирган ҳолатда тасвирлаш услуби энеолит ва бронза даврларида анъанага айланган.

Й.В. Антонованинг сўзларига кўра, бу анъана ўтроқ ҳаёт ва доимий тураржойларнинг пайдо бўлиши билан, шунингдек, аёл болаларни ўтирган ҳолатда туғиши ва боқиши ҳақидаги ғоялар билан боғлиқ. Мавжуд артефактларга асосланиб айтишимиз мумкинки, неолитнинг дастлабки босқичида диний ғояларнинг ривожланиши, аёл илоҳа орқали янги образлар яратиш ва унинг турли жиҳатлари ва функцияларини акс эттирувчи тимсоллар яратилган.

Жойтун халқи ҳаётининг маънавий томони ҳақида гапирадиган бўлсак, неолит даври кулочилиги бунинг энг асосий моддий ашёсидир. Аҳоли манзилгоҳларидан топилган сопол идишларнинг аксарияти дон сақлаш, озиқ-овқат идиш-товоқлари бўлиб, улар кўпинча расмлар билан безатилмаган ва соф майиш аҳамиятга эга бўлган. Аммо кизил жигарранг минерал бўёқлар билан бўялган идишлар ҳам бор. Бу идишлар маросимлар учун ишлатилган, шунинг учун уларнинг юзасига қўлланиладиган безакларга алоҳида, рамзий, диний маъно берилган. Жойтунликларнинг сопол парчаларидаги энг машҳур безак бу идиш танаси бўйлаб оқаётган сув оқимларига ўхшаш тўлқинли чизиқлардир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Жойтунлик рассомлар ўз ота-боболарининг қишлоқлари ёнидан оқиб ўтадиган дарёларнинг унумдор оқимларини шундай тасвирлашган. Жойтун далалари учун сув ҳаёт зарурат эди, экинлар ва қадимги деҳқонларнинг фаолияти ҳам сув билан боғлиқ бўлган. Ҳатто палеолит даврида ҳам сув одамларнинг онгида муқаддас, ҳаёт берувчи кучга эга бўлган, буни ибтидоий куллолик санъати (хусусан, лой юзасига бар-

моқлар билан чизилган тўлқинсимон чизиклар), овчилар ва термачилар томонидан ишлатиладиган сув элементи билан боғлиқ кўплаб маросимлар буни тасдиқлайди. Қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлиши билан сув одамлар ҳаётида янада катта аҳамиятга эга бўлади, бу неолит даври буюмлар безакларида сув элементи рамзининг ҳукмронлигини ўрнатган.

Табиий услубда ясалган ва оналик белгилари аниқ ифодаланган аёл ҳайкалчаларнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, жойтунликлар ғояларидаги маъбуда, энг аввало, она образининг тимсоли бўлган. Бу топилмалар орасида ҳайкалчалар гуруҳи айниқса қизиқарли бўлиб, қолганларидан иккита характерли жиҳати билан ажралиб туради: оёқ ўрнига цилиндрсимон асос ва ҳайкалчаларнинг пастки қисмида фақат маржон тасвирланганлигидир.

Дунёнинг турли бурчакларидаги неолит даври санъат намуналарида, шунингдек, одамларнинг табиат ҳақидаги энг қадимги тасаввурларини ўзида мужассам этган қадимги мифологияда сув элементи кўпинча аёл билан боғланган (Сарианиди, 1967. С. 11-12). Неолит даври Европа кулолчилигида сув рамзи одатда унумдорликнинг бошқа белгилари билан бирлаштирилади, масалан, маросим идишларида тухум ёки илон билан тасвирланган. Ёмғир ва она сути нақшлари Евроосиё неолит маданиятининг деворий расмлари ва сополчилигида асосий мавзу бўлиб, уларнинг тасвири туширилган маросим идишлари аёл илоҳага эътиқод қилинган ибодатхоналарнинг умумий буюмлари ҳисобланган (Айслер, 1993. С. 53). Жойтун маданиятига оид маросим сопол идишларининг нафақат безаклари, балки уларнинг аёл қиёфасига аниқ мос келадиган шакли ҳам бу маданиятда сув элементига эҳтиром кўрсатиш аёл илоҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган дейишга асос бўлади. Эҳтимол, ўша давр деҳқонларидаги сув манбаларини илоҳий аёл қиёфаси билан боғлаш анъанаси кейинчалик, Зардуштийлик динининг асосий худоларидан бири ҳисобланган маъбуда Анаҳитага сиғинишга айлангандир.

Жойтун маданияти манзилгоҳларидан топилган топилмалар орасида энг кўп топилган ҳайкалчалар майда теракота ва тош ҳайкалчалар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳайвонлар – эчки, кўчқор, буқалардир. Айрим ҳайкалчаларда тешик излар борлиги эътиборлидир. В.М. Массоннинг фикрига кўра, ҳайвон шаклидаги ва антропоморфик ҳайкалчалар умумий фетишизм артефактлари сифатида ишлатилган (Массон, 1966. С. 88). В.И. Сарианиди ва бошқа тадқиқотчилар эса улар сирли маросимлар учун ишлатилган деб ҳисоблашади. В.И. Сарианиди томонидан тешиклар муваффақиятли овни таъминлаш мақсадида етказилган «пичоқ жароҳатлари» деб таърифланади (Сарианиди, 1967. С. 15)

Неолит даври ёдгорликларида ҳайвон шаклидаги тасвирлар ва ҳайкаллар дин элементи сифатида, шунингдек, унда она маъбуда образи марказий ўринни эгаллаганлиги ифодаланган. Дунёдаги бир қатор ёдгорликлар ва бошқа топилмалар билан биргаликда Жойтун маданияти масканларидан топилган артефактлар ов сеҳрининг ёки қабила фетишларининг алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган кўринишлари эмас, балки аёл илоҳа тимсолида мужассамланган ҳаёт ва барча инсоний неъматларнинг манбайи ва эътиқодни акс эттирувчи бир ғоя тимсоли эканлиги аён бўлади.

Ўрта Осиё жанубидаги неолит даври аҳолисининг маънавий оламининг мафкуравий асоси ҳаёт ва ўлим ғояси бўлган, дафн маросимлари орқали буни англаш мумкин. Афсуски, Жойтун ёдгорликлари худудидан фақат битта қабр топилган холос. Вафот эт-

ганлар тураржойлардан ташқарида дафн этилган бўлиши мумкин, аммо бундай қабрлар топилмаган. Аммо бу санокли топилмалар ҳам Ўрта Осиёнинг илк деҳқонларининг диний-мафкуравий тизимини қайта тиклаш имконини беради. Топилган қабрларга кўра, Жойтун аҳолиси ўзларининг аجدодлари сингари, ўликларни қабрга чўккалатиб қўйишган, уларга охра сепиб, жасадларни коври чиғаноклари қобиклари билан ўрашган (Массон, 1966. С. 90). Бу ерда ҳам охра ва коври қобиклари Р. Айслер таъбири билан айтганда барча тирик мавжудотларнинг аждоди бўлган она маъбудага сиғинишнинг асосий элементларидир (Айслер, 1993. С. 19). Майитнинг эгилган ҳолатда жойлашишини баъзи экспертлар шу тарзда мархумга ухлаётган одамнинг ҳолати берилган, бошқалари бу ҳолат бачадондаги эмбрионнинг ҳолатига тақлид қилинган деб ҳисоблашади. Иккинчи версия, бир қатор сабабларга кўра, ҳақиқатга яқинроқдир. Биринчидан, мурдалар ғайритабиий ҳолатда эгилганлиги, тиззалари иягигача борганлиги кўпроқ ҳомила ҳолатини эслатади. Иккинчидан, бу ўликларни қон ва ҳаётга тақлид қилувчи охра сепиш одатидан ҳам далолат беради. Майитни ерга қўйиш, мархумнинг она замин қорнига қайтишини англатади ва жасадга охра сепилиши унинг қайта жонланиши ва янги туғилишига ҳисса қўшиши керак бўлган. Шундай қилиб, дафн маросимининг иккала элементи биргаликда қайта туғилиш жараёнига тақлид қилгандек маънони англатади.

Жойтун ашёларининг юқоридаги таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёнинг илк деҳқонлари ўтроқ деҳқончилик маданияти пайдо бўлишидан анча аввал вужудга келган анъанани давом эттирган ва ривожлантирган. Улар ҳаётнинг циклик табиатига (ҳаёт - ўлим - қайта туғилиш), ўлимдан кейин тирилишга ва дафн маросимлари ёрдамида ўлган одамни ҳаётга қайтариш имкониятига ишонишган. Ушбу эътиқодларда марказий ўринни аёлнинг танаси ва унумдорлик функсияси билан боғлиқ бўлган ва она маъбуданинг алоҳида жиҳатларидан бири бўлган ернинг қайта тикланадиган кучи ҳақидаги ғоялар эгаллаган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Антонова Е. В.** Антропоморфная скульптура древних земледельцев Передней и Средней Азии. – М., 1977.
- Айслер Р.** Чаша и клинок. – М., 1993.
- Массон В. М., Сарияниди В. И.** Среднеазиатская терракота эпохи бронзы. Опыт классификации и интерпретации. – М., 1973.
- Массон В. М.** Земледельческий неолит юго-запада Средней Азии. – М. –Л., 1966.
- Сарияниди В. И.** Тайны исчезнувшего искусства Каракумов. – М., 1967.
- Хлопин И. Н.** Энеолит юго-запада Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л., 1966.

## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ОТ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ -ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИ

А. Ш. Эшмуҳаматов, Ш. Ф. Саттаров  
Жиззах давлат педагогика университети

Ўзбекистонда қадимдан йилқичилик ривожига алоҳида эътибор берилган. Жиззах воҳасида йилқи аҳолини ишчи кучи билан таъминлашда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилган. Жиззах воҳасида очиб ўрганилган археологик топилмалар (Тошбоев, 2008. 23-26 б.). (Матбобоев, 1994. 10-11 б), Сузмойилота, Нахраж ва Сиғомсой қоятош тасвирлари (Тошбоев, 2008. 14 б). воҳа аҳолиси учун йилқичиликнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлигини исботлайди.

Чорвачиликнинг қайси тури билан шуғулланишдан қатъий назар, ҳар бир хўжаликда отларга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда ҳам халқ ижодиётида, дoston ва ривоятларда, шоирлар ва бахшилар тилида отлар куйланиб келинмоқда. Зомин тумани Қарапчи қишлоғида ёш ўғлига атаб той олиб бериш анъанаси яқин вақтларгача бўлган (Холматов, Хўжаназаров, 2020, 14 б.). Бу анъанани ўтказилишига сабаб, йигитнинг ҳамиша ёнида йўлдоши бўлсин деб, от олиб бериш ва суннат тўйларида ҳам той келтириш бугунги кунда ҳам сақланиб қолган.

От - йигитнинг қаноти бўлган. Чорвадорларнинг ҳамиша узоқ сафарларда бўлишини ҳисобга олсак, от доимо улуғланиб, уни муқаддаслаштириш даражасига кўтарилганлигини кўриш мумкин. Халқ орасида шу пайтгача сақланиб қолган оғзаки ижод намуналари ҳам отнинг чорвадорлар хўжалигида юқори аҳамият касб этганлигини далиллайди.

Воҳада хўжалигини юритишда отлар одамларнинг энг яқин кўмакдоши сифатида уларнинг маънавий ҳаёти ва урф-одатларида катта мавқега эга бўлган. От тотемига бўлган эътиқод излари воҳа аҳолиси анъанавий турмуш тарзида сақланиб қолган. Отларни илоҳийлаштириш илк бор Марказий Осиёнинг Жанубий Туркманистондаги Намозгоҳ VI ёдгорликлари материалларида кузатилади (Кузьмина, 1977). Жиззах воҳасида ўрганилган мазоркўрғонларда марҳумларни “Отда кетаётган” кўринишда дафн этиш аниқланган (Тошбоев, 2008. 24-26 б). Қадимги туркий қабилаларда бир қатор маросимлар от билан боғлиқ бўлиб, жумладан, бирор амалдор вафот этганда у билан бирга оти дафн қилинган. Ёки Нурота тоғи жанубий ёнбағирларида яшовчи аҳоли удумларида вафот этган кишининг отини ясантириб, “эгаси билан хайрлашсин”, деган маънода ташқарида отни боғланадиган жойи - яккамиғига боғлаб қўйишган (Дала ёзувлари, 2021). От халқлар ўртасида урушнинг олдини олиш, бир-бирларига уруш қилмаслик ҳақида отнинг қонини

майга аралаштириб ичиб қасамёд қилишлари ҳам ана шундай маросимларнинг биридир (Алламбергенов, 2019. 67 б.).

Одамлар осмон билан (шунингдек, бошқа худолар ва рухлар билан) муносабатларида отни қурбон қилишни ижтимоий жамоа гуруҳи билан худо ўртасидаги боғловчи бўғин деб ҳисоблашган (Алламбергенов, 2019. 65 б.). Қадимда отларни худолар билан бирга уларни узоқ манзилларга элтувчи илоҳий жонивор сифатида тасвирлашган. Отлар нафақат ёши, хусусиятлари балки, рангига қараб ҳам ажратилган. Отларнинг оқ ранглиси кўпроқ илоҳийлаштирилган (Абдолниёзов, Исҳоқов, 2008. 74 б.). “Массагетлар куёшни тангри деб билганлар ва унинг шарафига отларни қурбонлик қилганлар” (Ишмуротов, 2001. 23 б.).

Жиззах воҳасида ўрганилган Сузмойилота, Равотсой, Нахраж ва Сигомсой қоятош суратларида суворийлар тасвирлари кўплаб учрайди. Улар отда кетаётган ҳолатда чизилган бўлиб, отлиқлар тасвири турли хил – реалистик, ярим реалистик ва схематик тарзда ишланган (Холматов, Хўжаназаров, 2020, 14 б.). Бу борада археолог олим А.А. Раимқуловнинг тадқиқотларида Нурота тоғларидаги қоятошларда “от ва туя минган суворийлар” (Раимқулов, 2017. 170 б.) тасвирланганини ёзиб ўтган. Демак, бундан кўринадикки, ўлкада йилқичилик қадимий соҳалардан бири бўлиб, от турли хил маросимларнинг муҳим иштирокчиси бўлган.

От билан боғлиқ кўплаб ирим-сиримлар бугунги кунгача сақланиб қолган. Чорвадор аҳоли отни турли хил назарлардан ва кўздан сақлаш чораларини кўрганлар. Шунинг учун ҳам отларга дўлана новдасидан ясалган, қуръон суралари ва муқаддас дуолар ёзилиб тайёрланган туморлар тақилган (Дала ёзувлари, 2020). Туморлар аксарият ҳолларда учбурчак шаклида тикилган мато ичига жойлаштирилган ва отнинг пешонасига, ёлига, думига тақилган.

Воҳа аҳолиси отнинг ёвуз кучлардан асровчи фазилатга эга, деб ҳам ишонишган. Хонадон эшикларига ёки кираверишга отнинг барака рамзи сифатида тақаси осиб қўйишган. Бу анъана бугунги кунда ҳам ҳовлига киришдаги дарвозаларда, от тақаси рамзи туширилганлиги гувоҳи бўлди.

Фориш туман аҳолиси орасида “отни кавш қайтариши” (Салимов, 2019. 79 б.) билан боғлиқ удумлар учрайди. Шунингдек, чавандоз ёки отбоқар оғир касалликка чалинса, от девидан кўриш одати мавжуд (Дала ёзувлари, 2021). Кўпқариларда полвон отдан йиқилиб хушидан кетган вақтларида чавандозлар томонидан ўша отга миндириб отда чавандозни даврадан олиб чиқишган. Бу ҳақда ахборотчиларнинг маълумотига кўра, полвон йиқилган отга миндирилса, отнинг “деви” полвонни ўзига келтирган (Дала ёзувлари, 2020). Шунингдек, кўпқариларда от ишқибозини от уриб кетган вақтида полвон қамчиси билан 3 марта урганда от ишқибози ўзига келган ҳолатлар кўп бўлган. Полвоннинг қамчисида от девининг кучи бўлади деб билишган (Дала ёзувлари, 2021). Бу каби одатлар Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам кузатилади. Хусусан, жанубий Тожикистон ўзбек лоқайлари хўжалигини тадқиқ этган элшунос олима Б.Кармышеванинг маълумотича, агар отбоқар чорвадорлар йилқи орасида юриб касал бўлса, ва у вафот этса, бу балони от деви юборган деб ҳисоблаган (Кармышева, 1954. 91-92 б.). Бу каби иримлар отни сотиш ёки сотиб олиш жараёнида ҳам бажарилган. Биринчидан, от эгалари яхши отни сотмаган. Мабода унга қутилмаганда харидор чикса, уни сотмаслик учун жуда юқори нарх айтган-

лар. Харидорга маъкул келса уни сотиб олган, бу ҳолатда от сотилмаса ҳам ҳеч нарса қилмаган. Агар нархни юқори қўйиб харидорни “йўқ сотмайман”, деб, қайтармаса, от касалликка чалинади ёки бошқа фалокат билан ҳалок бўлади деган тушунча бўлган (Дала ёзувлари, 2021). Шунинг учун “отни харидори чикса тўхтатма, от”-яъни “бериб юбор” деган тушунча кенг ёйилган. Мобода отни сотишга тўғри келса, отнинг ёлидан бир тутамини олиб қолган. Шунингдек, сотилганда отнинг анжомлари эски ва яроқсиз бўлган тақдирда ҳам харидорга берилмаган. “Шу нарсаларни бериб юбориш шу жонлиқларга боғлиқ уйдаги ризқни ҳам бировга бериб юбориш, яъни жонлиқнинг изини қирқиш деб қаралган” (Тўйчибоев, 2010. 52 б).

Сотиб олинган отга эса, ҳовлига киритилишдан олдин исириқ тутатиб, кейин киритилган. Халқ орасида “от олишдан аввал эгар ол”, деган нақл кенг ёйилган. Бунинг моҳияти шуки, сотиб олинган отга ўша куннинг ўзида янги эгар-жабдуқ урилган.

Жиззах воҳаси аҳолиси отни илоҳий жонивор сифатида эъзозлаб касалликка чалинса, зиёратгоҳ атрофида айлангириб, дуо ўқиб, йилки пирларига атаб ис чиқаришган (Дала ёзувлари, 2021). Хусусан отнинг боши тураржой уй томон қаратиб боғланса, у ўз нафаси билан уйга қут-барака беради, деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам йилқини уйга яқин жойга боғлашиб, от бор жойга инс-жинс кирмайди деб билишган. Шунинг учун ҳам Зомин тумани аҳолиси “От еттикечувликлар учун одамнинг “жон”и эди. Жон кетса кетсин, от кетмасин. От-йигитнинг қаноти, рўзгорнинг фариштаси. Уйда йирик ва майда мол бўлмаса ҳам бир отнинг бўлишига жон-жаҳди билан киришарди” (Мирҳайдаров, 2021. 88 б), деб билишган ва бўлмаганда битта от сақлб келишган.

Йилқичилик воҳа аҳолисининг қадимдан энг севган касби бўлгани учун бўлса керак, ушбу жонивор воҳа аҳолисининг айтувлар, дoston ва ривоятларида асосий мавзуси. От мавзусини баён қилишдан олдин биз Жиззахлик от ишқибози, оқин Юсуф Ҳолматовнинг от ҳақидаги қуйидаги бағишловини келтиришни лозим топдик. “От йигитнинг йўлдоши. Эрнинг йўлдоши эса аёл. Йигитнинг йўлдоши кўп. Инчунун отидай йўлдоши камдиров... Ҳай узок тарихга бўйласак қоқ ерга ўтириб уйласак, кейин ростини сўйласак. Тангри берган Туркнинг (Ўзбекнинг), улут мерган Туркнинг, кўкрак керган Туркнинг тоза насл йигитлари, асл йигитлари от минишган. Не бахтки, Тангрининг узида Туркни отга ошна қилган. Узоғи яқин, юраги чақин бўлсин деган. Ори баланд, кўкси Фаҳрга тўлсин деган. Ғанимларга қувиб етсин, бошини сапчадай узиб кетсин, деган. Обрўйини кетказмасин, қочса етказмасин деган. Зўр йигит Тангрининг қалқони. Зўр йигит элнинг қалқони (Ҳолматов, 2008. 3 б).

Жиззах воҳасида йилқичилик билан боғлиқ удумларидан бири кўпкари (улоқ)дир. Воҳада тўйлари кўпкарисиз ўтмаган (Қозоқов, Худойбердиев, 2020. 145 б). ва бугунги кунда ҳам бу анъана давом этиб келмоқда. Кўпкари воҳа аҳолисининг от билан боғлиқ маросимларининг асосий қисмини ташкил этган. Воҳада кўпкари-суннат тўйларнинг анъанавий миллий халқ ўйини ва томошаси сифатида доимий тарзда ўтказилиб келинган. Чорвадор аҳолиси орасида “... от ҳаракатларига тақлид қиладиган ўйинлар вужудга” (Шарипов, 2020. 7 б.) келиб инсонларга бу ўйинларни ўтказиш анъанага айланган. Воҳада кўпкари чопишнинг бир неча хил кўринишлари сақланиб қолган. Энг оммавий усули бой хонадонлар томонидан бериладиган чортоқ кўпкари. Унда асосан қиммат солимлар қўйи-

либ, кўплаб қишлоқ ва туманларга хабар юборилган. Бунда улоқни узоқ масофага олиб бориб ташлаш ва чавандозларнинг белгиланган манзил - чортоққа келтириб ташлаши асосий ўринни эгаллаган. Кейингиси қохма (гаштак) кўпқарини асосан, камбағал оилалар берган. Қишлоқдан ташқарига хабар қилинмаган ва у кўпроқ ҳаваскорлар учун уюштирилган. Бу кўпқариларда улоқни узоқ масофага ташланган жойдан келтириб чортоққа ташлаш, чавандозларга қараб отилиши ва уни тўдадан олиб чиққанга соврин берилиши, ёки улоқни қозонга келтириб ташлаш каби усуллар қўлланилган.

Кўпқари асосан фарзандларни суннат тўйида берилган. Бунда, кўпқарига тайёргарлик тўй оқсоқоли ва жамоа аъзолари маслаҳати билан ўтказилган (Токарев, 1983. 90-98 б). Бунда тўйга тайёргарликда бериладиган совринларни аниқлаш, кўноқ олиш, отларга ем-хашак жамғариш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Улоқ тўй маросимининг асосий қисми бўлиб, қишлоқ чавандозлари тўйхонага йиғилган. Узоқ қишлоқлардан келадиган чавандозларнинг баъзилари бир кун олдин келиб тўйхона эгаси томонидан белгиланган хонадонларда кўноқ бўлган. Тўйдан бир кун олдин кўпқарига чопиладиган улоқ (асосан бир неча ёшарлик сарка) сўйиб ичига туз тикиб, тайёрланган.

Кўпқарининг бошланишида улоқ “чортоқбоши” кўрсатмаси билан улоқ маълум масофага олиб бориб ташланган. Ўйинда иштирокчилар сони чегараланмаган бўлсада, чавандозлар улоқни тортишишлари, бир – бирини ўйин жараёнида қўллашлари маросимнинг жамоавий кўмак хусусиятини белгилайди. Кўпқарида улоқ ташланадиган махсус жой “чортоқ” деб аталган. Бундай жойлар кўпқари чопиладиган майдоннинг қулай қисмидан танланган.

Кўпқарида соврин тўй эгасининг имкониятига қараб қўйилган. Агар тўй эгаси бадавлат бўлса, бош совринга той ёки тана кўйган, ўрта ҳол бўлса, бузоқ, кўй ва улоқ қўйилган. Аммо бу халқ ўйини ва томошасини ўтказиш воҳа қишлоқларида кейинги пайтларда мавжуд шароит ва иқтисодий муаммолар туфайли камайиб бормоқда. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, барча оилалар ҳам от боқиб, парваришlash имкониятига эга эмас. Иккинчидан, халқ турмуш тарзининг тобора замонавийлашиши, ёшларни бўш вақтини ўтказиш учун бошқа имкониятларнинг пайдо бўлиши ҳам кўпқари мусобақасининг камайишига сабаб бўлмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

**Абдолниёзов Б., Исҳоқов М.** Авеста ва қадимги чорвачилик. – Тошкент, 2008.

**Алламбергенов Х. К.** Қадимги туркий адабиётда ғайритабиий тимсоллар тараққиёти // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019.

**Дала ёзувлари:** Ғаллаорол тумани, Ўдамали қишлоғи. 2021 йил.

**Дала ёзувлари:** Зомин тумани, Бешкуви маҳалласи. 2021 йил.

**Дала ёзувлари:** Фориш тумани, Йўлисой қишлоғи. 2021 йил.

**Дала ёзувлари:** Фориш тумани, Қизилқум маҳалласи. 2021 йил.

**Дала ёзувлари:** Фориш тумани, Қораобдол қишлоғи. 2020 йил.

**Дала ёзувлари:** Фориш тумани, Қораобдол қишлоғи. 2021 йил.

**Дала ёзувлари:** Ш. Рашидов туман, Желли Ғули қишлоғи, 2020 йил.

- Дала ёзувлари:** Ш. Рашидов тумани, Тўптолобод қишлоғи. 2021 йил.
- Ишмуротов М.** “Авесто”да мифологик қатлам (табиат культлари асосида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2001.
- Кармышева К. Б.** Узбеки лоқайцы Южного Таджикистана. Вып. 1. – Сталинабад, 1954.
- Кузмина Е. Е.** Конь в религии и искусстве саков и скифов. – М., 1977.
- Қозоқов Э., Худойбердиев Т.** Чаман ичида бир гул. – Тошкент, 2020.
- Матбобоев Б. Х.** Олтиндан қиммат тулпорлар // Фан ва турмуш. № 3. – Тошкент, 1994.
- Мирҳайдаров Ҳ.** Чинор. – Тошкент, 2021.
- Раимкулов А. А.** Катта Суғд – Суғдиёна (тарихий жараёнлар чорраҳасидаги ўлка). – Тошкент, 2017.
- Салимов Т.** Нурота ва нуроталиклар. – Тошкент, 2019.
- Токарев С. А.** Обычаи, обряды и поверья, связанные с животноводством // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. – М., 1983.
- Тошбоев Ф. Э.** Отлар билан боғлиқ удумлар ўзбек халқининг қадимий қадрияти сифатида // СамДУ ахборотномаси. – № 6 (52). – Самарқанд, 2008.
- Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ.** Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент, 2010.
- Холматов А., Хўжаназаров М.** Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида. Республика илмий – амалий конференция материаллари. – Жиззах, 2020.
- Холматов А., Хўжаназаров М.** Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозиргача). Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах, 2020.
- Холматов Ю.** Жиззах қорабайири. Дўстлик МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. – Жиззах, 2008.
- Шарипов А.** Фориш: одамлар ва удумлар. – Самарқанд, 2020.

## **BUYUK IPAK YO‘LI YOQASIDA JOYLASHGAN INSHOOTLARNING TARIXIY AHAMIYATI (JIZZAX VOHASI MISOLIDA)**

**J. O. Saidov**

Jizzax davlat pedagogika universiteti

Dunyodagi turli hududlar va mamlakatlarning integratsiyalashuvida o‘zaro iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va madaniy aloqalar muhim ahamiyatga ega. Hozirda rivojlangan davlatlardagi yetakchi ilmiy markazlar turli mintaqalarning ichki va tashqi aloqalari tizimida karvon yo‘llari va u bilan bog‘liq infratuzilmalarning tarixi va o‘sha davrdagi qiyofasini tiklash borasidagi ishlarga jiddiy e‘tibor qaratmoqdalar. Jumladan, Buyuk Ipak yo‘lining chorrahasida joylashgan Markaziy Osiyoning iqtisodiy-madaniy shakllanishi va rivojlanishi natijasida, bu hududda o‘ziga xos sivilizatsiyaning vujudga kelganligi va uning atrof mintaqalar bilan o‘zaro bog‘liqligini o‘rganish xalqaro ahamiyatga ega tadqiqotlar sirasiga kiradi.

O‘zbekistonning turli tarixiy o‘lkalari qatori Buyuk karvon yo‘lida joylashgan Ustrushona mintaqasining ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy taraqqiyoti o‘ziga xos tarixga ega. Sug‘diyondan Choch vohasiga va Farg‘ona vodiysiga yo‘l ilk o‘rta asrlarda Ustrushona hududi orqali o‘tgan. Ustrushona bu davrga mansub Xitoy manbalarida Sao (Suysu) hamda Shudaydushana, Suyduyshana (Tanshu) kabi nomlar bilan atalib (Сагдуллаев, Мавлонов, Махкамova, 2012. 44 б.), bu hudud orqali Sug‘diyoning Xitoy bilan aloqalari ham amalga oshirilgan.

Turk xoqonligi davrida Buyuk Ipak yo‘li shimoliy tarmog‘ining ahamiyatini oshishi natijasida Sharqiy Turkistondan Tyanshan tog‘ dovonlari orqali Yettisuvga o‘tuvchi yo‘llardan foydalanish, tog‘ dovonlarini o‘zlashtirish yanada rivojlanadi (Байпаков, 2006. С. 14-20). Shimoliy yo‘lning bir tarmog‘i Zomindan Shosh orqali Isfijob, Taroz, Uchbuloq, Qulan (hozirgi Lugovaya stansiyasi), Chu vodiysidagi Aspara, Navket, Suyab shahri (Oq-Beshim) orqali Issiqko‘lning janubiy-sharqiy qishlog‘ida joylashgan Yuqori Barskanga kelingan (Бартольд, 1963. С. 39).

Ustrushona mintaqasi hozirda bir qancha hududlarni o‘z ichiga olgan yirik tarixiy o‘lka bo‘lib, uning shimoliy-g‘arbiy qismida hozirgi Jizzax vohasi joylashgan. Jizzax vohasi tarkibiga tarixda Feknon nomi bilan atalgan hudud ham kirgan va voha hayotida muhim o‘rin tutgan. Haqiqatan ham o‘zining geografik o‘rni tufayli Feknon rustoqining bosh shahri Dizak siyosiy, iqtisodiy, madaniy sohalarda va ayniqsa, karvonlar savdosida bir qator qulaylik va imtiyozlarga ega bo‘lgan. O‘rta asrlarda Movarounnahrning quruqlikdagi “savdo bandargohi” sifatida e‘tirof etilgan Dizak Samarqand uchun Ya. G‘ulomov ta‘biri bilan aytganda, tabiiy “sharqiy darvoza” vazifasini o‘tagan (Гулямoв, 1996. С. 92-93). Chunki, Samarqandni Xitoy va boshqa sharqiy mamlakatlar bilan bog‘lovchi karvonlar deyarli barcha hollarda Dizak va Ilono‘tti darasi (Temir

darvoza) orqali quyidagi manzil va yo'nalishlar - Xitoy - Sharqiy Turkiston - Choch - Dizak; Xitoy - Farg'ona - Xovos- Dizak; Xitoy- Farg'ona - Bunjikat - Sabat - Zomin - Dizak bo'yicha o'tgan (Пардаев, Ғофуров; 2021. 89-90 б.).

Buyuk Ipak yo'li tizimida joylashgan Jizzax vohasida turli sohalar qatori me'morchilik sohasi ham o'ziga xos rivojlanish bosqichiga ega. Vohaning karvonlar o'tuvchi joylarida sardoba, rabot, karvonsaroy, ko'prik, quduqlar kabi inshootlar yo'l bo'yi barpo etilgan. Keyingi yillarda mintaqa tarixini tiklash borasida qadimgi manzilgohlarda taniqli arxeologlarimiz tomonidan ko'plab izlanishlar olib borilayotganligi tahsinga sazovordir. Arxeologik tadqiqotlar natijasida vohaning yo'l bo'yi barpo etilgan inshootlari haqida qimmatli ma'lumotlar qo'lga kiritilishi natijasida tarixiy manzilgohlar qiyofasi ochilmoqda.

O'rta asr mualliflari Istahriy, ibn Havqal asarlarida vohada joylashgan karvonsaroylar haqida qimmatli ma'lumotlar berilgan. Jumladan, Dizak shahridan 1-2 farsax masofa uzoqlikda Ustrushona afshini Kovusning o'g'li, valiahd Haydar al-Afshin tashabbusi bilan IX asrning birinchi choragida bunyod etilgan Xudaysar raboti joylashgan. Al-Istahriy ta'kidlashicha " ... ushbu rabot singari yog'iyalar yurtiga juda yaqin joyda qurilgan boshqa birorta rabot yo'qdir" (Материалы по истории киргизов и киргизы. 1973. С. 27). Xususan, 1975-yilda Jizzax vohasi arxeologiya yodgorliklari majmuasini tuzish bo'yicha qidiruv tadqiqotlari o'tkazgan O'. Alimov Xudaysarni Jizzax vohasining shimoliy-sharqiy qismida joylashgan Ko'kravat yodgorligi o'rnida bo'lgan, deb ta'kidlaydi (Алимов, 1976. 2 б.).

O'rta asr mualliflari asarlarida Hasan raboti nomi bilan qayd etilgan navbatdagi karvonsaroy X asrda Badr Qushayr ismli shaxs tomonidan Dizak shahrida yoki shaharga ancha yaqin joyda, Abu Ahmad raboti hamda Katvondiz Sug'd va Ustrushonaning chegarasida qurilgani bayon etilgan.

Jizzax vohasida joylashgan yana bir karvonsaroy Zomin tumani G'ulbo qishlog'ining shimoliy qismida joylashgan To'rtko'ltepa karvonsaroyi (X-XII asr) va uning atrofidagi mozorqo'rg'onlar majmuasi (II-IV asr) ham 2000-yildan buyon o'rganilmoqda. Ushbu tadqiqotlar natijasida G'arbiy Ustrushonaning Buyuk Ipak yo'li savdosidagi o'rni, ko'chmanchi chorvadorlar tarixiga oid qimmatli ma'lumotlar olinmoqda (Пардаев, Ғофуров, 2016. 37 б.).

Mazkur karvonsaroylarning joylashgan o'rni so'nggi paytlarga qadar aniqlanmagan edi. Holbuki, Jizzax atrofi va Zomin o'rtasidagi hudud arxeologik yodgorliklarini hisobga olib, o'rganib chiqqan mutaxassislarning qayd etishicha, o'rta asrlarda bu mavzeda 10 ga yaqin karvonsaroylar faoliyat ko'rsatgan. Xususan, Qoraqo'yli qishlog'i yaqinidagi Sarboztepa, Uchtepa janubidagi Ko'kravot, Galaquduq mavzesidagi G'ishttepa, Ravot qishlog'idagi Qo'rg'ontepa, G'ulbo qishlog'i shimolidagi To'rtko'ltepa, Oqbuloq qishlog'idagi Machitlitepa, Forish tumanidagi Kaltepa shular jumlasidandir (Пардаев, Ғофуров, 2021. 92 б.). Vohada arxeologik ekspeditsiya va qazuv ishlari davom ettirilsa yuqoridagi yo'lbo'yi inshootlari soni yanada oshishi mumkin.

Jizzax vohasining karvonsaroylar qurilish loyihasi odatda bir xil ko'rinishda bo'lgan, mustahkam to'rt devor ya'ni o'rtasida hovlining atrofi bir, ikki qavatli hujralar bilan o'ralgan, harbiy minorali qal'aband ko'rinishdagi istehkom – inshoot bo'lgan. Ta'kidlash o'rinliki, vaqt o'tishi bilan rabotlar – g'oziyalar qarorgohiga ehtiyoj qolmagan. Bunga sabab, Movarounnahrda islom dini qat'iy qaror topgan, markazlashgan qudratli davlatlar ta'sirida, xususan somoniylar

davridan boshlab o‘troq va ko‘chmanchilar o‘rtasida barqaror holat yuzaga kelgan va shu sababli, rabotlar karvonsaroylarga aylantirilgan (Пардаев, Ғофуров, 2021. 88 б.).

Odatda, karvonsaroylar qurilishi uzoq o‘tmishga borib taqalib, uning tarkibida markaziy hovli, hovlini to‘rt tomondan o‘rab turgan ayvonlar, odamlar yashashi uchun hujralar, yuk saqlanadigan omborxonalar, ot-ulovlar uchun oldi yopiq sayisxonalar bo‘lgan. Ba’zi hollarda karvonsaroylarning hajmi, mamlakat iqtisodiyoti va boshqaruv ma’muriyatida tutgan o‘rni va geografik joylashuviga ko‘ra, masjidlar ham bunyod etilgan (Пардаев, Ғофуров, 2021. 92 б.).

Xulosa o‘rnida shuni aytish lozimki, Buyuk karvon yo‘lida qad rostlagan inshootlar hozirda ma’lum tarixiy tepalik yoki qazuv natijasida ochilgan madaniy meros hisoblanadi. Zamonaviy ilm-fan texnologiyalarini tarixiy haqiqatni tiklash borasida safarbar etish ijobiy natijalar beradi. Xususan, vohadagi arxeologik qazuv natijasida ochilgan ma’lum karvonsaroylarni kompyuter yutuqlari asosida 3D modelini tiklash va shu asnoda tarixda binoning qanday ko‘rinishga ega bo‘lganligi xususida ma’lum tasavvurga ega bo‘lish mumkin.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

- Алимов У.** Отчёт Джизакского археологического отряда по составлению свода археологических памятников. – Самарканд, 1976.
- Бартольд В. В.** Очерки истории Семиречья /Соч. В 9 томах. Т. 2. Ч. 1. – М., 1963.
- Байпаков К. М.** Великий Шелковый путь и судьбы цивил. – Алматы, 2006.
- Гулямов Я. Г.** Кладбище Кулпы-Сар // ИМКУ. Вып. 2. – Ташкент, 1996.
- Материалы по истории киргизов и киргизы. Вып. 1. – М., 1973.
- Пардаев М. Х., Ғофуров Ж. И.** Уструшонанинг илк ўрта асрлар кишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). – Тошкент, 2016.
- Пардаев М. Х., Ғофуров Ж. И.** Маразий Осиё – Буюк Ипак йўли тизимида (қадим ва ўрта асрлар). – Тошкент, 2021.
- Сагдуллаев А., Мавлонов Ў., Махкамова Д.** Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдо сотиқ тизими. – Тошкент, 2012.

## **II - ШЎЪБА.** **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ** **ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ** **ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИК, ТАРИХШУНОСЛИККА** **ОИД ТАДҚИҚОТЛАРДА**

### **“ДУНЁ ҲУКМДОРЛАРИ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЛК ЎРТА** **АСРЛАР СУҒД ТАРИХИДА АКС ЭТИШИ**

**Б. С. Ғойибов**

Самарқанд давлат университети

Бугунги глобаллашув шароитида дунёда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда дунёнинг етакчи давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ҳисобланади. Дунёнинг етакчи давлатлари бу йўлда турли иттифоқлар ва шартномавий келишувлар кўринишдаги ташкилотларга бирлашиб иш кўришади. Дунёвий муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик масалалари “дунё ҳукмдорлари” тушунчасини замири остида намоён бўлади. Ушбу тушунча тарихий асосларга эга бўлиб, Марказий Осиё давлатчилиги учун ҳам ёт эмас.

Тарихдан маълумки, давлат ижтимоий-сиёсий тузилма сифатида муайян бошқарув вазифасини амалга оширган ҳолда омма устидан ҳукмронликни ўрнатиб келган. Илк ташкил топган давлатлар учун эса муқаддаслаштирилган ҳукмдор шахси давлатни жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи сиймо бўлиб хизмат қилган эди. Ҳукмдор илоҳлар ва фуқаро орасида “воситачи” ҳисобланиб, ўзининг харизма хусусияти билан жамият барқарорлиги ва раванқ топишини таъминлаган ҳамда ижтимоий муносабатларни ягона тармоққа бирлаштириб турган (Крадин, 2001. С. 21-35).

Қадимги даврга оид маълумотларда тарихда чуқур из қолдирган ва ўз замонасида муҳим ишларни амалга оширган ҳукмдорлар тўғрисида маълумотлар анчайин тарқоқ. Улардан баъзиларининг исмлари ва амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотга эгамиз. Масалан, ривоятларда кўра ўз қавмининг ҳукмдори бўлган Нуҳ пайғамбар Ер юзини 3 қисмга ажратиб, 3 ўғлига – шимолдаги ўлкаларни Ёфасга, ўртадаги мамлакатларни Сомга ва жанубдаги ҳудудларни Ҳомга берган дейилади. Қадим замоннинг афсонавий қаҳрамони Фаридун эса, Ер юзини шарқ – ғарб йўналишида тақсимлаб, уни ўғилларига белгилабди: шарқий ерларни Турга, ўртадаги жойларни Эражга ва ғарбий қисмни Салимга (Ибн Хурдодбех, 1986. С. 60). Шу тариқа Эрон ва Турон минтақалари тушунчалари шаклланган. Бу ҳақида Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ҳам маълумотлар келтирилади. Ушбу масала илмий адабиётда ҳам анчайин ўрганилган (Бобоёров, Ғойибов, Кубатин, 2015. 17-25 б.).

Тарихда илк йирик империя сифатида тилга олинган давлат Ахамонийлар салтанати (мил. авв. 558-330 йй.) ҳисобланиб, ахамоний ҳукмдорлар Эронни ва Ҳинд дарёсидан

Эгей ва Ўрта ер денгизигача бўлган ораликдаги Осиё мамлакатларини, шунингдек, Миср, Ливия ва Болкон ярим оролининг бир қисмини ўз таъсирлари остида бирлаштирган эдилар. Сулоланинг Кир II, Доро I каби вакиллари ўз даврининг “дунё ҳукмдорлари” сифатида талқин қилинади (Дандамаев, Луконин, 1980. С. 5-7, 104-108). Сўнгги аҳамоний ҳукмдорини тахтдан йиқитиб “дунё ҳукмдори” бўлган македониялик Александр йирик империя асосчисига айланган. У Эрону Турон устидан ҳукмронлик ўрнатган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “Дунё ҳукмдорлари” тушунчаси замирида бутун дунёни эгаллаган ҳукмдор эмас балки, ўз даврида жаҳоннинг йирик давлат ёки империяси ҳукмдорини тушунишимиз мақсадга мувофиқ.

Тарихда номлари маълум дунё ҳукмдорларидан хуннларда Маодун ёки Аттила, Сянбиларда Таншихуай, Жуан-жуанларда Шелунь, Турк хоқонлигида Бумин ёки Истеми, Киданларда Абаоци, Мўғулларда Темучин, temuрийларда Амир Темур каби ҳукмдорлар маълум. Бугунги кунда соҳага доир илмий адабиётларда уларнинг номлари билан давлатчилик тарихини боғлашади. Бироқ давлатнинг пайдо бўлишини муайян бир шахс билан боғлаш ўзини тўлақонли оқламайди (масалан, тожик давлатчилигини Исмоил Сомоний номи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш). Ёки “давлатчилик” тушунчасини маълум сулола номи билан юритиш ҳам ўзини оқламайди (Бобоёров, 2012. 15-16 б). Умуман, сулола ораликдаги вақт бўлиб, шу вақт ичида оиланинг подшолик қилган даври акс эттирилади. Масалан, Францияда Бурбонлар, Англияда Тюдорлар, Ўрта Осиёда Темурийлар ёки Сомонийлар, Русияда Романовлар сулолалари мавжуд бўлган. Қолаверса, муайян бир шахснинг истеъдоди ва кучи давлатнинг вужудга келишидаги омиллардан бири бўлиб, уни ягона омил деб бўлмайди.

Марказий Осиё халқлари давлатчилигининг яна бир шакли - бу асосан, минтақанинг ши-моли-шарқий ҳудудларида чорвадор қабилалар томонидан барпо этилган кўчманчи асосли давлатлардир. Бу типдаги давлатлар юқорида кўрсатиб ўтилган ўтроқ шаҳар-давлатлар ёки воҳа давлатларидан шаклан ва моҳиятан фарқ қилиб, у муайян бир қабила томонидан дастлаб кўплаб чорвадор қабилалар бўйсундирилган ҳолда барпо этилади. Кейинчалик бундай давлатлар ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, сиёсий мавқеи ошади ва ўтроқ воҳа ҳукмдорликларини ўз вассалларига айлантирган империяларга айланишади. Минтақада бу типдаги давлатларнинг пайдо бўлиш даври ҳам деярли илк темир даври, яъни милoddан аввалги бир мингйилликнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, Скиф/Сак? (мил. авв. VI–II асрлар), Хун (мил. авв. III – милодий II асрлар), Қанғ (мил. авв. III – милодий III асрлар) давлат уюшмалари бунинг мисолидир. Булар қаторига милoddан аввалги сўнгги асрларда мавжуд бўлган Усун ва Юечжи каби сиёсий уюшмаларни ҳам киритиш мумкин. Ушбу давлатлар ҳукмронлиги даври тарихий манбаларда тўлақонли акс этмаган бўлиб, бу даврларда ҳукмронлик қилган ҳукмдорларнинг фаолияти ва у билан боғлиқ дунёвийлик масаласи тўлалигича маълум эмас.

Бу масалада бугунги кунга қадар манбаларда қай шаклда етиб келганлиги таҳлили ҳам муҳим самара беради. Тарих фани тараққиётида метод ва методология муаммолари доимий равишда олимлар диққатида бўлиб келган. Қадимги юнон-рим тарихчилари “кўрганлик ва эшитганлик” бўйича маълумотлар баёнини берган бўлсалар, қадимги туркий халқлар “тарихчилиги”да ўтмишни ибрат қилиб кўрсатиш ва хатоларни такрорламаслик ғояси сингдирилган (Билга хоқон, Култегин ёдномалари). Ислом даври тарихчилигида эса Одам атодан

муаллифгача тарихни бериш тамойили кучайган. Методологик янги йўналиши “Хвадай номак”, “Шохнома”, “Тарих ар-русул ва ал-хукамо” типигаги ўрта аср манбаларида давом этди. Хусусан, “Шохнома”, “Тарихи мулуки Ажам” (А. Навоий) каби асарлар учун Шарқ тарихида кайёнийлар, пешдодийлар, ашконийлар, сосонийлар каби тўрт сулолавий хронология амал қилди. Аммо бу тарихлар реал тарихни ровий, ҳатто асотирий тарихий тафаккурдан ажратмаган. Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да генеалогик илдиз масаласи анъанавий, Одам алайхиссаломдан бошланиб, Муҳаммад (с.а.в.) даври орқали давом этиб, турк-муғул анъанаси акс эттирилган. Абулғозий Баходирхоннинг “Шажараи Турк” асари ҳам шу руҳда тузилган (Исҳоқов, 2012. 7 б).

Ғарб тарихчилигида эса Августин (мил. 354-430 йй.) ўзининг “Илоҳий давлат” (“De civitate dei”) асарида самовий подшолик ва ердаги подшолик ғоясини қарама-қарши қўйди. Тарихда дуализм оқими шундан бошланади. Унинг фикрича барча тарихий жараён ердаги шайтоний давлат вақти келиб тугагач, самовий, илоҳий подшолик даври бошланади. Ердаги шайтоний давлат Одам атонинг икки ўғлидан бири Қобул томонидан Ҳотилнинг ўлдирилишидан бошланган. Қобул ерда улкан “қароқчилар давлатини (маконини)” бошлаб берган. Бу ўз интихосига етади. Римнинг қулаши билан бу “макон”нинг тугаши бошланган. Эндиликда эса Византия тимсолида (Константин қиролиги) илоҳий самовий давлатнинг пайдо бўлиши учун илк даракчидир деб уқтиради Августин (Исҳоқов, 2012. 8 б).

Хитой манбаларининг аксарияти Марказий Осиё халқлари муҳитидан ташқарида ёзилган бўлсада, муаммога доир бошқа туркум манбаларга нисбатан маълумотларнинг изчиллиги ва бойлиги билан аҳамиятлидир. Бунинг сабабини Хитойнинг Ғарбдаги халқлар билан алоқа қилишга бўлган азалий интилишлари билан ҳам изоҳлаш мумкин. Хусусан, Хитой йилномаларида дунёнинг барча ҳудудлари Хитой таъсирида бўлган деган хулосалар илгари сурилганлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб Хитой императорлари ўзларини “Осмон ўғиллари” деб ҳисоблаб, ушбу осмон остидаги барча ҳудудлар Хитойга тегишли деб ҳисоблашган ва ўзлари ёзган тарихни шу ғоя билан битишган.

Юқорида таъкидланганидек “дунё ҳукмдорлари” тушунчаси алоҳида сулолаларга нисбатан ҳам қўлланилган. Масалан, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки ажам” асарида Марказий Осиё ва Эрон тарихини ўз даври тарих назарияси руҳида тўрт сулола тарихи қилиб баён этиш усулини акс эттирган. Унга кўра кайёнийлар, пешдодийлар, ашконийлар ва сосонийлардан иборат тўрт сулола тарихи ҳақиқий тарих қилиб кўрсатилган (Алишер Навоий, 2011. 68-76 б.). Аслида кейинги даврдаги тадқиқотлар бу даврда ҳам туркий давлатчиликдаги “дунё ҳукмдорлари” тушунчаси устивор бўлганлиги маълум. Масалан, хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ва Турк хоқонлиги каби давлатлар айна даврда мавжуд бўлиб, улар ҳам тарихда муҳим ўрин ўталлаган эди.

“Дунё ҳукмдорлари” тушунчасининг моҳиятини тасаввур қилишга имкон берадиган маълумотлар хитой йилномаларида келтирилган. “Тан шу” йилномасида Хэ – Кушония (Марказий Суғд) тарихига доир қуйидаги маълумот келтирилган: - “Хэ ўлкаси Кюйшуанни ва Гуйшуанни деб аталган. Қадимдаги Кангюй (давлати) таркибидаги кичик ҳукмдорлик Фумо шахрининг эски ҳудудидир (йилномаларда Кушония ҳукмдорлиги Фумо деб ҳам келтирилади). Афтидан хитойликлар Хэ деб бутун ҳукмдорликни ва Фумо деб унинг бош шахрини назарда тутишган. Шаҳарнинг сўл (шарқий) томонида икки қаватли бино бор. Унинг шимолий деворида бўёқ билан қадимги Ўрта давлат (Хитой) императорларининг, шарқий томонида

Тукюе (турк) хоқонлари билан Босы (Эрон) ҳамда Фолинь (Византия) ҳукмдорлари ғарбий томонида Поломен (Брахман / Ҳинд) ҳукмдорлари ва бошқа ҳукмдорлар тасвирланган. Ҳукмдор тонгда шу бинога таъзим қилгани келади. Ўн бешинчи Чжен-гуань йилида (641 й.) ушбу ҳукмдорлик (Хитой) саройига элчи юборди. Юн-вей [Юн-хуй] даврида (650-655) ҳукмдор императорга бир элчи юбориб, Тан сулоласининг Ғарбий ўлкаларга қўшин юбормоқчи эканлигидан хабардор бўлганини ва қўшиннинг озик-овқат захирасини таъминлаб бериш истагини билдирди. Кўп вақт ўтмай, унинг мулки Гуйшуан (Кушония) округига айлантирилиб, ҳукмдори Чжаову Подати ноиб унвони билан сийланди. У ташаккур билдириш мақсадида Бодишини элчи қилиб юборди” (Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия), 2014. 43 б).

Ушбу маълумот “дунё ҳукмдорлари” тушунчасининг Суғдда ҳам мавжуд бўлганидан дарак беради. “Дунё ҳукмдорлари” тушунчаси даврга қараб ўзгариб борган. Ўша даврда мавжуд анъанага кўра, Марказий Евроосиёдаги геополитик вазият бевосита 4 та империя: Византия (Рум), Сосонийлар Эрони, Турк хоқонлиги ва Суй ва Танг Хитойи билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, мазкур йирик давлатлар қаторига Ҳиндистон ҳам қўшиб келтирилади. Бу вазият нафақат ўз даври ёзма манбалари (тибет, ҳинд ва х.к.)да ўрин олган “дунёнинг тўрт империяси” концепциясида, бадий адабиётда (Моисеева, 1964. С. 194-195), балки сарой деворий расмлари (мас. Афросиёб/Самарқанд, Кушония/Каттақўрғон ва х.к.)да ўз аксини топганлиги муҳим аҳамиятга эга (Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия), 2014. 43 б).

Хуллас, “дунё ҳукмдорлари” тушунчаси замирида тарихнинг турли даврларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда етакчи давлатларнинг ҳамкорлиги намоён бўлади. Бугунги кунга қадар сақланиб қолмаган, аммо хитой йилномаларида келтирилган Турк хоқонлиги таркибидаги Кушония ҳукмдорлари саройида тасвирланган сурат, ўз даврида Турк дунёси ва Хитой раҳнамолигида дунёнинг йирик ҳукмдорлари бирлашганликлари ҳамда буни келажак авлод учун ибрат сифатида чиздирган бўлишлари мумкинлигини таъкидлаб, хулоса қилиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Алишер Навоий.** Тарихи мулуку Ажам / Тўла асарлар тўплами. 8-жилд. – Тошкент, 2011.
- Бобоёров Ғ.** Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув тузуми // Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Афтореферати. – Тошкент, 2012.
- Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин А.** Илк ўрта аср Самарқанд тангаларида “Турон” топоними // Ўзбекистон археологияси. №2. (11). – Самарқанд, 2015.
- Дандамаев М. А., Луконин В. Г.** Культура и экономика древнего Ирана. – М, 1980.
- Ибн Хордадбех.** Китаб ал-масалик ва-л-мамалик (Книга путей и стран) / Перевод с арабского, комментарии, исследования, указатели и карты Наили Велихановой. – Баку, 1986.
- Исҳоқов М. М.** Манбашунослик, тарихшунослик, тарихий, тадқиқот методлари мутахассислигининг назарий масалалари. – Тошкент, 2012.
- Крадин Н. Н.** Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток. № 3. – М., 2001.
- Моисеева К.** Потомки узнают истину. В книгу “Тайна горы Муг”. Детская литература. – М., 1964.
- Ўзбекистон тарихи** (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент, 2014.

## **ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВРИДА ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ САВДО АЛОҚАЛАРИ (СОПОЛ БУЮМЛАР ВА БОШҚА МОДДИЙ МАДАНИЯТ НАМУНАЛАРИ АСОСИДА)**

**С. Т. Сайипов**

Қорақалпоқ давлат университети

**А. С. Турсынбаев**

Нукус давлат педагогика институти

Давлатлар ривожини барқорарлиги ва қарвон йўллари тинчлиги ҳар доим иқтисодий ва савдо алоқаларининг юксалишига олиб келганлиги бизга тарихдан маълум. Шундай экан, ўрта асрларнинг ривож топган бир палласида Хоразмшоҳлар-Ануштагинлар Султон Муҳаммад даврида (1200-1220) ғарбда Ироқдан, шарқдан Хиндистонга, шимолда Мангишқоқ ва Орол денгизидан жанубда то Ҳинд океани соҳилларигача бўлган ҳудудда катта ва кучли буюк империя - салтанатни ташкил қилди. Бу иқтисодий ҳаётнинг фаоллашуви, шаҳарларнинг ўсишига, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланишига олиб келди. Хоразмшоҳлар даврида воҳанинг қишлоқ ва шаҳарлари савдо марказларига айланди. Хижрий 616 й./ 1219 йил қиш ойларида Хоразмда бўлган Йақут ал-Ҳамавий Хоразмни Жайхун соҳилида жойлашган аҳолиси кўп, катта шаҳар деб “Хоразм шаҳарлари, савдо бозорларига эга, бозор майдони бўлмаган қишлоқлар йўқ”, “ўнга (яъни Жанубий Оролбўйига) юкланган савдо қарвонлари келади ва кетади”, деган маълумот беради (МИТТ, 1939. 419 б.). Унинг маълумотини Ўрта Осиёлик тарихчи олим Жамол Қарший 1302 йилда ёзган “Ас-сулоҳ мин ас-Саҳоҳ” (“Фойдали мулоҳазадан келиб чиққан гап”) номли асарида тўлдирди. Асарда Хоразмшоҳларга тегишли Сирдарё бўйидаги Жанд шаҳрининг савдодаги аҳамияти кўрсатилган (Аҳмедов, 2001. 140 б.). Шубҳасиз, Жанубий Оролбўйи шаҳарлари савдо-тиجارатига иқтисодий алоқалар ва қарвон йўллари ҳамда савдо-сотиқ муносабатлари ҳам таъсир кўрсатган. Хоразмлик савдогарлар Шарқ давлатлари ва шаҳарларига доимий равишда тижорат ишлари билан борганлар. Ал-Истаҳрий (930-933) “Хуросонда биронта шаҳар йўқки, унда кўплаб Хоразм аҳолиси яшамасин”, - деб таъкидлайди (МИТТ, 1939. 180 б.). Хоразмшоҳ - Ануштагинлар саройида хизмат қилган машҳур шоир Рашидуддин Ватвот (XII аср) ўзининг Ироқдаги Хоразм ноибига ёзган мактубида Усмон ибн Исмоил Хоразмий исмли савдогарга ғамхўрлик қилишни илтимос қилгани ҳақида маълумот беради (Буниетов, 1986. 136 б.). Хоразмлик тижоратчилар қаторида тарихда машҳур савдогар бўлган Маҳмуд Ялавоч Хоразмийга тегишли маълумотларда Хоразмшоҳларнинг савдо қарвонларини Хитой каби олис юртларга жўнатгани ёзилган (Бартольд, 1963. 544 б.).

Ўзма манбалар билан бир қаторда археологик изланишлар натижасида қўлга киритилган ва илмий муомалага чиқарилган моддий маданият намуналари ҳам савдо алоқалари ҳақидаги маълумотларни доим тўлдириб келган.

Тарихий манба ва археологик адабиётларда учрайдиган маълумотлар Хоразмшоҳлар даврида ҳудуднинг Ўрта Шарқ, Рус, Волгабўйи Булғорияси, Ҳиндистон ва Хитой билан савдо алоқалари бўлганлигини таъкидлайди. XI-XIII асрларда Хоразмшоҳлар аскарлари Ўрта Шарқ ҳудудларида 400 га яқин элат, вилоятлар, қишлоқ ва шаҳарларни эгаллади ва ўз давлати доирасига киритди (Буниетов, 1986. 101-107 б.). Бу шаҳар, қишлоқларнинг кўпчилиги Ал-Йакут таъбири билан айтганда “савдо масканлари” эди. Ўша маконларда ҳунармандчилик ҳам юқори даражага кўтарилган. Хоразмшоҳлар - Ануштагинлар давлати шаҳарларида ҳунармандчиликнинг 50 дан ортиқ асосий тури мавжуд бўлган (Буниетов, 1986. 102 б.).

Бу олдинги даврлардагидек (X-XI асрлар), ҳунармандчиликнинг ноёб маҳсулотлари ташқи савдога чиқарилиб Волгабўйи, Эрон, Мовароуннаҳр, Хитой мамлакатлари билан алоқаларини боғловчи омил ҳисобланди. XI-XIII асрлар бошидаги Жанубий Оролбўйининг Ўрта Шарқ билан савдо алоқаларининг мавжудлигини археологик топилмалар етарлича ёритишга асос беради. 1957 йили Қўҳна Урганч шаҳридан рангдор кошин идиш, ярим ёпиқ сирланган коса таги топилган. Топилма икки, ички ва ташқи тарафидан оқ рангли, шиша-симон сир билан қопланган ва устки тарафига сир остида рангдор (қизил, кўк, мовий) сирланган қандил нақшлар туширилган. Нақшлар икки белбоғ шаклига бўлиниб, пастки қисмида афсонавий ҳайвонлар - ярим грифон (қузғун), ярим арслон ва қанотли сфинкслар тизмаги чизилган. Устки қисмида эса геометрик шаклдаги (чизиқлар, вергул) нақшлар билан безалган (Вактурская, 1960. 191-192 б.). Қўҳна Урганч топилмасига ўхшаш коса таги Султон Увайс тоғ тизмалари чеккасида жойлашган Жампикқалъа (Доспанов, 1992. 95 б.), Жанубий Қозоғистондаги Қарлуқлар (XI-XII асрлар) маркази Қаялик (Антоновка) ёдгорликларидан топилган (Байпаков, 2007. 63 б.). Лекин бу каби топилмалар Жанубий Оролбўйи, Қозоғистон ҳудудларида кам учрайди. Аммо Ўрта Шарқда, жумладан Эроннинг Рай, Кашан, Султанонод шаҳарлари ва Жанубий Туркманистоннинг Деҳистон топилмалари орасида кўплаб аниқланган. Бу каби ноёб кошин идишлари археологик адабиётларда “минай” туридаги маҳсулотлар деб номланган. Бу топилмалар XI-XIII асрларга тегишли Жанубий Оролбўйи хумдонларида учрамаганини ҳисобга олсак, ушбу ҳудуд шаҳарларидан топилган “минай” сопол идишлари жануб элатларидан савдо алоқалари натижасида олиб келинган, деган фикр туғилади ва улар ўша даврга оид бўлган Жанубий Оролбўйи шаҳарларидан археологик қазилмалар пайтида кўплаб топиб ўрганилган (Сайпов, 2020. 235 б.). Хоразмнинг Ўрта Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларини бошқа сопол идиш тури “қандил” деб номланган маҳсулот топилмалари ҳам тасдиқлайди. Қандил (люстра) сопол идишларнинг бир нечта ўнлаб бўлак ва бутун нусхалари Хоразмшоҳлар даврига оид Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги Дарёлик кўл ҳавзаси, Қаватқалъа шаҳри, Қизилқалъа, Миздахқон, Шемахақалъа ва бошқа ёдгорликлардан маълум. Лекин “қандил” туридаги қиммат-баҳо маҳсулотлар XI-XIII асрларда Жанубий Оролбўйида ишлаб чиқарилмаган. Танжерли (Марокаш) саёх Ибн Баттута Хоразмда бўлиб, маҳаллий зодагонлар уйида ироқий шиша идишлар билан бирга қандил маҳсулотлари бўлганлигини ёзган (Иброҳимов,

1993. 60-62 б.). Яъни савдо алоқалари натижасида Жанубий Оролбўйига Миср, Сурия, Фаластин каби Шарқ давлатларидан ноёб сопол маҳсулотлари келтирилган.

Ўрта асрларда Жанубий Оролбўйига Форс ҳавзаси элатларидан машхур газламалар (казерун, добикс) билан хўжалик маҳсулотлари (шакарқамиш, хурмо, майиз, ҳом ипак, гилам, жўн, момик, зайтун ёғи, ёнғок), тақинчоқ- маржонлар ва ноёб металл буюмлар савдо-сотик орқали олиб келинди. Археологик тадқиқотлар вақтида Эрон мисгарлигига оид кандакорлик маҳсулотлари Хоразм шаҳарларидан топилган. Жумладан, Шохсанам (Субурна) ёдгорлигидаги қозон қуйма услубда бронзадан тайёрланган буюм аниқланган (Рапопорт, 1958. 416-417 б.). Қозон ўйма, бўрттирма нақшлар ва ёзувлар билан безатилган. Иккинчи белбоғдаги исломий ва ҳандасавий нақшлар устига куфий ҳуснихатида ёзувлар битилган бўлиб, улар орасидаги тўртта чамбарга аниқ маълум бўлмаган ҳайвонларнинг услублаштирилган тасвири туширилган. Улардан иккитаси тутқич кулоқчаси тагида жойлашган, буларда қуён кўринишидаги ҳайвоннинг чап томонга чопаётгани, бошқа иккита чамбаракда афсонавий ҳайвон бурака (сфинкс) тасвирланган. Бурака одам бошли ҳайвон кўринишидаги жонзот бўлган. Идиш марказининг юқорги томонидаги чамбаракда узун бўйинли қуш (лайлак) тасвирланган. Ўрта Осиёда қадимдан ҳунармандчилик буюмларига (темирчилик, тош, сопол идишларга) қуш ва ривожланган ўрта асрларга келиб қуён тасвири туширилган (Лунина, 1977. 129 б; Фёдоров-Давыдов, 1976. 130-131 б; Қдырниязов, 1989.). XI-XII асрлардан Ўрта Осиё, Эрон ва унга қўшни бўлган бошқа халқларда қушларни жонзот сифатида эмас, балки “бахт қуши” рамзида тасвирлашган. Қуш тасвири туширилган буюмлар илоҳий ҳисобланиб, қуш бахт ва бойлик олиб келади, деб фикрлашган.

Қозон тайёрлаш услуби, эпиграфик ўзига хослиги ва қўшни ҳудудлардаги ёдгорликларда ўхшаш турларининг тарқалишига қараб XII асрнинг иккинчи ярми билан белгиланади. Шунга ўхшаш қозонлар Жанубий Туркманистоннинг XII-XIII асрлар бошидаги Шехр-Ислом ёдгорлигидан топилган (Атагарриев, 1973. 67-68 б.). Бу каби қозонлар Мовароуннаҳрнинг X-XI асрлар биринчи ярмидаги Саганиан ёдгорлигида ҳам учрайди (Ильясов, 1998. 8 б.). Бу даврда савдо-сотик ва маданий алоқалар натижасида куфий, насх, ҳуснихатида идиш соҳибига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қут-барака каби эзгу тилаклар битилган бронза қозонлар Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларида тарқалган.

XI-XIII асрлар бошларида Хоразмнинг савдо алоқалари Хитой шаҳарлари билан ҳам олиб борилган. Бизгача етиб келган Хоразмшоҳлар даврига тааллуқли моддий маданиятнинг кўпгина тарихий ёдгорликларида ва ёзма манбаларда Жанубий Оролбўйи ва Хитой алоқалари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Жумладан ҳудуддаги Шемахақалъа, Кўхна Урганч, Миздахқон каби ёдгорликларда Тань сулоласи тангаси (X аср), кобальт, селадон туридаги ноёб идишлар, уйларни иситиш мосламаси - суфали ўчоқ (канн) каби янги моддий маданият намуналари учрайди (Вактурская, 1959. Расм, 4; Қдырниязов, 2000. 36 б.). Жанубий Оролбўйдан Хитойга асосан транзит маҳсулотлар чиқарилган. Улар жумласига Шарқий Европадан (Волгабуи Булғорияси) олиб келиниб сотилган сувсар, тулки, қундуз мўйналари, кийим-кечаклар киради. Юан сулоласи тарихи (“Юан ши”) асарининг “Сизубяо” (“Ғайри авлодлар шажараси”) қисмида, Насавийнинг (“Сират Джалаладдин ас-Султон»), Жувайний (“Тарихи жаҳонгушой”) асарларида, хоразмлик савдогар Маҳмуд Ялавоч ва бошқаларнинг (Ахмад Хужандий, бухоролик Али Хўжа, ўтрорлик Юсуф Кенка)

савдо моллари ичида олтин ипли газлама (зарбавт), занданачи, карбас, пахта матолари, Хитой тоғларидан келтирилган олтин, нефрит ва қимматбаҳо металл маҳсулотлари, “хуту” нусуб ал-хутувв (морж, нарвал) тиши, мускус ва оқ туя жуни “таргу” бўлганлиги кўрсатиб ўтилган (Бартольд, 1963. 463-464 б; Хўжаев, 2002. 42 б.).

Жанубий Оролбўйи илк ўрта асрлардан Шарқий Европа давлатлари билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар олиб борган. Айниқса, тижорат ишлари анча авж олди. Ўрта асрларда Каспий денгизи, Волга ҳавзасида жойлашган Хазар хоқонлиги (VII-X асрлар), Булғор давлатлари (X-XIV асрлар) Хоразмнинг иқтисодий алоқаларида катта ўрин тутган. Араб тарихчи-географ муаллифлари ибн Хавқал (976), Ал-Мақдисийларнинг (985-988) таъкидлашича, хоразмликлар Волгабўйи Булғориясидан Жанубий Оролбўйига қирқдан ортиқ маҳсулот турларини келтирган. Улар қаторида шарқда қимматбаҳо ҳисобланган сувсар, кундуз, тулки, мўйна терилари, уларга ишлов беришда қўлланилган оқ қайин пўстлоғи, асал, мум, славян ва турк куллари (гилам) бўлган. Жанубий Оролбўйидан Хазар ва Волгабўйи Булғориясига кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, ип, мева, канакунжут мойи), хунармандчилик маҳсулотлари (мовут, гилам, шойи матолар) ва ширинликлар олиб борилган (МИТТ, 1939. 150, 179-180 б.). Сомонийлар (IX-X асрлар), Хоразмшоҳлар (XI-XIII асрлар) ва Хоразм - Жўчилар маданияти (XIII-XIV асрлар) даврида Шарқий Европа, Рус элатларига кумуш тангалар кўплаб чиқарилган. Ҳатто ибн Руста (903-913) “Қиммат маҳсулотлар” ва Абу Саид Захкоки Гардизий (1050 й.) “Зайин ал-ахбор” асарларида рус ва славянлар фақат шарқда зарб қилинган тангаларга ноёб буюм, маҳсулотлар сотиб олган деган маълумотлар беради (Бартольд, 1963. С. 321-324). Бу жараён аш-Шош (Тошкент), Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда зарб қилинган кумуш тангаларнинг Шимол давлатларига (Рус, Скандинавия мамлакатлари) кўп миқдорда кетишига, Ўрта Осиё шаҳарларида эса XI-XII асрлардаги “кумуш инкирози”га олиб келди (Фёдоров-Давыдов, 1980. 90 б.). Савдо алоқалари натижасида Волгабуйларида XI-XIII асрларда сопол идишларнинг ноёб тури, жумладан сопол сфероконус, кўзалар, сумак, кошин маҳсулотлари олиб борилган ва улар ўз навбатида маҳаллий идишларнинг янги хилларини шаклланишига олиб келди (Матвеева, 1976. С. 40; Сайпов, 2020. 237 б.) ва маҳаллий кулоллик хунармандчилиги ривожига ҳисса қўшиб, балки сирланмаган сопол маҳсулотлари ҳам сирланган идишлар билан бир қатарда Ипак йўли савдо алоқаларида ўз ўрнига эга бўлганлигини алоҳида кўрсатади (Сайпов, 2022. 44 б.).

Жанубий Оролбўйи савдогарлари XI-XIII асрларда Кавказ ҳудудлари билан ҳам савдо алоқаларини олиб борганлар. Грузин халқининг шоири Ионэ Шавтели (XIII аср) “Христос кули” (“Абдул Мессия”) достонида “Хоразм сердолиги” ҳақида маълумот учрайди. XIII аср муаллифи Муҳаммад ибн Мансур қимматбаҳо тошлар ҳақида ёзишича: “...феруза Нишопур, Хазан, Карман, Хоразмдан савдога чиқарилади” деб таъкидлайди.

Хоразмшоҳлар даврида ички ва ташки савдо алоқалари учун мис ва кумуш тангалар, дирҳамлар, олтин динарлар савдога чиқарилди. Лекин “кумуш инкирози” вақтида вексель, чек каби ишонч қоғозларидан (кредит) фойдаланилди. У тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар бор. Жумладан, Хоразмшоҳлар даврида олис юртларга савдо карвонлари орқали катта ҳажмдаги моллар жўнатилган. Бу қимматбаҳо юкларни пул эквиваленти ҳисобида жўнатиш йўлдаги хавф-хатарлар, ўзгарувчан сиёсий ҳолат туфайли мумкин эмас

эди. Вазиятдан самарали чиқишда кредит усули бўлиб унда вексель, чеклардан фойдаланиш икки томонга ҳам фойдали эди. Бундай нақд пулларсиз алмашув операцияларини мусулмон давлатлари мисолида кўриш мумкин. Салжуқийларнинг Трапезунд порт-шаҳрига қилган талончилик урушида Фарб мамлакатлари Юнонистон ва Русдаги савдо алоқалари номуносиб ҳаракатлардан мусулмон савдогарлари анча зарар кўрган. Чунки, мусулмон савдогарлари Европа ва жанубий-шарқий Рус, Волгабўйи Булгорияси орасида воситачилик хизматини бажарарди. Ибн ал-Асир (1160-1233) маълумотида кўрсатилишича, Калка жангидан (1223 й.) сўнг, Жанубий Рус ва ислом давлатлари тижоратчилари орасидаги савдо алоқаларининг тўхташи молларнинг вақтинча етишмаслигига, тақчиллигига ва кредит алмашувида катта иқтисодий талофот келтирилганлигини ёзади (Бартольд, 1963. 462 б). Бу эса савдо алоқаларидаги мавқеини тушишига олиб келган.

Шундай қилиб, ушбу даврда Жанубий Оролбўйининг савдо алоқалари Волгабўйи, Русия, Кавказ, Ўрта Шарқ, Хитой давлатлари билан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширган. Бу давр савдо алоқаларининг ривожланиши учун давлат томонидан алоҳида имтиёзлар ва зарур шароитлар яратилган. Археологик тадқиқотлар Хоразмшоҳлар - Ануштагинлар даврида Жанубий Оролбўйидан учта савдо йўли ва воҳадаги ички йўл тармоқлари ҳаракатда бўлганлигини таъкидлайди. Буюк Ипак йўлининг бош йўналиши Гурганж - Қорақум-Жанубий Туркменистон-Эрон-Ўрта Шарқ (Массон, 1966. С. 11-74), иккинчи шоҳ йўналиш Гурганж - Қат - Қизилқум - Бухоро - Самарқанд, учинчи йўналиш куруклик йўли Гурганж - жанубий, Устюрт - ғарбий Оролбўйи - шимолий, Каспий - Волгабўйи орқали амалга оширилган (Древняя, 1978. С. 199-285). Бу йўллар Қутбиддин Муҳаммад, Отсиз (1127- 1156), Алоуддин Такаш (1172-1200) ва хоразмшоҳ Султон Муҳаммад (1200-1220) даврларида вужудга келди. Алоуддин Такаш муншийси Муҳаммад Бағдодийнинг “Муҳим номалар битиш йўл-йўриқлари” асарида ўша даврдаги Жанд ноибига берган фармони - аҳолининг турли табақалари билан тўғри муносабатда бўлиш кўрсатмаси чегара ва савдога хизмат қилган одамларнинг мол-мулк хафсизлигини химоялаш учун чиқарилади (Семенов, 1952. С. 17).

Савдо алоқалари натижасида Шимолий Африкадан то Шарқий Туркистон ҳудудларигача чўзилган узоқ масофада бир тушунча (диний бағрикенглик - толерантлик, араб алифбоси, иқтисодий ҳамкорлик, сиёсий мусобоқада чидамлилиқ), Хоразмшоҳларнинг куч ва қудрати, савдо алоқалари барқорарлигини таъминлаганини кўрамиз.

Шундай қилиб, Хоразмшоҳлар давлати даврида Жанубий Оролбўйида ҳукм сурган ижобий сокинлик ва иқтисодий ривожланиши археологик моддий маданият намуналарида ўз аксини топган, узоқ вақт давомида кўплаб чет давлатлари билан маданий ва савдо алоқаларини амалга оширган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ахмедов Б. А. Узбекистон тарихи манбалари.- Тошкент., 2001.  
Атагарриев Е. А. Материальная культура Шех-Ислама. Ашхабад «БЎлым», 1973.  
Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.- соч. – Том. I. М., 1963.  
Бартольд В. В. Арабская известия о руссах // соч. – Том. II. –часть 1.– М.,1963.

- Буниетов З. М.** Государство Хорезмшахов- Ануштегинидов (1097-1231). – М. 1986.
- Байпаков К. М., Воякин Д. А.** Средневековый город Каялык. – Алматы, 2007.
- Вактурская Н. Н.** Иранский сосуд из Ургенча // Материалы Хорезмской экспедиции.- Вып.4. – М., 1960.
- Вактурская Н. Н.** К вопросу о культурных связях средневекового Хорезма с Китаем // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М.-Л., 1959.
- Доспанов О. Т.** Джампыккала – орта эсир естелиги. – Нөкис., 1992.
- Древняя и средневековая культура Юго-Восточного Устюрта. –Ташкент., 1978.
- Ильясов Дж. Я.** Художественный металл Саганийана X – первой половине XI вв. // Автореф. Дисс. на соискание ученой степэни кандидата искусствоведэния. Ташкент., 1998.
- Иброхимов Н.** Ибн Баттута ва унинг Урта Осиёга сайёхати.- Тошкент., 1993.
- Қдырнийзов М. Ш.** Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. – Нукус., 1989.
- Қдырнийзов. М. Ш.** О роли Хорезма в евразийской торговле в XIII-XV вв. // ОНУ. №1.- 2000.
- Лунина. С. Б.** О культурных связях средневекового Мерва. // Средняя Азия в древности и средневековье.- М., 1977.
- Массон М. Е.** Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и Мавереннахр // Труды ЮТАКЭ. – Том. XIII. – Ашхабад., 1966.
- Матвеева Г. И.** Связи Волжской Булгарии со Средней Азией, Ираном и Закавказьем (По материалам Муромского городка) // Этнокультурные связи населения Урала и Поволжья с Сибирью, Средней Азии и Казахстана в эпоху железа. / Перпринты докладов и сообщений. Уфа., 1976.
- Материалы по истории туркмен и Туркмэнии (МИТТ). – Том. I. – М.-Л., 1939.
- Рапопорт Ю. А.** Раскопки городище Шахсанем в 1952 г. // Труды ХАЭЭ. Том. II.- М., 1958.
- Сайпов С. Т.** Привозные керамики в памятниках средневекового Южного Приаралья – один из показателей развития торговых отношений в Великом Шелковом пути // Материалы II- ой Международной конференции «Великий Шелковый путь – дорога мира, согласия и стабильности» Международный Казахско- Турецкий университет имэни Х. А. Яссави., Туркистан. 2020.
- Сайпов С. Т.** Неполивная керамика средневекового хорезма (IX-XIV вв.) // Автореф. Дисс. на соискание ученой степэни доктора философии (PhD) по истории. – Ташкент., 2022.
- Семенов. А. А.** К вопросу об этническом и классовом составе северных народов империи хорезмшахов в XI в.н.э. // Известия отделения общественных наук АН Тадж.ССР. Т. II. 1952. .
- Фёдоров-Давыдов Г. А.** Монеты – свидетели прошлого.- М., 1980.
- Фёдоров-Давыдов Г. А.** Искусство кочевников и Золотой Орды. – М., 1976.
- Хўжаев А.** Махмуд Яловач Хоразмийга оид янги маълумотлар (Хитой манбалари асосида) // Мозийдон садо. №4. 2002.

## САМАРҚАНДНИ МЎЎУЛЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ДАВОМИДА ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИ ИСТИЛОСИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

**М. Ҳ. Пардаев**

Самарқанд археология институти

**Г. И. Мўминова**

Жиззах давлат педагогика университети

Сангзор дарёсининг қуйи оқими ҳавзасида жойлашган Жиззах микровоҳаси азалдан Самарқанд Суғди учун ҳар томонлама қулай, муҳим иқтисодий, маданий ва ҳарбий стратегик макон вазифасини ўтаган. Чунки, шарқ-ғарб йўналиши бўйлаб чўзилган Нурота тоғ тизмалари Самарқанд Суғди билан Ўрта Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадорлари ўртасидаги чегара ролини ўйнаган бўлса, шимол-жануб бўйича ястанган Морғузар тоғи унинг шарқий сарҳадлари сифатида фаолият кўрсатган. Бу ҳудуддан Суғдга фақат тор Илонўтти дараси (Темир дарвоза) орқалигина ўтиш мумкин бўлган. Шу сабабли, нотинч вақтлар, ҳарбий ҳаракатлар даврини ҳисобга олиб, маҳаллий ва Самарқанд ҳукмдорлари Жиззах шаҳри ва унинг атрофидаги кент, қалъалар, мудофаа тизимлари кудратини мукамаллигини таъминлашган. Манбалар хабарига кўра, ўрта асрларда Жиззахда нафақат Уструшона, балки Самарқанд ҳукмдорларининг ҳам қалъа, кўрғонлари қурилган. Бу эса ҳақиқатан ҳам Жиззах шаҳрини қадм ва ўрта асрларда Самарқанд Суғди учун муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади.

Моварауннаҳрнинг ички сарҳадларига Жиззах шаҳри орқали ўтгани ва шу аснода мўғул босқинчилари томонидан Жиззах воҳасини забт этилгани ва бу борадаги бошқа тарихий воқеалар тафсилоти ёзма манбаларда қайд этилмаган. Зеро, истило арафасида собиқ Уструшона мамлакатининг шимоли-ғарбий ҳудудлари, хусусан, ҳозирги Жиззах шаҳридаги Ўрда комплекси ўрнида Дизак, Зомин шаҳарчаси марказидаги Қўрғонтепа ўрнида Зомин, Сават қишлоғи ғарбий чеккасидаги Култёпа ўрнида Сабат, Ғаллаорол туман марказидаги Қўрғонтепа ўрнида Харақана, Ўрта Сангзор соҳилидаги Нўжкат каби шаҳарлар, Худайсар, Шағар (Бушағар), Малик работ, Катвондиз, Йом каби йирик кент, қалъа, работ ва карвонсаройлар фаолиятда бўлган.

Шундай бўлсада, мўғуллар Самарқанд шаҳри ва воҳаси учун ниҳоятда муҳим ва қулай ҳарбий стратегик аҳамиятга эга Жиззах воҳаси шаҳарлари ва қишлоқларни қачон ва қай ҳолатда забт этганини аниқлаш учун аввало, Чингизхон бошлиқ катта қўшинни Моварауннаҳрга бостириб кирган йўли ва йўналишларига эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, 1219 йилнинг кузида Чингизхон қўшини бошлиқлари бўлмиш ўз ўғиллари – Чигатой, Ўқтой, Жўчи ва уйғур хони Эдикут, Олмалик хукмдори Сигнок такинлар ҳамроҳлигида 200 минг лашкар билан Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад мулкларига юриш бошлайди. Чингизхон қўшини қадимги йўл орқали Или дарёси бўйлаб, Шимолий Фарғонадан ўтиб, Сирдарё бўйида жойлашган Ўтрор шаҳри (Жанубий Қозоғистон – П.М.) га дастлабки зарбани беради. Чингизхон бу ерда ўз қўшинини 4 қисмга бўлади. Унинг биринчи қисмини Чигатой ва Ўқтой бошчилигида Ўтрорни қамал қилиш учун қолдиради. Жўчи бошлиқ иккинчи қисм Сирдарё этаги томон юборилади ва унга дарё хавзасидаги Сигнок, Ўзган, Борчиликент, Жанд, Янгикент каби шаҳарларни босиб олиш вазифаси қўйилади. Беш минг кишилик учинчи қўшин Олоқ нўён ҳамда Сукету-черба (Субутой баҳодир - П.М.) исмли сарҳанглари қўмондонлигида Сирдарёнинг ўрта соҳили бўйлаб, унинг юқори оқимида жойлашган Банокат ва Хўжанд шаҳарлари томон юборилади (Муҳаммаджонов, 2004. 172-173 б.).

Чингизхоннинг ўзи катта қўшин билан Мовароуннахрнинг ички, марказий манзилларига қайси йўналишда ҳаракат қилиши Хоразмшоҳ ва унинг лашкарбошилари учун катта жумбоқ эди. Аслида, уларнинг наздида мўғулларнинг навбатдаги зарбаси Мовароуннахрнинг энг бой, ҳарбий жиҳатдан қудратли, марказий шаҳри Самарқандга, Жиззах воҳаси ва ундаги Илонўтти дараси орқали содир бўлиши кутилган эди. Бундай фикрга келишимизга асосий сабаб қуйидагича бўлиб, бу пайтда Самарқандда 110 мингдан ортиқ лашкар, 20 та жанговар фил, кўплаб тажрибали қўмондонлар ва катта миқдорда озик-овқат захираси йиғилган ҳолда, “ислом динининг қуввати” бўлган Бухорода бор-йўғи 30 минг аскар мавжуд эди. Қолаверса, душман Самарқандга юриш учун кучли ҳимояланган, серқатнов Жиззах шаҳри, мудофаа жанглирига қулай, катта қўшинни ўтиши учун тор ва ноқулай Илонўтти дараси орқали, Бухорога эса Нурота тизмаларининг шимолий тоғ олди ҳудудидаги камқатнов транзит карвон йўли орқали ўтиши лозим эди. Қудратли, тезкор қўшиндан ташқари тажрибали жосусларнинг ишончли маълумотларига эга бўлган Чингизхон Ўтрордан Сирдарё кечувига, ундан Қизилкум орқали ўтган қадимги карвон йўли орқали Хонбанди карвонсаройи ва тўғонига, сўнгра Боғдон (баъзи маълумотларга кўра, Боғдон VI-VIII асрларда Самарқанд Суғди таркибидаги Кабудон рустоқининг маркази – П.М.) дан кескин ғарбга бурилиб Зарнуқ қалъасига, ундан Нурота (Нур қалъаси)га, сўнгра Бухорога йўл олган.

Ёзма манбалар ахборотида кўра, қадимий ва машхур, қудратли Самарқандни забт этиш учун Чингизхоннинг ўзи қўмондонлик қилган. Мустаҳкам мудофаа деворлари ва ҳарбий буржларга эга бўлган Самарқанд (Афросиёб) шаҳрида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тоғаси, шаҳар ноиб Тўғайхон, лашкарбошилар Али Эрхон, Шайхон ва Болохон бошчилигида юқорида таъкидланганидек, катта кучга эга ҳарбий қўшин тўпланган эди (Муҳаммаджонов, 2004. 176-177 б.). Шаҳарни ўраб олган Чингизхон қамални бошиданоқ қўшни шаҳар ва кентлардан Самарқандга ёрдам кучлари келиши эҳтимоли борлигини ва бу кучлар мўғул қўшини орқасидан хавfli зарба беришини ҳисобга олиб ўз зарбдор, тезкор қўшинларини сафарбар қилган ҳолда, ушбу шаҳар ва кентлардаги маҳаллий ҳарбий кучларни мағлуб этади. Бизнинг фикримизча, айнан шу пайтда Жиззах воҳаси мўғул қўшинлари томонидан истило қилинган.

Самарқанд ҳимоячилари орасида гарчи бирдамлик кучсиз бўлсада, шаҳарнинг оддий фуқаролари лашкарнинг шижоатига, жанговар филларнинг қудратига, озик – овқат захираларининг етарли эканлигига ва албатта Хоразмшоҳнинг ёрдами билан жангда зафар қозонишларига ишонардилар.

Катта жанговар тажрибага эга Чингизхон ҳам Самарқанд истилосини шиддатли бўлишини билган ҳолда ўз лашкарини барча шахсий таркибини йиғади, Ўтрор ва Бухородан олиб келинган бандиларни ҳам камалга сафарбар қилади. Афросиёбнинг қадимий мудофаа деворлари остида уч кун мобайнида шиддатли жанглар бўлиб ўтади. Қамалнинг учинчи куни мудофаачилар душман сафларини ёриб ўтиб мўғулларнинг асосий кучига хужум қиладилар. Манбалар хабарига кўра, мўғуллар катта талафот кўрган бўлсаларда, охир оқибат ҳимоячилардан бир неча ўн минг жангчи қириб ташланади. Қамалнинг бешинчи куни оммавий қирғинни олдини олиш учун Самарқанд ҳимояси лашкарбошилари ва шаҳар аҳли мўғулларга таслим бўлишга қарор қиладилар. (Муҳаммаджонов, 2003, 177 б.). Шаҳар қозиси ва шайхулислон бошчилигида мўғулларга жони омонлик тилаб вакиллар юборилади, ҳатто Тўғайхон бошлиқ 20 нафар саркарда жон сақлаш мақсадида ўз қўшини билан Чингизхон хизматида ўтишни изҳор қиладилар. Тулкидек айёр, илондек доғули сифатида эътироф этилган Чингизхон дастлаб бу таклифни қабул қилади, кейинроқ эса Тўғайхоннинг 30 минглик қўшини тунда қуршаб олиниб 20 нафар саркардалари билан бирга қириб ташланади. Мўғуллар Намозгоҳ дарвозаси орқали шаҳарга бостириб қириб барча истехкомларни вайрон қиладилар. Ёзма манбаларда қайд этилишича, шаҳар қозиси ва шайхулислоннинг ваколоти туфайли 50 минг нафарга яқин самарқандликлар қирғиндан омон қоладилар. Шундай бўлсада, истилочиларнинг вайронкор хужумлари туфайли Самарқанд (Афросиёб) харобага айланади, аҳолининг катта қисми ҳалок бўлади, 30 минг нафарга яқин моҳир ҳунармандлар асирга олинади, қурол кўтаришга ҳоли бўлганлар мажбурий аскарлик хизматида олинади. Натижада, аҳолиси зич, бой ва кўркам Самарқанд бўшаб қолади. Ўша пайтларда Чингизхон хизматида бўлган хитойлик Чан Чуннинг эътирофига кўра, мўғуллар босқинидан сўнг шаҳар аҳолисининг тўртдан бир қисмигина омон қолади. Шарқнинг энг қадимий ва буюк шаҳри Самарқанд (Афросиёб) шу даражада вайрон қилинган эдики, у кейинчалик ўз ўрнида қад ростлай олмайди. Бизнинг фикримизча, айнан Самарқанд қамали даврида ёки у забот этилганидан сўнг, Жиззах воҳаси шаҳар, кентлари мўғуллар томонидан истило қилинган.

Кейинги йилларда чоп этилган Жиззах тарихига оид айрим нашрларда Жиззах шаҳрини босиб олишда айнан Чингизхоннинг ўзи раҳбарлик қилгани, истилонинг тафсилотлари баён қилинган. Хусусан, Ҳ. Ҳайдаров ва Қ. Усмонов ҳаммуаллифлигида 2009 йилда нашр этилган “Жиззах тарихи” (Жиззах шаҳри ҳақида тарихий лавҳа ва хотиралар) китобида - “Жиззах Бухоро – Ўтрор йўлидаги муҳим мудофаа шаҳарларидан бири эканлиги, шунинг учун ҳам Чингизхон Жиззахни босиб олишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўргани ҳақида сўз юритилган. Унинг қўшинлари Буюк Ипак йўлидан ўрин олган Зомин, Худойжир (аслида Худайсар – П.М.), Ҳасанравот қалъа-қўрғонларига хужум қилиб босиб олгани баён қилинган. Жиззах аҳолиси босқинчиларга қарши шиддатли кураш олиб борадилар. Бирок, Чингизхоннинг бирор жонли зотга шафқат қилмаслик тўғрисидаги фармонига кўра, тинч аҳоли қириб ташланиб, қишлоқлар, қарвонсарой-

лар, масжидлар, юзлаб уй-жойлар ёндирилади ва боғлар экинзорлар пайхон қилинади”. (Ҳайдаров, Усмонов, 2009. 58-59 с.).

“Жиззах тарихи” китобида юқорида келтирилган парчада кўплаб хато, эътирозли, мунозарали фикрлар мавжуд. Жумладан, биринчидан, Жиззах шаҳри муаллифлар таъкидлаганидек, Бухоро-Ўтрор йўлида жойлашган мудофаа қалъалари тизимига кирмайди. Чунки Бухородан чиққан карвонлар Самарқандни четлаб ўтиб, транзит йўл Нурота орқали шарққа, ҳозирги Фориш туманидаги Хонбанди сув тўғони яқинидаги карвонсаройга (ҳозирда Калтепа номи билан аталган археология ёдгорлиги – П.М., М.Г.) келишган ва ундан шимолга Сирдарё кечувига, кечувдан ўтиб Ўтрорга йўл олишган. Тадқиқотчи Н.Б. Немцеванинг қайд этишича, бу йўналишда ривожланган ўрта асрларда ҳар 30-35 км масофада карвонсарой – работлар фаолият кўрсатган (Немцева, 1989). Хонбандидаги карвонсаройдан Жиззахгача 80 км, яъни, карвонлар учун камида икки кунлик масофа мавжуд. Шундай экан, Жиззах Бухоро-Ўтрор йўлидаги шаҳар бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, муаллифлар баён этган Худайсар, Ҳасанравот қалъа-қўрғонларини ҳозирга қадар ўрни аниқлангани йўқ, қолаверса, улар Чингизхон истилоси даврида ҳам фаолият кўрсатгани ҳақида аниқ маълумотлар ёзма ва археологик манбаларда қайд этилмаган. Қолаверса, улар манбаларда ҳарбий қалъа эмас, балки, карвонсарой – работ сифатида эътироф этилган.

Учинчидан, худди юқоридагига ўхшаган чалкаш, хато фикрларни Қалиятепа мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Жиззах тарихи” муаллифлари Чингизхон лашкарлари Қалиятепа мудофаа деворларини манжаниклар орқали тош бўрон қилишганини ёзишади. Зеро, Қалиятепада VIII аср охиридан бошлаб ҳаёт тўхтаган. Чингизхон истилоси даврида ушбу тарихий шаҳар Тепакўрғон харобаларига айланиб улгурган эди. Чунки, бу даврда Қалиятепада ҳаёт тўхтаганига 400 йилдан кўп вақт ўтган эди. (Пардаев, 2000).

Тўртинчидан, Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушойи” асарида қайд этилишича, Чингизхон томонидан сулҳ учун юборилган Донишманд Ҳожиб Дизак (Жиззах)га эмас, балки Зарнуқ қалъаси ҳимоячилари олдига боради. Қалъа ҳимоячилари сулҳга рози бўлишади ва шаҳарни жангсиз Чингизхонга топширишади. Шу сабабли, қалъага “Қутлуғ балиқ” (“Бахтли шаҳар”) номи берилади. Зарнуқда бир неча маҳаллий йўл бошловчи Чингизхон лашкарини Нур қалъасига кўпчиликка маълум бўлмаган йўл билан олиб боради. Бу шу қадар кутилмаган ҳол бўладики, Нур қалъасидагилар мўғул кўшинини узоқдан кўриб катта карвон келаяпти, деб ўйлашади ва фурсатни бой беришади. Бу йўл, кейинчалик “Хон йўли” номини олади (Бартольд, 1963. С. 475). Демак, Зарнуқ Дизак (Жиззах) эмас, бу қалъа ўрни ҳозирда “Зарнуқ” номи билан аталадиган мавзе (қишлоқ) Нуротанинг ғарбий тизмалари худудида мавжуддир.

Ва ниҳоят, бешинчидан, муаллифлар Жиззах воҳаси ва унинг атрофидаги “Ўратепа, Ховос, Зомин, Жиззах аҳолисининг босқинчиларига қарши олиб борган курашлари ҳақида тарихий маълумотларда баён қилинади”, - деб ёзишадию (Ҳайдаров, Усмонов, 2009. 58 с.), ушбу манбаларнинг номи, муаллифлари ҳақида бирор бир маълумот кўрсатишмайди.

Ушбу фикрларга қарамасдан, Жиззах шаҳрини мўғуллар томонидан қандай истило қилингани ҳақидаги саволга жавоб топиш мушкул. Мазкур масала бўйича юқорида билдирилган фикримизга қуйидагиларни ҳам илова қиламиз:

1. Ибн ал-Асир хабарига кўра, Самарқанд қамали даврида Чингизхон ўз қўшини билан бирга ҳайдаб келинган асирларга ҳам мўғул ҳарбий кийимларини кийдириб сафга тиздиришни буюрган. Бу пайтда Ўтрордан янада кўп сонли асирлар билан Чиғатой ва Угедэй ҳам келиб Самарқанд қамалига қўшилишган (Бартольд, 1963. С. 479). Мовароуннаҳрнинг энг қудратли ва бой шаҳри Самарқанд қамалига қўшилишга шошилган Чингизхоннинг бу икки ўғли Ўтрордан энг яқин йўл ҳисобланган Жиззах–Илонўтти дараси орқали келган бўлиши, бошқа йўл ва йўналишларга нисбатан ҳақиқатга яқиндир. Демак, шу пайтда Ўтрордан қайтган мўғул қўшинлари Жиззахни истило қилган;

2. Жувайнийнинг ёзишича, Ўтрор истилоси даврида беш минг лашкардан иборат, Алак-нойон бошчилигидаги қўшин Банокатни ишғол қилиш учун юборилади. Илет-гу малик раҳбарлигидаги турк гарнизони тўрт кундан сўнг шаҳарни мўғулларга топширади. Ушбу мўғул отрядининг Банокатни олгандан кейинги ҳаракатини таҳлил қилган В. Бартольд уни Самарқанд қамалига келиб қўшилганини таъкидлайди (Бартольд, 1963. С. 484). Демак, Алак-нойон бошчилигидаги зарбдор қўшин ҳам Жиззах-Илонўтти дараси орқали Самарқандга сафарбар қилинган ва бир йўла Жиззахни ҳам истило қилган;

3. Мўғуллар истилосига оид манбаларда Самарқанд олингандан кейин (1220 й.) Чингизхонни Фарғонага (Хўжандга – М.П.) зарбдор қўшин юборгани ҳақида маълумотлар бор. Жувайнийнинг хабарига қараганда, Хўжандни қамал қилган лашкар (йигирма минг мўғул, эллик минг асир) лар, дастлаб Ўтрор, сўнгра Бухоро ва Самарқанд истилосида қатнашганлар (Бартольд, 1963. С. 485). Демак, Самарқанд истилосидан кейин Фарғонага юборилган зарбдор қўшин йўл-йўлакай Уструшонанинг бир қатор шаҳарлари - Харакана (Ғаллаорол), Дизак (Жиззах), Зомин, Сабат (Сават), Ховос (Эски Ховос)ни ишғол қилиб, Хўжанд ва Фарғона сари йўл тутишган.

Мазкур фикрлар Жиззах Ўрдасининг қарийб етти аср аввалги моддий маданият қатламлари остида ётган XIII аср биринчи чорагига оид маданий қатламларини археологик жиҳатдан очиб ўрганилгандан сўнг ўз тасдиғини топиши мумкин.

Мўғуллар истилосидан кейин Жиззах воҳасининг марказий шаҳарларида, хусусан, Дизак, Зомин, Сабат, Ховос, Хараканада ҳаёт бутунлай издан чиққан эди. Маълум вақтдан кейин Зомин ҳамда Харакана ўзининг аввалги жойида қад ростлайди ва аввалгидек шаҳар мавқеига эга бўлмасада, ёзма манбаларда қалъа-қўрғон сифатида тилга олинади. Сабат эса Хўжамушкентсойнинг ўнг томонида кўчади ва кишлоқ мақомида фаолиятини давом эттиради.

Дизак эса аксинча, мўғул истибдодидан кейин тезда ўзини ўнглаб олади ҳамда марказий шаҳар ҳаёти ўз ўрни, яъни Ўрдада давом этади. Жиззах Ўрдасининг мудофаа истехкомлари билан ўраб олинган ҳудуди сўнгги ўрта асрларда 100 га. га яқин бўлган. Жиззахнинг муҳим ҳарбий стратегик макон сифатида бу даврларда яратилган ёзма манбаларда бот-бот тилга олиншининг асл сабаби ҳам шундадир.

Шундай қилиб, маълум бўладики, Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга ҳарбий юриши Ўтрордан бошланиб кейинги аҳоли пунктлари Зарнуқ ва Нур қалъаси (Нурота) бўлган. 1220 йилнинг феврал ойида мўғуллар Бухорони эгаллайдилар ва катта ўлжа ҳамда асирлар билан улар шу йилнинг март ойида Мовароуннаҳрнинг энг улуғ ва муҳим шаҳри Самарқандга яқинлашадилар. Шу ойнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг пойтахти,

Шарқнинг энг қадимий ва шавкатли шаҳарларидан яна бири Самарқанд жангари кўчманчилар томонидан босиб олинади ва ғорат қилинади. Шу тариқа 1220 йилнинг ёзида Чингизхон Нахшаб (Қарши)ни, кузида Амударё соҳилидаги Термизни босиб олади. 1221 йилнинг қиш фаслида Жўчи, Чигатой ва Ўқтой лашкарлари пойтахт Урганчни қамал қилдилар ва уни охир-оқибат босиб оладилар. Истилочилар кейинги юришларини Балх, Ҳирот, Марв ва Ғазна шаҳарларига уюштирадилар.

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, мўғул босқинчиларининг кейинги ҳарбий юришлари ҳам Жиззах воҳаси шаҳар ва қишлоқ, кентларига эмас, аксинча, Хуросон мамлақати ва ундан кейинги ўлкаларга йўналтирилган. Бу эса мўғуллар истилоси даврида Жиззах воҳаси шаҳарларининг (Дизак, Зомин, Сабат...) тақдири биз юқорида таъкидлаган воқеалар замирида ҳал қилингандек бўлиб кўринади.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Собрание сочинений. Т. I. – М., 1963.
- Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (V асрдан – XVI асргача). – Тошкент, 2004.
- Немцева Н.Б. Караванными дорогами Голодной степи // Вехи времен. – Ташкент, 1989.
- Пардаев М.Ҳ. Қалиятапа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ. 31-нашри. – Самарқанд, 2000.
- Пардаев М.Ҳ. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. авв. VII асрлардан – мил. IX-XII асрларга қадар) // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. – Гулистон, 2007.
- Пардаев М.Х., Пардаев А.Х. Джизакский оазис в эпоху позднего средневековья (по письменным и археологическим источникам) // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. – Самарқанд, 2000.
- Ҳайдаров Ҳ.Ҳ., Усмонов Қ.У. Жиззах тарихи (Жиззах шаҳри ҳақида тарихий лавҳа ва хотиралар). – Тошкент, 2009.

## ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ИНҚИРОЗИ БЎЙИЧА НЕМИС ОЛИМЛАРИНИНГ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИ

**Х. Б. Хуррамов**

Термиз давлат университети

Тарих фанида нафақат Окс, балки Қадимги Шарқ цивилизацияларининг инқироzi масаласи ҳам ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ. Тадқиқотчиларнинг умумий фикрларига қараганда, биз ўрганаётган цивилизациянинг энг гуллаган даври мил. авв. 2300-1800 йилларни ўз ичига олади. Кейинги даврларда, тахминан мил. авв. 1800-1500 йиллар давомида унинг емирилиш даври кечган. Сўнгги бронза даврида Бактрия ва Марғиёнада ўтроқлашган аҳоли ва Ўрта Осиёнинг шимолида ташкил топган Андроново дашт қабилалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кучайиши ҳамда бу қабилаларнинг Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларига кириб келиши, айрим ёдгорликлардан, қабристонлардан топилган археологик артефактлар Окс цивилизациясининг ижтимоий-сиёсий ҳолатларида, моддий маданиятида ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади (Франкфорт, 2005. С. 253).

Ҳ.П. Франкфортнинг тадқиқотларига кўра, Жанубий Ўрта Осиёда яйлов хўжалиги билан шуғулланадиган ўтроқ аҳоли шаҳармонанд цивилизацияси даражасигача ўсади, йирик суғориш тармоқлари асосида ривожланади, монументал меъморчиликка эга бўлган манзилгоҳлар шаклланади. Бой моддий маданият, кулоллик чархида амалга ошириладиган турли хил сопол ишлаб чиқаришдан ташқари, кўплаб олтин, кумуш, бронза, ярим қимматбаҳо юмшоқ тошлар ва суяклардан ажойиб санъат асарлари яратилади. Эрон, Месопотамия, Форс кўрфази ва Ҳинд водийси билан муқим иқтисодий ва маданий алоқалар, алмашувлар мавжудлиги туфайли бу маданият манзилгоҳларида юқори маданият кашф этилади ва кенг масофаларга ёйилди. Дафн маросимлари нисбатан барқарор бўлиб, қабрларга дафн этилган майитлар оёқ-қўллари ўнг ёки чап томонга эгилган ҳолда, букилган ҳолатда ётқизилган ва кўпинча сопол ва металл, тош, суяк ёки бошқа турдаги артефактлар билан бирга кўмилган (Франкфорт, 2003. С. 29).

Окс цивилизациясининг ривожланган босқичларида аҳолининг ижтимоий табақаланиш жараёнлари намоён бўлади, бу маълум жойларда олиб борилган қазилмалар кўлами туфайли кейинги даврга қараганда яхшироқ маълум бўлиб, иерархия мавжудлигидан далолат беради.

Окс цивилизациясининг аксарият йирик шаҳарларида монументал бинолар қолдиқлари мавжуд. Мудофаа деворлари лой ғиштдан кўтарилган бўлиб, улар тўртбурчак ёки айлана шаклда, одатда девор бўйлаб ва бурчакларида юмалоқ ёки квадрат шаклли миноралар қурилган (Дашли-3 “Ибодатхона”си ва “Сарой”, Сополлитепа, Жарқўтон, жанубий Гонур

“Ибодатхона” си ва шимолий Гонур “Сарой”). Бир қатор тадқиқотчилар ушбу биноларни маиший ва мудофаа мақсадларида қурилган, деб ҳисоблашса, баъзилари сарой ёки диний ибодатхона вазифасини бажарган, деб ёзишган. Ибодатхоналар протозардуштийлик билан боғлиқ равишда олов ибодатхоналари функциясини бажарган, деган фаразларни ҳам илгари суришади (Асқаров, Ширинов, 1993. С. 388).

Бироқ, бу бинолар атрофида топилган қуролларнинг камлиги, истехком деворларининг заифлиги бу фаразларнинг Франкфорт томонидан инкор этилишига олиб келди. Шунингдек, унинг фикрига кўра, диний функцияни ҳам қабул қилиб бўлмайди, чунки зикр этилган элементлар, масалан, пол ва деворлардаги оқ гипсли сувоқлар, илоҳий кул қатламлари, тош тўшалган хоналарнинг мавжудлиги ибодатхона, деб таърифлаш учун етарли далил бўла олмайди. Германия археология институти докторанти Элиза Луне фикрига кўра, ушбу монументал биноларнинг аксарияти маиший характерга эга бўлиб, худуд аҳолисининг иқтисодий манфаатлари учун хизмат қилган ва омборхона вазифасини бажарган, деб ҳисоблайди. У ўз фикрини давом эттириб, ушбу биноларни тураржой ва иқтисодий функцияга эга бўлган қалъа сифатида баҳолайди. Тадқиқот якунида Элиза Луне бу бинолар, шунингдек, ҳокимиятнинг ҳақиқий белгиси сифатида баҳолашиб, дабдабали хусусиятга эга бўлиб, бундай биноларни қуриш бир шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг бошқалар устидан ҳукмронлигини акс эттиради, деб хулоса чиқаради (Элиза Луне, 2013. С. 225).

Окс цивилизациясига тегишли бўлган қабрлар орасида баъзи дафн иншоотлари бошқаларидан монументаллиги, нарсаларга бойлиги билан ажралиб туради. Қабрларнинг аксарияти катакомба ёки оддий чуқур шаклида бўлса, бой қабрларнинг сони анча кам бўлиб, хом ғиштдан қурилган. Гонурнинг маълум миқдордаги қабрлари бой ашёларга кўшимча равишда туялар, отлар, қорамоллар ва итлар билан бир қаторда бир нечта арава ёки арава ғилдиракларининг кўшиб кўмилган ҳолатда топилиши В.И. Сариянидига бу иншоотларни умумий ном остида “қироллик некрополи” деб аташига сабаб бўлган.

Э. Луне эркаклар ва аёллар қабрларида мавжуд бўлган буюмларни қиёсий таҳлил қилиш орқали маълум дафн иншоотларни жинсига қараб тадқиқ этади. Аёллар қабрига сопол, металл буюмлар ёки қимматбаҳо материаллардан кўпроқ қўйилган ва баъзи турдаги ашёлар фақат уларнинг қабрларида учрайди. Масалан, металл ёки тош муҳрлар, терракота шаклдаги аёл ҳайкалчалари, хлорит ҳамда оқ оҳақтошдан ясалган зооморф ҳайкалчалар шулар жумласидандир.

Аксинча, эркаклар қабрларида, қуроллардан ташқари, Окс цивилизациясига хос бўлган тош ёки металл буюмлар, жумладан устунлар, тош ёки қўрғошин дисклари, тутқичли тошлар, тош таёқлар, қўрғошин ҳалқалар учрайди. Ушбу буюмларнинг функциясини аниқлаш учун бир нечта фаразлар илгари сурилган бўлсада, ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Бироқ, уларнинг ноёблиги, фойдаланилган материали ёки баъзи қисмларнинг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, қабрларда, кенотафларда, монументал биноларда ва оддий яшаш жойларида камдан-кам учраши сабабли уларни рамзий характерга эга деб аташ мумкин. Э. Крубезининг фикрига кўра, функцияси маълум бўлмаган буюмларни истисно тариқасида “обрў тимсоли” деб атаб, ижтимоий мақом белгилари сифатида кўриб чиқишни таклиф этади ва ижтимоий муносабатларни аниқлашда ёрдам беради деб ҳисоблайди.

Э. Луненинг фикрларига кўра, ушбу мақом белгилари эркаклар ва аёллар ўртасида ҳар хил бўлганлиги сабабли, икки жинс ўртасида иерархия мавжудлигини аниқлаб бўлмайди.

Аниқланган турли кўрсаткичлар жамиятнинг таркибий иерархияси мавжудлигини аниқ кўрсатади. Бироқ, бу иерархия даражасига фақат архитектура таҳлили билан ечим топиб бўлмайди, унинг жуда катта умумийлиги ёки қабрларнинг иқтисодий табақаланиши билан чегараланади, чунки қабрларнинг бойлиги ижтимоий мавқе ёки куч билан тўғридан-тўғри боғлиқликни англатмайди.

Окс цивилизациясининг пасайиш даврида, гарчи дафн маросимлари олдинги даврга нисбатан маълум бир барқарорликни таъминласада, кўпчилик майитлар ҳали ҳам катакомба ёки оддий чуқур шаклидаги қабрларга дафн этилганлиги сабабли тафовутлар сезиларли даражада ўзгармайди. Аммо, Э. Луне қабрлардаги манбаларнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан қашшоқлашганлигини таъкидлайди. Қабрларга қўйиладиган сопол миқдори камаяди ва қимматбаҳо материаллардан ясалган буюмларнинг аксарияти йўқолади. Қабрлар олдинги даврга нисбатан моддий бир хилликни кўрсатади. Эркак ва аёллар қабрларига қўйиладиган ашёларни тақсимлашга келсак, эркаклар қабрларида сопол ва металл буюмлар сонининг кўпайиши ва аёллар қабрларида уларнинг камайишининг кузатилиши билан вазият тескари томонга ўзгарганга ўхшайди (Элиза Луне, 2008. С. 131).

Дафн анъаналарининг хилма-хиллиги ҳам кузатилади, кремациялар пайдо бўлади. Бустон VI қабристонидан 230 та қабрдан 22 таси ёки 9,6% қабрлар кремация қилинган. Худди шундай, Жарқўтонда дафн қилишдан олдин скелетларнинг анатомик бузилганлиги қайд этилган (1%). Ўзбекистон жанубидаги йирик некрополлардаги кенотаф қабрларда лойдан ясалган антропоморфик ҳайкалчаларнинг учраши, Тожикистон жанубидаги айрим жойларда, масалан, Кангуртутда кенотаф қабрлар сони ортиб кетади.

Моддий маданият соҳасида энг эътиборга лойиқ ҳодиса ёдгорликларда тасвирий санъатнинг аста-секин йўқ бўлиб кетиш ҳолати юз беради. Эътироф этиш лозимки, сўнгги босқичларда олтин ёки кумушдан ясалган ашёлар маълум эмас. Олдинги даврларга хос бўлган пиширилган лойдан ясалган ҳайкалчалар ҳам ясалмай қолади, аниқроғи ғойиб бўлади. Маълум бўлган антропоморфик ҳайкалчалар - бу кенотафларда топилган хом лойдан ясалган ҳайкалчалардир. Ниҳоят, бу давр учун муҳрларнинг ҳам деярли йўқлигини таъкидлаш керак.

Фанда Окс цивилизацияси аҳолиси Жанубий Тожикистон ҳудудларини унинг емирилиш даврида эгаллаган деган қарашлар мавжуд. Аммо ёш немис олими Кай Каниут Гелот Маконимор, Учқун каби ёдгорликлардан топилган бир нечта қадимги даврларга тегишли сопол парчалари асосида, Вахш ва Кофирниҳон воҳаларининг ўзлаштирилишини якуний давр билан боғлаб бўлмайди ва бу ҳудудни ҳозирги тахмин қилинганидан кўра олдинроқ босиб олган, деб ҳисоблайди (Кай Каниут ва 2006. 81 б.).

Яна бир масала шундаки, ўрганилаётган цивилизация аҳолиси протозардуштийлик (оташпарастлик) динига, асосан оловга сиғинганлиги тўғрисидаги фаразни Элиза Луне қатъий рад этади.

Окс цивилизациясининг қадимги даврларида маълум бўлган муҳрларнинг, иконографик тасвирларнинг аста-секин йўқолиб кетиши бизга сўнгги даврлар жамиятининг ижтимоий-сиёсий тузилишини ўрганишда жуда қийинчилик туғдиради. Шундай бўлсада,

топилаётган манбалар асосида сўнгги бронза даврида от анча илоҳийлашган ҳайвон бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Отнинг энг қадимий тасвирларидан бири Шимолий Тожикистондаги Зарча Халифа қабристонида топилган от шаклидаги учлари ўткир бронза тўғноғич, шунингдек, Бўстон VI, Жарқўтондаги лойдан ясалган от бошлари ёки Намозгоҳтепада ифодаланган от тасвирлари шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Албатта, Окс цивилизациясининг юқори ва якуний даври ўртасидаги ижтимоий таққослаш меъзонлари жамиятдаги таркибий ўзгаришларни кўрсатиб беради. Ўрганилаётган цивилизациянинг ривожланган даврида кузатилган илк шаҳарларнинг йўқолиши - деурбанизацияни, яъни протодавлат тузилмаларини сақлай олмаганликларини кўрсатади. Охирги давр қабрларида камроқ кузатилган иқтисодий табақаланиш, шунингдек, бу даврда қурилган чинакам монументал иншоотларнинг йўқлиги илк даврга нисбатан ижтимоий тафовутларнинг ўзгарганлигини кўрсатади.

Ҳайкаллар, муҳрлар каби “рамзий нарсалар”нинг аста-секин йўқ бўлиб кетиши ҳам бу халқларнинг рамзий олами сўнгги даврларда ўзгаргани ва ривожланганига ўхшайди. Бу янги дафн маросимларининг пайдо бўлиши (кремация, кенотаф), кўпроқ отга қаратилган янгиланган иконографиянинг кириб келиши, янги қадриятлар белгилари ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотчилар бу ўзгаришларни, айниқса, рамзий ўзгаришларни, Ҳиндистон-Эрон популяцияларининг кириб келиши муносабати билан, бронза даврида жанубий Марказий Осиёда протозардуштийликнинг пайдо бўлиши билан боғлайдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, моддий маданият аҳолининг тил бирликлари масаласини белгиламайди ва у моддий қолдиқлар асосида намоён бўлмайди. Ажабланарлиси шундаки, бу муаллифлар Авесто матнларини ҳам бронза даври археологик манбалари (ибодатхоналар, аравалар ва бошқалар) билан, сўнгги даврларда пайдо бўлган кенотафлар, кремациялар билан боғлайдилар, чунки бу икки босқич ўртасида кузатилган моддий ашёлар белгиларидаги сезиларли ўзгаришлар бу фикрларнинг туғилишига асос бўлган.

Албатта, сўнгги даврларда Окс цивилизацияси ҳудудларида янги популяцияларнинг келишини инкор этиб бўлмайди. У ерда Ўрта Осиёнинг шимолидаги Андроново типидagi жамоалар билан боғлиқ кўплаб ашёлар топилган. Булар асосан шимолга хос бўлган янги ёдгорликлар, сопол буюмлардаги ўзгаришлар, металл буюмлар ва қабрларда намоён бўлади. М. Каттани тадқиқотларида Андроново жамоаларининг жанубий минтақаларда ижтимоий тузилиши, иқтисодий турмуш тарзи ёки жойлашуви бўйича янги маълумотлар мавжуд. В.М. Массонга кўра, миграция жараёнларини ўрганиш аслида мураккаб жараён бўлиб, узоқ вақт давомида бир нечта жамоалар ўртасида ривожланишнинг, ўсишнинг муҳим ҳодисалари билан, шубҳасиз, уларнинг кўчиши билан боғлиқдир. Шимолга хос жамоаларнинг моддий маданият қолдиқлари Окс цивилизацияси ёдгорликларидан унчалик узоқ бўлмаган алоҳида контекстларда ёки худди шу аҳоли пунктларидаги Бақтрия-Марғиёна маданиятлари билан бирлашган ҳолда пайдо бўлади (Виноградова, 1996. С. 29). Бу жараён Ўрта Осиёнинг жанубида, хусусан, Тожикистоннинг бир қанча манзилгоҳларида, яъни Бишкент ва Вахш маданиятлари каби янги маданий гуруҳларда кузатилади, бу босиб олиш ва “аккултурация” ҳодисалари билан боғлиқ кечган. Бунга Зарафшон водийсидаги Даштиқози некрополи ҳам мисол бўла олади, чунки у ерда икки аънананинг бирлашуви кузатилган. Негаки, маълум маданий хусусиятлар, яъни дафн маросими Окс цивили-

зацияси оламига тегишли бўлса, бошқалари (кулоллик, металл артефактлари) Андроново анъаналарига хосдир.

В.М. Массон тўғри таъкидлаганидек, Андроново популяцияларининг кириб келиши оммавий босқинчиликка эмас, балки ўрта бронза давридан бошланган доимий ва ҳар хил жамоаларнинг тўлқинли ҳаракатига тўғри келади (Массон, 1999. С. 265). Бу этник жараён Окс цивилизациясининг ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ва сиёсий ҳаётига тобора кучли таъсир этган. Аммо икки жамоа ўртасидаги бу ўзаро таъсирлар Окс цивилизациясининг сўнгги давридаги чуқур ўзгаришларни тушунтириб бериш учун етарли эмас.

Янги келган аҳоли Окс цивилизацияси билан ассимиляция бўлганми, бу янги сиёсий кучлар ҳокимиятни қўлга олишганми ва бу популяциялар Окс цивилизациясининг ижтимоий-сиёсий тузилмаларини беқарорлаштириш ва ўзгартиришда қай даражада рол ўйнаган, деган масала ҳозирги кун Ўрта Осиё археологиясининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳокимият, бошқарув шаклларидаги ўзгаришларни фақат моддий манбалар асосида англаш жуда ҳам қийин. Шунинг эса тутиш керакки, бу популяцияларнинг кириб келиши Марказий Осиёнинг жанубида аҳолининг этник жиҳатдан сезиларли даражада ўзгаришига олиб келмаган. Бундан ташқари, В.М. Массон жанг араваларида айланиб юрган жангчи зодагонлар бошчилигидаги жамоаларнинг кириб келиши ҳақидаги гипотезани талқин қилсада, алоқалар тинч характерга эга бўлган, деб ҳисоблайди. Бу бизга икки жамоа ўртасидаги мумкин бўлган ўзаро таъсирларни тахмин қилиш имконини беради, яъни бу жараёнлар тижорат алмашиш, никоҳ алоқаларининг умумий фаолиятда юз бериб, бу икки популяция яқинлигидан далолат беради.

Гарчи, Окс цивилизацияси ҳудудида андроноволиклар популяцияси излари тобора кўпайиб борсада, уларнинг моддий маданияти ҳеч қачон туб аҳоли маданиятининг ўрнини боса олмайди. Юқорида таъкидлаб ўтилган маданиятлар хилма-хиллигининг айрим ҳолатларидан ташқари, Бақтрия-Марғиёнада бу икки жамоа этник элементларини бирлаштирувчи манбалар миқдор жиҳатдан камлигича қолмоқда. М. Каттанининг фикрига кўра, андроноволиклар ва Окс цивилизацияси популяциялари ўртасидаги ассимиляциялар маданий ўсиш ғоясини қўллаб-қувватламайди (Каттани, 2008. С. 133).

Бироқ, бир жамоанинг иккинчи жамоага маданий таъсири моддий маданиятда туб ўзгаришларга олиб келмасада, маълум даражада моддий, мафкуравий, ижтимоий, сиёсий ёки иқтисодий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Элита даражасига эришган ҳокимиятни эгаллаб олиш, янги раҳбарлар янги қадриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, сўнгра ушбу сиёсий ҳукмронликни қонунийлаштиришнинг янги рамзий тизимини қўллашни назарда тутиши мумкин. Буларга ҳинд-эрон ёки ҳинд-орий тилида сўзлашувчи гуруҳлар қирадимиз? Андроново популяцияларининг ҳинд-эрон ёки ҳинд-орий тилида сўзлашувчи популяцияларга мансублиги нафақат аниқланмаган, балки бу хилма-хил гуруҳларнинг лингвистик ўзига хослиги ҳамон муҳокама қилинмоқда. Фақатгина Ҳ.П. Франкфортнинг мил. авв. 1500-1400 йиллардан кейин дашт ва воҳаларнинг эронлашишини ҳисобга олган ҳолда, бу тил гуруҳларида сўзлашувчиларнинг мавжудлиги ҳақидаги талқини жуда ишончли фараз бўлиб қолмоқда.

Ушбу ўзгаришларнинг усуллари қандай бўлишидан қатъий назар, ҳозирда ҳеч нарса андроновлик популяцияларни мил. авв. 1800 йилдан бошлаб Окс цивилизациясида содир бўлган таркибий ўзгаришлар учун сабабчи, деб белгилашга имкон бермайди. Шунинг учун уларни ушбу цивилизация ҳудудида ўрнатилган ҳокимият ва сиёсий тузилмаларнинг янги эгалари деб, ҳисоблаш мумкин эмас, лекин бу ҳолатни инкор этиб ҳам бўлмайди.

Окс цивилизациясининг ривожланишида асосий омил сифатида тан олинган сабабларнинг таҳлили диахроник нуқтаи назардан шуни кўрсатадики, иерархияга асосланган жамият мил. авв. III минг йиллик охиридан бошлаб мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаригача бўлган даврда кучлироқ кузатилади. Сўнгги даврда ижтимоий иерархияларнинг заифлиги ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсада, жамиятдаги фарқларни аниқлашнинг асосий мезонлари йўқлиги ёки кузатилаётган номувофикликлар туфайли аниқ кўринадиди, ривожланган даврда маълум бўлган бошқарув жамиятнинг якуний босқичида сусаяди. Бақтрия-Марғиёна жамиятидаги автохтон гуруҳларнинг салмоғи ортиб бораётганига қарамай, сиёсий ўзгаришлар моддий маданиятда сезилмайди. Содир бўлаётган жараёнлар маълум бир элитага ҳам таъсир қилган бўлиши мумкин ва Окс цивилизациясининг рамзий олами ҳамда сиёсий тузилмаларининг ўзгаришига олиб келган. Сўнгги бронза даврида кўчманчиларнинг таъсири тасодифий ва оқибатларсиз бўлиши ҳам мумкин эмас, балки Окс цивилизацияси эволюциясида муҳим рол ўйнаган.

Шундай қилиб, германиялик олимларнинг тадқиқотларига кўра, Окс цивилизациясининг эволюцияси икки, яъни ривожланиш ва емирилиш даврларига бўлинган. Емирилиш даврида Қадимги Шарқ маданияти марказлари билан маданий ва иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлиги, Андронов маданияти билан эса нафақат алоқалар, балки этник қоричувлар жараёни юз берганлиги таъкидланган. Натижада, шимолий халқларнинг маъданий таъсири кучайганлиги кўрсатиб ўтилган. Цивилизациянинг пасайиш даврида моддий маданият турларининг кескин камайиб бориши, уларнинг тайёрланиш сифати ҳам пасайганлиги қайд этилган. Этник қоричувлардан дарак берувчи – янги қабр турларининг, кремацияларнинг пайдо бўлганлиги ҳам тадқиқотчиларнинг эътиборидан қолмаган.

Германиялик қадимшуносларнинг умумий фикрига кўра, Шимолий халқлар билан қанчалик маданий алоқалар кучаймасин, бу алоқалар Окс цивилизациясининг ҳалокатига асос бўла олмаган, деб ҳисоблайдилар. Албатта, бу қарашлар билан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин эмас, Ўрта Осиё халқлари тарихи фанида Окс цивилизациясининг инқирози масаласи очик қолади ва янги тадқиқотларни кутади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Francfort H. P.** La civilisation de l'Oxus et les Indo-Iraniens et IndoAryens, dans G. Fussman, J. Kellens, H.-P. Francfort et X. Tremblay (éds.), *Aryas, Aryens et Iraniens en Asie Centrale*, Diffusion de Boccard. –Paris, 2005.
- Francfort H. P.** La civilisation de l'Asie Centrale à l'Âge du Bronze et à l'Âge du Fer, dans O. Voprearchchi, C. Landes et C. Sachs (éds.), en collaboration avec N. Cayzal et F. Millet, *De l'Indus à l'Oxus. Archéologie de l'Asie centrale. Catalogue de l'exposition. Association IMAGO-Musée de Lates*, 2003.

- Аскарлов А. А.** Широинев Т. Ранняя городская культура эпохи бронзового юга Средней Азии. – Самарканд, 1993
- Sarianidi V. I.** Temples of Bronze Age Margiana : traditions of ritual architecture, *Antiquity*, 68 (259). 1994.
- Luneau E.** Les mutations sociopolitiques de la période finale de la civilisation de l’Oxus (asie centrale, âge du Bronze) : quels indicateurs de changements, 2013.
- Luneau E.** Tombes féminines et pratiques funéraires en Asie centrale protohistorique. Quelques réflexions sur le « statut social » des femmes dans la civilisation de l’Oxus, *Paléorient*, 34.1. 2008.
- Kaniuth K., Teufer M.** et Vinogradova N.M. Neue bronzezeitliche Funde aus Südwest-Tadžikistan, *Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan*, 38. 2006.
- Vinogradova N. M. et Kuzmina E. E.** Contacts between the Steppe and Agricultural Tribes of Central Asia in the Bronze Age, dans F. T. Hiebert et N. di Cosmo (éds.), *Between Lapis and Jade. Ancient Cultures of Central Asia, Anthropology and Archaeology of Eurasia*, Sharpe, New-York, 1996.
- Массон В. М.** Древние цивилизации востока и степные племена в свете данных археологии. *Stratum Plus*. №2. 1999.
- Catani M.** Te Final Phase of Te Bronze Age and the “Andronovo Question” in Margiana, dans S. Salvatori et M. Tosi (éds.), *Te Bronze Age and Early Iron Age in the Margiana Lowlands. Facts and Methodological Proposals for a Redefinition of the Research Strategies. Te Archaeological Map of the Murghab Delta Studies and Reports vol. II*, Oxford, Archaeopress, 2008.

## **MOVAROUNNAHR ZIROATCHILIGINI O'RTA ASR YOZMA MANBALARIDA AKS ETISHI**

**D. R. Badirdinov**

Milliy arxeologiya markazi

Buyuk Ipak yo'li insoniyat rivojlanishi, uning birlashuviga hamda madaniy qadriyatlar bilan almashishiga, mahsulotlarni sotish uchun bozorlarga erishishga intilishning o'ziga xos hodisasidir. Harakatlanish bu hayotdir, sayohat qilish, jahongashtalik doimo taraqqiyotning harakatlantiruvchi kuchi bo'lgan. Insoniyat tarixida eng ulkan bo'lgan ushbu qit'alararo savdo yo'li Yevropa va Osiyoni bir-biriga bo'g'lab, o'tmishda antik Rim davlatidan Yaponiyaning qadimgi poytaxti Nara shahrigacha cho'zilgan edi. Bu savdo yo'li paydo bo'lmasidan avval ham ko'hna tarixda qadimiy yo'llar va savdo yo'nalishlari mavjud edi, bu yo'llar keyinchalik Buyuk Ipak yo'lining tarkibiy qismiga aylangan. Markaziy Osiyodan G'arbga va Janubga o'tkazilgan karvon yo'llarini hamda Chin yurtidan Sharqiy Turkistonga olib boradigan yo'llarni o'zaro bog'lab bergan Buyuk Ipak yo'lining haqiqiy boshlanishini tarixchilar eramizdan avvalgi II asrning o'rtalarida deb hisoblaydilar. O'sha davrda chinliklar uchun ilk bora G'arb o'lkalari, Markaziy Osiyo davlatlari kashf etilgan edi.

Bu yo'lda savdo rivojlangan paytlarda faqat ipak yoki choy emas, ular bilan bir qatorda o'simliklar, mevalar, ziravorlar va tuz ham savdoning muhim mahsuloti hisoblangan. Ipak Yo'li rivojlangan savdo yo'liga aylangan paytlarida bu yo'l orqali dunyoning turli hududlaridagi bozorlarga meva, sabzavot va ziravorlar kirib borgan. Bu kabi mahsulotlarning kirib borishi esa ularning taomnomasi va oshxonasining sezilarli darajada o'zgarishiga olib kelgan.

Shu o'rinda aytib o'tish kerakki, yurtimiz hududi Ipak yo'li savdosi kesishmasidagi muhim joyda joylashganligi bois, bu hudud mahsulotlari, xususan, paxta, ho'l va quruq mevalar, poliz ekinlari, dukkaklilar, don mahsulotlari ham savdo-sotiq orqali dunyoning turli burchaklarigacha yetib borgan. Shundan bilish mumkinki, hududda qadimdan turli xil meva va poliz ekinlari yetishtirilgan.

O'rta Osiyoda turli mevalarning qadimgi davrlardan beri yetishtirib kelinayotgani ham qadimiy yozma manbalarda, ham arxeologik topilmalar asosida bir necha bor tasdiqlangan. Xitoy elchisi Chjan Szyan Farg'ona vodiysiga kelganida bu yerda uzumchilik va shu asosda sharobchilik yuksak rivojlangani, keyingi davrda esa Mug' qal'asidan topilgan sug'diy hujjatlarda arpa tijorati, nihoyat E. Sheferning Tang imperatori saroyida O'rta Osiyo, xususan, Samarqanddan keltirilgan turli mevalar va ular orasida maxsus bir shaftoli turining xitoyliklar tomonidan e'zozlanganini barcha biladi (Шефер, 1981. С. 161-166).

Olimlarimiz tomonidan olib borilgan tekshirishlar O'rta Osiyo bog'larida eramizdan ming yil oldin ham o'rik, shaftoli, olxo'ri va shunga o'xshash mevali daraxtlar bo'lganini ko'rsatadi

(Махмудов, 1966). XII-XIII asrlarga kelib bog‘dorchilik juda ham ilgarilib ketgan. Mug‘ tog‘idagi qasr xarobalaridan topilgan olcha, shaftoli, o‘rik danaklari, uzum qoldiqlari, olma urug‘lari fikrimizga dalil bo‘la oladi (Данилевский и др. 1940. С. 479). IX-X asrlarda esa arab xalifaligi hukmronlik qilgan barcha hududlarda ham mevalar yetishtirish avj olgan. Ularda ayniqsa, uzum yuqori baholangan. Shu bilan birga tarvuz, qovun, olma, anor, limon va boshqa mevalar ham qadrlangan (Адам Мец, 1966. С. 337-339). Bog‘dorchilikning eng gullagan davri Temur va temuriylar davriga to‘g‘ri kelsa kerak. Bu davrda bog‘larda yetishtirilgan poliz ekinlari, mevali va manzarali daraxtlarni, gullarni xillari haqida aniq ma‘lumotga ega emasmiz. Lekin soha bo‘yicha kitoblarda berilgan qisqagina ma‘lumotlar va miniatyuralarda aks ettirilgan bog‘ ko‘rinishlarini (undagi daraxtlar va gullar) o‘rganib, bog‘lardagi o‘simliklar bilan tanishish imkoniga ega bo‘lamiz. Amir Temur davrida bog‘larda mehmon bo‘lgan Ispaniya elchisi Klavixo, bog‘larda mevali daraxtlar ko‘pligini, shuningdek, alohida uzumzor maydonlari bo‘lganligini, saroy favvoralarida qizil olmalar balqib turganligini va nonushta vaqtida dasturxonga qovun, uzum, shaftoli, olma va shu kabi boshqa mevalar qo‘yilganini yozadi (Клавихо, 1990. 248-252 б.). Saroy xarobalarida olib borilgan qazish ishlarida ham juda ko‘plab shaftoli danagi topilgan.

Sharafiddin Ali Yazdiy o‘z asarida Samarqandda juda ko‘p xilma-xil mevalar yetishtirilganligi to‘g‘risida yozib, ulardan eng yaxshi navlari nomlarini eslatib o‘tgan. Bular jumlasiga olma (sebi surx, gulobi, abadi, ashkavona, kamzak), o‘rik (arusak, mamuri), shaftoli (xossasi dona, shirin), olxo‘ri (olui surx), tut (tuti bedona), anor (anori xukka), nok (munakid, sharbati, naboti) va pista (Яздий, 1994. 293-294 б.) kabi mevali daraxtlar kiradi. U yana bu yerda o‘stirilgan uzumni ham sanab o‘tadi, ulardan shakar angur, sohibi, husayni, lali, yakdona kabi navlarining nomlari keltirilgan. Bu davrlarda Hirot bog‘larida uzumning yuz xil turi yetishtirilgan. Zahiriddin Muhammad Bobur ham uzum, qovun, olma, anor kabi mevalar yaxshi bo‘lishini aytib o‘tgan (Бобур, 1960. 60 б.). Umuman olganda, bu davrda faqat Samarqand yoki Hirotgina emas, balki O‘rta Osiyoning barcha shaharlarida ham mevali daraxtlar yetishtirish muhim rol o‘ynagan. Ayniqsa, Buxoro olxo‘risi, Xo‘jakent anori, noki, bodomi bilan mashhur bo‘lgan. Zayniddin Vosifiy ham o‘sha davrda Toshkentda yetishtirilgan uzum, tarvuz, qovun, anor, olma, behi, anjir navlarini eslab o‘tadi (Восифий, 1979. 66-68 б.).

XIV-XV asrlarga kelib bog‘dorchilik sohasidagi bunday yuqori natijalarga ba‘zi bir Uzoq Sharqdagi davlatlari, Shimoliy Hindiston, Eron, Iroq va G‘arbiy Yevropaning rivojlangan davlatlarigina erishgan edilar. Ular ichida O‘rta Osiyo bog‘lari eng e‘tiborli o‘rinlarda turardi. Bu o‘rinda Samarqanddagi bog‘dorchilik ishlariga alohida e‘tibor berish kerak. 2 ming yildan oshiqroq tarixga ega bo‘lgan Samarqandning ko‘rkamligi, geografik jihatdan qulay joylashgani, muhim savdo markazi bo‘lganligi, shuningdek, tabiiy boyliklarining ko‘pligi, sersuvligi, orombaxsh iqlimi, madaniyat o‘chog‘i bo‘lganligi va boshqa xususiyatlari barchani maftun etib kelgan. Bu ko‘hna shahar bosqinchilar tomonidan bir necha marta vayron qilinishiga qaramasdan rivojlanishda davom etgan.

XIV asrga kelib, ayniqsa, Samarqand poytaxt sifatida e‘lon qilingandan so‘ng shahar hayotida jiddiy o‘zgarishlar sodir bo‘ldi. “Haqiqatda ham XIV asrning oxirlarida, - deb yozadi taniqli san‘atshunoslardan G.A. Pugachenkova va L.I. Rempel – Movarounnahr Yaqin va O‘rta Sharq ijodiy kuchlarining bosh markaziga aylangan, san‘atida yangi yo‘nalishlar paydo bo‘lgan edi” (Пугаченкова, Ремпель, 1965).

Zahiriddin Muhammad Boburning 1483-1530-yillar orasida yozilgan “Bobur xotiralari” yoki “Boburnoma” asarida shunday deyilgan: “Uzum, qovun, olma va anor mevalari, albatta, Samarqandda yaxshi. Uning ikki mevasi - olmasi va uzumi mashhur. Uning qishi juda sovuq, qor yog‘adi, ammo Qobulda bo‘lgani kabi emas, issiqda uning iqlimi yaxshi, ammo Qobuldagi kabi unchalik yaxshi emas”.

Bobur o‘n beshinchi va o‘n oltinchi asrlarda O‘rta Osiyoda yetishtirilgan ajoyib mevalar va yong‘oqlarni maqtagan. U qovun navlari va o‘ziga xos olma navlarining shirinligini ta’kidlaydi. Afg‘onistonning markazidagi Qobulni muhokama qilar ekan, u “Qobulning sovuq tumanlari mevalari - uzum, anor, o‘rik, shaftoli, nok, olma, behi, jubub, baqiriq, bodom va yong‘oq haqida gapirib o‘tib, ularning barchasini mo‘l-ko‘lligini aytib o‘tadi”. Boburning nabirasi, Nuriddin Muhammad Jahongir (1569-1627) ham O‘rta Osiyoning lazzatli mevalarini yuqori baholagan. U o‘z tarjimai holida o‘sha davrning siyosiy tarixini bayon qilar ekan, Samarqand viloyatidagi kabi shirin o‘rik, shaftoli, qovun va olma, shuningdek, guruch, tariq va bug‘doy yetishtirishni muhokama qiladi. Ijtimoiy uchrashuvni eslab, u “bitta laganda ularga ko‘plab mevalar - Badaxshon va Qobuldan qovunlar, Samarqand va Badaxshondan uzum, Kashmir, Qobul va Jaloloboddan olma olib kelishgan. Jahongir Qobuldagi olma samarqandliklarnikiga qaraganda ikkinchi darajali deb maqtaydi va u shunday deydi: “Men shu paytgacha bunday nozik va mazali olma ko‘rmagan edim (Jahangir, 1909-1914 [1569-1627]. Memoirs of Jahangir (Tuzke-Jahangiri).

Gonsales de Klavixoning ta’kidlashicha, Movorounnahrda bog‘lar, dehqonchilik hududlari murakkab suv o‘tkazgich tizimi bilan sug‘orilgan. Temuriylar kelguniga qadar Qoraxoniylar davridagi eng muhim yutuqlardan biri cho‘llarda sug‘orish tizimini rivojlantirish va dehqonchilikning kengayishi edi. Bunga eng yaxshi ma’lum bo‘lgan misol – Qozog‘iston janubidagi Taraz mintaqasida qazilgan yuz kilometrli kanalni aytib o‘tish mumkin (Karev, 2013. P. 99-147 ). Abu Bakr Muhammad ibn Jafar Narshaxining “Buxoro tarixi” asarida milodiy 940-yilda Somoniylar elitasining farovon istiqomat qilishi va markaziy qal’ada yashab turgan hayot tarzi tasvirlangan. Shuningdek, shaharda minglab do‘konlar borligi, shahar devorlari yonida sabzavot sotuvchilar, ularning yonida pista sotadiganlar va o‘z hududlarida ziravorlar savdogarlari borligi qayd etilgan. Butun shahar devor bilan ajratilgan tumanlarga bo‘lingan (Golden, Peter; 2011. P. 113-117 ). Movorounnahr markaziy shaharlari va uning atrof hududlari o‘sha davrlarda ham ko‘rkam bahavo joylar bo‘lganligini aynan shundan ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi. Yillar davomida dehqonlar va bog‘bonlar bu ishlarning ustasi bo‘lib ketishgan.

Xulosa o‘rnida aytib o‘tish kerakki, vatanimiz hududi qadimgi sivilizatsiyalar markazlaridan biri bo‘lganligini hisobga olsak, bu hududda dehqonchilik, bo‘g‘dorchilik, savdo va hunarmandchilik kabi sohalar rivojlangani aniq, o‘rganishlar natijasida bunga guvoh ham bo‘lmoqdamiz. Bog‘dorchilik va dehqonchilik sohalarini o‘rganishda tarixiy manbalar bilan bir qatorda arxeologik topilmalarga tayangan holda tadqiq etish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

**Шефер Э.** Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М., 1981.

**Махмудов Н.** Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии в XIV-XV вв. – Душанбе, 1966.

- Данилевский В. В. и др.** Исследование растительных остатков из раскопок Согдийского замка VIII века на горе Муг в Таджикистане. Труды Таджикской базы АН СССР. Том VIII. – М., 1940.
- Адам Мец.** Мусульманский ренессанс. М., 1966.
- Клавихо Р. Г.** Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). М., 1990.
- Шарафиддин Али Яздий.** Зафарнома. – Тошкент, 1994.
- Захириддин Мухаммад Бобур.** Бобурнома. – Тошкент, 1960.
- Зайниддин Восифий.** Бадое ул-вақое. – Тошкент, 1979.
- Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И.** История искусство Узбекистана с древнейших времён до середине двенадцатого века. – М., 1965.
- Jahangir.** 1909-1914 [1569-1627]. The Tuzuk-i-Jahangiri: Memoirs of Jahangir (Tuzke-Jahangiri). Translated by Alexander Rogers and Henry Beveridge. London: Royal Asiatic Society.
- Karev Y.** “From Tents to Cities: The royal court of the western Qarakhanids between Bukhara and Samarkand.” In *Turko-Mongol Rulers, Cities and City Life*, edited by David Durand-Guedy. Boston: Brill, 2013.
- Golden, Peter B.** *Central Asia in World History*. Oxford: Oxford University Press, 2011.

## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДАГИ АЙРИМ ТАРИХИЙ ЖОЙ НОМЛАРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР (ЯНГИОБОД ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Қ. Алманов

Гулистон давлат университети

Жиззах воҳасининг қадимий аҳоли масканларидан бири бўлмиш Совет бугунги Янгиобод тумани ҳудудида жойлашган тарихий масканлардан биридир. Бу туманнинг чегаралари ғарб томондан Ховос тумани, жанубдан ва жануби-шарқдан Тожикистон Республикасининг Зафаробод тумани, жануби-ғарбдан эса Жиззах вилоятининг Зомин туманлари билан қўшни ҳисобланади. Шунингдек, бу ҳудуд Ховос тумани билан бевосита алоқадорлика эга. Жиззах вилоятидаги Янгиобод тумани билан ҳам тарихий, ҳам ҳудудий жиҳатдан яқинликка эга бўлган Ховос тумани ҳудудларида шу каби аҳоли масканлари бугунги кунда ҳам мавжуддир. Аслида бу жой 1999 йил 15 апрелгача Сирдарёдаги Ховос туманининг таркибий бир қисми бўлиб, шу санадан бошлаб Жиззах вилояти таркибига ўтказилиб, Янгиобод тумани ташкил этилган.

Ўрта асрларда кўпинча Баландчақир деб номланиб (буни маҳаллий аҳоли томонидан Янгиобод тумани аҳолисининг умумий ном билан “баландчақирликлар” деб аташи ҳам тасдиқлайди - муаллиф), бир қатор тарихий аҳоли масканларини ўз ичига олган ушбу ҳудуд аҳолиси қўшни чўл ҳудуд бўлган Мирзачўл воҳасининг жануби-шарқий ҳудудларидаги этномаданий жараёнларда фаол иштирок этган. Айниқса, Совет (қадимги Сабат), Хўжамушкент, Сармич, Ховотоғ каби қишлоқлар аҳолиси бугунги Ховос, Боёвут туманларидаги кўп асрлар олдин ўtroқлашган маҳаллий аҳоли билан этномаданий жиҳатдан анчагина яқинликка эга. Туманда Ховос, Совет, Сармич, Варқин, Паркат, Чаканд, Намингон, Жулангар каби суғдий жой номлари билан бирга Баёт, Мўғол, Тўқбой, Эрганакли, Уювли, Пучуғой деган туркий этнотопонимлар ҳам учрайди. Бу номларнинг ўзига хос пайдо бўлиш тарихи бор. Шунингдек, ушбу туманда Баландчақир, Хўжамушкент, Ховотоғ каби туркий-форсий аралаш қадимий топонимлар мавжуд. Демак, Жиззах воҳасининг шимолий-шарқий ҳудудлари топонимикасида бу каби суғдий, туркий ва туркий-форсий жой номлари учраши қадим ва ўрта асрларда бу ҳудудда кечган тифиз этномаданий жараёнлар билан боғлиқдир. Туманда Хўжамушкентбобо, Рустамбобо, Сайидон Азиз, Чангаул каби тарихий зиёратгоҳларнинг борлиги ҳам бу ҳудуднинг қадимий аҳоли масканларидан бири бўлганлигини тасдиқлайди.

Қуйида Янгиобод тумани қишлоқлари билан боғлиқ аҳоли масканларига тўхталиб ўтамиз.

1. Ховотоғ – Янгиобод туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бирининг номи. Шу ўринда мамлакатимизда ушбу топонимга бирмунча яқин “ховоти” этноним борли-

гини айтиб ўтиш зарур. “Ховоти” – XX асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган этнологик изланишлар жараёнида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманига қарашли Алмати қишлоғи аҳолиси ўзларини ўзбекларнинг ховоти уруғига мансуб деб билишган (Жўраев, 1997. 3-4 б.).

2. Сармич - Янгиобод туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бирининг номи. Шунингдек, Сирдарё вилояти Боёвут туманида Сармич номи маҳалла фуқаролар йиғини бор. Мирзачўлга яқин бўлган ҳудуд – Нурота тоғларида қадимий қоя тасвирларга бой Сармишсой дараси номи ҳам ушбу топоним билан ўхшаш жиҳатларга эга. Бир қатор тадқиқотчилар фикрича, гарчи ушбу топоним қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларида тилга олинмаган бўлсада, қадимги уструшонликлар тили – суғдий тилга хос Сармич ва Сармишсой топонимлари воҳанинг қадимий аҳолиси билан алоқадордир. Бугунги Боёвут ва Янгиобод туманлари, Нурота тоғлари тарихан қадимги Уструшона тарихий-географик ўлкаси билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, бу тахминда жон борга ўхшайди. Шу ўринда илк ўрта асрларга тегишли суғд ёзувли Уструшона тангалари (Смирнова, 1981 С. 32-35, 324-333) орасида ҳукмдор исми сифатида Чирдмиш сўзи учрашини ва у билан Сармич, Сармиш топонимлари орасида қандайдир даражада ўхшашлик борлигини айтиб ўтиш керак. Сармич қишлоғи, асосан, қарлуқ шеvasида, қисман эса қипчоқ шеvasида сўзлашадиган ўзбек аҳолисидан иборат

3. Совет - Янгиобод туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бирининг номи. Мирзачўл воҳасида бир қатор аҳоли масканларининг Совет, Советобод (Боёвут тумани) номлари билан аталиши тарихий Уструшонанинг шимолий қисмидаги қадимги Сабат ёки Собот деб аталган географик мавзе билан боғланади. IX-XI асрларда Ўрта Осиёга ташриф буюрган араб ва форс географлари асарларида “Собот минтақадаги йирик аҳоли масканларидан бири - шаҳар” сифатида тилга олинади (Ибн Ҳавқал, 2011. 168 б.). Уструшонанинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Зомин билан Собот орасидаги масофа 2 ёки 3 фарсах бўлган. Тадқиқотчиларга кўра, Собот шаҳрининг харобалари Эски Сават қишлоғидан 3 ёки 4 км жануби-ғарбда Хўжамушкентсой бўйида жойлашган бўлиб, Култепа номи билан аталади (Грицина, 1992. С. 29-32).

XX – XXI асрлар оралиғида Совет аҳолисининг бир қисми Боёвут туманига кўчиб, бу ерда ўзларининг Советобод қишлоғига асос соладилар. Совет аҳолиси ўзбек тилли бўлиб, қарлуқ шеvasида сўзлашадилар.

3. Жулангар – Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги қишлоқ. Ўзбеклардан иборат бўлган ушбу қишлоқ аҳолиси ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасида сўзлашадилар. Шу қишлоқдан 3 чақирим масофада Олмачи овули жойлашган. Овул аҳолиси ўзларини юз уруғи “парча-юз” тармоғининг “олмачи тўпи” деб ҳисоблайдилар. Бироқ ушбу овул аҳолисининг тил хусусиятлари юз (жуз)ларнинг кўпчилиги сўзлашадиган қипчоқ шеvasида эмас, балки қарлуқ лаҳжасида сўзлашадилар. Бу ҳолатни атроф қишлоқлар аҳолисининг кўпчилиги қарлуқ лаҳжасида сўзлашишлари билан боғлаб тушунтириш мумкин. Шу билан бирга, айнан олмачи номи билан аталадиган аҳоли гуруҳи Жиззах вилоятидаги айрим қишлоқлар ва унга қўшни бўлган Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Гинчлик МФЙ Ёшлар қишлоғида ҳам истиқомат қилиб, улар қипчоқ шеvasида сўзлашадилар. Олмачи тўпининг ҳар иккала қишлоғида аҳоли сўзлашувида кучли фарқлар кўзга ташланади (муаллиф).

Жулангар топоними чамаси суғдийча жуй+лангар, яъни жу, жуй “арик” ва лангар “кар-вонсарой, ғарибхона” маъноларини билдиради (Қораев, 2005. 123 б.).

4. Чаканд – Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Дўстлик МФЙ такрибидаги қишлоқ номи. Асосан тоғли ҳудудда жойлашган ушбу қишлоқ аҳолиси тожик тилида сўзлашувчи қадимий манзиллардан бири ҳисобланади. Ўзига хос урф-одатларга эга бўлган чакандиликларнинг бир қисми вилоятдаги Сирдарё тумани маркази – Сирдарё шаҳрига кўчиб келиб, ўзларининг алоҳида маҳалласига асос солишади. Бу қишлоқда тожик этносининг “варғин” уруғи вакиллари истоқомат қилиши дала этнографик тадқиқотларимизда маълум бўлди.

Қизиғи шундаки, қўшни бўлган Ховос, Бјёвут, Бекобод туманилари ўзларини ўзбекларнинг юз (сарт-жуз, парча-юз, тўқбой), уяс, қўштамғали, найман, уювли (ойувли), қорасийроқ каби аҳоли вакиллари яшаб, ушбу этнонимлар асосида туманда бир қатор этнотопонимлар пайдо бўлган (Қораев, 2005. 148-149, 151, 154 б.). XIX – XX асрнинг бошларигача Бекобод ва Мирзачўл оралиғида асосан чорвачилик билан шуғулланиб, ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирган ушбу аҳоли гуруҳлари тўлиқ ўтроқ ҳаётга ўтишган. XX асрнинг илк чорагига тегишли статистик маълумотларга кўра, ушбу ҳудудлардаги Беговот, Қўштамғали, Уяс, Қирқтол, Боёвут ва бошқа қишлоқларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли 550 десятинагача бўлган ҳудудда дехқончилик қилишган (Станишевский, 1981. С. 58-59; Алибеков, Маматов, 2016. 101-102 б.). Мирзачўл воҳасининг аҳолисининг бир қисмини қозоқлар ташкил этиб, улар воҳанинг шимоли-ғарбий қисмидаги асосан чўл ва дашт ҳудудларида, хусусан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани, Жиззах вилоятининг Гагарин, Дўстлик ва Арнасой тумани ҳамда Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти (собиқ Жанубий Қозоғистон вилояти)нинг Жетисой ва Шардара (Чордара) туманларида яшаганлар. Мирзачўл хўжалик турмушида туячилик кенг ўрин тутган қозоқ аҳолиси ўзбеклар билан яқин этномаданий алоқада бўлган.

Маълумки, XIX аср охирида Жиззах воҳасидаги Мирзачўл ҳудуди Самарқанд вилояти Хўжанд уездига қарашли бўлиб, асосан у Сават ва Иржар (Эржар) волостларидан ташкил топган эди. Сават волостида маҳаллий аҳолидан асосан ўзбеклар, Иржар волостида эса қозоқлар истиқомат қилишган “Николай – 1” ариғи уларни ажратиб, чегара вазифасини ўтаган. Бироқ ҳар иккала миллат дўст биродар бўлиб яшаган. Иржар волостида яшаган қозоқлар кўнғирот (қоракўса) ва рамадон уруғларига бўлинган (Мирзаева, 2013. 15 б.).

Жиззах воҳасида қозоқлар ҳам аста-секин дехқонларга айланиб, чорвачилик уларнинг ёрдамчи хўжалиги бўлиб қолади. Уларнинг айримлари хусусий ер майдонларига эга бўлган бўлса, бошқалари ерни ижарага олиб ишлашган ёки ижарачиларга ёлланиб ишлашган. Дехқончилик билан шуғулланаётган қозоқлар ўтроқлашиб қолади. Иржар волостида яшаган қозоқлар 3 та уруғга мансуб бўлиб, ўзларининг келиб чиқишига кўра турли гуруҳларга бўлинишган. Кўнғирот ота уруғидан ўрозгелди ва қоракўса уруғига қоржов, бўлтай, халпе, жетим тармоқлари ташкил топган эди. Улар, ўз навбатида, 3 та жамоани ташкил қилган: ақчўрин, кўкчеган, оққум тўплари.

Шунингдек, қозоқ-рамазонлар (Хожас) Оқтўбе, Хожас ва Алтай овуллари ўз таркибига киритган Оқтўбе жамоасини ташкил этганлар. Кўкчеган жамоаси Ўрта Осиё темир йўлидан жанубда яшовчи ўразгелди уруғининг Қоржов ва Батикей овулларида иборат

бўлган. Оққум жамоасига Алчи овули ва шу уруғга тегишли Елгелди ва Жилгелди бўлимлари кирган эди (Эрбўтаева, 2011. 117-120 б.).

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг кўпчилик вилоятларидан бирмунча фарқли ҳолда Жиззах воҳасининг шимолий чўл худудлари бўлган Мирзачўлда, хусусан, унинг топонимикасида этнотопонимлар нисбатан камчиликни ташкил этади. Бу ҳолат биринчидан, худудда аҳоли масканларининг нисбатан камлиги ва уларнинг кўпчилиги асосан XX асрда ташкил этилганлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, эса воҳада янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан аҳолининг кўчириб келтирилиши ва улар аралаш яшовчи янги аҳоли масканларининг ташкил этилиши жараёнида ўз даври талабларидан келиб чиққан ҳолда жой номларининг шакллантирилиши воҳада тарихий номларнинг нисбатан кам бўлишига олиб келди.

Шунга қарамай, Янгиобод тумани билан боғлиқ ҳолда бўлган Мирзачўл худудида ўзбекларнинг юз, қирқ, боёвут, қипчоқ каби “92 ўзбек уруғи” рўйхати (шажараси)да ўрин олган нисбатан йирик уруғлар билан боғлиқ топонимлар сақланиб қолади. Шунингдек, ўзбек шажараларида қайд этилмаган, бироқ муайян бир ўзбек уруғи сифатида танилган мўғол, уювли, солин, тўлак, олмачи, олти оғайин, чангал, эрганакли каби этнонимларнинг Жиззах воаси ва унга ёндош бўлган чўл худудлар аҳолиси орасида ҳалигача сақланиб қолганига гувоҳ бўламиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Алибеков У. Ю., Маматов Ш. М. Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, этноэкологик муаммолари (ёхуд рус иммигрантларининг тарихий тақдири хусусида). – Гулстон, 2016.
- Голодная степь. 1867-1917 / История края в документах. Отв. ред. А. В. Станишевский. – М., 1981.
- Грицина А. А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Ташкент, 1992.
- Жўраев Б. Юқори Қашқадарё шевалари. – Тошкент, 1997.
- Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал – ард / Араб тилидан ўзбек тилига Ш.С. Камолиддин таржимаси. – Тошкент, 2011.
- Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент, 2005.
- Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент, 2005.
- Мирзаева Н. Мирзачўлнинг ўтмиш тарихи. – Гулстон, 2013. – б. 15.
- Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981.
- Эрбўтаева У. С. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўл қозоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва демографияси. – Гулстон, 2011.
- Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Янгиобод тумани Олмачи, Пасткичакир, Баландчакир қишлоқлари. 2021 йил.
- Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Янгиобод тумани Сармиш қишлоғи, Умид Эгамов. 2017 йил.
- Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Янгиобод тумани Чаканд қишлоғида яшовчи кекса журналист О. Маҳкамовдан олинган оғзаки материаллар. 2021 йил.

## УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИДА “ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ”НИНГ МАНБАВИЙ АҲАМИЯТИ

У. С. Тўпчиев

Жиззах Давлат педогогика университети

Марказий Осиё, хусусан, бугунги Ўзбекистоннинг узумчилик ва виночилик тарихи масалаларини ёритилишида “Туркистон тўплами”да чоп этилган мақолалар муҳим манбавий аҳамиятга эга. Мазкур тўпланда И. Слущкий, М.И. Вирский, О. Пулло, А. Регель, И. Стекольников, К. Тимаев каби муаллифлар томонидан чоп этилган мақолаларни (Регель А. 1883. С. 12; Вирский, 1896. С. 55; Стекольников, 1908. С. 132-139; Тимаев, 1896. С. 108-118; Пулло, 1908) ана шундай манбалар қаторига киритишимиз мумкин. Ушбу муаллифлар ўрганилаётган давр билан ҳамнафас бўлганликлари учун уларнинг асарлари тадқиқ этилаётган мавзуни ҳар томонлама ёритишда манбавий асос вазифасини ўтайди.

Ушбу муаллифларнинг “Туркистон тўплами”да чоп этилган мақолаларида Туркистон ўлкасида узумчиликнинг табиий географик тарқалиш чегаралари, ўлкада мавжуд маҳаллий ҳамда четдан келтирилган янги узум навлари, уларни парваришlash, узумдан олинган ҳосилни қайта ишлаш, вино тайёрлаш ва уларнинг турлари, нарх-наволари, узум ва вино маҳсулотлари савдоси, ундан олинадиган даромадлар, вино тайёрловчи корхоналар фаолияти, шунингдек қишлоқ хўжалигининг ушбу соҳаси билан шуғулланувчи аҳоли қатлами турмуш тарзи каби масалаларни ёритишга оид муҳим маълумотлар қайд этилган.

Хусусан, мазкур муаллифлардан И.М. Слущкийнинг мазкур тўпланда чоп этилган “Краткий очерк Самаркандскаго виноделия в связи с виноградарством” номли мақоласида Самарканд вилоят узумчилиги ва виночилик тарихининг қадимий ва ўрта асрлар даврига қисман тўхталган ҳолда, ушбу вилоятнинг узумчиликни ривожлантиришда табиий иқлим шароитига кўра қулайлиги, вилоятда узумчилик асосида виночиликнинг йўлга қўйилиши, шунингдек вилоятда тайёрланган винонинг кимёвий хоссалари Россия ва Европанинг бир қатор виночилик ривожланган мамлакатлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан таққосланган ҳолда ёритиб берилган. Масалан, муаллифнинг қайд этишича, Самарканд вилояти об-ҳавосининг мўътадиллиги, Шарқда Тянь-Шань тоғ тизмалари, шимоли-ғарбда Моргузар ва жанубда Шаҳрисабз тоғлари билан мазкур йўналишлардан эсадиган иссиқ ёки совуқ ҳаво оқимларидан ҳимояланганлиги, Зарафшондек серсув дарёнинг мавжудлиги ва унумдор тупроғи каби вилоятнинг хусусиятлари узумчиликни ривожлантириш учун ўта қулай географик минтақа эканлиги таъкидланади (Слущкий, 1897. С. 27).

Шунингдек, И.М. Слущкийнинг мазкур мақоласидан ўлкада узум етиштириш ва вино тайёрлаш соҳаси қайси вилоятда етакчи тармоқлардан бирига айланганлиги хусусида

хам хулосалар олиш имконига эга бўламиз. Масалан, муаллифнинг мақоласида берилган маълумотларга кўра, ўлканинг бошқа ҳудудлари каби Самарқандда ҳам Россия империяси мустамлака ҳукмронлиги йилларида Самарқанд вилояти Статистик қўмита раҳбари граф Н.Я. Ростовцов ва бошқа ҳукумат мутасаддилари, шунингдек, тадбиркорлар томонидан қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори узумчиликни ривожлантириш, унинг асосида виночилик саноатини йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратила бошланган. Натижада Самарқанд вилояти ўлкада узумчилик ва вино ишлаб чиқариш бўйича юқори ўринга кўтарилиб олган (Слущкий, 1897. С. 5).

Демак, мазкур маълумотлардан кўринадики, мустамлака ҳукумат ўлкада бошқа вилоятларга нисбатан Самарқандда узумчилик ва виночиликни ривожлантириш борасида ҳар томонлама қулай эканлигини англаб етган, уни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратган, натижада, вилоятда ўрганилаётган даврда узумзорлар майдони кўлами ҳам йил сайин кенгайиб борган. Албатта, бунинг асосий сабабларидан бири Самарқанд вилоятининг қулай табиий иқлим шароити бўлса, иккинчидан мустамлака ҳукумат томонидан ўлкага янги узум навларининг четдан келтирилиши, узум боғларининг ўз даври учун замонавий кўринишда ташкил этилиши, шунингдек ўлкада узумчилик асосида виночилик саноатининг йўлга қўйилиши ва уларда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган узум хомашёсига бўлган эҳтиёжнинг ортиши, узум етиштириш ҳамда вино тайёрлашда янги техника ва технологияларнинг жорий этилишига жиддий эътибор қаратила бошлаганлигида, деб билиш мумкин.

Демак, юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, мазкур манбаларда Туркистон ўлкасида узумчиликнинг вилоятлар бўйича тақсимооти, ўрганилаётган даврда ўлкага янги узум навларининг келтирилиши ҳисобига узум майдонларининг ўсиб бориш динамикаси бўйича йиллар кесимидаги статистик маълумотлар, шунингдек вилоятларда қишлоқ хўжалигининг ушбу соҳаси етакчи ўринда турган уездлари ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтирилганлигини, ушбу маълумотлар ўзаро таққосланиб мавзу юзасидан тегишли хулосалар чиқаришда муҳимлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Шунингдек, И.М. Слущкийнинг мазкур мақоласида узум ва ундан олинадиган ҳосил миқдори Россиянинг ушбу соҳа энг ривожланган ҳудудларида бир десятина ердан Бессарабияда 105-237, Херсонесда 90-180, Донда 150-400, Астраханда 215, Қора денгиз соҳилларида 110, Кахетияда 200-400, Араксда 300, Шемахада 190, Терекда 300-350, Қумда 300-600 пудни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич бўйича Самарқандда эса бир десятина ердан 1009 пуд узум ҳосили олинган бўлиб, муаллиф Самарқандни уларга нисбатан юқори ўринда эканлигини ҳам таъкидлайди (Слущкий, 1897. С. 31). Ушбу маълумотлар асосида ўлкада узум ҳосилдорлигини Россиянинг узумчилик ривожланган ҳудудлари билан таққослаш ва тегишли хулосалар олиш имкониятини тақдим этади.

Мазкур тўпلامда чоп этилган мақолаларда узумнинг навларига қараб уларнинг ҳосилдорлиги, мевалари шакли ва мазаси каби хусусиятлари, узум мевалари ва дарахтларида учрайдиган касалликлар ҳамда уларга қарши курашиш усуллари, узум ва узум маҳсулотларини парваришланишнинг ўзига хос хусусиятлари, узум ва узум маҳсулотлари ҳамда винонинг нарх-навоси, уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги савдоси каби маълумотлар ҳам келтирилганки, улар мавзунинг ҳар томонлама кенг ёритишда биз учун муҳим манбалар вазифасини ўтайди.

Жумладан, муаллифлардан А. Регель, О. Пулло, М.И. Вирский, К.А. Тимаев ва И. Стекольниковларнинг мақолаларида Туркистон ўлкаси вилоятлари бозорларида узумнинг нарх-наволари хусусида ҳам маълумотлар ўз аксини топган. Хусусан, мазкур манбаларда қайд этилишича, ўлка вилоятларида узум навлари ва сифатига қараб уларнинг нархлари ҳам турлича эканлиги қайд этилади. Бу масала XIX асрнинг охириги ўн йиллиги мисолида олиб қаралганда Самарқанд уезди бозорларида бир пуд узумнинг нархи ўртача 20-40 копеек, Сахоби ва Хусайни навларининг нархи юқорироқ бўлган ва улар 50 копеек, қолган узум навлари 20 копеек, вилоят уездларидан Хўжандда 40-50, Катта Қўрғонда 30-40, Жиззахда 50 копеек, Фарғона вилоятининг Наманган ва Қўқон уездларида бир пуд узумнинг ўртача нархи 40-50, Тошкент воҳасида 70 копеекдан - 1 рубль 20 копеекгача, Тошкент шаҳрида эса 2-2 рубль 60 копеекгача бўлганлиги қайд этилади (Регель, 1883. С. 12; Вирский, 1896. С. 55; Стекольников, 1908. С. 132-139; Тимаев, 1896. С. 108-118).

Ушбу маълумотлар таҳлилини кўрадиган бўлсак, узумнинг бозорлардаги нарх-наволарида фарқлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бўлган. Яъни, Тошкент ва Фарғона вилоятларига нисбатан Самарқанд вилояти бозорларида узум нархларининг нисбатан пастлигига сабаб, биринчидан, ушбу вилоятда узум боғлари майдонининг кўплиги ва узумдан олинадиган ҳосилнинг мўллигида бўлса, Тошкент ва Фарғона вилоятларида эса аксинча, узум майдонлари Самарқанд вилоятидагига нисбатан кам бўлганлигида. Иккинчидан, Тошкент ва Фарғона вилоятлари аҳолиси Самарқанд вилоят аҳолисига нисбатан иқтисодий жиҳатдан бир оз ўзларига тўқлиги, шунингдек вино ишлаб чиқарадиган заводлар дастлаб асосан Тошкент шаҳрида барпо этилганлиги ва бу ўз навбатида вино тайёрлаш учун зарур бўлган хомашё-узум маҳсулотларига бўлган талабнинг кучлилиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Юқорида келтирилган “Туркистон тўплами”да чоп этилган мақолаларнинг манбавий аҳамияти таҳлили натижаларини умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, ўрганилаётган даврда Туркистон ўлкасида узумчилик ва вино ишлаб чиқаришнинг аҳволи, анъаналар ва ундаги ўзгаришлар, шунингдек ўлка ички ва ташқи савдосида узум ҳамда вино маҳсулотларининг ўрни каби масалаларни ёритилишида мазкур манбаларнинг аҳамияти катта, иккинчидан, узумчилик ва виночиликнинг аҳволи, бу соҳадаги ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнларининг тадқиқ этилишига оид илмий тадқиқот ва адабиётларда мавзунинг очилмай қолган томонларига аниқлик киритишда мазкур манбаларнинг ўрни кўрсатиб берилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Вирский М. И.** Виноградарство в Самаркандском уезде. Библиограф. Заметка // Туркестанский сборник. Т. 433. – Ташкент, 1896.
- Пулло О.** К вопросу о винограде // Туркестанский сборник. Том. 467. – Ташкент, 1908.
- Регель А.** Садоводство в Туркестанском крае. Туркестанский сборник. Т. 349. – СПб, 1883.
- Слуцкий И.** Краткий очерк Самаркандского виноделия в связи с виноградарством // Туркестанский сборник. Т. 527. – Ташкент, 1897.
- Стекольников И.** Виноградарство и виноделие в Туркестане / Туркестанский сборник. Т. 454. – Ташкент, 1908.
- Тимаев К. А.** Среднеазиатское виноградарство // Туркестанский сборник. Т. 520. – Ташкент, 1896.

## **III - ШЎЪБА.** **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХОНЛИКЛАР ВА ТУРКИСТОН** **ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ ДАВРИДА**

### **XVIII-XIX АСРЛАРДА ЧАП ҚИРҒОҚ КАТ-ҚАЛЪАНИНГ** **ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИНИ АНИҚЛАШДА АРХЕОЛОГИК** **ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Б. П. Садуллаев, Р. Абдиримов,**  
**Ш. Б. Рахимов, С. У. Собиров**  
Хоразм Маъмун академияси

Бизга маълумки, аксарият қалъалар, шаҳарларнинг хонликлар даври, айниқса уларнинг сўнгги босқичлари археологик жиҳатдан кам тадқиқ қилинадиган масалалардан ҳисобланади. Асосий эътибор, кўпроқ уларнинг қадимги даври, ҳеч бўлмаганда ривожланган ўрта асрларнинг охириги босқичлари қатламларини тадқиқ этишга қаратилади. Хонликлар даврининг урбанизация жараёнлари, шаҳарларнинг тарихий топографик қиёфаси, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий марказлари сифатидаги мавқеи кўпроқ маҳаллий ёзма манбалар, хорижий сайёҳлар, ҳарбийларнинг эсталиклари асосида ёритилади. Мазкур даврга оид маданий қатламларни археологик нуқтаи-назардан ўрганиш асосий вазифа сифатида белгиланмайди. Бунда албатта, баъзи тарихий шаҳарларда (Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон ва ҳ.к.) бой меъморий иншоотлар – жамоат бинолари, эски маҳаллалардаги тураржойларнинг жойлашуви, эски кўчаларнинг сақланиб қолганлиги уларнинг тарихий топографиясини гавдалантириб, тадқиқотчининг вазифасини камайтиради. Бироқ, шундай шаҳарлар борки, уларнинг аҳолиси шаҳарни тарқ этиши оқибатида ташландиқ ҳолатга келганлиги кузатилади ва унинг кўринишини фақат археологик қазишмалар ёрдамида тиклаш мумкин.

Ана шундай ёдгорликлардан бири бу Чап қирғоқ Кат-қалъадир. Ушбу тадқиқотнинг мақсади Чап қирғоқ Кат-қалъанинг хонлик давридаги топографик кўриниши – жамоат бинолари, аҳолининг тураржойлари жойлашуви ва уларни ажратиб турувчи кўчаларни аниқлашдан иборат.

Чап қирғоқ Кат-қалъада хонлик даврида ҳаётнинг қайтадан жонланиши Анушахон номи билан боғланади. Хива хонлигининг тарихчиси Шермуҳаммад Мунис XVII аср воқеалари баёнида Чап қирғоқ Кат-қалъа Анушахон (1663-1683 йй.) ҳукмронлиги даврида Амударёнинг чап соҳилида Ёрмиш деб номланган янги канал қаздириб, унинг ёнида қалъа қурдиради. Эски Кат аҳолиси мана шу янги шаҳарга кўчиб ўтади ва шу тариқа бу қалъа янги Кат номи олади (Ғуломов, 1959. 209 б).

Шаҳарнинг кейинги ҳаёти билан боғлиқ маҳаллий ва хорижий, айниқса рус ёзма манбалари археологик маълумотлар билан ўз тасдиғини топади. Шаҳарнинг сўнгги босқичи-

га доир топилмалар деярли шаҳарнинг барча ҳудудида юза қатламларда ястаниб ётади. Дастлабки археологик тадқиқотлардан тортиб энг сўнгги изланишларгача бўлган қазिशмаларда шаҳарнинг сўнгги ҳаётини акс эттирувчи маълумотлар унинг ички ҳудудида ҳам, мудофаа деворларида ҳам намоён бўлади. Қалъанинг пахсадан қурилган сўнгги мудофаа девори қолдиқлари ҳозирги кунда ҳам жанубий деворда сақланиб қолган. Коинотдан олинган сураатларда шаҳар ҳудудидаги тураржойлар қолдиқлари билан боғлиқ деворларнинг контурлари ҳам яққол сезилади (1-расм).

1987 йилда Д. Чунихин томонидан олиб борилган тадқиқотларда шаҳарнинг дарвоза қисмида (Траншея №1, №2, №3) ёдгорлик ҳаётининг сўнгги босқичлари ўрганилган. 1-траншеядаги тадқиқотлар натижасида шаҳар дарвозаси иншоотларининг қолдиқлари кузатилмаса ҳам, XVII – XVIII асрларда қалъага кириш жойи пандус шаклида бўлганлигини тахмин қилишга имкон берган (Чунихин, 1987. С. 8-13).

Шимоли-ғарбий ҳудуддаги тадқиқотлар давомида (Қазишма №4, 2003 й.) XIX аср охирига тегишли кудуқ аниқланган. Кудуқ девори квадрат шаклдаги (ҳажми: 26 x 26 x 5 см) пишган ғиштлардан терилган бўлиб, унинг ичи шу даврга оид сопол қолдиқлари аралашган ҳолда тупроқ билан тўлдирилганлиги кузатилади. Сопол идишлар асосан, сирланган кўзалар, бодия ва тағораларнинг парчаларидан иборат (Маграсулов ва б., 2003. 10-б). Шаҳарнинг шимоли-ғарбий бурчагига туташ бўлган мазкур ҳудуд тураржойнинг ҳовлиси ҳисобланади.

Қалъа марказидаги Жума масжид ҳудудида олиб борилган қазिशмалардан (Қазишма №6) олинган материаллар XVIII-XIX асрларда шаҳар ҳаётини ёритишга хизмат қилади (Садуллаев, 2018. С. 54-61). Жума масжидда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида иккита зал – қишки ва ёзги масжидлар, шунингдек, ҳовли, таҳоратхоналар, хўжалик хонаси ва ҳужралар аниқланган (2-расм). Деразалар ганчдан ишланган панжара билан безатилган. Режалаштирилишига кўра, масжид трапеция шаклига эга, унинг ташқи томонидан ҳажми 25,65 (жанубий девор) x 34,1 (шарқий) x 22,5 (шимолий) x 35,15 м (ғарбий) ни ташкил қилади. Масжид шибаланган сатҳда турли ҳажмдаги пишган ғиштлардан (26x31x4,5, 29x30x4,5 30x30x4,5 см) бўлган пойдевор устига пахса девордан тикланган. Ибодат залларининг девори қалинлиги 1,3 м.

Қишки масжид залининг ҳажмига кўра, жанубий девор – 23,20 м, шимолий девор – 21,80 м ва шарқий ва ғарбий деворлар узунлиги бир хил – 13 м. га тенг. Қишки масжид ичида меҳроб ва 16 та устун тагкурсиси аниқланди. Устун тагкурсилари учун қумтош ва пишган ғиштлардан фойдаланилган. Улар айлана, чўзинчоқ ва тўғрибур-



1-расм. Шаҳарнинг сўнгги давр (XIX аср) топографик тузилиши. (1. Жума масжид; 2 Ҳоким уй-қароргоҳи; 3. Тураржойлар; 4. Шаҳар ичидаги йўл; 5. Савдо расталари)

чак шаклларга эга. Сақланиб қолган тагкурсиларнинг излари асосида қишқи масжидда 24 та устун бўлганлиги маълум бўлди. Устунлар жанубдан шимолга 4 қатордан жойлашган бўлиб, уларнинг ораси 2,15-2,25 м ни ташкил этган. Шарқдан ғарбга қараб эса 6 қатор устунлар мавжуд бўлган. Улар ўртасидаги оралиқ масофа 2,85-3 м атрофида бўлган. Устунларнинг кўплигига қараганда масжид залининг томи текис бостирмадан иборат эканлиги маълум бўлади. Жанубий девор ўртасида жойлашган меҳроб 160x87 см ҳажмга эга бўлиб, пол юзасидан 10-15 см кўтарилган. Қишқи залга ёзги масжиддан учта эшик орқали кирилган. Уларнинг эни 1,18 – 1,24 м ни ташкил этади.

Айвон типидagi ёзги масжид 17,3 м x 7,4-7,2 м ўлчамларга эга бўлиб, пишган ғиштларнинг (27 x 27 x 4 см) комбинацияланган (вертикал ҳолатдаги) таҳламлари билан чегараланган ва шу чегара бўйлаб унинг уч томонидан йўлак ажралиб туради. Ён томонлардаги икки йўлак 1,85 – 2,05 м кенликда бўлиб, жанубдан шимолга томон торайиб боради. Унинг узунлиги 7,4 м бўлиб, масжиднинг қишқи залига олиб боради. Қишқи ва ёзги масжидлар поли пишган ғиштлардан қўйилган. Деворлар ва полдаги ганч қолдиқлари унинг юзаси сувалганлигини кўрсатади.

Жума масжидининг шимолий қисмида ҳовли мавжуд бўлиб, унинг чеккаси бўйлаб устунлар учун мўлжалланган 4 та бўртма тагликлар ҳам аниқланган. Тагликлар квадрат ёки квадрат шаклга яқин (ҳажми 0,8 x 0,8; 1 x 1,1 м) бўлиб, пишган ғиштлардан ишланган. Ҳовлига шарқий томондан даҳлиз (ҳажми: 2,23 -2,12 x 2,42 – 2,32 м) орқали кирилган. Даҳлиз деворларининг баъзи жойларида сомон билан сувалган қолдиқлари яхши сақланган. Ҳовлининг ўртаси очиқ, атрофи очиқ айвон типида бўлиб, ундан масжидлар, таҳоратхоналар, хўжалик хонаси ва хужраларга кирилган. Ўз навбатида бу маълумотлар ҳовлидан ушбу хоналарга кириладиган эшик жойларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Даҳлиздан шимолда аниқланган хўжалик хонаси (ҳажми: 11,6 – 10,9 x 5,4 – 5,2) симметрик эмас. Хонага ҳовлидан эни 1,05 м бўлган эшикдан кирилган. Ҳовлининг ғарбий томонида турли ҳажмдаги 4 та таҳоратхона аниқланган (1- таҳоратхона 2,5 – 3 м; 2- таҳоратхона 2 – 3 м; 3- таҳоратхона 2,2 – 3,2 м; 4- таҳоратхона 2,05 – 3,2 м). Таҳоратхоналар ичида таҳорат олиш учун мўлжалланган тўғрибурчак шаклидаги махсус жойлар вертикал қўйилган пишган ғиштлар бўлақлари билан ихоталанган. Поли пишган ғиштдан бўлиб, чеккасида оқава сувлар учун ташнаулар ўрнатилган. Бу махсус таҳорат оладиган жойларнинг ҳажми ҳам турлича (1,5 x 0,85; 0,75 x 0,8; 1,6 x 0,85; 0,8 x 0,85 м).

Ҳовлидан шимолда очилган хужра (3 x 1,8 м) даҳлизи вертикал терилган пишган ғиштлар билан асосий хонадан ажратилган. Ҳовлидан таҳоратхона ва хужраларга кириладиган эшик жойлари эни 0,8-0,9 м ни ташкил этади. Ҳовлининг шимолида ушбу хужра эшигидан ташқари яна 4 та эшик ўрни очилган. Бироқ хоналарни очиб ўрганишга муваффақ бўлинмаган. Масжид шимолида очиб ўрганилган хоналар деворлари масжид залларининг деворидан (1,3 м) фарқли равишда бироз энсизроқ бўлиб, 0,75 – 0,8 м, ғарбий деворда эса 0,6 м ни ташкил этган. Мавжуд маълумотлар таҳлили масжид билан унинг шимолидаги хоналар алоҳида-алоҳида барпо этилганлигидан далолат беради.


Масжид тузилиши жиҳатидан Хивадаги Боғбонли ва Ота Мурод Матризо қушбеги масжидларига ўхшайди. Аммо Кат-қалъадаги масжид катталиги жиҳатидан Хива масжидларидан каттароқдир. Қишқи залнинг режаси бироз каттароқ бўлган Ҳазораспдаги жума масжиди залига мос келади. Аммо Ҳазораспдаги масжид фақат бир залдан иборат (Манковская,

Булатова, 1978. С. 70-71, 139, 141-143).

XIX аср манбалари орасида В.В. Григорьевнинг Кат ҳақидаги маълумотларида шаҳарда икки масжид мавжудлигини қайд қилинади (Григорьев, 1861. С. 121). Маҳаллий аҳоли орасида шаҳарнинг кириш қисмидаги фақат битта кичик масжид ҳақида маълумот келтирилиб, унинг марказида жойлашган жума масжиди ҳақида ҳеч эслатилмайди. Археологик қазималар натижасида шаҳар марказида В.В. Григорев таъкидлаган иккинчи масжид ҳам аниқланди.

Ўрганилган материалларни таҳлил қилиш асосида ушбу жамоат биносини ўрта асрлардаги масжид жойлашган жойда қурилган деб тахмин қилиш мумкин. Археологик материалларга кўра, қайта тиклаш ишлари XVII асрга тўғри келади. Одатда, бу амалиётда тез-тез учрайди. Масалан, Хивадаги жума масжиди ҳам XVIII асрнинг охирида ўрта асрлардаги эски масжид ўрнида Абдурахмон Меҳтар томонидан янгидан қурилган (Манковская, Булатова, 1978. С. 137). Хива хони Анушахон XVII асрнинг охирида, эски Кат аҳолисини янги жойга кўчирганида, кўчиб келган аҳоли бу ерда янги масжид қурганлар. Масжид қурилишида эски қурилиш материаллари қолдиқларидан ҳам фойдаланганлар: ўрта асрларга оид пишган ғишт ва устун тагкурсилари шулар жумласидандир. Бу масжид XX асрнинг 30-йилларигача фаолият кўрсатган.

Мавжуд ҳужраларга кўра, масжид мадраса сифатида ҳам фойдаланилган. Ҳудудий беклик маркази учун бундай фаолият жуда мос келади. Беклик маркази бўлган шаҳар хонлик тарихида етакчи роль ўйнаган. Айниқса, халқнинг маънавий ва диний ҳаётида масжидлар катта



2-расм. Шаҳар марказидаги қазимиша (Қазимиша №6, 2005, 2007, 2009 йй). XVIII-XX асрлар бошига оид Жомъе масжиди тарҳи. 1. Пишган ғишдан қурилган пойдевор қолдиқлари. 2. Пахса девор қолдиқлари. 3. Бузилган девор излари. 4. Пишган ғишдан терилган пол. 5. Полнинг бузилган қисми. 6. Меҳроб. 7. Қазилмаган ҳудуд.

аҳамиятга эга бўлган. Жума масжиди жума намози пайтида шаҳарнинг аҳолисини ҳам, яқин атрофдаги қишлоқларнинг аҳолисини ҳам ўзида тўплаган.

Шундай қилиб, археологик маълумотлар мўғуллардан кейин узоқ давом этган танаффусдан сўнг, XVII аср охирида шаҳар ҳаёти қайта тикланганлигини кўрсатади. Ёзма манбаларда (Мунис ва Огаҳий, 2010. 173 б; Данилевский, 1851. С. 108) шаҳар ҳокимлари Тангрибердибек ва Муҳаммад Ниёзбойлар ҳақида эслатилади. Афтидан, шаҳар марказида ҳоким қароргоҳи ҳам мавжуд бўлиб, жума масжиддан шимол-шарқда жойлашган. Буни ушбу ҳудуднинг бироз баландроқ ва кенгроқ жойни эгаллаган майдон рельефидан тахмин қилиш мумкин. Аҳолининг турар жойлари асосан қалъанинг шарқий ва марказий қисмларини эгаллаган ҳолда симметрик тарзда жойлашмаган ва тартибланган кўчаларга эга бўлмаган. Шунингдек, аҳолининг қалъадан ташқарида ҳам катта ҳовлили тураржойлари бўлган. Қалъа дарвозаси олдида ҳар чоршанба ва шанба кунлари катта бозор бўлган. Чап қирғоқ Кат-қалъанинг сўнгги босқичидаги кўринишини манбаларга таяниб мана шундай тасвирлаш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Григорьев В. В.** Описание Хивинского ханства и дороги туда из Сарайчиковой крепости. – ЗРГО, кн. 2.– СПб.: В типографии В. Безобразова и комп. 1861.
- Ғуломов Я. Ғ.** Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1959.
- Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства. ЗРГО, кн.5. – СПб.: В типографии министерство внутренних дел, 1851.
- Манковская Л., Булатова В.** Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент, 1978.
- Маграсулов Ш., Юсупов Н., Садуллаев Б., Машарипов Қ., Абдуллаев Т.** Шовот туманида археологик ёдгорликлар мажмуасини тадқиқ қилиш // Археология институти архиви. Ф.1. О.1. Д. 110. Самарқанд, 2003.
- Мунис ва Огаҳий.** Фирдавс ул-икбол (Бахту саодат жаннати). – Тошкент, 2010.
- Садуллаев Б. П.** К изучению джума мечети на городище левобережного Кята // Вестник Хорезмской академии Маъмуна. №3. 2018.
- Чунихин Д.** Отчёт по археологическим исследованиям городища Кят-кала в Шаватском районе Хорезмской области в 1987 г. (работы по первому этапу) // Архив института археологии. Ф.1. О.1. Д. 53. – Самарқанд, 1988.

## ЖИЗЗАХ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИ ТАРИХИДАН (Мўлканликлар маҳалласи тарихи)

А. Ҳ. Пардаев

Жиззах давлат педагогика университети

*Ватан остонадан бошланади!*

*Ушбу мақола бугун 65 ёшлик юбилейларини нишонлаётган Самарқанд Археология институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент Пардаев Мухторкул Ҳасановичнинг туғилиб ўсган, уни комил инсон қилиб тарбиялаган Она Ватан ичидаги Ота юрти - Қалия Мўлканлик маҳалласи тарихига бағишланган.*

Ўрта Осиё шаҳарлари тарихини ўрганишлар шундан далолат берадики, шаҳарларнинг тарихий топографик кўлами сўнгги ўрта асрлар - хонликлар замонида содир бўлган сиёсий, демографик ва урбанистик жараёнлар натижасида тубдан ўзгарган. Аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига шаҳарлар ҳудуди кенгайиб, янги-янги маҳаллалар вужудга келган. Шаҳар рабодлари ягона умумий девор билан ўраб олинган.

Сўнгги ўрта асрларга келиб шаҳарлар аввалгидек шаҳристон ва рабод қисмларига эмас, балки кўча-кўй, гузар, маҳалла, регистон майдони каби шаҳарликлар истикомат қиладиган турар-жой ва хунармандчилик марказларига бўлинган. Бунда марказнинг асосини маҳалла ва гузарлар ташкил этган (Мукминова, 1976. С. 234).

Ўрта Осиёнинг барча марказий шаҳарларида бўлгани каби, Жиззах шаҳри маҳаллалари ҳам асрлар оша тараққий этиб келган. Сўнгги ўрта асрларда Жиззах шаҳри маҳаллалари ҳам кенгайган, янги-янги турар жойлар, кўча-кўйлар ҳисобига маҳаллалар сони ортиб борган (Агзамова, 2002, 49-50 б.).

-Жиззах шаҳри ва шаҳар теграсида жойлашган ўттиздан ортиқ маҳаллалар тарихи дала кидирув тадқиқотлари, ёзма манбалар, этнографик ва топономик маълумотлар асосида ўрганилди. Ўрганишлар натижасида маҳаллалар номланиши бўйича тўртта гуруҳга ажратилди:

1. Ўзбек уруғлари ва этноним номлари билан аталувчи маҳаллалар: Қанғли, Саройли, Қипчоқ ва бошқалар.

2. Айрим шаҳар, туман ва қишлоқ жой номлари билан аталувчи маҳаллалар: Тошканлик, Ўратепалик, Оққўрғонлик ва бошқалар.

3. Тарихий-географик хусусиятлари бўйича номланган маҳаллалар: Сайилжойи, Қўшқўприк, Жилли-Ғули ва бошқалар.

4. Хунармандчилик ва касб-корлик номлари билан аталувчи маҳаллалар: Совунгарлик, Қўйчилик, Заргарлик ва бошқалар.

Юқорида таъкидланганидек, Жиззах шаҳри маҳаллаларининг кўпчилиги айрим шаҳар, туман, қишлоқ ва бошқа жой номлари билан аталади.

Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган “Қалия-Мўлканлик” маҳалласи ҳам кўшни ҳудудларда жойлашган шаҳар ва кент номлари билан номланувчи маҳаллалар сирасига киради. Мўлканлик маҳалласининг ўзига хос жиҳатлари ва тарихи мавжуд.

Мўлканликларнинг миришкор деҳқон ва боғбон, уста-хунароманд, чорвачиликнинг бўрдоқчилик билан шуғулланганликлари ҳақида жиззахлик таниқли ёзувчи Н. Сафаров ҳам ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган (Сафаров, 1977, 30 б.).

Маҳалланинг яна бир муҳим жиҳати унинг ҳудудида кўплаб тарихий, археологик объектларнинг мавжудлигидир. Маҳалла ҳудудида ўндан ортиқ тепалик (илк ўрта асрларга оид қўрғонлар) ва археолог олимлар томонидан Жиззах шаҳрининг илк ўрни ва даврий санаси 2200 йилдан ортиқ деб эътироф этилган маҳобатли Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги жойлашган.

Мўлканликлар қадимдан Жиззах воҳасининг бош шаҳар-қалъаси бўлган Қалиятепа атрофидаги ерларни ўзлаштириб ўз маҳаллаларига асос солишган. Маҳалла Қалиятепа атрофида жойлашганлиги учун Қалия мўлканлик, деб номланган. Кейинчалик, аҳоли сонининг ортиб бориши, янги ерларга бўлган эҳтиёж натижасида Жиззах шаҳрининг шимоли-ғарбий томонидаги чўл ерлар мўлканликлар томонидан ўзлаштирилган. Мўлканликларнинг бир қисми янги ўзлаштирилган ерларга кўчиб бориб, чўлда яна бир мўлканликлар маҳалласи барпо этилган. Натижада Қалиятепа атрофида қолган аҳоли “Қалия Мўлканлик”, чўлдан кўчиб борган аҳоли эса “Чўл Мўлканлик”, деб номланган.

Мўлканлик маҳалла оқсоқолларининг берган маълумотларига кўра уларнинг асл ватани Тошкент шаҳридаги “Арпапоя” маҳалласи бўлиб, арпапояликларнинг бир қисми ҳозирги Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги Ниёзбоши қишлоғи ҳудудидаги “Мўлкент” қалъаси ва унинг атрофига кўчиб келганлар. Ўрта асрларда Мўлкент қалъаси Тошкент воҳасининг мустаҳкам қалъалардан бири бўлганлиги ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар берилган. Хусусан, “Мусаххир ал-билод” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) асарида ёзилишича, Мўлкат Сирдарё бўйидаги муҳим, ҳарбий стратегик қалъалардан бири бўлган (Аҳмедов, 1994. 430 б.).

Жумладан, XVI аср бошларида Муҳаммад Шайбонийхоннинг Тошкентга юриши, Шайбонийхон қўшинлари Мўлкент қалъасини босиб олиш учун етти марта юриш қилгани ҳақида Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” асарида ҳам Мўлкент ҳақидаги маълумотлар учрайди.

“Шайбонийнома” асарининг “Имом уз - замон, халифат ур - раҳмоннинг Хоника хоннинг вилоятларин, Шоҳрухияни чоптурғони» бобида Шайбонийхон лашкарлари билан музлаб ётган Сирдарёдан ўтиб Шоҳрухияни ва Мўлкентни вайрон қилганлиги ҳақида ёзилган.

*Ким, яна Сирни ўтубон лашкар,  
Ошлиқ олгой тевасига яксар.  
Яна хон айлагач ул навъ хаёл,  
Яна Сир бўлди черикига паймол.*

*Мўлкент устига йўл солдилар,  
Бўлғой ошлиқларин олдилар.  
Кўнгул ошлиқ соридин жамъ ўлди  
Мўлкент эли вале соврулди*

*(Муҳаммад Солиҳ. 1989, 130 б.).*

Муаллиф таъкидлаганидек, Шайбонийхоннинг Тошкентни босиб олиш учун ҳарбий юришларига Мўлкент қалъа қўрғони ва мўлкентликлар мардонавар қаршилик кўрсатганлар. Мўлкент босиб олинган, аҳолининг бир қисми ўз уруғдошлари яшаётган Жиззахга кўчирилган.

Қалия-мўлканлик ерларига Сангзордан бош олган Қалия ариғи орқали сув келган. Қалияликлар асосан суғорма деҳқончилик билан шуғулланишиб уларнинг Жиззах Ўрдасида ҳам қишки турар-жойлари, маҳаллалари мавжуд бўлган. Улар эрта баҳордан кеч кузгача Қалиятепа атрофидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишган. Қиш фаслида Жиззах Ўрдаси ичидаги маҳаллаларида яшаб, хунармандчилик билан машғул бўлишган.

Ниёзбошилик ва Жиззахдаги мўлкентликлар ўртасида ҳозиргача қариндошлик ришталари мавжуддир. Улар тарихнинг оғир синовли даврларида ҳам бир-бирларига ёрдам бериб келганлар. Жумладан, 1916 йил Жиззах

қўзғолони даврида мўлкентликлар аёллар, қариялар ва ёш болаларни рус аскарлари босқинидан ҳимоя қилиш мақсадида Ниёзбошидаги қариндошларникига юборишган. Бу ҳақда Қалия Мўлканлик бувимиз Шаҳри она Ортиқова (1909-2001 йй.) куйидагича маълумот берганлар: “қозоқ соллотлари Жиззахни босган йили (1916 йил Жиззах қўзғолони - А.П.) мен етти-саккиз ёшлик бола эдим. Отамиз бизни (оналари, опа ва укалари - А.П.) Қўқон аравага солиб Ниёзбошидаги қариндошларникига жўнатдилар. Ниёзбошида бир муддат яшадик. Онам ўша ерда касал бўлиб вафот этдилар. Онамни Ниёзбошидаги қабристонга дафн этишди” (Дала ёзувлари... 1999 йил, декабр).

Хулоса қилиб айтганда Жиззахдаги мўлканликлар қадимдан Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ҳисобланиб уларнинг дастлабки яшаш манзиллари Тошкент шаҳридаги “Арпапоя” маҳалласида бўлган. Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарлари ва шаҳар аҳолиси тарихида учрайдиган:

**шаҳар ҳовли** - шаҳар аҳолисининг асосий истиқомат қиладиган жой, маҳалласи;

**дала ҳовли** – шаҳар аҳолисининг шаҳар атрофида жойлашган ва эрта баҳордан кеч кузга қадар деҳқончилик қиладиган хусусий ерлар тизими Тошкент шаҳрида ҳам бўлган. Арпапояликларнинг **дала ҳовли** - деҳқончилик ерлари ҳозирги Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғидаги Мўлкент мавзейида бўлиб, аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида арпапояликларнинг бир қисми Мўлкентда муқим яшаб, ўзларининг маҳаллаларини барпо этганлар.

XVI аср бошларида Муҳаммад Шайбонийхоннинг Тошкент воҳасига юришларига Сирдарё бўйидаги шаҳар-қалъалар, хусусан, Мўлкент қалъаси қаршилик кўрсатган.

Бир неча марта бўлган жанглардан сўнг босиб олинган Мўлкент қалъаси аҳолисининг бир қисми Жиззах шаҳрига кўчирилган.

Жиззахга кўчирилган мўлкентликларнинг Жиззах Ўрдаси ичида ўз маҳаллалари бўлиб, уларнинг деҳқончилик ерлари Ўрданинг шарқий қисмида жойлашган қадимги Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги атрофида бўлган. Сўнги ўрта асрларда демографик жараёнлар натижасида Жиззах Ўрдасининг шимолий қисмидаги чўл худуди ўзлаштирила бошланган. Мўлканликлар ҳам чўлни ўзлаштириб, ўзларининг янги маҳаллаларини барпо этганлар. Натижада, Жиззахда иккита мўлкентликлар маҳалласи, Қалия-Мўлканлик ва Чўл Мўлканлик маҳаллалари шаклланган. Жиззах шаҳридаги бу маҳаллалар ҳозирги кунда ҳам шу номлар билан аталади.

1866 йилда рус босқинчиларининг Жиззахга юришлари ва Жиззах Ўрдасининг вайрон қилиниши натижасида шаҳарда аста-секин ҳаёт тўхтаган (Дониш, 1967. С. 142). Ўрдадаги Мўлкентлик, Ўратепалик, Оққўрғонлик каби маҳаллаларнинг аҳолиси энди тўлиқ ўзларининг деҳқончилик ерларидаги дала ҳовлиларига кўчиб борганлар.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Агзамова Г. А.** Шаҳрисабз-иқтисодий ва маданий ҳаёт маркази (XVI-XIX асрнинг биринчи ярми) // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган Ўрни. Халқаро илмий конференция. - Тошкент, 2002.
- Аҳмедов Б.** Тарихдан сабоқлар. - Тошкент, 1994.
- Аҳмад Дониш.** Трактат Ахмада Даниша История мангитской династии”. Перевод, предмслобие и примечание И.А. Наджафовой. - Душанбе, 1967.
- Сафаров Н.** Наврўз. Тошкент, 1977.
- Мукминова Р. Г.** Тўрт юз йил аввалги Тошкент. Тошкент, 1984.
- Мукминова Р. Г.** Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Ташкент, 1976.
- Муҳаммад Солих.** Шайбонийнома. - Тошкент, 1989.

## ҚУШБЕГИ ХУЖЖАТЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ СИЁСИЙ-МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ХУСУСИДА

**Ғ. Ғ. Хамраев**

Жиззах давлат педагогика университети

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз ўтмишимизни ўрганиш бўйича турлича ёндашувлар пайдо бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда тарих фанидаги тадқиқотларни янада чуқурлаштиришга қаратилаётган чора-тадбирлар туфайли юртимиздаги ҳар бир тарихий-географик вилоят ўтмишини синчиклаб ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. Шу боис, қадимги Чоч, Фарғона, Суғд, Хоразм, Тохаристон ўлкалари каби Бухоро воҳаси ва унга яқин ҳудудларни қамраб олган тарихий Жанубий Суғд ўтмишини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилди бошлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Бухоро воҳаси ва унга қўшни ҳудудлар аҳолисининг сўнгги ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётини тарихий-географик жиҳатдан таҳлил қилиб ўрганиш орқали халқимизга хос миллий қадриятлар очиб берилмоқда.

Ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутган Бухоро амирлиги даври тарихини ўрганиш натижасида кўп асрлар мобайнида ўзига хос тарихнавислик шаклланган. Шу нуқтаи назардан Бухоро муҳитига мансуб ёзма манбалар, хусусан, амирлик ҳаётининг муҳим қирраларини ўзида акс эттирган Қушбеги архиви ҳужжатларини ўрганиш долзарликни касб этади.

Бухоро амирлигининг маъмурий-сиёсий бошқарув тизими масаласи ёзма манбалар асосида бир қадар ўрганилган бўлиб, айнан бу масалани Қушбеги ҳужжатлари асосида ўрганиш ишлари нисбатан саёздир. Амирлик тарихи бўйича кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар орасида Ш. Воҳидов (Воҳидов, 1996. 44 б.), Ж. Шодиев (Шодиев, 2010. 28 б.), Ж. Баракаев ва И. Ҳайдаровлар, Очилдиев (Очилдиев, 2021.387-397 б.), Р. Ҳолиқова (Ҳолиқова, 2001. 209 б.), Ҳ. Тўраев каби тадқиқотчиларнинг изланишлари алоҳида ажралиб туради. Уларда ушбу масалага бир мунча кенг эътибор қаратилган.

XIX асрнинг охириги чораги – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз беради. Улар орасида 1868-1870 йиллардаги рус истилоси билан боғлиқ воқеликлар, амирлик ҳудудидан бир қисмининг Чор Россияси таркибига ўтиши ва ҳоказо каби салбий жараёнларни келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, 1912 йилга келиб, Бухоро амирлигида 26 та беклик ва бекликлардан 11 та мустақил амлоқлик мавжуд бўлган (Ҳолиқова, 2001. 209 б.), улар тўғридан-тўғри амирга бўйсунган бўлса, Шуғнон, Рушон ва Воҳон бекликлари амирлик таркибига кирмай, Россия империяси назорати остига ўтиб қолиши бу давр учун характерли воқеликлар эди. 1915 йилда Бухоро амирлиги

27 та беклик ва Бухоро воҳасида жойлашган пойтахтга бўйсунувчи 11 та тумандан иборат эди (Очилдиев, 2021. 389 б.). Ушбу маълумотлар Бухоро амирлигида бекликлар сони ва маъмурий бўлинишида ўзгаришлар бўлиб турганлигини, бунга ўз давридаги сиёсий жараёнлар таъсир қилганини кўрсатади. Амирликнинг маъмурий жиҳатдан бўлинишида юз бериб турган бундай ўзгаришлар, биринчидан, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ эди. Шу билан бирга, амирликда вазиятга қараб бекликларни бир-бирига қўшиб ёки ажратиб бериш ҳоллари ҳам учраб турган. Бундай ҳолат ички вазият, бекликларнинг марказга тобелик даражаси, шунингдек, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан боғлиқ эди. Бухоро амирлиги монархик бошқарув тизимида асосланган бўлиб, давлат бошида “амир” турган. Амирларнинг барчаси Манғитлар сулоласига мансуб бўлиб, улар қарийб юз йилдан бери олий ҳукмдор мавқеида эдилар. Бухоро амирлигида марказий бошқарув куйидаги асосий идоралар орқали амалга оширилар эди: амир – давлат бошлиғи; қушбеги – бош вазир; оталиқ; молия идораси; вазири ҳарб; козилик маҳкамаси. Бухоро амири ҳокимияти чекланмаган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида диний ва дунёвий ҳокимият бошлиғи эди. Амир – давлатнинг олий бош қўмондони, амирлик ерларининг олий эгаси сифатида билинган (Воҳидов, 1996. 27 б.).

Бухоро амирлигида олий ҳукмдор – амирдан кейинги мавқеда “қушбеги” турган (Семенов, 1948. С. 148). “Қўша”, қўшалок”, “бириқмоқ, қўшилмоқ” каби қадимги туркий “қўш” ёки “қуш” негизидан (Наделяева, 1969. С. 260) шаклланган бу сўз “амалдор” маъносидаги “бек” сўзи билан биргаликда юқори мавқедаги амалдорларга ишлатила бошлаши ҳам туркий давлатчилик аънаналари билан боғлиқдир. Бу лавозимига давлатнинг тажрибали, ишбилармон, сиёсатдон кишиларидан тайинланиб, номзод аввал девонбеги мансабида фаолият юритган бўлиши керак бўлган. Усманий турклардаги “улуғ вазир” ёки Европадаги “давлат канцлери” сингари, қушбеги амирнинг энг яқин маслаҳатчиси ва ишончли амалдори бўлган. Ушбу лавозим эгаси бир вақтнинг ўзида амирнинг шахсий муҳрини сақлаш, бошқа давлатлар билан алоқаларни назорат қилиш, шунингдек, молия ишларини бошқариш каби масъул вазифаларни ҳам бажарган (Шодиев, 2010. 28 б.). Пойтахтдаги марказий давлат бошқарувини бир қатор идоралар мажмуаси ташкил этиб, қушбеги томонидан бошқариладиган давлат девонхонаси (қушбеги девонхонаси) ҳисобланган.

Бухоро амирлигида оталиқ – амирлик марказий бошқарувида ўзига хос ваколатга эга бўлган, манғит ҳукмдорларининг таянчи ҳисобланган ва уларнинг ҳурматида сазовор бўлган мансаб эгаси сифатида билинган. “Оталиқ” атамаси ҳам “қушбеги” каби қадимги туркий сўз негизидан шаклланиб, шахзодаларга “тарбиячи бўлмоқ, оталиқ қилмоқ” вазифасини бажаргани туфайли бир қатор ўрта аср туркий сулолаларида ушбу унвон юқори амалдорлар мансабига айланган. Оталиқ ва ривожланган ўрта асрларда Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар ва ҳоказо туркий сулолалар бошқарувидаги “отабек” сўзи (Наделяева, 1969. С. 66) билан бир негиздан шаклланган.

Амирликда аҳамияти бўйича учинчи поғонада молия идораси – молиявий девонхона турган, ушбу давлат идорасини олий молиявий амаллардан бири саналмиш девонбеги бошқариб, у давлат бошқарув тизимида иккинчи мансабдор шахс сифатида билинган (Сагдуллаев, Аминов, Мавлонов, Норкулов, 2000. 199 б.). Ушбу мансаб эгаси давлат ха-

зинаси, закот (хорижий мамлакатлардан келадиган мол-мулклардан ташқари) ҳамда соликларга нисбатан умумий давлат бошқарувини амалга оширган. Ушбу мансаб ҳам ривожланган ўрта асрларда – Сомонийлар, Қорахонийлар ва ҳоказо каби туркий ва форсий сулолалар бошқарувида мавжуд бўлган энг юқори давлат маҳкамаси – “девон” билан боғлиқ равишда шаклланган эди.

Амирликда марказий идоралардан бири мудофаа ва ҳарбий масалалар билан шуғулланувчи вазирлик бўлиб, ушбу идора бевосита тўпчибоши - лашкар (ҳарбий вазир) томонидан бошқарилган (Искандаров, 1958. С. 12). Тўпчибоши лашкар давлатдаги барча отлик ва пиёда аскарлардан ташкил топган қўшинни бошқарган. У маҳаллий ҳудудларни ҳарбий масалаларда амалда ёрдам берувчи махсус вакиллари орқали назорат қилган. Ушбу мансаб номининг шаклланиши туркий-форсий сўзлар бирикмасидан ташкил топиб, шунга ўхшаш унвонлар туркий негизга эга Сафавийлар Эрони, Қожорлар сулоласида ҳам мавжуд бўлган.

Шу билан бирга, амирлик марказий бошқарувида бошқа бир қатор мансаб ва унвонлар бўлиб, улардан тўртта асосий ва юқори даражадаги лавозим эгалари ҳукуматга алоқаси бор шахслар ҳисобланган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ушбу бундай мансаб номларида мусулмон араб ва араб-форс давлатчилигига хос атамалар етакчилик қилган. Биринчиси, шайх ул-ислом – диний унвонлардан бири бўлиб, диний ишларни бошқарган ва назорат қилган; қози аскар – ҳарбий масалалар ва ҳарбий жиноятларни кўриб ҳал қилувчи мансабдор; иккинчиси, аъламлар – давлатда фикҳий масалалар бўйича фатво чиқарувчи шахслар. Ҳарбий муфтийлар – ҳарбийлар учун фатво тузувчи, айниқса, давлат бошлиғининг бошқа бекликларга сафари чоғида ва ҳарбий юришлари пайтида ҳарбийлар учун фатво чиқарувчи вакил ҳисобланган; учинчиси, мухтасиб – аҳолини шариат таъқиқлаган ҳаракатлардан тийилиб туришига ва яхшилиқка оид ҳаракатларни қилишига ундаш билан шуғулланган (Шодиев, 2008. 71 б). Тўртинчиси, тарбиячи-мударрислар – ушбу мансаб эгаларига амирликда катта эътибор берилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси талабаларга илм бериш ва уларни шариат йўли асосида тарбиялаш бўлган. Ушбу мансаблар Бухоро амирлигидан олдинги марказий осийлик сулолалар ва мусулмон дунёси бошқарувида кенг ёйилган лавозим номлари билан боғлиқ равишда шаклланган эди.

XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг илк чорагида Бухоро амирлиги маъмурий-худудий жиҳатдан амирлик Кармана, Хатирчи, Зиёвуддин, Нурота, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Карки, Чоржўй, Ҳисор, Кўлоб, Қоратегин, Дарвоз, Балжувон, Шуғнон-Рушон, Қўрғонтепа, Қубодиён, Калиф, Бўрдалиқ, Қобоғли каби вилоят ёки бекликларга бўлиниб бошқарилган.

Амирлик таркибидаги вилоятларни “бек”лар, вилоятлар ичидаги амлоклик-кичик туман микёсидаги маъмурий-худудий бирликарни “амлоқдор”лар бошқарган ва улар ҳам амирга бўйсуниб иш юритишган. Мусулмон Осийсининг ва Ўрта Осийнинг кўплаб давлатларида бўлганидек, мамлакатда давлат бошқаруви тўлалигича шариат қонунлари асосида иш олиб борарди. Шу билан бирга, бошқа Ўрта Осий хонликларидаги каби бошқарувда кўчманчи сулолаларга хос анъаналар ҳам ўз ифодасини топган эди. Хусусан, Муҳаммад Дониёлбий давлат ва жамият бошқарувидаги турли масалаларни кенгашган ҳолда маслаҳатлашиб амалга оширган бўлиб, 1781 йилда Россия ҳукуматининг Бухорода

савдо шартномасини тузишга оид таклифига у дастлаб 92 ўзбек уруғи вакилларининг фикрини олиши лозимлигини уқтирган эди (Шодиев, 2010. 15 б.).

Муҳаммад Дониёлбий вафотидан кейин унинг ўғли Шоҳмурод давлатни бошқариш ваколатини қўлга киритгач, бошқарувда бирмунча ўзгаришлар амалга оширилади. У Дониёлбий даврида Кармана, Қарши бекликларини бошқаради ва маълум вақт давомида давлатдаги энг олий мансаблардан бири бўлиши “Қушбеги” лавозимида фаолият юритади. А. Зиёнинг ёзишича, “Бошданок у мамлакатда қаттиқ тартиб ўрнатишга киришиб, ишни сулола мавқеини расмий жиҳатдан мустаҳкамлашдан бошлайди. Яъни, сохта хонлик анъанасига чек қўйиб, тахтга расман ўзи чиқади, лекин хон эмас, амир унвони билан” (Зиё, 2000. 281 б.).

Жойлардаги маҳаллий бошқарувда вилоятларни амир томонидан тайинланган беклар бошқарган, бекликлар ўз ўрнида амлоқликларга бўлинган. Амлоқликлар ўз таркибига бир неча қишлоқларни қамраб олган. Амлоқдорлар бек томонидан тайинланган. Қишлоқларни қишлоқ оқсоқоллари бошқарган. Оқсоқоллар қишлоқларнинг катта-кичиклигига қараб тақсимланган.

Бекликларда суд ва миршаблик ишлари уч тоифага бўлинган:

1. Қози – шариат қонунлари асосида ҳукм чиқарувчи. Унинг қўли остида мулозимлари ва котиби бўлган.

2. Муфтий – шариат ишлари бўйича маълумотлар берувчи ва фатво тайёрловчи руҳоний. Унинг ҳам қўл остида 2-3 тадан ёрдамчилари бўлган.

3. Раис – миршаблик ишлари билан шуғулланган. Яъни, ислом дини амалларига риоя қилинишини, савдо, оила, мерос ва бошқа соҳаларни назорат қилган. Унинг ёрдамчилари дуррадасти ва мулозимлари бўлган. Маълумотларга кўра, Бухоро амирлигида 67 та қози, 68 та раис фаолият юритган. Қозилардан 36 таси мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Улар раислар билан ҳамкорликда фаолият юритган ва уларни қозираис деб аташган (Ochildiev, 2020. PP 33-38). Бухоро амирлиги даврида Сурхон воҳасидаги маъмурий бошқарув масаласини ўрганган Ф. Очилдиевнинг ёзишича “ҳар бир амлоқдор 10 тадан 200 тагача навқарга эга бўлиб, улар асосан ҳарбий хизматни ўташ, бек ва амлоқдор саройини кўриқлаш ҳамда қамоққа маҳкум қилинганларни назорат қилиш, ишларини бажарганлар. Навқарларнинг ижтимоий таркиби турли-туман бўлиб, ҳатто навқарлик хизматига айрим йирик ер эгалари ҳам қабул қилинган. Навқарларнинг мансаб даражаси уларнинг мулкий ҳолатига қараб белгиланган. Ундан ташқари хизмат вазифасини аъло даражада бажарган навқарларга бек томонидан кўшимча равишда айрим қишлоқлардан тўловларни қабул қилиб олиш ҳуқуқи берилган. Амлоқдорликларда навқарларнинг сони бир хил бўлмаган. Масалан, Эсонхўжа амлоқдорлигида 195 та, Бодроқлида – 90, Ғозималиқда – 80, Қоратоғ ва Регарда 25 тадан, Хонакида – 24, Сарижўйда – 18, Шўрконда – 13, Дашнободда – 11, Сарисийёда – 8, Ҳисорда – 7 тадан навқар бўлган” (Очилдиев, 2021. 392 б.). Шунга ўхшаш ҳолатлар бошқа бекликларда ҳам кўзга ташланиб, бу борада Қашқадарё воҳаси бекликларини ўрганган А. Ҳолиқуловнинг ишлари диққатга сазовордир. Сурхон воҳасига кўшни ушбу худудда Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Ғузор каби бекликлар мавжуд бўлиб, улардаги ўнлаб амлоқлик бошқарувларида юзлаб қишлоқлар ўрин олган (Ҳолиқулов, 2011.

111-113 б.). Ушбу бекликлар орасида Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари ҳарбий салоҳият жиҳатидан амирликдаги бекликлар орасида алоҳида ажралиб турган.

Хулоса қилиб айтганда, бу даврда Бухоро амирлиги ўзига хос маъмурий-сиёсий бошқарувига эга бўлиб, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда давлат ишлари ва халқ хўжалигининг деярли барча турларини қамраб олган муайян бир бошқарув тизими йўлга қўйилган. Бу жиҳатдан амирлик атрофидаги қўшни ўзбек хонликлари билан яқин ўхшашлик мавжуд бўлиши баробарида бир қатор ўзига хосликларга ҳам эга бўлган.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Воҳидов Ш.** Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент, 1996.
- Азамат Зиё.** Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2000.
- Искандаров Б. И.** Из истории Бухарского эмирата. –М., 1958.
- Маджлисов А.** Аграрные отношения в Восточной Бухаре XIX-нач. XX в. – Душанбе - Алма-Ата, 1967.
- Очилдиев Ф.** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси бекликларининг мамурий бўлиниши ва бошқарув тизими // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. №4. 2021. – Тошкент, 2021.
- Семёнов А. А.** Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. Т. V. – М. - Л., 1948.
- Холиқулов А. Б.** XIX-XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари // Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2011.
- Холиқова Р.** Вассал Бухоро амирлигида маъмурий бошқарув // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Тошкент, 2001.
- Шодиев Ж.** Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. – Тошкент, 2010.
- Шодиев Ж.** Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузими // Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008.
- Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н.** Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент, 2000.
- Ochildiev F.** “The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the xix century-the beginning of the xx century”. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research 2, no. 11 (2020).
- Древнетюркский словарь** / Под ред. В.М. Наделяева, Д. М. Насилова, Э. Р. Тэнишева, А. М. Щербака. – Л., 1969.

## ХОНЛИКЛАР ДАВРИГА ОИД АЙРИМ МАНСАБ ВА УНВОНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Б. Д. Абдуазимов**

Жиззах Давлат педагогика университети

Жамият шаклланиши давомида уни бошқариш эҳтиёжи ҳам вужудга келган. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз манфаатларига эга бўладики, уларни келиштирмасдан туриб, жамият мавжуд бўла олмаган. Бунда айнан манфаатлар муҳим регулятор сифатида намоён бўлган. Ижтимоий алоқаларнинг тадрижий ривожланишини ҳамда жамиятда барқарор ҳаёт тарзини таъминлаш учун ушбу манфаатларни умумийлик йўлида уйғунлаштириш талаб этилади. Бундай уйғунлаштиришга эса ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларни шакллантириш ҳамда ушбу қоидаларнинг бажарилишини таъминловчи ижтимоий ҳокимиятни жорий этиш орқалигина эришилади (Сайдуллаев, 2021. 30 б.).

Тарих саҳифаларидан маълумки, бирор бир катта таъсирга эга бўлган давлат борки, ўз тараққиёт йўлида қайси ютуқ ва марраларни қўлга киритмасин, унинг муваффақияти кучли тартиб-интизом асосига қурилган давлат бошқаруви аппаратига боғлиқдир. Давлат мансаб ва унвонлари мамлакатдаги барча соҳаларнинг самарали ишлаши учун таъсис этиларкан, бу механизм давлатни бой, халқни фаровон, юртнинг обод бўлишини таъминлайди.

Ушбу мақолада Хива ҳамда Қўқон хонликлари даври мансаб ва унвонларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини қиёслашга ҳаракат қилинди.

Қўқонда ўзбекларнинг минг қабиласи (уруғи) бошлиқларидан бири Шохрухбий асос солган Қўқон хонлигидаги давлат бошқарув тизими ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган мусулмон давлатлари бошқарув тизимидан фарқ қилмас эди. Хонликда Бухоро амрлигида бўлгани каби Амир Темур даврида шаклланган ҳамда шайбонийлар даврида қисман ислоҳ қилинган давлат бошқаруви ва тизими мавжуд бўлган. Хонликда энг олий ва марказий унвон хон унвони бўлиб, унинг ҳукумати чекланмаган. Фармон бериш ва унинг бажарилишини назорат этиш салоҳиятлари хоннинг қўлида бўлган (Эшов, 2019. 192 б.).

XVII асрда Хивада муайян бир сулола ҳукмдор эмас эди. Чингизийлар сулоласига мансуб баъзи шахслар Хивага чақирилиб, хонлик тахтига кўтарилган бўлсада, амалда ҳокимият кўнғиротлар сулоласидан бўлган иноқ қўлида бўлган. 1804 йилдан бошлаб фақат кўнғиротлар сулоласи вакиллари Хивада хон бўлганлар. Хонликда энг олий унвон хон бўлиб, у маъмурий, сиёсий ва ҳарбий ваколатларга эга бўлган. Хива хонлигида сарой, ҳарбий ва диний унвон ва амаллар мавжуд бўлган.

Қўқон хонлигида хон саройида мингбоши бошчилик қиладиган кенгаш тузилган бўлиб, бу кенгаш саройдаги давлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни кўриб чиққан. Унга дастурхончи, рисолачи ва бошқа муҳим амалдорлар аъзо бўлган. Кенгашнинг давлат бошқарувидаги ўрни жуда салмоқли эди.

Хива хонлиги давлат тузумида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан фарқли ўларок, хон ҳузурида Олий Кенгаш амал қилган. Маълумотларга кўра, бу Олий Кенгашни Муҳаммад Раҳимхон I ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун илгари иноқ ва оталиқлар бошлиқ бўлган уруғ оқсоқоллари кенгаши ўрнига таъсис этган эди. Қўқон хонлигидаги кенгашдан фарқли равишда бу Олий Кенгаш ваколатлари нисбатан чегараланган. Унда турли даъво ва жиноий ишларни кўриш ва қарор чиқариш ҳуқуқи берилган. Ушбу Кенгаш маслаҳат берувчи органга ўхшар эди (Sagdullayev, Mavlonov; 2006. 28 b.).

Хонликларда кенгашларнинг аъзолари мансаб ва унвонлари, уларнинг имтиёзлари ортиб боргани сайин марказий ҳокимият мустаҳкаланиб бораверди. Амир ул-умаро - амирларнинг амири унвони хон томонидан берилган, хондан кейинги муҳим амалдор саналган. Ҳар иккала хонликда мавжуд бўлган. Бироқ Хива хонлигида XIX асрнинг ўрталарида таъсис этилган. Қўқон хонлигида ушбу унвон соҳиби давлатдаги муҳим ишлар, амалдорларни лавозимга тайинлаш ва олиш, давлатдаги ички тартибни сақлаш, саройдаги тартиб-интизом каби масалалар билан шуғулланган (Sagdullayev, 2004. 9 b.).

Қушбеги – Қўқон хонлигида ҳарбий қўшин бошлиғи, бу мансаб юриш ва жанг вақтларида берилиб, унинг эгаси мингбоши унвонини олишга даъвогарлик қилган ҳамда алоҳида вилоятга ҳам ҳоким бўлиши мумкин эди. Хива хонлигида саройнинг олий мансабларидан бири бўлиб, молия ва солиқ йиғиш ишларини бажарган. Қўшбегининг махсус девони ҳамда унга бўйсунувчи амалдорлари бўлган.

Парвоначи – хонликларда хонга келиб тушган ариза ва шикоятларни хоннинг ҳузурига олиб кириб, жавобини қайтарган. Саройнинг ички ва ташқи ишларида фаол қатнашиши мумкин бўлган. Лекин, Қўқон хонлигида бу унвон бошқа унвон соҳибларига ҳам берилган.

Бекларбеги – ушбу унвон ҳар иккала хонликда ҳам мавжуд бўлган. Қўқон хонлигида бу унвон хоннинг ворисига ёки баъзи вилоятларнинг ҳокимларига берилган бўлса, Хива хонлигида бекларбеги уруғ оқсоқолларига берилган. Уларнинг вазифаси уруғлардан йиғиладиган солиқларнинг тўғрилигини текшириб турган.

Оталиқ – Қўқон хонлигида хон ёки хонзоданинг мураббийси, уларнинг ҳомийлари. Улар тарбиялаган хонзода тахтга ўтирганидан сўнг, оталиқлар ҳам юқори мансаб ва унвонларни эгаллаганлар. Хива хонлигида уруғ оқсоқоли, иноқ бошлиқ гуруҳга раҳбарлик қилган, хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. Оталиқ қилич ва пичоқ тақиб юрган.

Эшикоғаси – эшик олдидаги соқчи, посбон. Қўқон хонлигида хон маҳрамлари ва соқчи - мулозимларнинг бошлиғи. Нотаниш кишиларни хон ҳузурига ижозатсиз қўймасликка жавобгар шахс, Хива хонлигида эшикоғабоси хон ҳузурига келган ариза ва шикоятларни фуқаролардан қабул қилиб, саройдаги масъул ходимга топширган. Фавқулудда муҳим хабар ёки таклифлар билан келганларни ўзи хон ҳузурига олиб кирган. Ойболта унинг мансаб аломати бўлган.

Шунингдек, эшикоғалари билан бир қаторда хонликларнинг ҳар иккаласида ҳам хонга яқин одамлардан қўйиладиган тунқотар, тунотар мансаби мавжуд бўлган. Улар тун бўйи уйғоқ бўладиган соқчи ҳисобланиб, хоннинг дам олиши ва юришлари вақтида қўриқчилик қилишган.

Бундан ташқари саройда доимий фаолият кўрсатиб турган бир қатор мансаб ва унвонлар мавжуд бўлиб, улар хонликнинг ташкилий масалаларида муҳим вазифалар ҳисобланган. Уларнинг асосий мақсад ва вазифалари хон ва ундан кейинги ўринларда турувчи мансабдорлар томонидан тартибга солиб турилган.

Қўқон ва Хива хонликларидаги мансаб ва унвонлар номланиш нуқтаи назардан бир биридан қисман фарқ қилсада мақсад ва вазифасига кўра, сезиларли фарқ қилмаган. Хонликлардаги бошқарув тизими илдизи узоқ йиллик ўтмишга эга бўлган, неча-неча асрлардан ошиб келган, ҳозирги кунда ҳам дунё тан олган давлатчилигимизнинг бошқарув усулларида эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

**Сайдуллаев Ш.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент, 2021.

**Эшов Б.** Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. - Тошкент, 2019.

**Sagdullayev A. S., Mavlonov O'. M.** O'zbekistonda davlat boshqaruvi tarixi. - Toshkent, 2006.

**Sagdullayev A.** Boshqaruv asoslarining shakllanishi va rivojlanish bosqichlari // Jamiyat va boshqaruv. №1. - Toshkent, 2004.

## **ХІХ-ХХ АСР БОШЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ҚИЛИНГАН НЕМИС ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ ТАРИХИДАН**

**М. Б. Якубова**

Самарқанд давлат университети

Марказий Осиё ва Ғарбий Европа халқлари ўртасидаги маданий, иқтисодий, сиёсий алоқалар кўп асрлик тарихга эга. Европалик тадқиқотчиларнинг Марказий Осиёга қизиқиши ўрта асрлардан тортиб янги замон даврига қадар ҳам сусаймаган. (Зияева, 2019.10-12 б). Натижада, ўлкамизнинг географияси, тарихи, этнографиясига оид қимматбаҳо илмий материаллар жамланган. Ушбу ҳудудда бўлган инглиз ва французлар билан бир қаторда немис миллатига мансуб шахслар ҳам талайгина эди. Немис тадқиқотчилари ХІХ аср охири ХХ аср бошларида Германия империяси ҳукумати ҳамда Россия империяси буюртмаларига биноан Туркистон ўлкасини тадқиқ қилиш учун сафар қилганлар. Уларнинг орасида табиатшунослар, ҳарбий топографлар, зобитлар, инженер-муҳандислар ҳамда шарқшунос ва этнографларни учратиш мумкин. Уларни бирлаштирувчи умумий томони шундан иборат бўлганки, ушбу шахсларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб Берлин, Вюрцбург, Гёттинген, Йена, Магдебург, Дрезден ва бошқа олийгоҳларда таҳсил олишган. Тадқиқотчиларнинг қарийб барчаси ўз сафарлари ҳақида хабар ва эсдаликлар қолдиришган. Бугунги кунда ушбу мавзу Германиянинг ўзида ҳам катта қизиқиш ўйғотмоқда. (Торма. 2011. S. 11-18). Ушбу йўналишда Ўзбекистон илмий доиралари ҳам самарали фаолият олиб бориб ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар (Зияева, 2022. 364-381б).

Хорижий муаллифларнинг таъкидлашича, ХІХ аср Европада географик кашфиётлар қайта жонланган давр ҳисобланади. “Буюк географик кашфиётлар” янги даврнинг оламшумул воқеаси бўлса-да, ХІХ аср ҳам замондошлар томонидан “иккинчи географик кашфиётлар” даври сифатида баҳоланган. Шимолий ва Жанубий кутбларга уюштирилган илмий сафарлар билан бирга Африка қитъасининг ичкари ҳудудларини ўрганиш ушбу даврнинг ўзига хос томонларини белгилаб берди. Африкадаги Нил ва Нигер дарёларини излаб топиш Европа олимлари учун қанчалик қизиқарли бўлса, Марказий Осиё минтақасини ўрганиш ва уни Европа учун янгидан кашф қилиш, ҳудуднинг табиий ҳамда геостратегик ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этган.

Марказий Осиёга қараб кенгая бошлаган Россия ва Британия учун географик ва этнологик маълумотларга эга бўлиш зарурияти пайдо бўлгач, Марказий Осиё экспедициялар учун қизиқарли воқеликка айланди. ХІХ асрда бутун Европани қамраб олган ушбу жараёндан немис тадқиқотчилари ҳам четда қолмаган. Улар Марказий Осиё экспедицияларида иштирок этиб, кенг қамровли илмий фаолият олиб борадилар. Экспедициялар илмий

изланиш ҳарактерига эга бўлиб, улар Фанлар Академияси, Географик жамиятлар ҳамда хориж мамлакатлар билан шуғулланувчи институтлар (Landeskundemuseum) томонидан молиялаштирилган (Sidikov, 2003. S. 12-19). Амалга оширилган тадқиқотлар бутун илм оламини Туркистон ҳақида шу пайтгача номаълум бўлган материаллар билан таништирди. Экспедиция натижалари даврий матбуот ва нашрларда акс эттирилиб илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган. *Geographische Zeitschrift, Leipzig, Mitteilungen der Geographischen Gesellschaft in Hamburg, Neue Zuericher Zeitung, Petermann's Geographische Mitteilungen, Sitzungsberichte der Akademie der Wissenschaften zu Wien, Verhandlungen der Gesellschaft fuer Erdkunde zu Berlin, Wiener Zeitschrift fuer die Kunde des Morgenlandes, Zeitschrift der Deutschen Morgenlaendischen Gesellschaft, Zeitschrift der Gesellschaft fuer Erdkunde zu Berlin* каби газета ва журналлар бу борада жуда фаол бўлган (Mark, 2012. S. 22-29). Марказий Осиёни ўрганиш билан шуғулланган немисзабон тадқиқотчиларнинг илмий асарлари асосан Россия, Германия ва Австро-Венгрияда чоп этилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиянинг Марказий Осиё сиёсати Германия билан ўзаро боғлиқлик (немисча-*Verzahnung*), кенг қамровли алоқалар фонида амалга оширилади.

Бу нафақат ҳарбий кооперацияларда, балки ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ҳам кузатилади. Марказий Осиёга Россия орқали барча касб эгалари: олимлар, савдогарлар, техниклар ва бошқалар бажонидил юборилган. Немис ҳарбийлари ҳатто давлат бошқарувига ҳам кенг миқёсда жалб қилинган. Марказий Осиёда рус армиясидаги хизмат учун яхши ҳақ тўланганлиги ва ҳарбий карьерада тез ўсиш таъминланганлиги боис немис ҳарбийларининг рус армияси сафида Туркистонга бориши кенг тус олади. Уларнинг орасида рус ва шарқ тиллари билимдонлари кўп учрайди. Натижада ҳарбий экспедициялар давомида ана шундай мутахассислар томонидан салмоқли илмий тадқиқотлар яратилади. Бу немис ҳарбий тадқиқотчиларининг Туркистонга ундаган сабаблардан бири эди. Германия ва Россия ўртасидаги илиқ муносабатлар ва ўша пайтдаги Европада “terra incognita” бўлган Ориент-Шарқни “кашф этиш” каби умумий давр руҳияти бу масалада ҳал қилувчи омил бўлган. Шу боис Туркистонда ҳарбий соҳадан йироқ бўлган немислар: ҳаваскор тадқиқотчилар ҳамда етук мутахассислар ҳам кенг фаолият юргизган.

Осиёнинг баланд тоғ тизмалари ҳақидаги тадқиқотларда ландшафт тасвирлари, этнографик кузатувлар, тоғларнинг географик микрокосмос сифатидаги таърифлари батафсил ёритилади. Туркистон орографияси ва гидрономиясига бағишланган немис илмий тадқиқотлари ўз даври илм-фанида катта шов-шувларга сабаб бўлган (Hedin, 1904; Schlagintweit, 1860; Werner, 1880). Туркистон тоғларининг кашф этилиши кечроқ содир бўлган бўлса-да, аммо табиий соҳа тадқиқотлари ичида феномен ҳисобланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида британ ва рус экспедициялари Тянь-шан ва Помир тоғларини империя сиёсий қудратини ошириш мақсадида амалга оширган бўлса, немис олимларининг тадқиқотлари 1880 йилларгача кузатиш ва маълумотларни хулоса сифатида акс эттириш билан чекланган. Демак, рус ва британ тадқиқотлари ориенталистик нуқтаи назардан олиб борилган бўлса, немис экспедициялари фан тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Туркистонда олиб борилган немис олимларининг тадқиқотлари табиий соҳаларнинг орография - (тоғ ва тоғ тизмаларини ўрганиш), ирригация – (суғориш тизимини ўрганиш),

гидрография – (сув ҳавзаларини ўрганиш), климатология - (иклимшунослик), зоология – (хайвонларни ўрганиш), энтомология - (ҳашаротларни ўрганиш), лепидоптерология – (капалакларни ўрганиш), ихтиология – (балиқларни ўрганиш), альпинизм каби бир неча йўналишларига бағишланган. Тадқиқотчилар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб, аксарият кўпчилиги Марказий Осиё минтақаси тадқиқотларидан олдин дунёнинг турли нуқталаридаги экспедицияларда иштирок этишган.

Марказий Осиёда бўлган немис натуралислари тўплаган коллекцияларни ўрганиш натижасида Туркистоннинг хайвонот ва наботот оламига оид фан учун янгилик бўлган бир неча юзлаб янги турлар кашф этилган. Мисол учун, Леманнинг илмий фаолияти буни яққол исботлайди (Lehmann, 1852). Бу ёш немис олими ботаника фанини 180 янги тур ва унғача номаълум бўлган 20 та янги ўсимлик навлари билан бойитди. Леманн кашф этган 18 та янги ўсимликка олимнинг номи берилган.

Туркистон табиатини катта қизиқиш билан ўрганган немис тадқиқотчилардан Ост-Индия компанияси хизматида бўлган ака-ука Шлагинтвайтларни эслаш жоиз. Улар 1854-1858 йилларда Марказий Осиёга экспедиция уюштирган. Ушбу экспедиция немислар раҳбарлигидаги илк илмий-тадқиқот сафари эди (Werner, 1880.). Ака-ука Шлагинтвайтлар Марказий Осиё юқори тоғ тизмаларини илмий ўрганилиши анъаналарини бошлаб берган. Улар Ҳимолай тоғларининг довонлари ва дарё ўзанларини ўрганиб чиқишган. Туркистон орографияси ва гидрономиясига бағишланган илмий тадқиқотлари ўз даври илм-фанида катта шов-шувларга сабаб бўлган. Экспедицияга уч ака-ука чиқиб, бироқ ватанига фақат иккитасигина қайтиб келган. Ака-ука Шлагинтвайтлар тадқиқот ишларини алоҳида-алоҳида олиб боришади, маълум бир даврга тарқалишиб бироз вақтдан сўнг келишилган бир ҳудудда учрашишади. Шунда Арнолд Шлагинтвайтнинг Қошғарга етиб келиши у ерда императорга қарши исён пайтига тўғри келади.

28 ёшлик Арнолд Шлагинтвайт 1857 йил 26 августда Қошғарда жосуслиқда айбланиб, Хитой императори томонидан қатл этилади. Европага қайтгач Шлагинтвайтлар Марказий Осиё орографиясига оид илмий тадқиқотларини Ҳиндистон ва Марказий Осиёга қилган экспедиция ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган. “Ҳимолай тоғлари узра. Ака-ука Шлагинтвайтларнинг 1854-1858 йилларда Ҳиндистон ва Марказий Осиёга қилган экспедицияси” (Schlagintweit, 1860) номли китобда акс эттирилган.

Немис тадқиқотчиларининг илмий изланишларида табиатшуносликнинг янги қирралари кашф этилган. Ушбу тадқиқотлар нафақат Туркистон, балки бутун жаҳон табиий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшиб, Марказий Осиё табиий соҳалари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, XIX асрдан бошлаб Марказий Осиёни ўрганиш мақсадида амалга оширилган сафарлар илмий характерга эга бўлиб, ҳудуднинг нафақат Европа олимлари, хусусан, немисзабон олимлари, балки ҳаваскор изланувчилар томонидан ҳам чуқур тадқиқ этилганлигини кўрсатади.. Ушбу мақсадда ташкил этилган экспедициялар натижалари турли нашрларда чоп этилиб, Туркистон илм-фани, тарихи, маданиятига оид қимматбаҳо маълумотларни ўзида мужассам этган.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Зияева Д. Х.** Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX – XX аср бошлари). –Тошкент, 2018.
- Ўзбекистон табиий соҳаларига оид илмий экспедициялар тарихидан. –Тошкент, 2019.
- Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар (XIX-XX аср бошлари) / Масъул муҳаррир Д. Ҳ. Зияева. –Тошкент, 2022.
- Lehmann A.** Alexander Lehmann’s Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842 (Nach den hinterlassenen Schriften desselben bearbeitet, und mit Anmerkungen versehen von G. v. Helmersen. Nebst einem zoologischen Anhaenge von J.F. Brandt. –Berlin, 1852
- Mark R.** Im Schatten des Great Game.Deutsche “Weltpolitik” und russische Imperialismus in Zentralasien 1871-1914. –Hamburg, 2012
- Torma F.** Turkestan-Expeditionen. Zur Kulturgeschichte deutscher Forschungsreisen nach Mittelasien (1890-1930). – Bielefeld, 2011.
- Sidikov B.** Eine unermessliche Region. Deutsche Bilder und Zerrbilder von Mittelasien (1852-1914). –Berlin, 2003
- Hedin S.** Die geographisch-wissenschaftlichen Ergebnisse meiner Reisen in Zentralasien 1894-1897. –Leipzig, 1904.
- Petzholdt A.** Turkestan. Auf Grundlage einer im Jahre 1871 unternommenen Bereisung des Landes. – Bernhard Schlicke, 1874.
- Schlagintweit M., Ueber den Himalaya.** Die Expedition der Brueder Schlagintweit nach Indien und Zentralasien 1854-1858. –Berlin, 1860.
- Werner W.** Das Kaiserreich Ostindien und die angrenzenden Gebirgslaender, nach den Reisen der Brueder Schlagintweit und anderer neuerer Forscher dargestellt. – Berlin, 1880.

## **ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИ МИРЗАЧЎЛ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Н. Д. Мирзаева**

Гулистон давлат университети

Ўзбекистон тарихини, жумладан ХІХ аср охири – ХХ аср бошларида Мирзачўл воҳаси тарихини илмийлик, тарихийлик ва холислик нуқтаи назаридан ёритишда архив ҳужжатлари алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА) нинг Россия империяси даврига оид И-1, 7, 16, 17, 18, 21, 33, 36, 40, 69, 87, 113-фондлари ҳужжатларида Мирзачўл воҳаси тарихига оид кўплаб маълумотлар мавжуд. Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, кўчириш ҳаракати, воҳада ташкил топган рус қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига тегишли материаллар ЎЗР МДА нинг 1, 7, 16, 18, 21, 33, 269-фондларидан олинган. Князь Н.К. Романов ишлари Бошқармасига тегишли 40-фонд материалларидан Мирзачўлда Россия империясининг олиб борган мустамлакачилик сиёсатига оид маълумотлар батафсил кўрсатиб ўтилган. Мазкур фондда 1873 йилдан 1918 йилгача бўлган давр оралиғидаги Мирзачўл воҳаси тарихига доир ҳужжатлар жамланган. Биз куйида юқорида кўрсатиб ўтилган фондлар ҳужжатларида келтирилган воҳаниннг ижтимоий-иқтисодий тарихига оид маълумотлардан мисоллар келтириб ўтамыз.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмига оид архив ҳужжатларида бу ҳудудда яшаган кўчманчи аҳолининг сони, жинсий таркиби, табақалар ҳақида статистик маълумот берилган. Унга кўра, аҳолининг сони (Майда - Жингил, Оқ - тепа, Кўк - чағалак, Ўтру овулларида) (ЎЗРМДА, И-69-фонд, 1 - рўйхат, 62 - иш, 4-в.) эркаклар 1766 киши, аёллар 1744 киши, жами 3510 кишидан иборат бўлган. Этник таркибига кўра, уларнинг барчаси қозоқ уруғларининг вакиллари бўлганлар. Қишлоқни ўз овулларида ўтказганлар, ёз фаслида эса Бурли, Зуней, Сурўзак ва Уч – тепага кетганлар (ЎЗРМДА. И - 269-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 46 ор.в. - 47 в.).

Мирзачўлнинг Совет ва Эржар волостларида ХІХ асрнинг иккинчи ярмида истиқомат қилган аҳолининг этник тузилиши ҳақида ҳужжатларда куйидагилар ўз аксини топган. Совет волостида ўзбек – қаропчилар (юзлар) яшаган бўлиб, улар 7 уруғга бўлинган: туркман, кўштамғали, уяс, парчаюз, ачамайли, боёвут, еттиуруғ.

Совет волостининг оқсоқоли Мулла Назаркул Кинжибоев ўзбек-қаропчиларнинг бу ерда бир неча авлодлари яшаб ўтганлиги тўғрисида маълумот берган. Қаропчи қабиласининг 7 уруғи ўз навбатида бир неча бўғинларга бўлиниб, овулларда яшаганлар. Овуллар бир неча ўн хўжалиқдан иборат бўлган. Овул қанчалик катта бўлса, хўжалиқлар сони

шунчалик кўп бўлган. Гоҳида овулга келиб чиқиши уларга ёт бўлган ўтовлар ҳам келиб қўшилган, аммо улар вақтинча бирга истиқомат қилганлар.

Маҳаллий аҳолининг қандай экин турлари билан шуғулланганлиги илк бор расмий жиҳатдан аниқ ҳолатда 1908 йилда Туркистон ўлкаси Давлат мулклари ва деҳқончилик ишлари бошқармаси кичик топографи Ю.И. Гоппер томонидан рўйхатга олинган (ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1-рўйхат, 5197-иш, 88 - в.). Улар балиқчилик, хунармандчилик билан ҳам шуғулланганлар. Балиқчилик билан фақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун шуғулланганлар. Боғлари бўлмаган, фақат бекободликлар деҳқончилик ва боғдорчиликни яхши билганлар (ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1-рўйхат, 2608-иш, 142 в.о.). Кигиз, арқонлар, гилам, хуржун, чакмонларни чорва моллари юнгидан ўзлари учун тайёрлаганлар, камдан – кам ҳолларда бу маҳсулотларни сотиб олганлар. Кўриниб турибдики, бу машғулотлар алоҳида иқтисодий аҳамият касб этмаган. Ўзбеклар ҳам, қozoқлар ҳам яйловларни ижарага бермаган, ўз навбатида улар кўчиб юрган яйловлар учун ҳеч кимга ҳеч қандай ҳақ тўламаганлар.

Аммо, Сирдарё тўқайлари яйловларидан фойдаланишда умуман бошқача ҳолат ҳукмрон бўлган. Бу тўқайларнинг катта қисми рус аҳолиси томонидан эгаллаб олинган, рус деҳқонлари ўтлоқларни маҳаллий аҳолига 300-800 рублгача ҳақ эвазига ижарага берган (ЎзРМДА. И – 7 - фонд, 1 -рўйхат, 2608 - иш, 143 - в.).

Эржар волостида яшаган қozoқлар икки уруғга бўлинган, булар қўнғирот (қоракўз) ва ромадон уруғлари бўлиб, қўнғирот уруғи 3 бўғинга бўлинган: бултай, хальпэ, жетим (ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1 - рўйхат, 2608 - иш, 141- в.).

Бўғинлар Отуринск ва Кокчеган, Оққум жамоалари таркибига кирган. Ромадон қирғизлари Актюбинск жамоаси таркибида бўлган (ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1 - рўйхат, 2608 - иш, 146 -в). Жамоа Оқтепа, Хўжас ва Алтай овулларида иборат бўлиб, улар қишни Сирдарё бўйидаги тўқайларда ўтказганлар. Ёзда йирик отарларни Оқтахтай ва Қизилнура тоғларига ҳайдаб кетганлар. Баҳорнинг иккинчи ярмида пичан ўрим бошланган, ўзларининг пичан ўрими учун жойлари бўлмаганлиги учун бундай жойларни улар руслардан ижарага олган. Юқорида санаб ўтилган жамоаларда яшовчи қozoқларнинг оз қисмигина имконлари бўлсада, деҳқончилик билан шуғулланмаган. Турмуш тарзлари ўзбекларникидан кам фарқ қилган. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари буғдой нони бўлган, кейинги ўринларда тарик, сут ва барча турдаги гўштлар турган. Қиш кунлари гўштни кўп истеъмол қилганлар, асосан бўйра тўқиганлар.

Маҳаллий аҳолини ўтроқ ҳолатга ўтказиш мажбурий тарзда ҳам амалга оширилган. Масалан, 1913 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш Қоидаларининг 279 моддасига кўра, ўзбек уруғлари вакилларида иборат бўлган Боёвут, Ачамайли, Парчаюз, Уяс, Пастки Қўштамғали ва Туркман овуллари аҳолисини ўтроқ ҳолатга ўтказиш тартиблари белгилаб берилган (ЎзРМДА. И - 7 - фонд, 1 - рўйхат, 5197 - иш, 89 - в.).

1896 йилда Россиянинг жанубий қисмида юз берган қурғoқчилик ва очарчилик туфайли кубанликлар нажот сўраб, Туркистонга келишди. Кубан областидан келган аҳоли сектант-молоканлар (православиедаги диний оқим вакиллари)дан иборат бўлиб, улар “Обетованный” қишлоғидан 6-7 верст пастда, Сирдарё бўйига келиб ўрнашган. Қишлоқ дастлаб “Волинский”, деб аталган. Кейинчалик, қишлоқ аҳолиси орасида диний келиш-

мовчиликлар юз берганлиги сабабли, аҳолининг бир қисми бу ердан кетиб, “Нижний Волинский” қишлоғини ташкил этган. Шундан сўнг, бу қишлоқ “Верхний Волинский”, деб атала бошлаган. Кубанликлар лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган. Чигиртка босқинидан сўнг қишлоқ аҳолиси пул топиш мақсадида турли ишлар билан шуғулланган. “Верхний Волинский” номини олган кубанликлар қишлоғининг аҳолиси балиқчилик ва чорвачилик билан ҳаёт кечира бошлаган. Улар маҳаллий аҳолининг лалми бугдойзорларида қўл кучи билан бугдой ўрган ва сут маҳсулотларини сотиш билан шуғулланган. Шу тариқа Кубан сектантлари ва молоканлари ўзларига Мирзачўлда янги қишлоқ ташкил этган. 1899 йилда расмий рухсатномага эга бўлган қишлоқ аҳолиси 215 нафарни ташкил этган (ЎзРМДА. И – 18 - фонд, 1 - рўйхат, 12006 - иш. 9 - в.). 1907 йилда «Верхний Волинский» 89 киши истиқомат қилган. Аҳолининг таркибидаги бундай кескин ўзгаришни қишлоқ аҳолисини бошқа қишлоқларга кетиб қолиши билан асослаш мумкин. 1916 йилда ташкил топган “Саратовский” қишлоғи фақат биринчи жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтганлар ва Георгий ордэни кавалерлари учун ташкил этилган (ЎзРМДА. И - 16-фонд, 1 - рўйхат, 1856 - иш, 10 - в.). “Саратовский” қишлоғида 1917 йилда рўйхатга олинган 31 хўжалиқдан фақат 2 хўжалик истиқомат қилган. Қолганлар хўжаликларнинг бошлиқлари ва оила аъзолари бошқа ишлар билан машғул бўлган ёки бир неча юз рубль эвазига ўзларига қарашли ер майдонларини бошқа деҳқонларга ижарага берган.

1906 йилда Мирзачўлдан ер олиш умидида бўлган 16 та хўжалик Тошкент шаҳридан кўчиб келувчилар учун қурилган бинода вақтинча истиқомат қилиб турган. Сирдарё райони кўчирувчилик бошқармаси уларни зудлик билан ер билан таъминлаш лозим, деб ҳисоблаган (ЎзР МДА. И - 16 -фонд, 1 - рўйхат, 39 - иш. 5 в.о.). Руҳонийлар бундан истисно бўлиб, улар айрим ҳолатларда черков қошидаги мактаб директори вазифасини бажаришган. Қишлоқ ўқитувчилари ва руҳонийларига 20 десятинадан ер ажратилган. Россия ҳукумати маъмурлари рус қишлоқлари зиёлилари ҳисобланган қишлоқ ўқитувчилари ва руҳонийлари моддий жиҳатдан қанчалик яхши таъминланган бўлишса, одамларни рус қишлоқларида руҳонийлар, черковда диний оятлар айтувчилар ва ўқитувчилар сифатида хизмат қилишга шунчалик яхшироқ жалб этиш мумкин, деб ҳисоблаган (ЎзР МДА. И - 18 - фонд, 1 - рўйхат, 6508 - иш, 9 - в.).

1907 йилнинг 29 октябрида “Надеждинский” қишлоғи деҳқонлари майда суғориш тармоқларини қуриш ишларни давом эттириш учун 3000 рубль миқдорида кўшимча ссуда (узоқ муддатли қарз) сўраш тўғрисида илтимоснома билан маъмуриятга мурожаат қилган (ЎзРМДА. И - 18 - фонд, 1-рўйхат, 6545-иш, 1-в.). Рус деҳқонларнинг илтимос- номалари одатда эътиборсиз қолган ёки уларнинг фойдасига ҳал қилинмаган. Улардан айримларига тўғридан-тўғри рад жавоби берилган, бошқаларига эса у ёки бу баҳона билан ссуда бериш қолдирилган.

1907 йил 25 апрелда Туркистон Давлат мулклари ва деҳқончилик бошқармаси ва Сирдарё кўчирувчилик райони маъмурлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш қарорига кўра, Николай I каналидан фойдаланиш, уни таъмирлашга сарфланаётган харажатлар Беговот ва Сегиз-сари қишлоқларининг ўтроқ аҳолисидан, Туркман, Уяс, Қўштамғали, Ачамайли, Тентак овул, Бой овул, Парчаюз овулларининг ўтроқ турмуш тарзига ўтаётган аҳолисидан, “Николаевский”, “Конногвардейский” “Романовский”, “Духовский” ва

“Надеждинский”, “Обетованый”, “Верхний Волинский” ва “Нижний Волинский” қишлоқлари аҳолисидан, Н.К. Романов кўрғонидан ва “Толодная степь” темир йўл станцияси аҳолисидан олиниши белгилаб кўйилган (ЎзРМДА. И - 16-фонд, 1 - рўйхат, 39 - иш. 8 - в.). Мирзачўлда рус деҳқонлари томонидан фойдаланилган қишлоқ хўжалик техникаси маҳаллий деҳқонлар томонидан турлича баҳоланган. Кўчиб келувчилар пахта майдонлари кенгайиши билан техник талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдалана бошлаган, аммо маҳаллий аҳоли ер ҳайдашдан бошқа қолган барча ишларни қўл кучи билан бажарган, бу ҳолат ишчи кучи танқислигини келтириб чиқарган (ЎзРМДА. И - 7 - фонд, 1 - рўйхат, 5197 - иш. 104 - 111 в.о.).

Ўзбекистон Миллий давлат архивида Мирзачўл воҳасининг XIX аср охири – XX аср бошлари ижтимоий, иқтисодий, этник тарихига оид жуда кўплаб маълумотлар мавжуд, биз юқорида фақат айрим маълумотларнигина келтириб ўтдик, холос.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- ЎзРМДА, И-69-фонд, 1-рўйхат, 62-иш,4-в.  
ЎзРМДА. И - 269-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 46 ор.в. - 47 в.  
ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1-рўйхат, 5197-иш, 88 - в.  
ЎзР МДА. И - 7-фонд, 1-рўйхат, 2608-иш,142 в.о.  
ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1-рўйхат, 2608-иш, 143 в.  
ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1 - рўйхат, 2608 - иш, 141- в.  
ЎзРМДА. И - 7-фонд, 1 - рўйхат, 2608 - иш, 146 -в.  
ЎзР МДА. И-7-фонд, 1-рўйхат, 5197-иш, 89 - в.  
ЎзРМДА. И-18-фонд, 1-рўйхат, 12006-иш. 9-в.  
ЎзРМДА. И - 16-фонд, 1 - рўйхат, 1856 - иш, 10 - в.  
ЎзР МДА. И–16–фонд, 1–рўйхат, 39–иш. 5 в.о.  
ЎзР МДА. И–18–фонд, 1–рўйхат, 6508–иш, 9-в.  
ЎзР МДА. И-18-фонд, 1-рўйхат, 6545-иш, 1-в.  
ЎзР МДА. И-16-фонд, 1-рўйхат, 39-иш. 8-в.  
ЎзР МДА. И-7-фонд, 1-рўйхат, 5197-иш. 104-111 в.о.

## ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ ТАРКИБИДАГИ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИ АРМАНЛАРИ ТАРИХИДАН

**Б. Э. Раҳимов**

Самарқанд давлат университети

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср боши Туркистон халқлари тақдирида кескин ва фожеали бурилиш ясаган давр бўлди. Чоризм ҳукумати томонидан махсус кўчиртирилганлар, бундан ташқари ўз хоҳишлари билан Туркистонга келганларни ер билан таъминлашда туб аҳолига тегишли ер-мулкларни тортиб олиш ҳолатлари бутун ўлка бўйлаб кузатилган (Канода, 1973. С. 98-99). Стратегик муҳим районларга метрополия фуқароларини жойлаштириш мақсадида Каспийорти вилояти Кавказ ноиблигига ўтказиб юборилган (1874 й.). XIX асрнинг 90-йиллар охиридагина яна Туркистон генерал-губернаторлигига қайтариб берилган (1898 йил).

Каспийорти вилоятига фақат рус фуқаролари эмас (руслар, украинлар, рус немислари), балки бошқа хорижликлар ҳам келишган. Жумладан, Туркиядан келган деярли 3 минг арман қочоқлари ҳам Каспийорти вилоятида, асосан Ашхобод уездига жойлаштирилган. Натижада, 1897 йилда бу вилоятда 4803 арман ва 11 мингдан кўпроқ руслар бор эди (Ғаффоров, 2006. 55 б). XIX аср охири- XX аср бошида вилоятдаги хорижликларнинг 55,8 % ини руслар, 21 % ини эронликлар, 13,3 % ини арманлар ва 14,9 % ини бошқа миллат вакиллари ташкил этган (Эргашев, Турсунова, 2008. 187-190 б).

XIX аср охири- XX аср бошида Каспийорти вилоятидаги хорижий фуқаролар сони 8146 нафар кишини ташкил қилган [13, 28]. Ушбу мавзуга оид асосий манбалар Ўзбекистон Миллий Архиви жамғармасида ушбу вилояти тарихига доир маълумотлар ҳам анчагина, хусусан XIX аср охири-XX аср бошида вилоятга келиб жойлашган хорижликларнинг миллий таркиби ҳақида етарлича материал топамиз. Масалан, шу даврда вилоятда Россия, Австрия, Германия фуқароларидан ташқари поляклар, чех, серб, румин, мадьяр, венгр, афғон, яхудий, форс фуқаролари яшаб, турли фаолият юргизишган (ЎзМДА, Ф. И-461, оп-1, 1289 -иш, 33 б.). Қуйида Каспийортига четдан кириб келганлар орасида ўзининг салмоқли ўрни билан ажралиб турган арманлар ҳақида фикр юритамиз.

Кавказортдан Каспийорти вилоятига арманларнинг кириб келиши чор Россиясининг Туркистон ҳудудларини эгаллаш жараёнида рўй берган. XIX аср бошларидаёқ арманларнинг шарқ тилларини эгаллаган ҳамда ушбу мамлакатларда, айниқса Эронда ишлаган тажрибали, асосан ҳарбий ва савдогар табақадан бўлган вакиллари чор маъмурияти томонидан савдогар ёки тилмоч сифатида турли экспедицияларга жалб қилинган. 1869 йилда Каспий денгизининг шарқий соҳилига рус қўшинларнинг туширилиши билан Красноводск

шаҳрига асос солинди. Ана шу даврдан бошлаб рус қўшинининг Каспийорти ички ҳудудларига режали кириб бориши бошланган. Бундай вазиятда қўшинлар транспорт воситалари, озиқ-овқат, ем-хашак билан доимий таъминланишга муҳтож эдилар. Рус армиясининг таъминотида арман савдогарлари жуда муҳим ўрин тутганлар. Н.И. Гродековнинг гувоҳлик беришича, Гукасов, Тер-Оганов, Хубларов каби рус фуқаролари бўлиши арман савдогарлари чор қўшинларининг озиқ-овқат ва ем-хашак таъминотчилари бўлишган (Гродеков, 1884. С. 296).

Улар қўшин қисмларида маркитант (қўшин билан бирга юриб озиқ-овқат моллари савдоси билан шуғулланган савдогар) бўлиб хизмат қилишган ёки майда савдогарлар сифатида фаолият юритган. Каспийортининг рус қўшинлари томонидан босиб олинishi биланок вилоятга Каспий денгизининг ғарбий соҳилидан кўчиб келувчилар оқими кучайган. “Новое время” хабарига кўра, Каспийорти вилоятидаги кичик манзилгоҳлардан бири, Ашхободдан 9-10 чақирим нарида жойлашган Невтоновский қишлоғи жами 10 та уйдан иборат бўлган. Бу оилаларнинг катта қисми Кавказортидан - Кар вилояти ва Эриван губерниясининг турли қишлоқларидан кўчиб келган (Туркестанский сборник, 1909. С. 198).

Каспийортида ривожланган саноатнинг йўқлиги арманларнинг кўчиб келишига маълум даражада туртки бўлган. Ишчи ва косибларнинг Каспийортига келишига сабаб Озарбайжонда ишчилар аҳволининг оғирлашиши ҳамда Каспийорти вилоятида темир йўл қурилиши ва шаҳарлар пайдо бўлиши натижасида ишчиларга бўлган талабнинг ошганлиги эди. 1883 йилга келиб Красноводскда арманлар шаҳарликларнинг 25,5%, Қизил-Арватда 26,3%, Ашхободда 41,7%, Марвда 18,3 % ташкил қилган (Обзор Закаспийской области за 1882-1890 гг, 1897. С. 12, 13, 14). Бу даврда вилоятда арманларнинг тез кўпайишига сабаб шуки, аксарият арман-савдогарлари ўз хоҳишлари билан бу ерга келишган, кўплаб косиб, ишчи ва деҳқонлар яхшироқ иш топиб яшаш шароитларини ўнглаб олиш илинжида Каспийортига интилишган. Арманлар Каспийортининг иссиқ иқлимига нисбатан чидамли бўлган, кўчиб келганларнинг катта қисми шарқ тилларини, хусусан озарбайжон тилини яхши билган, бу эса Каспийорти маҳаллий туркман аҳолиси билан мулоқотни маълум даражада осонлаштирган.

Маҳаллий тилни билган арманлар вилоятнинг унча катта бўлмаган шаҳар манзилгоҳларида ҳам яшаб кетаверишган. 1883-1884 йиллардаги маълумотларга қараганда Чикишляр, Казанджик, Боми, Сарахс каби нисбатан кичикроқ шаҳарчаларда кўчиб келган бошқа миллат вакилларига нисбатан арманлар миқдори юқори эди (Обзор Закаспийской области за 1882-1890 гг, 1897. С. 12, 13, 14). 1885 йилда Красноводскда истиқомат қилувчи арманлар 322 кишига етган, бироқ 1890 йилга келиб уларнинг сони 89 га тушиб қолган. Красноводскда шаҳар аҳолисининг умумий сони шунга яқин ўзгаришларга дуч келган. 1883 йилда аҳоли сони 339 нафарни ташкил этган бўлса, 1886 йили 1263 кишига ўсган, бироқ 1890 йилда бу рақам 384 га тушиб қолган (Обзор Закаспийской области за 1882-1890 гг, 1897. С. 12). Четдан келганлар вилоятда ташкил бўлаётган янги шаҳарлар, авваламбор Ашхобод, Қизил-Арват ва Марвга кўчиб кетаверишган. 1886-1887 йилларда Марв шаҳри аҳолиси кескин равишда кўпайган. Қизил-Арват шаҳри арман аҳолиси сони 1890 йилда 480 нафарга етди ва умумий аҳолининг 25% ини ташкил қилган. Бу вақтда

Қизил-Арватда 680 нафар рус, 460 нафар форс, 270 нафар озарбайжон ва 25 нафар яхудий истиқомат қилган.

Каспийорти темир йўлининг 1885 йили Ашхободга етказилиши билан бу шаҳарда арман миллатига мансуб одамлар сони кўпайган. Мисол учун, 1885 йил Ашхободда 916 нафар арман бўлса, 1886 йилда уларнинг сони 2190 нафарга етган. Вилоятда арман аҳолисининг энг кўпайган даври 1886-1887 йилларга тўғри келган. Манбаларда қайд қилинишича уларнинг сони ўртача 5500 нафарга етган (Обзор Закаспийской области за 1882-1890 гг, 1897. С. 12, 13, 14). Бу жараён Ашхобод ва Марвга Каспийорти темир йўлининг етиб келиши билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик арман аҳолисининг камайишига сабаб (нафақат арманлар, балки бошқа миллат вакиллари ҳам) 1882-1890 йилларда вилоятга кўчиб келишларнинг вақтинчалик характерга эга эканлигидир. Мисол учун 1883 йилда арманлар Каспийорти вилояти бошлиғига ўзларига оқсоқол сайлаш учун рухсат сўраб мурожаат қилганларида уларга рад жавоби берилган. Бунга уларнинг вақтинчалик келиб туришлари асос бўлган.

Ахал-Текин уездининг вилоят бошлиғига берган ҳисоботида Ашхободда доимий яшовчи бирорта савдогар йўқлиги қайд этилган. Каспийорти подшо Россияси томонидан босиб олинганидан кейинги ўн йилликда четдан келувчилар вилоятда вақтинча истиқомат қилганликларига бу ердаги аёл ва эркак аҳолининг ўзаро нисбати ҳам исбот бўлиши мумкин. Масалан, Ашхободда 1884 йил 268 нафар армандан 261 нафари эркак ва жами 7 нафари аёл эди (Обзор Закаспийской области за 1882-1890 гг, 1897. С. 13). Кўриниб турибдики, ишлаш ёки савдо мақсадларида вилоятга келган арманларнинг кўпчилиги бу сафарлари муваффақият билан тугашига ишончлари комил бўлмаган, шу сабабли улар ўз оилаларини Кавказортида қолдиришган. 1890-1895 йиллар оралиғида вилоятда арманлар миқдори унчалик ўзгармаган. 1892 йилга келиб уларнинг сони 2871 нафарга камайган. Вабо эпидемиясидан қочиб баъзи арманлар Каспийортини тарк этганлар. 1893 йилда вилоятда арманлар сони 3500 нафарни ташкил этган (Обзор Закаспийской области за 1890-1915 гг., 1897. С. 29-31). Статистик рақамлардан маълум бўладики, вилоятдаги арман аёлларига нисбатан бўйдоқ арман эркаклари ҳамда ўз оилаларини Каспийортдан ташқарида қолдирган оилали эркаклар сони кўпроқ бўлган.

1883 йилга қараганда 1890 йиллар охирига келиб арманларнинг катта қисми Каспийорти вилоятида муқим ўрнашиб олган. 1893 йилда Ашхободда арман мактаби фаолият кўрсатганлиги ушбу фикрга ёрқин далил бўлиб хизмат қилади (Обзор Закаспийской области за 1893 г, 1894. С. 203). Кейинги йилларда вилоятда арманлар кўпайган. 1897 йилда Каспийорти вилоятида 4256 нафар арман бор эди. Шулардан 3975 нафари шаҳарларда ва 261 нафари шаҳарлардан ташқарида-уездлар худудида яшаган. Жумладан, 1899 йилда Янги Чоржўй шаҳрида 318 нафар арман-григориан яшаган (ЎзМА, Ф.И-2, оп-1, 42 -иш, 8 б). 1899 йил 19-июлда Туркистон генерал-губернатори девонхонасига тақдим этилган ҳисоботда қайд этилишича Янги Чоржўйдаги Арман-григориан жамияти ибодатхона қуришни сўраб мурожаат қилган. “Хорижлик эътиқодчиларнинг маънавий ишлари низоми”нинг 1110-моддасига кўра арман-григорианлар эркин ибодат ҳуқуқидан маҳрум этилмаганлиги боис ибодат йиғинлари хусусий биноларда амалга оширишга рухсат берилган (ЎзМА, Ф.И-2, оп-1, 42 -иш, 5-5об) Каспийорти шаҳарлари аҳолисининг этник хилма хиллиги ўзига хос диний вазиятни юзага келтирган. Маҳаллий туркман аҳоли ислом динининг сунний,

форслар эса шиа ва бахаизмга эътиқод қилганлар. Русларнинг аксарияти православ ва бир қисми баптист, поляк, немис ва бошқа европалик аҳоли католик ва протестантизм, яҳудийлар-иудаизм, арманларнинг кичик бир католик гуруҳидан ташқари кўпчилиги православ черковининг анъанавий арман-григориан мазҳабига эътиқод қилишган.

1892 йилда Каспийорти вилояти бошлиғи Куропаткин Ички ишлар бош штабининг бошлиғи Обручевга қуйидагиларни ёзган: “Каспийорти вилояти 10 йилга арман бурчагига айланиб қолди, нафақат арман аҳолисининг сони бўйича, балки бу аҳолининг вилоят иқтисодий ҳаётида тутган ўрни бўйича ҳам, чунки улар Каспийортидаги савдо, саноат, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз қўлларига олганлар...” Вилоятдаги савдогарлар қатламининг катта қисмини ака-ука М ва Д. Мелик-Микиртичевлар, Н. Антонов, М. Саруханов каби кўплаб арман тижоратчилари ташкил этган. 1881 йил Ашхободда арман ва форс тижоратчиларининг савдоси шу қадар ривожланиб кетадики, Ахалтекин округининг бошлиғи уларнинг савдо операцияларини солиққа тортади. Шуни айтиш керакки, форс савдогарларига қараганда арманларнинг ичида 1-даражали (яъни энг бой) савдогарлар сони кўпроқ эди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, арман савдо вакиллари маъмуриятга ҳали Россия томонидан забт этилмаган ҳудудларда ҳам савдо-сотик ишларини олиб боришга рухсатнома берилишини сўраб мурожаат қилишган. 1884 йил арман миллатига мансуб Н. Телепов Каахкада савдо қилишга рухсат сўраган. Каахка у вақт ҳали босиб олинмаган эди. 1884 йил Тифлис шаҳридан бўлган Тер-Баргисов Молия вазирлиги қўмагида ТМАСИС фирмаси номи билан суғурта, транспортировка ва савдо ўртоқлигини тузиш таклифини олға сурган. Лекин, вилоят бошлиғи бунга рад жавобини берган. Арманлар Каспийортининг янги ташкил топган шаҳарларидаги тижорат ишларида ҳам жуда фаол бўлишган. Форс, яҳудий ва асосан арманлар уйлар қуриб турли эҳтиёж молларини сотадиган дўконлар очганлар. XIX асрнинг 80-йиллари охирларида газлама, атторлик ва баққоллик моллари сотиладиган йирик дўконларгина эмас, ҳатто кўкат ва бошқа майда маҳсулот сотувчи кичик дўкончалар ҳам арман ва форслар қўлида эди.

Арман олиб-сотарлари овулларга келиб маҳаллий аҳолидан жун, тери, палос, гилам ва маҳаллий қосибчиликнинг бошқа маҳсулотларини аҳолидан сотиб олган ёки алмашганлар. Арман дўконларида Каспий денгизининг ғарбий соҳили ҳамда Марказий Россиядан келтирилган буюмлардан ташқари баъзан анчагина миқдорда инглизлар ишлаб чиқарган молларини ҳам учратиш мумкин эди.

Вилоятдаги 1514 та савдо муассасасидан (1896 й) 35,1 % и арманларга тегишли бўлган. 1897 йилги маълумотга қўра, вилоятда 1000 та арман савдогарлари мустақил фаолият юритишган. Каспийорти вилоятидаги энг бой тижоратчилардан М. Сарухановнинг керосин савдоси, А. Епифановнинг ёғоч ва спирт омборлари, Н. Тер-Микиртичевнинг Ашхободда газлама маҳсулотлари чакана савдоси билан шуғулланган мануфактура ва атторлик магазинлари, ун ва пиво омборлари, К. Аванесовнинг Марвда газлама магазинлари ва пахта омбори, Ашхободда Х. Миацакановнинг газлама савдоси ва ун омбори, Богдановнинг баққоллик маҳсулотлари ҳамда турли хил ичимликлар магазини, Р. Качкачевнинг Ашхободда турли баққоллик, идиш-товоқ магазинлари, Н. Багатуровнинг Марвда идиш-товоқ магазинлари, М ва Д Мелик-Микиртичевларнинг Марвда, О. Черкезовнинг Ашхободда темир буюмлар магазинлари фаолият юргизган (Григорянц, <http://www.nashasreda.ru>. С. 4]

Бундан ташқари, арманлар қишлоқ хўжалигида ҳам фаол бўлишган. Мисол учун, бой ҳиссадорлардан Каспийорти амалдори Белонович ва Астрахан савдогари Дубскийнинг хутори 3000 десятина ерни сотиб олган. Арман ўртоқлиги эса Богирхондан 12600 десятина, Рига деҳқончилик ўртоқлиги арман ўртоқлигидаги 3000 десятина ерни ижарага олган (Канода, 1973. С. 22)

Ўлкада арман аҳолисининг ўсиш динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, асосий пунктлар ҳисобланган Ашхобод, Марв, Қизил-Арватда арманлар жуда инок жамоаларни ташкил этган. Бу жамоалар маънавий ва сиёсий жиҳатдан Кавказга таянган. Вилюятга арманлар нафақат Кавказдан, балки бошқа ҳудудлардан ҳам кириб келишган. Қуйидаги архив маълумоти ҳам фикримизни тасдиқлайди. 1894 йил Туркиядан Каспийорти вилюятига 3 минг арман қочиб ўтган (ЎзМА, Ф.И-16, оп.2, 1905-иш, 3-бет. 3 б) Худди шу йили Ҳарбий вазирликнинг Каспийортига қочиб ўтган туркиялик арманлар масаласидаги мурожаатига Каспийорти вилюяти бошлиғи бу иммигрантларни вилюятда қолдиришга кескин норозиликни ҳамда арман миллатига мансуб аҳолини умуман Каспийортига киритилишига қаршилигини билдирган. Масаланинг ечими сифатида арман иммигрантларини Туркияга қайтариб юборишни таклиф қилиб, ушбу меҳнаткаш зироаткор аҳолининг Туркия ҳудудларида яшаши мақсадга мувофиқлигини қайд этган. Шунга қарамадан, XX асрнинг дастлабки йилларида ҳам арманлар сони ўсишда давом этган. 1902 йилда вилюятда 7658 арман яшар эди, бу жами четдан келганларнинг 12,6% ини ташкил этган (Обзор Закаспийской области за 1902 г, 1903. С. 10-11). 1903 йилда арманлар вилюятда яна ҳам кўпайди ва 8414 кишига етди. Чор маъмуриятининг маълумотларига қараганда, 1902-1903 йилларда вилюятга арманлар келиши кучайган. Бу эса ўз навбатида, Шарқий Кавказдаги ишсизлик, хусусан Боку ва Хуросондаги очликнинг оқибати эди. Вилюятнинг йирик шаҳарларида истиқомат қилувчи арманлар сони ошади, жумладан, 1902 йилда Ашхободда 4690 нафар (22%), Красноводскда - 922 нафар (13,4%), Қизил-Арватда-782 нафар (22,8%), Марвда – 642 нафар (10%) га ошади (Обзор Закаспийской области за 1902 г, 1903. С. 10-11). Кейинги йилларда вилюятда арманлар яна кўпайганлиги ҳамда уларнинг сиёсий фаоллиги кучайганлиги Ашхобод шаҳри ва Каспийорти вилюятига оид агентура маълумотларининг 1915 йил феврал ойи бўйича берилган ҳисоботида акс этган. Арманистон автономияси масаласини ҳал этиш учун Тифлидаги курултойга шаҳарлардан сайланган арманлар тўпланишган. 1915 йил 20 февралдаги хабарга кўра, Ашхободдаги арман черковида арман миллатига мансуб 200 киши жам бўлиб, Тифлидаги курултойга Ашхободдаги арманлардан вакил (депутат) этиб 150 овоз билан адвокат Саркисов сайланган.

Архив маълумотларига кўра, Саркисов дашноқчи бўлган (Дашноқцутюн - арман миллий ҳаракати). Мажлис Арманистон автономияси тарафдорлари ва қаршилари масаласини аниқлаштириши керак эди. Фақат назоратчи амалдор Мелькум Сарумов автономияга қарши чиққан. Арман миллатига мансуб Саркисов, Сарумов ва Орамповлар шахси Туркистон Район Хавфсизлик Бўлими томонидан Подполковник Иванов бошчилигида ўрганилган (ЎзМА, ф. и-461, оп. 1, 1657-иш, 3- 3 об, 3-3об, 4).

Таҳлил этилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

Биринчидан, вилюятга арманлар кириб келган дастлабки пайт билан кейинги даврлар таққосланганда арман аҳолисининг ўсиш динамикаси кузатилади. Иккинчидан,

Кавказортидан келган арманлар XX аср бошида Каспийorti вилоятида етарлича му-стаҳкам ўрнашганлигини ўлкадаги арман ибодатхона ва мактаблари фаолиятдан ҳам кузатиш мумкин. Учинчидан, арманлар Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти-да жуда фаол бўлишганидан, уларнинг айримлари маъмурият назоратида турганлар. Тўртинчидан, арманлар вилоятнинг иқтисодий инфраструктурасида салмоқли ўринга эга бўлган.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Григорянц В. Е.** Участие армян-переселенцев в развитии торговли в Закаспийской области (ко-нец XIX - начало XX вв.) Владимир Григорянц (Ашхабад) Қаранг: <http://www.nashasreda.ru>
- Григорянц В. Е.** К истории армянской церкви в Туркмэнии. Қаранг: <http://www.nashasreda.ru>
- Гродеков Н. И.** Война в Туркмэнии в 1880-1881 гг. Т. III. – СПб, 1884.
- Исхаков Ф.** Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917гг). –Ташкент, 1997.
- Канода Н. Н.** Переселенческие посёлки в Закаспийской области (конец XIX- начало XX в.). – Ашхабад, 1973.
- Ғаффоров Ш. С.** Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. – Тошкент, 2006.
- Эргашев Б., Турсунова Д.** Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларида Закаспий вилояти тарихига оид манбалар // Самарқанд худуди тарихи ва маданияти манбашунослиги. – Самарқанд, 2008.
- «Обзор Закаспийской области за 1882-1890 гг». – Ашхобод, 1897.
- «Обзор Закаспийской области за 1890-1915 гг». – Ашхобод, 1897.
- «Обзор Закаспийской области за 1902 г.». – Ашхобод, 1903.
- «Обзор Закаспийской области за 1903 г.». – Ашхобод, 1904.
- «Обзор Закаспийской области за 1893 г.». – Ашхобод 1894.
- Туркестанский сборник. Т. 518. 1909
- ЎзМА, Ф.И-1, оп.4, 466 -иш, 28-бет
- ЎзМА, Ф.И-461, оп-1, 599 -иш, 2, 8,-бетлар:
- ЎзМДА, Ф.И-461, оп-1, 1289 -иш, 38-бет: ЎзМДА, Ф.И-461, оп-1, 812 -иш, 33-бет
- ЎзМА, Ф.И-2, оп-1, 42 -иш, 8-бет
- ЎзМА, Ф.И-16, оп.2, 1905-иш, 3-бет
- ЎзМА, ф. и-461, оп. 1, 1657-иш, 3- 3 об, 4-бетлар

## IV - ШЎЪБА

### СОВЕТ ВА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

#### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ

**Ж. А. Пардаев**

Жиззах давлат педагогика университети

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021-йил 9-май “Хотира ва қадрлаш” кунига бағишланган маросимда Ўзбекистон халқининг 2- жаҳон урушида фашистлар устидан ғалабага қўшган хиссасини янада чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Натижада Республика тарихчи - олимлари томонидан бир қанча илмий ишлар амалга оширилди. Архив материаллари, ўша давр матбуот хужжатлари, уруш қатнашчиларининг шахсий хужжатлари ўрганилди, республикамизнинг барча ҳудудларида дала тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қаҳрамон аждодлар ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди. Тарихчи олимлар ва ёш тадқиқотчилар томонидан иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилган аждодларимизнинг фронт ортида фидокорона меҳнат кўрсатган қаҳрамонликлари архив, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалар ёрдамида ўрганилмоқда (<https://yuz.uz/uz/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-hotira-va-qadrlash-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdag-i-nutqi>).

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча соҳаларини қайта қуриш, иқтисодий ҳарбий изга солиш каби энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларини белгилаб берди. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ҳарбий изга кўчиришни қисқа фурсатда амалга ошириш амалга ошириш керак эди:

– катта ёшдаги эркакларнинг фронтга сафарбар қилинганлиги сабабли, ишчи ва хизматчиларнинг иш вақтларини узайтириш, улардан иш унуми ҳажмини ошириш, ёш болалар ва хотин-қизларни ишга жалб қилиш;

– мамлакатнинг ғарбий вилоятларидан Ўзбекистонга кўчириб келинган саноат корхоналарини қисқа муддатда жойлаштириш ва фаолиятини бошлаш;

– қисқа муддатда уруш давридаги ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи кадрлар тайёрлаш;

– қишлоқ хўжалигида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида фронтга озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди.

1941 йил 26 июндан Ўзбекистондаги барча завод ва фабрикаларда ишчи ва хизматчилар учун мажбурий ишлаб бериш жорий этилди. Иш куни олти кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Ишчи ва хизматчиларнинг таътилга чиқиши бекор қилинди. Натижада,

ишчи-хизматчиларнинг сонини кўпайтирмасдан туриб ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмини тахминан 3 баробарга ошириш имконини берди. Ишчи кучининг етишмаслиги сабабли, идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб қилинди.

“Тоштрам” вагон таъмирлаш заводининг темир рандаловчиси Пушкирева икки станокда ишлаб, 1941 йилнинг июл кунларида ишлаб чиқариш топшириғини шлади. “Тошқишлоқмаш” қолиповчилар бригадаси жанговар вахтада туриб ишлаб, кундалик ишлаб чиқариш режасини 260-300% қилиб бажарди. Шунингдек, Наманган вилоятидаги “Янги турмуш” хунармандчилик артелининг аъзолари Қирғизбоев, Юсупов, Нишонов, Хамроев, Қодиров ва бошқалар ишлаб чиқариш топшириқларини 500% қилиб бажара бошладилар 350-470% дан адо эта бошлади. “Тошқишлоқмаш” қолиповчилар бригадаси жанговар вахтада туриб ишлаб, кундалик ишлаб чиқариш режасини 260-300% қилиб бажарди. Шунингдек, Наманган вилоятидаги “Янги турмуш” хунармандчилик артелининг аъзолари Қирғизбоев, Юсупов, Нишонов, Хамроев, Қодиров ва бошқалар ишлаб чиқариш топшириқларини 500% қилиб бажара бошладилар.

Ўзбекистонда 1941 йилнинг сентябр-декабр ойларида иқтисодиётда саноат ишлаб чиқаришни ҳарбий изга мослаб қайта қуришнинг умумий режалари белгиланган эди. Қарор ва режаларда иқтисодиётни қайта қуришга доир аниқ вазифалар белгиланган, уларда саноат корхоналарини мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш муддатлари кўрсатилган, ички ресурсларни сафарбар қилиш соҳасидаги чоралар таклиф қилинган эди.

Асосий вазифалардан бири иттифоқнинг ғарбий вилоятларидан республикага кўчириб келтирилган саноат корхоналарини жойлаштириш ҳамда ғоят қисқа муддатларда ишга тушириш ўзбекистонликлардан катта куч-ғайрат сарф этишни талаб қиларди.

Уруш даврида Ўзбекистонга 104 та завод ва фабрика эвакуация қилинди. Улар орасида Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, “Россельмаш”, “Қизил Оксой”, Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги “Электрокабель” ва “Подъёмник” заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Чкалов номидаги авиация заводи, “Красный путь” заводи, Киевдаги “Транссигнал” заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар бор эди. Бу завод ва фабрикалар қисқа муддатларда, масалан, “Россельмаш” заводи 25 кунда, “Қизил Оксой” заводи бу ерга етиб келгандан кейин орадан 29 кундан сўнг маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 1941 йилнинг декабрига келиб эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси ишга туширилди.

1942 йилнинг ўрталарига келиб республика индустрияси мамлакат шарқидаги ҳарбий саноат базасининг таркибий қисми бўлиб қолди. 1941 йил декабр ойида Тошкентдаги 63 та корхона ва Республикадаги бошқа 230 та корхона мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Улар орасида “Тошқишлоқмаш”, паровоз таъмирлаш заводлари, Чирчик электр-кимё комбинати ва бошқа корхоналар бор эди. Тўқимачилик ва тикувчилик саноати ҳам фронт эҳтиёжларига хизмат қилишга киришди. Ўзбекистон уруш даврида мамлакатга хомашё ва ёқилғи энергетикасини етказиб бериш бўйича ҳам муҳим вазифаларни амалга оширди. Жумладан, мамлакатимизда 1942 йилда Лангар молибден конини фойдаланишга топшириш соҳасидаги ишлар амалга оширилди ва қисқа муддатда молибден фабрикаси ишга тушди. Шу йилларда Жиззахдаги Қўйтош конининг ишлаб чиқариш қуввати ва Қоратепа рангли металллар конининг қуввати кескин оширилди. Олмалиқда мис ва бошқа

рангли металлларнинг бой конлари топилди. Ангрен республиканинг биринчи кўмир марказига айланди. 1942 йилнинг бошларида Октепа ва Окқовокдаги 1-сон ва 3-сон гидростанциялар қурилиши қайта тикланди. Фарход ГЭСни бунёд этиш умумхалқ ҳашар йули билан бошлаб юборилди. Бу ГЭСларнинг республика энергетика тизимига қўшилиши электр энергияси ишлаб чиқаришнинг бирмунча ўсишига имкон берди. 1942-43 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш 4 бараварга кўпайди.

Саноат қурилишида ўлка аҳолисининг барча қатламлари фаол иштирок этди. Меҳнат ресурсларининг энг йирик базасини ташкил этган қишлоқ меҳнаткашлари бу ишга айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Фақат 1941 йилнинг иккинчи ярмида ҳарбий объектлар қурилишига қарийб 500 минг колхозчи жалб қилинган.

Республикага кўчириб келинган ва ҳарбий изга туширилган

Республикага кўчириб келинган ва ҳарбий изга туширилган саноат корхоналарини Республикага кўчириб келинган ва ҳарбий изга туширилган саноат корхоналарини ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида асосан ёшлардан иборат ишчи кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Шу мақсадда 1942 йилнинг охирида Республикада 31 та ФЗО (фабрика- завод таълими) мактаби очилди, уларда таълим олувчилар 15320 ўқувчидан иборат бўлиб, 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар эди. Ана шу вақтга келиб республикада жами 14 та касб-хунар мактаби ва 45 та ФЗО мактаби ишлаб турди. Уларда таълим бериш жадаллашган дастур бўйича олиб борилди. Урушнинг дастлабки босқичида ишчиларни қисқа муддатли курсларда оммавий тайёрлаш, яқка тартибда ва бригада шогирдлиги усуллари билан тайёрлаш айниқса кенг қулоқ ёзди. Уруш даврининг 17 ойи ичида ёшлардан (14, 17 ёшлилар) оммавий касблар бўйича 23300 ишчи тайёрланди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида урушнинг фақат икки йили мобайнида Ўзбекистонда оммавий касбларда 105673 саноат ишчиси тайёрланди, улардан 73 минг нафари ишлаб чиқаришнинг ўзида хунар эгаллади. Бунинг натижасида ишчилар синфининг умумий сони ортди. Агар 1940 йил сентябрда республика саноатида 141,6 минг ишчи ва хизматчи банд бўлган бўлса, урушнинг охирига келиб 196,2 минг ишчи ва хизматчи бор эди (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. 440-446 б.). Юқоридаги тадбирлар ўз самарасини берди. Натижада, уруш давомида ўзбекистонликлар фронтга 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. та радио лампа, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий-санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2200 та кўчма ошхона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб бердилар. Фақат республика энгил саноат халқ комиссарлиги корхоналарининг ўзи 1941-1945 йиллар мобайнида 7518,8 мингта гимнастерка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб бердилар. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги олдида фронт ва мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланди. Қишлоқ хўжалигига моддий ресурсларни сафарбар этиш, техника экинлари, дон, картошка ва сабзавотлар экишни кўпайтириш зарур эди. Чорвадорлар олдида армия ва аҳоли учун сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилганди. Натижада, қишлоқ хўжалик экинларининг турлари сезиларли равишда ўзгарди.

Агар урушдан олдин ҳар бир туманда экин экилган майдонларнинг 90 фоизи пахта ҳисобига тўғри келса, уруш йилларида бу майдонлар бирмунча камайди. Масалан, Фарғона вилоятида пахта экиладиган майдонлар 51% га тушиб қолди. Қолган суғориладиган ерларга бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, 25% ерга ғалла, 4% ерга сабзавот ва полиз экинлари, 16% майдонга беда экилди. Бу тадбир, шак-шубҳасиз, ижобий натижаларга олиб келди. Пахта яккаҳокимлигининг чекланиши озик-овқат ресурсларини зарур миқдорда кўпайтириш имконини берди. Уруш даврида республика ғаллакорлари мамлакатга 82 млн. пуд ғалла, 213 минг центнер шоли етказиб бердилар (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. 447-448 б.).

Республика деҳқонлари қанд лавлаги етиштиришни жадал ўзлаштиришга катта эътибор бердилар. Уни етиштиришга Самарканд, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида энг ҳосилдор ва сув билан таъминланган ерлар ажратилди. 1943 йилда қишлоқ меҳнаткашлари давлатга 1565 минг центнер қанд лавлаги топширдилар.

Хулоса қилиб айтганда, иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалаба нафақат фронтдаги ҳарбийларнинг жасоратлари, балки, меҳнаткаш ўзбек халқининг фронт ортидаги машаққатли меҳнати эвазига қўлга киритилган. Ўзбек халқининг фронтга ҳарбий қурол-яроғлар, озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларнинг етказиб бериши ҳамда мамлакатнинг ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган қариялар, аёллар ва ёш болаларни ўз бағрига олиши ҳам уруш даврида кўрсатган катта қаҳрамонлик ва жасоратидан даракдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

<https://yuz.uz/uz/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-xotira-va-qadrlash-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. 447-448 б.

## O'ZBEKISTON ARXELOGIYASI IKKINCHI JAHON URUSHI VA KEYINGI YILLARDA

**J. J. Yuldashev,**

Jizzax viloyati pedagoglarni yangi  
Metodikalarga o'rgatish milliy markazi

**U. A. Ollayorov**

Jizzax davlat pedagogika universiteti

Ma'lumki, XX asrning ikkinchi yarmida o'zbek xalqining nisbatan mukammal tarixini yorituvchi arxeologik ma'lumotlarni o'rganishga e'tibor qaratila boshlandi. Chunki, o'zbek xalqi tarixi haqida gap ketganda faqat yozma manbalarga asoslanilgan edi, xolos. Vaholanki, bizning ajdodlarimiz tarixi sinfiy jamiyatda emas, balki ibtidoiy tuzum davrida, ya'ni arxeologlarning xulosalariga ko'ra, ajdodlarimiz tomonidan mehnat qurollarini ilk bor yasagan vaqtlaridan boshlanadi. Shuning uchun akademik Y.G'. G'ulomov har qaysi davr uchun alohida mutaxassis arxeolog yetishtirishga kirishdi. Bu borada Y. G'ulomov Peterburg olimlari bilan kelishib, 1960-1970 yillar mobaynida A. Asqarov, U. Islomov, M. Qosimov, S. Rahimov, R. Sulaymonov, T. Mirsoatov kabi bo'lg'usi mutaxassislarni fan nomzodlari qilib tayyorladilar. Bu milliy kadrlar Ya. G'ulomov boshchiligida O'zbekiston hududida keng ko'lamda arxeologik qidiruv va qazish ishlarini olib bordilar. Y. G'ulomovning tashabbuslari bilan milliy kadrlardan mutaxassis arxeologlar tayyorlash ishiga yanada e'tibor kuchaytirildi (Mirsoatov, Mirsoatova, 2002. 14-16 b.).

O'zbekistonda arxeologiya fani eng yosh ilmiy sohalardan biridir. Shuni qayd etish lozimki, o'lkani tadqiq etishdagi birinchi qadamlar XIX asrning oxiridan boshlab qo'yilgan edi. Avval bu ish bilan havaskor o'lkashunoslar va kolleksionerlar shug'ullanganlar. Faqat bir marta, 1884-yilda bu yerda markazdan arxeolog olim N.I. Veselovskiy boshchiligidagi arxeologiya arxeologiyahay'ati yuborilgan edi. Ammo, bu hay'at Osiyoning xom g'ishtlardan barpo etilgan murakkab inshootlarida qazish ishlari olib borishga tayyor emas edi va u qadimgi tarixning Afrosiyob qal'asidek nodir yodgorligi (qadimgi Samarqand) haqida salbiy taqrizni taqdim etdi. Ko'hna yodgorliklarning haqiqiy qiymati va ahamiyatini ko'rsatib bergan asosiy ishlar esa Turkiston arxeologiya havaskorlari to'garagi (THAT, 1895) V.L. Vyatkin, E.T. Smirnov, M.S. Andreyev, N.G. Mallinskiy, A.A. Divayev va boshqalarning faoliyati bilan bog'liq (Ўзбекистон тарихи журнали №4. 2003.)

Xorazm arxeologiya-etnografiya ekspeditsiyasi Xorazm vohasi arxeologik madaniyati va tarixini (paleolit davridan mil. XVIII-XIX asrlargacha) tekshirish maqsadida tashkil etilgan ekspeditsiya. Xorazmni arxeologik va etnografik jihatdan o'rganish uchun 1928-1929 yillarda

boshlangan A.Y. Yakubovskiy boshchiligidagi ekspeditsiya Xorazmshohlar poytaxti Urganch (hozirgi Ko'hna Urganch) dagi me'moriy yodgorliklarni va ilk o'rta asr shahri Mizdaxqon (Xo'jayli yaqinidagi Gourqal'a)da qazishma ishlari olib borgan. 1934 yildagi Toshhovuzdagi Zamaxshar shahar xarobasida M.V. Voevodskiy ekspeditsiyasi faoliyat yurgizgan. 1936 yil Y. G'ulomov va T. Mirg'iyosovlar Mang'it yaqinida joylashgan milodiy I ming yillik o'rtaliriga oid zardo'shtiylar qabristonini tadqiq etgan. 1937 yil Y. G'ulomov Guldursin, Norinjon va Pilqal'a shahar xarobalarini tekshirgan. Shu yildan Xorazm arxeologik etnografik ekspeditsiyasiga S.P. Tolstov rahbarlik qilgan. Ekspeditsiya tarkibi yildan-yilga arxeolog, etnograf, antropolog, rassom, me'mor va boshqa mutaxassislar bilan kengaytirilgan. Ekspeditsiya a'zolari Ayoqzal'a, Bozorqal'a, Jonbosqal'a, Tuproqqal'a, Qo'yqirilganqal'a, Qurg'oshinqal'a, Qizilqal'a, Ko'zaliqir, Teshikqal'a kabi noyob arxeologik yodgorliklarni ilmiy tadqiq etdilar. Qazishmalar natijasida turli davrlarga mansub bo'lgan Xorazm vohasining juda ko'plab tarixiy yodgorliklari - shahar va qishloq xarobalari, qal'alar, istehkomlar, kanallar qadimgi madaniyatni o'rganishga yordam beruvchi yozuvlar, suratlar, uy anjomlari, muhrlar, kumush, mis haykalchalar topildi (Yuldashev, 2019).

Xorazm tarixi haqida so'z ketganda, albatta, butun umrini fanga, Vatani va o'zbek xalqining uzoq va yaqin o'tmishi, xususan xo'jaligi, madaniyati va ma'naviyatining noyob qadriyatlarini izlab topishga va ularni keng ko'lamda tadqiq etishga bag'ishlagan zabardast olim va bag'ri keng ustoz Yahyo G'ulomovning ilmiy izlanishlarini har bir arxeolog bilishi zarur.

Mustaqil arxeologik tadqiqotlarni Y. G'ulomov ilk bor 1936 yilda qadimgi Xorazm yerlarida havaskor arxeolog do'sti T. Mirg'iyosov bilan birgalikda boshladi. 1937 yilda uning guruhiga arxeolog A.I. Terenojkin va arxeolog me'mor B.N. Zasipkinlar jalb etildi.

Ya. G'ulomov qadimgi Xorazm yerlarida saqlanib qolgan son-sanoqsiz arxeologik yodgorliklar, bu ko'hna o'lkani qachonlardir obi-hayot bilan ta'min etgan ko'hna sug'orish tarmoqlarining quruq o'zanlari va atrofda sochilib yotgan turli-tuman arxeologik topilmalarni o'rganar ekan, dehqonchilik xo'jaligining asosi hisoblangan sug'orish tarixi bilan jiddiy shug'ullanishni ilmiy-tadqiqotlarining o'zagi sifatida qaraydi.

Ikkinchi bosqichda O'zbekiston hududida arxeologik tadqiqotlar anchagina rivojlandi. Unda sobiq SSSR fanlar akademiyasining O'rta Osiyo respublikalaridagi filiallari, Leningrad va Moskvadagi ilmiy tashkilotlar, Moddiy madaniyat tarixi Akademiyasi, Sharq madaniyati muzeyi kabi tashkilotlar O'zbekiston hududida arxeologik tadqiqotlarni olib bora boshladi. 1939 yildan boshlab fanlar akademiyasi tashkil topgan. Uchinchi bosqich 1945 yildan keyingi davrlarni o'z ichiga oladi. Bu davrda yuqoridagi ekspeditsiyalar tarkibiga o'zgartirish kiritildi. Yettisuv ekspeditsiyasi 1944-1949 yillarda Tyanshan Oliy ekspeditsiyasi, 1951-1955 yillarda esa Qirg'iziston arxeologik etnografik ekspeditsiyasi davom ettirildi. 1946-1952 yillarda Farg'ona arxeologiyasini Bernshtam rahbarligida Pomir va Pomir Farg'ona ekspeditsiyalari o'rgandi. 1970 yilda Farg'ona ekspeditsiyasi tashkil etildi.

Uchinchi bosqich davri mustaqillik davri arxeologiyasi rivojlanishida poydevor vazifasini o'tadi. O'zbek arxeologiyasining hozirgi kundagi bosh ilmiy yo'nalishi va maqsadi mamlakatimiz hududida shakllangan ko'hna madaniyat, qadimgi Sharq madaniyatining ajralmas tarkibiy qismi ekanligini isbotlagan holda, bu madaniyat tarixining o'nlab qirralarini tinimsiz tadqiq qilish, O'zbekiston mustaqilligi bergan cheksiz imkoniyatlar sharofati bilan ushbu hududda yashayotgan

millatlar va elatlarning ota meros, ilmiy, madaniy boyligi bo'lgan qadimiy tarixning haqqoniy manzarasini qayta, xolis yaratish yo'lidagi tinimsiz izlanishlardan iboratdir.

1970 yil O'zbekiston hukumatining maxsus qarori bilan Samarqand shahrida Arxeologiya instituti tashkil etildi. Bunday ilmiy dargohning tashkil topishi nafaqat O'zbekiston Respublikasi, balki Markaziy Osiyo respublikalari xalqlari uchun ham juda katta tarixiy ahamiyatga ega bo'lib, bugungi o'zbek arxeologiya maktabi taraqqiyotining asosiy tamal toshini qo'ygan. Arxeologiya instituti O'zbekiston hududidagi moddiy madaniyat yodgorliklarini o'rganuvchi ilmiy muassasa sifatida faoliyat boshladi.

Arxeologiya institutida mazkur maskan tashkil etilgandan buyon bugungi kungacha yuqori darajada, sof ilmiy muhit hukmronlik qilib kelganligi va bu maskanda zamonaviy ibora bilan aytganda "Jahon standartlari" darajasida tadqiqot ishlari olib borayotgan yuqori malakali mutaxassislarning jamlanganligi natijasidir (Бердимуродов, Пардаев; 2012. 11-12 б.).

Xulosa qilib aytganda, 1970 yil Arxeologiya instituti tashkil etilguniga qadar O'zbekistonda arxeologiya fani rivojlanishida rus va o'zbek arxeologlarining ilmiy-tadqiqot ishlari hamda arxeologik ekspeditsiyalar arxeologiya fanining rivojlanishiga turtki bo'ldi.

Hozirgi kunda Arxeologiya instituti O'zbekistonda olib boriladigan arxeologik tadqiqotlarga ilmiy-metodik jihatdan rahbarlik qiluvchi markaz hisoblanadi hamda Respublika hududidagi barcha moddiy madaniyat yodgorliklarida qazuv tadqiqot ishlarini o'tkazadi. Ushbu tadqiqot ishlarini O'zbekiston Badiiy akademiyasi San'atshunoslik instituti, O'zR FA ning Tarix instituti va boshqa ilmiy muassasalar bilan muvofiqlashtirib olib boradi. Hozirgi paytda Arxeologiya instituti xalqaro ilmiy dasturga binoan, Respublikaning ko'plab hududlarida AQSh, Fransiya, Germaniya, Polsha, Italiya, Rossiya, Turkiya, Xitoy, Yaponiya, Koreya kabi mamlakatlar ilmiy markazlari, institutlari va universitetlari bilan hamkorlikda arxeologik qazishmalar olib bormoqda.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

**Мирсоатов Т. М., Mirsoatova С. Т.** Ўрта Осиё Археологияси. – Фарғона, 2002.

**Ўзбекистон тарихи журнали.** 4-сон. Тошкент, 2003.

**Yuldashev J. J. S. P.**Tolstovning Xorazm vohasi arxeologiyasini o'rganishdagi o'rni // Tafakkur ziyosi, № 3. – Jizzax, 2019.

**Бердимуродов А. Э., Пардаев М. Х.** Мустақиллик йилларида ўзбек археологиясининг тараққиёти // ЎММТ. № 37. – Самарқанд, 2012.

## **РОЛЬ ЖЕНЩИН - МУСУЛЬМАНОК В РАЗВИТИИ НАУКИ, КУЛЬТУРЫ И ПРОСВЕЩЕНИЯ В РАННЕИСЛАМСКОМ ПЕРИОДЕ**

**Ф.А. Ахмедшин**

Джизакский государственный педагогический университет

Ислам, зародившийся в VII веке оказал сильное влияние на положение женщины в обществе, рассматривая ее как личность. Известно, что мусульманские женщины в раннеисламском периоде играли важную роль не только в семье, они принимали активное участие во многих важных политических и общественных делах, были активны и в научных исследованиях. Они внесли большой вклад в различные области бизнеса, образования, благотворительности, хадисоведения и передачи преданий от Пророка, сестринского дела, социальной работы и т. д. Пророк Мухаммад, по мнению исследователя Уильяма Монтгомери, значительно улучшил привилегии и Законы шариата для женщины [6]. Говоря о положении женщины в мусульманских странах, Аннемари Шиммель, крупнейшая исследовательница исламского мистицизма, лауреат многих наград, включая Орден “Дустлик” (Узбекистан, 27 марта 2002 года) [13], подчеркивает прогресс в улучшении социального положения женщин по сравнению с их положением до принятия Ислама [14].

Ислам признавал полноценность женщины как человека, согласие мусульманки на заключение брака, женщинам были обеспечены права наследования, принимать участие в экономической жизни, самостоятельно распоряжаться своим имуществом.

Ислам активно поддерживал все научные начинания. Первые 800 лет ислам совсем не был радикальным. Учёные евреи и христиане вместе с мусульманами занимались наукой на территории халифата. А арабский язык в то время был международным. Исламские учёные из разных стран съезжались на научные конференции и общались на арабском языке. На арабский язык также переводились все научные труды [6]. Богатые мусульмане почитали за честь оказывать покровительство учёным и развитию наук. Известный швейцарский востоковед и арабист, профессор Адам Мец в своей книге “Мусульманский ренессанс” описывает, с какой бережностью знатные мусульмане хранили рукописи. Халифы, эмиры финансировали инициативы учёных, организовывали и открывали медресе, по нынешним понятиям, университеты. При этих медресе были огромные библиотеки с сотнями тысяч книг, существовал обычай завещать свои книги мечетям. Власть имущие считали для себя величайшей гордостью собирать книги. Так, в конце IV/X в. каждый из трех великих повелителей ислама - в Кордове, Каире и в Багдаде был книголюбом [1]. Объемы книжных фондов библиотеки халифа ал-‘Азиза (ум. 386/996) составляли 120 тыс. томов. По Ибн ат-Тувайру, библиотека имела отделы, разделенные на секции,

причем каждая секция запиралась дверью, снабженной петлями и замком; там находилось свыше 200 тыс. книг. В библиотеке ‘Адуд ад-Даула книги помещались рядами на полках и каждая отрасль знания имела свой шкаф и каталог, в который были занесены названия книг. Приведем для сравнения данные о наличии книг в западных библиотеках в то же самое время: соборная библиотека в Констанце имела в IX в. 356 томов, в Бенедиктбеурене в 1032 г. немногим больше 100, а соборная библиотека в Бамберге в 1130 г.- лишь 96 [1]. О том, что ислам не является противником науки, свидетельствует высказывание известного философа Бертрана Рассела: “Превосходство Востока было не только военным. Наука, философия, поэзия, и все виды искусства процветали в мире пророка Мухаммеда, тогда как Европа была погружена в варварство. Европейцы с их непростительной узостью взглядов называют этот период “темным веком», но только в Европе он был “темным”, фактически в христианской Европе, так как Испания, которая была мухаммедианской (исламской), имела блестящую культуру” [11].

В исламском научном мире, в отличие от средневековой Европы, женщины-мусульманки имели право получать образование наравне с мужчинами. Женщины не только могли обучаться, но также могли получать академические степени и квалифицироваться как учёные и преподаватели [1]. Нередко женщины обучали мужчин. Ибн Асакир (499-571 х/1105-1175 м) писал, что для образования женщин существовали широкие возможности. Среди тех, у кого он сам обучался было также более 80 женщин [7]. Для сравнения: в США и Европе женщины добились права получать равное образование наравне с мужчинами только к середине XIX века [1].

Мусульманки сыграли значительную роль в сохранении и передаче знаний ислама. Доктор Мохаммед Акрам в своем труде «Аль-Мухаддисат: женщины-учёные в исламе» в 40 томах на арабском языке повествует о женщинах, изучавших и передавших хадисы. Исследования Аиша Абдуррахман Бьюли: «Ислам: расширение возможностей женщин» и «Мусульманские женщины, биографический словарь» показывают, что мусульманки на протяжении всей исламской истории часто преуспевали в науке и социальных должностях, одновременно являясь прекрасными жёнами и матерями. Например, Лабана из Кордовы (мусульманская Испания) была очень талантлива в решении алгебраических и геометрических задач, а также имела незаурядные познания в литературе. Эти качества позволили ей занять должность личного секретаря халифа Аль-Хакама III. Сутайта Аль-Махамли из Багдада, жившая в X веке, отличалась обширными знаниями в математике, литературе, науке о хадисах и даже была специалистом по фираизу (вычислению долей наследства) [1].

Биографический словарь из двадцати томов о мусульманских женщинах-ученых был написан аль-Шакхави в пятнадцатом веке: в этом словаре рассказываются биографические данные о 1075 мусульманках [10].

В предисловии к своей книги «Ислам - Почему мусульмане такие» один из самых известных исламоведов и экспертов по мусульманско-христианским отношениям профессор Джон Эспозито пишет: «Сегодня многие, слепо доверяя стереотипам, навязанным средствами массовой информации, смотрят на ислам сквозь искаженную призму, видя только терроризм, религиозный экстремизм и угнетение женщин. За религию большинства они

принимают поведение радикального меньшинства». Пророк Мухаммад добился предоставления женщинам привилегий и прав во многих областях: образования, экономического положения, семьи и брака [4].

Руфайда аль-Асламия считается первой профессиональной мусульманской медсестрой. Она принимала участие в создании первых в истории мобильных медицинских пунктов для удовлетворения потребности общины в медицинском обслуживании, возглавляла группу добровольных медсестер в битвах при Бадре, Ухуде, битве у Рва, в Хайбар и других сражениях, чтобы лечить и заботиться о раненых и умирающих. После создания в Медине мусульманского государства Пророк разрешил установить палатку за пределами мечети, чтобы лечить больных и обучать мусульманских женщин и девочек профессии медсестры. Она считается основательницей сестринского дела в мусульманском мире. Признавая ее вклад, Университет Ага-Хана учредил колледж сестринского дела и акушерства, который носит ее имя. Бахрейнский университет присуждает выдающимся медсестрам ежегодную премию имени Руфайды аль - Асламии. Университет Джамия Хамдард в Дели создал колледж медсестринского дела имени Руфайды. Без всякого преувеличения можно сказать, что Руфайда Аль-Асламия создала профессию медсестры за 1200 лет до того, как этим стала заниматься Флоренс Найтингейл, которая считается основоположницей современного медсестринского ухода [8].

Аль-Шифа бинт Абдулла («Целительница») стала первой женщиной мусульманкой, обучившая людей грамоте и практикам народной медицины. Она была одной из первых, кто принял ислам в Мекке и присоединилась к эмиграции в Медину. Там у нее был дом между мечетью и рынком. Пророк часто навещал ее и иногда советовался с ней о наилучшей практике в деловых вопросах [3].

Знаменитая Аш-Шифа обладала квалифицированным познаниями в медицине. Она использовала профилактическое лечение против укусов муравьев, Пророк одобрил ее метод и посоветовал ей обучать ему других мусульманских женщин [8].

Аиша, жена Пророка Мухаммеда, считается одной из семи величайших учёных ислама своего времени. Она способствовала распространению послания Мухаммеда и служила мусульманскому сообществу в течение 44 лет после его смерти. Она также известна тем, что передала 2210 хадисов как по вопросам, связанным с личной жизнью Мухаммеда, так и по вопросам касающихся наследования, паломничества и эсхатологии. Ее считают самым выдающимся специалистом в исламском правоведении. Аиша занималась наставничеством, обучая людей разного возраста. Детей-сирот, обучавшихся у неё, она брала на содержание. Многие из её учеников впоследствии стали известными учеными, собирателями хадисов, знатоками Корана. Она достигла высокого мастерства в стихосложении, многие поэты стремились обучиться у неё [2].

Фатима аль-Фихри стала основательницей в 859 году университета Аль-Карауин, в Фесе, Марокко. Книга рекордов Гиннеса признает его старейшим из существующих и постоянно действующих учебных заведений в мире [9]. Учебная программа университета включала в себя математику, арабский язык, медицину, астрономию, химию, историю и географию. Эти занятия были доступны как мусульманской, так и христианской и еврейской молодежи. Университет Аль-Карауин известен такими своими знаменитыми

выпускниками, как Абуль-Аббас и правовед Мухаммадом аль-Фаси, которые были выдающимися мусульманскими мыслителями своего времени, великого суфий и исламского правоведа Ибн аль-Араби, историка и основателя социологии Ибн Халдуна, известного географа Мухаммада аль-Идриси и астронома Нур ад-Дина аль-Битруджи (Альпетрагия). Известный христианский автор и путешественник Лев Африканский, еврейский раввин и философ Маймонид и папа Сильвестр II также числились среди выпускников Аль-Карауина[12].

Таким образом, мы видим важную роль учёных-мусульманок в развитии науки, культуры и просвещения в раннеисламском мире. Учёные-мусульманки и сегодня становятся лидерами в своей области знания, вносят большой вклад в познание мира. С каждым годом увеличивается количество женщин, защитивших дипломы по научным специальностям. По данным ЮНЕСКО в некоторых странах исламского мира среди выпускников высших учебных заведений женщин уже больше, чем мужчин.

### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. **Адам Метс.** Мусульманский Ренессанс <https://coollib.com/b/499877-adam-mets-musulmanskiy-renessans/read>
2. **Аиша бинт Абу Бакр** [https://ru.wikipedia.org/wiki/Аиша\\_бинт\\_Абу\\_Бакр](https://ru.wikipedia.org/wiki/Аиша_бинт_Абу_Бакр)
3. **Аль-Шифа бинт Абдулла** [https://translated.turbopages.org/proxy\\_u/en-ru.ru.ab471e48-63a7db9b-0ff67560-74722d776562/https/en.wikipedia.org/wiki/Al-Shifa%27\\_bint\\_Abdullah](https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.ab471e48-63a7db9b-0ff67560-74722d776562/https/en.wikipedia.org/wiki/Al-Shifa%27_bint_Abdullah)
4. **Джон Эспозито.** Ислам - Почему мусульмане такие [пер. с англ. Н. А. Богомоловой]. М.: Эксмо, 2011. — 384 с <https://esxatos.com/espozito-islam-pochemu-musulmane-takie>
5. **Женщина и ислам** <https://medinaschool.org/library/zhenshina-v-islame/musulmanka/zakony-shariata-dlya-zhenshiny>
6. **ЗОЛОТОЙ ВЕК НАУКИ И КУЛЬТУРЫ ИСЛАМА** <https://dzen.ru/a/Y1w3QTyDNVwDg-cB>
7. **Ибн Асакир** <https://al-isnad.kz/uchenye-nasledniki-prorokov/ibn-asakir/>
8. **Истоки профессии медицинской сестры в исламе:** Руфайда аль-Асламия <https://islamofera.ru/en/истоки-профессии-медицинской-сестры/>
9. **Пять мусульманок, изменивших историю** [http://www.musulmanka.su/index.php/fresh/item/ruyat-musulmanok-izmenivshikh-istoriyu.html?category\\_id=66](http://www.musulmanka.su/index.php/fresh/item/ruyat-musulmanok-izmenivshikh-istoriyu.html?category_id=66)
10. **Права женщины в Исламе** <https://islam-risalyat.ru/права-женщины-в-исламе/>
11. **Хусейнов Каримджан.** Роль мыслителей Востока в развитии естественных наук . Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора технических наук Уфа 2004. [http://ogbus.ru/files/ogbus/authors/Husejnov/Husejnov\\_1.pdf](http://ogbus.ru/files/ogbus/authors/Husejnov/Husejnov_1.pdf).
12. **Фатима аль-Фихри – основательница первого в мире университета** <https://islamofera.ru/фатима-аль-фихри-основательница-перв/>
13. **Шиммель Аннемари** <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
15. **Шиммель Аннемари.** Мир исламского мистицизма. — М.: Алетейа, Энигма, 1999 (2-е изд. — Алетейа, 2000) <https://fr-lib.ru/books/istoriia/mir-islamskogo-mistitcizma-download788597>

## МИЛЛИЙ РУҲ ВА ТАРИХИЙ ҶЗЛИКНИ АНГЛАШ

**Б. Очилова**

Жиззах давлат педагогика университети

Жамиятнинг турли тарихий тараққиёти даврлари жараёнида маънавият соҳасида эришилган билимлар, тажрибалар ундан кейинги авлод учун тарихий тажриба, хотира бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, аждодлар тарихий тажрибаси, қадриятлари, урф-одат ва анъаналаридаги ижобий фазилатларга нисбатан кишида шаклланадиган ўзликни англаш ҳодисаси, аввало, тарихий ворисийлик ана шу фазилатларга чуқур меҳр-муҳаббат асосида юзага келади.

Миллий ўз-ўзини англаш - кишиларнинг муайян миллатга мансублиги, миллий тарихи, маданияти ва мероси, миллий моҳияти ва руҳиятини билиш демакдир. Миллий руҳ - ҳар бир миллатнинг ички руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслаги ҳамда кайфиятини ифодалайдиган маънавий олами дир. У “биринчидан, умуминсоний тараққиётнинг бетакрор, бутун, узлуксиз жараёнларига оид воқелик, иккинчидан, инсоният борлигининг кетма-кет, тадрижий, реал ва зурурий ҳодиса эканини идрок этишга ёрдам беради” (Ясперс, 1991. С. 31). Шу нуқтаи назардан, миллий руҳ жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч, одамларнинг ўз-ўзини англашининг муҳим омили сифатида ривожланган.

Миллий руҳ тарих, объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланади ҳамда “миллий ғурур”, “миллий ифтихор”, “миллий ўзликни англаш” каби тушунчаларга таянади. “Қадимий Турон ҳудудида сак-массагетларни руҳлантириб, душманларга қарши аёвсиз жангга бошлаган, Тўмариснинг кучига куч қўшган куч-қудрат халқ орзуси эмасмиди?; истилочиларнинг ёвуз қўшинларига ёлғиз қарши чиқиш учун афсонавий Широққа, аслида эса, номлари олис тарих саҳифаларида унут бўлган қаҳрамон боболаримизга жасорат ва қаҳрамонлик ҳиссини берган ҳам шу манба эмасмиди?; енгилмас Александр Македонскийга қарши бутун Суғд ва Бақтрияни сафарбар қила олган Спитаменга азму-шижоат бағишлаган ҳам халқ орзуси эмасмиди?. Бу асрий орзу - халқимиз эришган “Биринчи Ренессанс”га ва илк ўрта асрлардаги “Маърифий уйғониш” даврига асос бўлган, унинг маънавий пойдевори сифатида хизмат қилган... Тарихимизда яшаб ўтган буюк Турон замини қаҳрамонлари феноменидаги ўзига хос юксак фалсафий тафаккур, Ватанни муқаддаслиги, унинг ҳатто бир қаричини ҳам асраш, ҳимоя қилиш, душманларга бермаслик, Ватан учун керак бўлса, жонни ҳам фидо қилиш, ҳақиқий ватанпарвар бўлишга ҳамда миллий руҳни, ғурур ва ифтихорни мустаҳкамлашга муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Халқ орзуси Азизиддин Насафий, Абу Муъин Насафий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Занги ота, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби азиз авлиё бо-

боларимизни тарбиялади” (Мирзиёев, 2021, 16-17 б.), уларнинг камолоти ва эзгу фаолияти ўзига хос маънавий таянч бўлди.

Миллий ўзини англаш ўз табиатига кўра, эмоционал (психологик) ҳодисадир ва унинг ҳақиқий “қиёфаси” миллатнинг манфаатларини, ор-номус, ғурурларини ва қадриятларини химоя қилишда намоён бўлади. Демак, миллий ўзликни англаш бу – а) халқнинг ўтмиши; б) унинг босиб ўтган шонли йўли; в) ўзига хос маданияти; г) тил бирлиги; д) урф-одат ва анъаналари; е) тарихан орттирган бой ҳаётий тажрибаси; ё) диний қадриятларни англаш ва қадрлашдир (Хўжамуродов, 1995, 34 б.). Демак, муайян миллатга мансуб инсоннинг ўзини-ўзи англаши миллатнинг ўтмиши, тарихий тараққиёт йўли, ижтимоий келиб чиқиши, аждодларининг ким бўлганлиги ҳамда улар жаҳон илм-фани маданияти тараққиётига қандай ҳисса қўшганлигини билиб олишдир.

Миллий ғурур - ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички рухий кайфиятдир. Бу туйғу ўзини-ўзи англаш шаклларида бири бўлиб, ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий-маънавий меросдан ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ўзга миллатлар олдигаги кадр-қиммати, обрў-эътибори билан фахрланиш ҳиссиётидир. Бинобарин, шахс маънавий борлиғида ибрат, намуна, андаза ва ихлос сингари хусусиятларга эҳтиёж мавжуд бўлади. Бу бир томондан, қатъий ҳаётий нуқтаи назар мўлжалларини шакллантирса, иккинчи томондан, тарихдан хулосалар чиқариш, таҳлил қилиш ва нима қилиш ҳақида қарор қабул қилишга йўналтирилган оқилона рефлексив фикрлашни кун тартибига қўяди. “Орий ростки Иброҳим Лодийнинг юз минг лашкарлик қўшинига чарчаган, узоқ ҳарбий сафарларда толиққан, аммо руҳан тетик, пухта тайёрланган, ҳарбий тажрибалари ва маҳорати кучли 12 минглик Бобур қўшинлари қандай бас кела олди экан? Бир жангчига 8-9 ёғий душман тўғри келиб турган бир вазиятда биргина жонини ғолиб келиши учун маҳорат ё тажрибанинг ўзи кифоямикан? Асло! Фақат ва фақат ғоя, маънавий маслак, Ватан ва ватандошлар ҳаёли, орзу-ниятлари жанг тақдирини ҳал этиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам” (Ризаев, 2020, 2 б.).

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг мустаҳкам салтанат барпо этиши худди ана шундай тамойилларга асосланган эди. Адолат тушунчаси Амир Темурнинг миллий руҳи, ҳаётининг мазмунига айланганлигидан унинг ҳаёт дастури бўлмиш “Темур тузуклари” гувоҳлик беради: “Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иктидорли набираларимга йўл-йўриғи шуки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу-зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар, давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар”, - деган эди Соҳибқирон. “Темур тузуклари”да ҳам ана шу принципал масалалар ўз ифодасини ҳақиқатда ҳам тўлақонли ифодаланганлигини қуйидаги фикрлардан ҳам билса бўлади. Унда ёзилишича, Соҳибқирон ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватлаган, давлат ишларини мамлакатнинг устунларини ташкил қилган турли табақалар ва тоифалар билан маслаҳатлашиб, кенгаш олиб борган. У салтанат ишларини мурсою мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргизиб, кўп нарсаларни билиб туриб билмасликка олиб, дўсту душман билан мурсо қилган. Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига, тўра ва тузукка таяниб ва асосланиб ташкил этган, амирлар ва сипоҳлар билан яхши муносабатда

бўлиб, уларга иззат-ҳурмат кўрсатиб, мартабаларини улуғлаб иш тутган. “Адолат ва инсоф билан Тангрини яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим”, - дейди Амир Темур. “Туноҳқорларга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. Фуқаро ва кўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим”.

Жуда катта ҳудудга эга бўлган мамлакатда кучли тартиб-интизом ўрнатилганлиги, ижтимоий адолат тамойилларига, жорий қилинган қонун-қоидаларига, миллий урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, қадриятлар, ахлоқий меъёрларга қатъий амал қилинганлиги, қонун бузилишларига муросасизлик билан қаралганлиги ўша давр маданияти-маънавияти етуқлигининг ажойиб натижаси, намоён бўлишидир. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир: “Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим”.

Ана шу боис Амир Темур жаҳонда гуллаб-яшнаган давлат барпо этган, бепоён мамлакатни ижтимоий адолат ва қонунчилик асосида бошқарилишини йўлга қўйган буюк давлат арбоби сифатида ҳам тарихда улуғланадиган мўътабар зотдир. Бинобарин, қонун устуворлигига асосланиб фаолият кўрсатадиган жамият ва давлатда яшайдиган инсон дунёда ўзини бахтли, саодатли ҳисоблайди. Бундай жамият ва давлатни халқ, жамики фуқаролар ўзининг бирдан-бир суянчиғи, посбони, нажот қалъаси, деб билади ва ҳурмат қилади.

Тарихий тажриба, тарихий жараёнлардан чиқариладиган хулосалар фақатгина миллий ўзликни англаш эмас, шу билан бирга дунёни амалий жиҳатдан ўзлаштириш жараёнида ҳам маънавий қудрат вазифасини бажаради. Натижада, инсоннинг яратувчанлик, бунёдкорлик имкониятлари кенгайди, аниқроғи, уни руҳлантирувчи, илҳомлантирувчи, даъват этувчи восита ролини бажаради.

Миллий ғурур, миллий ғоя ва ўзликни англаш бир қанча шаклларда, жумладан, миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик, ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш, ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш, ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда кўрсатишда намоён бўлади.

Биз ғурур ва ифтихор қила оладиган томонларимиздан бири Ҳадис илмида “амир ул мўъминин”, “Имом ал-муҳаддисийн – “барча муҳаддисларнинг пешвоси”, деган шарафли номга сазовор бўлган, ислом оламида Куръони Каримдан кейинги ўринда турадиган “Саҳихий Бухорий” тўпламини тузган Имом Бухорий ва ислом оламида шариатни балоғат даражасидаги мукамалликка етказган “Бурхон-уд-дин” (яъни ислом ва шариатнинг рад қилиб бўлмайдиган, мутлоқ исботи) фахрли унвон соҳиби, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги)га оид мўътабар аҳкомлар тўплами “Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурхониддин ал-Марғиноний каби дунёга машҳур дарғалар айнан бизнинг заминда дунёга келганидир. Шунингдек, немис олими Ф. Ибервсг томонидан “башариятнинг биринчи оқилларидан

бири” сифатида таърифланган, бутун оламга донғи кетган таниқли қомусий олим Абу Али ибн Синонинг ижодий мероси (242 та асар, улардан 80 таси фалсафа, 26 таси психологияга, 23 таси табиатшуносликка, 7 таси астрономияга, 1 таси математикага, 2 таси алкимёга, 9 таси ахлоққа, 4 таси адабиётга ва 8 таси ўша вақтдаги олимлар билан илм-фаннинг турли муаммоларига тааллуқли ёзишмалар) ёхуд Мирзо Улуғбекнинг (“Зижи Кўрагоний” асарида 1000 дан ортиқ юлдузларни таҳлил қилиб ўрганиб чиққан) илм борасидаги улкан ва беқиёс хизматларини бошқа барча ҳалқларнинг инсофли вакиллари тан оладилар.

Масаланинг моҳиятидан англашиладиган энг муҳим хулоса шуки, аجدодларимизнинг неча минг йиллик тарих, маданият ва қадриятларига оид тадқиқотларни ўрганиш, мушоҳада қилиш ҳамда миллий руҳ ва тарихий ўзликни англаш тизимида оқилона эҳтиёж ва манфаатни шакллантиришни таъминлашимиз керак. Бунинг учун:

– миллий руҳ тарбияси тизимини ўзида акс эттирган муаммоларнинг илмий ечимини оммабоп тарзда топиш ва изоҳлаш, унинг тарбиявий таъсири, самарадорлигини оширувчи видеофильм, реклама-ролик, ўқув-услубий адабиётларни мунтазам яратиб бориш керак;

– миллий руҳ тушунчасининг ижтимоий-тарихий негизларини халқимиз маънавияти, миллатимиз менталитети ва умуминсоний қадриятларидан қидириш лозим;

– бундай муаммоларни ёритаётганда инсонни фикрлашга мажбур этадиган адабиёт ва санъат асарларидан, тарихий меъморчилик обидаларидан, халқ ҳунармандчилигидан фойдаланиш, тарихий шахслар ҳаёти акс эттирилган манбаларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

**Мирзиёев Ш. М.** Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021.

**Ризаев Ш.** Тан ва жон мудофааси// Халқ сўзи. 11 январ, 2020 й.

**Хўжамуродов И. Р.** Истиқлол ва ўзликни англаш. Миллий истиқлол мафкураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. – Тошкент, 1995.

**Ясперс К.** Смысл и значение истории. – М., 1991.

## АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

А. А. Яркулов

Маданий мерос агентлиги

Бугунги кунда моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг сони 8208 тани ташкил этиб, уларнинг 4748 таси археология мероси объектлари ҳисобланади.

Археология мероси объектлари маданий мерос объектларининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, инсоният тарихини қадимги аждодларимиз томонидан яратилган ва узок асрлар оша бизгача етиб келган моддий маданият манбалари асоси ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон дунёнинг энг қадимги маданий минтақаларидан бири бўлиб, унинг ҳудудида бир неча минг йиллар давомида цивилизациявий тараққиёт жараёни давом этиб келган. Бу ерда антик Грецияга, Римга, Эрон Аҳамонийлари даврига тенгдош бўлган Бактрия, Сўғд, Хоразм ва Фарғона каби давлатларининг шаклланганлиги ҳамда Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўли ҳам айнан шу ҳудуддан ўтганлиги тасодифий ҳол эмас.

Асрлар давомида цивилизациявий мулоқот марказларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида илм-фан ва бошқа соҳалар билан бирга, шаҳарлар қуриш маданияти ҳам қадимдан ривожланиб, такомиллашиб келган. Ҳатто, турли тарихий даврларда вайронагарчиликлар келтирган истилолар ҳам минтақанинг олға қараб динамик ривожланишига тўсқинлик қила олмади.

Юқорида тилга олинган вайроналар остида минг йиллардан дарак берувчи тарих саҳифалари яширинган. Бу саҳифаларни бирма-бир варақлаб, халқимизга етказиш, тарихимизни холисона ўрганиш, албатта, археология соҳаси билимдонларининг машаққатли меҳнати билан амалга ошади.

Республикамызда сўнгги йилларда тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш, реставрация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Тарихий обидаларни тиклаш, консервация ва реставрация қилиш масалалари илм-фан аҳли, ҳунармандлар ва мутахассислар олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда, яъни тарихий-маданий ҳамда табиий объектларни музей объектларига айлантиришни тақозо этмоқда (Ахмедов, 2021, 5-бет).

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ўз ечимини кутиб ётган бир қанча муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ўз вақтида ҳал қилинмаса, объектларга зарар етиши давом этаверади, шу билан бирга уларнинг йўқолиб кетиш ҳавфи ортиб боради.

Биз жадал ривожланаётган даврда яшамоқдамиз. Бунинг албатта, ижобий ва салбий томонлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш (Яркулов, 13:59 / 12.07.2021) зарур.

**Ҳозирги пайтдаги мамлакатимизда мавжуд бўлган археология ёдгорликларини сақлашга доир асосий муаммолар:**

- Археология ёдгорликларининг қабристонга айлантириб юборилаётганлиги;
- ер ажратишда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маданий мерос объектлари ҳудудларидан хўжаликда фойдаланиш учун жой ажратилиши;
- жисмоний ва юридик шахслар томонидан археология объектларига зарар етказилиши;
- табиий офатлар натижасида археология объектларига зарар етиши кабиларни ташкил этади.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида куйида баъзи бир фикр-мулоҳаза ва таклифларни илгари сурмоқчимиз.

**1. Археология мероси объектларини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари ҳақида таклифлар.**

Археология мероси объектларини сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш учун биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган ишлар жумласига куйидагилар киради:

Ҳалокат ёқасига келиб қолган археология мероси объектларининг рўйхатини шакллантириш ва илмий-эксперт кенгашига киритиб, уларда босқичма-босқич зудлик билан археология тадқиқотларини ўтказиш.

Агар антропоген ёки техноген сабаблар натижасида йўқолиш хавфи остида қолган объектларни бугун ўрганмасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Улар бутунлай йўқ бўлиб кетиши, моддий маданиятимизнинг маълум бир қисми сифатида ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Уларни сақлаб қолишнинг оқилона йўли бу – уларда археология тадқиқоти ўтказиб, музейлаштириш ёки консервациялаш бўлиб ҳисобланади.

Янги аниқланган археология мероси объектларини илмий-эксперт кенгашига киритиб, моддий маданий мерос объектлари рўйхатига киритиш чорасини кўриш.

Археология тадқиқотлари, жумладан, археология қидирувлари натижасида аниқланган янги объектларни экспертизадан ўтказиб, зудлик билан моддий маданий мерос объектларининг миллий рўйхатига киритиш лозим. Шунда уларнинг муҳофазаси ишончлироқ таъминланган бўлади.

Археология мероси объектларининг каталогини яратишни давом эттириш.

Ушбу тадбирнинг амалга оширилиши археология мероси объектларининг оммалашуви, илмий муомалага киритилишига йўл очади.

Қазишма ишлари ўтказилган археология мероси объектлари рўйхатини шакллантириш.

Қазишма ўтказилган археология мероси объектларини рўйхатини шакллантириш орқали моддий маданий меросимизнинг ўрганилиш даражаси ва уларнинг ўрганилмаган қисми ҳақида маълум бир фикр юритиш учун келгусида археология соҳасида амалга оширилаётган ишларни режалаштириш учун асосий йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Қазишма ўтказилган археология мероси объектларини консервация қилиш ва уларни туризм объектига айлантириш.

Ҳозирги кунда қазिशмалар ўтказилган археология мероси объектларининг деярли ҳеч қайсиси тўлиғича консервация қилинмаган. Бу эса археология мероси объектларининг ҳолати ёмонлиғича қолишига ва қисман йўқолишига олиб келади.

Қазишма олиб борилган археология объектларини консервация қилинишини йўлга қўйиладиган бўлса, биринчидан объект сақланиб қолади, иккинчидан туризм объекти сифатида иқтисодий фойда келтириши мумкин.

Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар сирасига қўйидагилар киради:

Археология мероси объектларига муҳофаза белгиларини ўрнатишни ниҳоясига етказиш.

Археология мероси объектларига муҳофаза белгиларини ўрнатиш бу - фуқароларга огоҳлантириш ёки аниқ белгиланган ҳудуд эканлигини кўрсатиш бўлади.

Аҳоли пунктлари ва қишлоқ хўжалиги экин майдонлари орасида қолиб кетган археология мероси объектларини муҳофаза ҳудуди билан бирга тўсиқлар ёки сим тўрлар билан ўраб олиш.

Қабристон сифатида фойдаланилаётган археология мероси объектларидан қабристон сифатида фойдаланишга чек қўйиш ва қабристонлар учун бошқа жой ажратиш.

Ҳозирги кунда кўплаб археология мероси объектларидан қабристон сифатида фойдаланиб келинмоқда. Бу ҳолат археология мероси объектларининг бузилиб кетишига олиб келмоқда.

Агар бу муаммо ҳал қилинмаса, археология мероси объектлари бузилишда давом этаверади.

Археология ашёлари электрон давлат каталогини яратиш. Уни яратишга зудлик билан маблағ ажратиш керак бўлади. Шундай қилинсагина археология ашёларининг қаерда ва қандай сақланишини назорат қилиш осонлашади.

Археология мероси объектларини хариталаштириш - ҳар бир объектнинг жойлашган жойи ҳақида маълумотлар олиш учун керак бўлади.

Археология объектларининг 3D макетларини яратиш. Бу археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун керак бўлади.

Археология тадқиқотлари ўтказилаётган пайтда маданий мерос бошқармаларидан ёки археология ашёлари топширилиши режалаштирилган музейлардан масъул шахсларни бириктириш.

Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш учун Маданий мерос агентлиги ва ҳудудий бошқармаларнинг масъул ходимларини автомашина билан таъминлаш.

Маҳаллий ҳокимиятлардаги ер ажратиш комиссиялари фаолиятида Маданий мерос агентлиги ёки ҳудудий бошқармалардан вакиллар иштирокити таъминлаш. Ҳозирги пайтда турли мақсадларда ер ажратилаётганлиги учун, маданий мерос объектлари, жумладан археология мероси объектларига зарар етказилмоқда ёки уларнинг ҳудудлари фойдаланиш учун бериб юборилмоқда.

Археология объектларини муҳофаза қилиш ва сақлашда жамоат назоратини йўлга қўйиш ва маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) ролини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли қарорида маданий мерос объектларига жамоатчи инспекторлар бириктириш белгиланган (265-сонли қарор. Lex.uz.). Лекин жамоатчи инспекторларда моддий манфаатдорлик бўлмаганлиги учун ёки кам бўлганлиги учун кўзланган сифат даражасига эришилмади.

Археология мероси объектлари ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш.

Тўғри, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ишларида ҳамда уларни оммалаштириш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиниб келинмоқда. Ўзбекистон миллий телерадио компаниясининг “Ўзбекистон тарихи”, “Маҳалла”, “Ўзбекистон 24”, “Дунё бўйлаб” телеканалларида ҳамда “Маҳалла”, “Ўзбекистон 24” радиоканалларида кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар секин-аста бўлсада ўз натижасини бермоқда. Лекин ҳали бу етарли деб ўйламаймиз.

Археология мероси объектлари кадастр ҳужжатларини тўлиқ шакллантириш.

Ҳозирги кунда республика бўйича 97% маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган бўлсада, уларда объектнинг муҳофаза теграси ва қўриқладиган тегралари деярли акс эттирилмаган.

Археология мероси объектларини аниқ чегараси ва муҳофаза ҳудудини белгиланмаганлиги оқибатида ҳўжалик юритиш субъектлари билан ҳуқуқий муаммолар келиб чиқмоқда.

Бунинг олдини олиш учун албатта биринчи навбатда уларнинг аниқ чегараси ва муҳофаза ҳудудини белгилаш шарт ҳисобланади ва бу бугунги кундаги жуда кўп муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Археология мероси объектларига зарар етказилганлик бўйича жавобгарликни кучайтириш. Жавобгарликни кучайтириш бўйича кейинги йилларда бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди (ЎРҚ-560-сонли қонун. Lex.uz.).

Аҳоли пунктлари ва қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари орасида қолиб кетган археология мероси объектларини муҳофаза ҳудуди билан бирга тўсиқлар ёки сим тўрлар билан ўраб олиш зарур. Бу тадбир уларнинг сақлаб қолинишини таъминлайди.

Ушбу таклифларга етарлича маблағ ажратиладиган бўлса, археология объектларининг сақланиш ҳолати ижобий томонга ўзгариши мумкин.

Шундай қилиб, археология соҳасидаги баъзи муаммоларнинг ечими ижобий ҳал қилинса, бу соҳадаги ютуқлар сари ташланган қадам бўлар эди.

2. Очиқ осмон остидаги музейларни ташкил этиш учун таклифлар.

Археология объектларини очиқ осмон остидаги музей сифатида муҳофаза қилиш ва сақлаш бир қанча имкониятларни юзага чиқариши мумкин:

- янги иш ўринлари яратилади;
- туризм соҳасида янги имкониятлар яратилади;
- доимий назорат остида сақланади.
- Археология объектларини очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш учун:
- очиқ осмон остидаги музейларга айлантиришда жаҳон тажрибасини ўрганиш;
- археология объектларини консервация қилиш;

очик осмон остидаги музейларга айлантиришда археология объектига зарар етказмаслик чораларини кўриш;

инвестиция жалб этиш;

янги технологиялардан фойдаланиш талаб этилади.

Қуйидаги Республика бўйлаб кўпчиликка маълум бўлган археология мероси объектларини очик осмон остидаги музейларга айлантириш таклиф этилади: 1. Андижон вилоятида Мингтепа 2. Фарғона вилоятида Кува шахристони 3. Наманганда Қадимги Поп 4. Тошкент шаҳрида Чилонзор Оқтепаси 5. Тошкент вилоятида Канка 6. Сирдарё вилоятида Эски Ховос 7. Жиззах вилоятида Қалиятепа 8. Самарқанд вилоятида Афросиёб 9. Қашқадарё вилоятида Ерқўрғон 10. Сурхондарё вилоятида Далварзинтепа 11. Навоий вилоятида Нур қалъаси 12. Бухоро вилоятида Пойкент 13. Хоразм вилоятида Хумбузтепа 14. Қорақалпоғистон Республикасида Акшахан қалъа (ПҚ-4068-сонли қарор. Lex.uz.).

Кейинчалик тарихдаги аҳамиятига қараб бошқа археология объектларини ҳам очик осмон остидаги музейларга айлантириш мумкин.

Археология мероси объектларини консервация ва реставрация қилиш орқали туризм объектларини кўпайтириш ҳамда янги йўналишларни ташкил этиш мумкин бўлади.

### **3. Сайёҳларнинг археология объектларига саёҳатини ташкил этиш ва археология қазилма ишларига жалб қилиш бўйича таклифлар**

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари ҳамда қонуности ҳужжатларига мувофиқ сайёҳларни археология объектларига ташрифи ва археология қазилма ишларида иштирокини амалга ошириш мумкин.

Сайёҳларнинг қазилма ишларида бевосита иштирок этиши учун археология мероси объекти тўғрисида кўпроқ маълумот олиш имконини яратиш.

Халқаро тажрибада (Миср, Греция ва Россия) сайёҳларнинг археология объектларида олиб борилаётган қазилма ишларида қатнашиши йўлга қўйилган. Бунда археология объектига зарар етказмаслик чоралари кўрилиши шартлигини белгилаб қўйиш.

Сайёҳларнинг археология объектларига саёҳатини ташкил этиш ва археология қазилма ишларида иштирок этиши бўйича халқаро тажрибалар асосида “Йўриқнома” ишлаб чиқиш.

Археология объектлари ва уларда олиб борилиши режалаштирилган тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни археология қазилмалари олиб борувчи муассасалар ҳамда сайёҳлик агентликлари сайтларига жойлаштириш.

Археология объектларида олиб борилаётган қазилма ишлари сайёҳлар учун очик бўлиши ва уларга экспедицияда қатнашишга рухсат этиш.

Археология тадқиқотлари олиб бориладиган археология мероси объектларини сайёҳлик йўналишига киритиш.

Археология тадқиқотлари олиб бориладиган археология мероси объектларига олиб борувчи йўлларни таъмирлаш, йўл кўрсаткичлар ўрнатиш;

Археология мероси объектлари яқинида муҳофаза ҳудуди ҳисобга олинган ҳолда инфратузилмани яратиш (ошхона, меҳмонхона, ҳожатхона қуриш).

Тарихан катта аҳамиятга эга бўлган археология мероси объектлари яқинида музейлар куриш.

Археология объектларининг муҳофаза ҳудуди ҳамда муҳофаза белгиларини ўрнатиш ишларини маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалга оширилишини таъминлаш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Ўзбекистон археологиясининг келгусидаги долзарб бўлган ҳамда амалга оширилиши шарт бўлган тадбирлар қуйидагилар ҳисобланишини таъкидлашимиз лозим бўлади:

Археология мероси объектларини консервация қилган ҳолда сақлаб қолиш чораларини кўриш.

Археология мероси объектларини “Очиқ осмон остидаги музейлар” га айлантириш.

Археология мероси объектлари негизида археология паркларини яратиш.

Археология тадқиқотлари натижаларини кенг халқ оmmasига етказиш мақсадида кўргазмалар ўтказишни кучайтириш.

Омма орасида археология мероси объектларини тарғиб қилиш ва хабардорликни ошириш.

Ушбу чора-тадбирларни археология мероси объектлари учун кенг равишда қўллаб, амалиётга тадбиқ этилиши уларни муҳофаза қилиш ва фойдаланишни янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

**Ахмедов Ж. З.** Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш (XIX-XXI асрлар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2021.

**Яркулов А.** Археология мероси объектларини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари қандай? Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. UzA. <https://uza.uz>. 13:59 / 12.07.2021.

**Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сонли қарори. Lex.uz.

**Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 август, ЎРҚ-560-сонли қонун. Lex.uz.

**Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрь, ПҚ-4068-сонли қарори. Lex.uz.

## **O‘ZBEKISTONDA TO‘Y VA TO‘Y MAROSIMLARI TARIXI VA BUGUNI**

**M. Sayidqulova**

Guliston davlat universiteti

O‘zbek xalqi qadimdan e‘zozlanib kelinayotgan urf-odatlar, milliy an‘analarga boy xalqdir. Xalqimiz hayotida muhim ahamiyat kasb etgan shunday milliy an‘analarimiz sirasiga to‘y-marosimlari kiradi.

To‘y har bir xalq, millat hayotida nihoyatda e‘zozlanadigan, baxt, quvonch olib keladigan, insonlarning bir-birlariga yaqinlashtirishga, do‘stona munosabatlarni mustahkamlashga xizmat qiladigan, odamlarni yaxshilikka undaydigan, ularga shodlik, xursandchilik bag‘ishlaydigan marosim hisoblanadi. Shuningdek, yurtimizda ko‘p asrlar davomida to‘ylar va marosimlarni o‘tkazish bilan bog‘liq o‘ziga xos an‘analar, ulug‘vor qadriyatlar, beqiyos urf-odatlar yuzaga kelgan.

To‘y - bazm-tomosha va ziyofat bilan nishonlanadigan xalq ma‘rosimlarining umumiy nomi. O‘zbeklarda nikoh to‘yi, beshik to‘yi, xatna to‘yi va boshqa turdagi to‘ylar nishonlanadi. To‘ylarni o‘tkazish jarayonida insonparvarlik, izzat-ikrom, mehribonlik, mehmonnavozlik, inoqlik kabi olijanob fazilatlar o‘z yorqin ifodasini topadi. Inson zotini qadrlash, hurmatlash va ulug‘lashda to‘ylar beqiyos qimmatga ega. To‘y bir kishining shaxsiy ishi bo‘lmay, u keng jamoatchilik tashabbusi va ishtiroki bilan o‘tadigan tantanadir (O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2004. 699 b.).

O‘zbek xalqi juda qadim-qadim zamonlardan beri turli xil urf-odat, rasm-rusum, udum, an‘ana va to‘y-tomosha hamda rang-barang ko‘ngilochar marosimlari bilan mashhur bo‘lgan. Bular orasida o‘zbekona to‘y-tantanalar alohida o‘rin egallagan bo‘lib, ular o‘zlarining xilma-xilligi, quvnoqligi, urf-odat, rasm-rusumlarga boyligi, barchaning teng qatnashishlari, ijrochi va tomoshabinlarning bo‘lmasligi, barchaning faol ishtirok etishi bilan ham jozibador bo‘lgan. Shuningdek, o‘zbek to‘ylari u nimaga, kimga atalgan bo‘lishidan qat‘iy nazar, o‘yin-kulgiga boyligi, xalq ma‘naviy madaniyatining barcha tarmoqlari o‘z ifodasini topganligi bilan ajralib turadi. Ularda folklor namunalari, xalq amaliy san‘ati, moddiy ne‘matlardan mo‘jiza yarata bilgan “mohir qo‘llar”ning mahsulotlari namoyish qilingan (Исмоилов, 1992. 7 б.).

Afsuski, to‘y marosimlarimiz hamma vaqt ham ana shu eng yaxshi an‘analarimiz, urf-odatlarimizga muvofiq belgilangan me‘yorlar asosida o‘tkazilavermaydi. Xususan, to‘y-marosimlarni o‘tkazishda ba‘zan haddan tashqari isrofgarchiliklar, ba‘zi hollarda dabdababozlik, shuhratparastliklar, ayrim paytlarda kim o‘zarga harakat qilinib, to‘y va marosim o‘tkazish orqali o‘zini kimligini ko‘rsatib qo‘yishga urinishlar, xalqning urf-odatlari, qadriyatlarini mensimaslik kabi holatlar ham uchray turadi. Bunday holatlar kundan-kunga ko‘payib borayotgani kishini dilini xira qiladi. Bu holat esa, to‘y va marosimlarni o‘tkazishda turli illatlarning paydo bo‘lishiga imkoniyat yaratadi. Buning natijasida bir ikki oilaning to‘y marosimlarida bo‘y ko‘rsatgan bunday kamchiliklar, illatlar bora-bora jamiyat yoki millatning muammolariga aylanadi. Bu narsa kishilarning hayot tarziga ta‘sir o‘tkazmay qolmaydi.

Zero, dabdabali to'y o'tkazishga hammaning ham imkoniyati yetarli bo'lmaydi. To'ylarimiz bilan bog'liq shunday muammolar borki, kishini chuqur o'yga toldiradi. Hattoki, arzimagan sarpo-suruq, keraksiz matohlar tufayli quda-andalar o'rtasida yuzaga kelgan kelishmovchiliklar kabi uyatli holatlar ham borki, bular o'rni kelsa to'y egasining eng yaxshi kunini dilxiralikka aylantiradi.

To'y egasining bazm, maraka, marosim munosabati bilan o'zining kimligini ko'rsatib qo'yishga, boshqalardan kam emasligini namoyish etishga intilishi bilan bog'liq manmanliklar, shu sababli kelib chiqadiga dabdababozlik, isrofgarchilik, shuhratparastlik kabi illatlar hech bir davrni chetlab o'tmaganligi tarixiy manbalarda ham namoyon bo'ladi.

Bu o'rinda payg'ambarimiz Muhammad alayhissalomning "Nikoh to'yida bir kun ziyofat berishlik sunnatdir, ikki kunligi farzdir, lekin uchinchi kunga o'tish riyokorlik va xo'jako'rsinga qilingan ish bo'ladi", - degan so'zlariga eng ishonchli hadis sifatida qaraladi. Bundan ko'rinib turibdiki, milodiy VII asrda ya'ni islom dini vujudga kelgan paytlarda ham to'y-marosimlar o'tkazishda riyokorliklar, isrofgarchiliklar mavjud bo'lgan. Payg'ambarimiz bu illatlardan xalos bo'lishni islomiy yo'l bilan ko'rsatib berganlar (Хикматуллаев, Мансуров, 1990. 40 б.).

Bundan 100 yil oldingi tariximizga nazar tashlasak, Buxoro amirligida ham dabdabali to'ylar va marosimlarni tugatish kun tartibida turgan muhim ijtimoiy vazifalardan biri bo'lganligiga guvoh bo'lamiz. Amir Olimxon 1911-yil mart oyida "Juda isroffi to'ylarni tugatish to'g'risida" farmon chiqardi. Unga ko'ra, to'ylarda 6-7 xil ovqat qilish taqiqlanib, palovdan boshqa ovqat berganlarga 75 darra urish jazosi tayinlandi, sunnat va nikoh to'ylarida tashkil qilinadigan uloq chopish va poyga tadbirlari bekor qilindi. Ushbu tadbirni tashkil etgan shaxs o'lim jazosiga mahkum etilishi belgilab qo'yildi (internet sayt. 2 b.).

Bu ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, o'tgan asrlarda ham to'y va marosimlarni o'tkazishda dabdababozlik, shuhratparastlik, maishatparastlik, isrofgarchilik kabi yomon illatlar davom etgan. Bu juda og'riqli mavzu, ming afsuski, hamon dolzarb bo'lib kelmoqda. Aksincha, to'y-marosimlarga yangidan-yangi, xalqimizning urf-odatlariga, milliy mentalitetiga xos bo'lmagan odatlar qo'shib bormoqda.

Hayot taraqqiy etgani, yuksalgani sayin to'y va marosimlarni o'tkazishda ham yangilanishlar, o'zgarishlar yuzaga kelishi tabiiy hol. Lekin bu holat xalqimizning milliy urf-odatlariga zid bo'lmay milliy mentalitetimizga dahl qilmasa maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bundan tashqari, xalqimiz boshqa millatlarga qaraganda to'yga alohida ehtirom bilan qaraydi. Topgan-tutgan mablag'ining asosiy qismini, bor-yo'g'ini to'yga sarflaydi. Oqibatda bugungi kunda ham to'y va marosimlarga ko'p mablag' sarflanmoqda.

Mamlakatimiz miqyosida to'ylarni ixchamlashtirishga qaratilga juda ko'p targ'ibot tadbirlari o'tkazilib kelinmoqda. To'y-hashamlar, oilaviy tantanalar, ma'raka-marosimlarni tartibga solish borasida Prezident farmonlari e'lon qilindi, shuningdek, ommaviy axborot vositalarida to'y-marosimlarda marosimbozlik, hadyabozlik, shuhratparastlik kabi illatlar avj olayotganligi to'g'risida qayta-qayta so'z yuritildi. Afsuski, bu boradagi kamchiliklar ham illatlar ham bartaraf bo'lmadi. Chunki, to'y-tantanalar, maraka-marosimlar o'tkazishda isrofgarchilik, bazmbozlik, ortiqcha xarajatbozlik kabi be'mani odatlar birdaniga paydo bo'lgan emas. Ular bir necha ming yillar davomida yig'ilib illatga aylangan. Bu kabi illatlar har bir davrda, har bir makonda o'z shakl-shamoyilini, qiyofasini o'zgartirgan holda o'zini yangi ko'rinishlarda namoyon qilib, yangicha mazmun-mohiyat kasb etmoqda. Avvallari, o'g'lini uylantirish uchun oilaboshi tomonidan katta mablag' sarflangan bo'lsa, hozirgi kunda ma'lum bir oila qizini turmushga chiqarish uchun bor mol-mulkidan ajralib qolyapti. Bunday holatlarning tez-tez takrorlanib turishi, qaysidir ma'noda odatiy holga aylanib borayotganligi achinarli, albatta.

Shuningdek, o'zbek xalqining milliy mentalitetiga xos bo'lmagan: guldasta uloqtirish, "muhabbat tarixi" ("Love story"), kelin-kuyovning minglab mehmonlar ko'z o'ngida "vals"ga tushishi kabi hech bir aqlga sig'maydigan holatlarning ko'payib, odatiy bir holga aylanib borayotganligi insonni chuqur qayg'uga soladi. Bu kabi G'arbdan kirib kelgan "ommaviy madaniyat" ga xos bo'lgan xunuk odatlarga ergashishni bas qilish kerak.

Asrlar davomida o'zbek xalqining milliy an'analariga xos bo'lgan: o'zbekona milliy raqslar, kuy-qo'shiqlar, askiyalar, xalq dostonlarini kuylash to'ylarimizning butun bir chiroyini o'zida aks ettiribgina qolmay, to'y qatnashchilari ongiga o'zbekona milliy qadriyatlarni singdirib kelgan. Bugungi kunda esa bunday milliy urf-odatlarimizdan chekinib qolyapmiz.

Keyingi vaqtlarda odamlar o'rtasida kim o'zarga to'y qilishning kuchayishi natijasida asosiy e'tibor ikki tomondan qilingan sarf-xarajatga qaratilayapti. Axir to'y qilishdan asosiy maqsad yoshlarni baxtli bo'lishi emasmi? Bugungi kunda to'ylarga katta sarf-xarajat qilinishi natijasida, to'ydan keyin oilalar o'rtasida nizoli vaziyatlar, kelishmovchiliklar vujudga kelmoqdaki, bu esa ba'zi hollarda yangi qurilgan oilalarni ajralib ketishiga olib kelmoqda.

Yuqoridagi mavjud vaziyatni inobatga olib O'zbekiston Respublikasining parlamenti 2019 yil 14 sentabr kuni "To'y- hashamlar, oilaviy tantanalar, ma'raka va marosimlar, marhumlarning xotirasiga bag'ishlangan tadbirlar o'tkazilishini tartibga solish tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi qarorni qabul qildi. Qarorda har xil ko'ngilsizliklarning oldini olish maqsadida to'y hashamlar va boshqa oilaviy tadbirlarning davomiylik vaqti hamda chaqiriladigan mehmonlar soni aniq belgilandi. Shuningdek qarorda to'y marosimlarining katta xarajat talab etadigan har bir qismiga to'xtalib, asosiy e'tibor to'ylarning ixchamligi va kamxarajatli qilib o'tkazilishiga qaratilgan (Oliy Majlis qarori).

O'zbek xalqi o'tmishdan to bugungi kunga qadar juda katta taraqqiyot yo'lini bosib o'tgan. Bu jarayonda o'zining boy tarixi, milliy urf-odati, an'ana va marosimlarini yaratgan hamda avloddan-avlodga meros qilib qoldirgan. Xalqning milliy urf-odati, an'alarining barchasi to'y marosimlarida o'z ifodasini topgan.

Avvalo, xalqimizning ko'p yillar davomida shakllanib kelgan muqaddas an'ana, marosim, urf-odat va ibratli udumlarini saqlab qolish va asrash bugungi kunning eng muhim vazifalaridan biridir.

Muhim jihatlardan yana biri shuki, to'y marosimlarini kim uchundir "ko'z-ko'z " yoki "kim o'zarga" qilish emas, balki, barcha tadbirlarimizda keng jamoatchilik bilan uyushgan holda, oila, mahalla, jamiyat fikr va takliflarini hisobga olib, ortiqcha isrofgarchiliksiz o'tkazish kerakligini yoshlar ongiga singdirish muhimdir.

Bu orqali dabdabali to'ylar oqibatida yuzaga kelayotgan moddiy qiyinchiliklar va isrofgarchiliklarning oldi olinsa maqsadga muvofiq bo'lar edi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2004.

**Исмоилов Х.** Ўзбек тўйлари. Тошкент, 1992.

**Ҳикматуллаев Х, Мансуров А.** Ахлоқ-одобга оид hadis namunalari. Toshkent, 1990.

<https://www.oyina.uz/uz/article/1202/> Buxoro amiri to'y va marosimlarni qanday tartibga solgan?

O'zbekiston Respublikasining parlamenti 2019 yil 14 sentabr kuni "To'y hashamlar, oilaviy tantanalar, ma'raka va marosimlar, marhumlarning xotirasiga bag'ishlangan tadbirlar o'tkazilishini tartibga solish tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi qarori.

## **MUSTAQILLIK YILLARIDA JIZZAX SHAHRINING TRANSPORT- LOGISTIKA TIZIMI**

**D. T. Abdurasulova, X. Boboyeva**  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Iqtisodiy lug‘atimizdan “logistika” degan so‘zning joy olganiga hali ko‘p vaqt bo‘lgani yo‘q. U aniq hisob-kitob qilish san‘ati, oqilona boshqarish tizimi, degan ma‘nolarini -anglatadi. Logistikaning tarixiy ildizlari esa olis zamonlarga borib taqaladi. “Logistika” - grekcha so‘z bo‘lib, “hisoblash to‘g‘risidagi fan” degan ma‘noni bildiradi.

Qadimiy Buyuk Ipak yo‘lidagi karvonsaroylarda o‘sha davr logistikasiga xos xizmatlar ko‘rsatilgan, Odatda, karvonlar uchun mo‘ljallangan binolar bir kunlik yo‘l hisobga olingan holda qurilgan. Keltirilgan yuklar ana shu erda taqsimlanib, o‘z manzillariga etkazilgan yoki boshqa yurtlarga yuborilgan. Ya‘ni zamonaviy logistikaning vujudga kelishida yurtimizning ulushi juda katta bo‘lgan.

Logistikaning eng gurkiragan davri Amir Temur bobomiz hukmronlik qilgan yillarga to‘g‘ri keladi. Sohibqiron o‘z tuzuklarida shunday deb yozadi: “Men saltanatimning bu tomonidan to naryog‘igacha (bu Dehlidan to Bolqongacha deganidir – A.D., B.X.) bir yosh bolaning boshiga bir lagan marvaridni qo‘yib, yayov yo‘lga solib yuborilsa, u manzilga yetguncha yillar o‘tar, bu bola ulg‘ayar, lekin uning boshidagi lagandan bir dona marvarid to‘kilmaydigan darajaga yetkazdim...”

Demak, logistika qadim zamonlardan buyon yuklar muhofazasini o‘z ichiga qamrab olgan va hozirgi kunda ham shunday. Qolaversa, mahsulotlarni eksport qilish, ichki bozorda tashish, ishlab chiqarishni yangilash, innovatsion texnologiyalarni joriy etish kabi jarayonlarni mahorat bilan yo‘lga qo‘yish ham zamonaviy logistika xizmati bilan chambarchas bog‘liq. Mazkur vazifani bugungi kunda yuk tashuvchi qudratli havo laynerlari, kemalar, temir yo‘l hamda avtomobil transporti bajarib bermoqda. Ma‘lumotlarga qaraganda, ayni paytda dunyoda 3000 dan ortiq logistika markazi faoliyat ko‘rsatmoqda.

O‘zbekistonda transport-kommunikatsiya tarmoqlari, shu jumladan, havo yo‘llari izchil ravnaq topayapti. Mazkur soha zamonaviy infratuzilma - ilg‘or aviapark, yuqori darajadagi xavfsiz hamda sifatli xizmat ko‘rsatish, malakali kadrlar bazasiga ega. Xususan, “Navoiy” aeroportida 2010 yilda tashkil qilingan “Korean Air” aviakompaniyasi Xalqaro intermodal logistika markazining salohiyati tobora oshib borayapti. Hozirgi kunda markazda kuniga 300 tonna, ikkinchi bosqichda 1000 tonna yukni qabul qilish, vaqtincha saqlash va jo‘natishdek barcha yumushlarni bajarish imkoniyati yaratilgan.

“Jizzax” logistika markazining buguni va istiqboli xususida ham ko‘plab zalvorli dalillarni keltirish mumkin. Uning faoliyati ko‘p jihatdan avtomobil transporti xizmati bilan bog‘liq. Bu xizmat hozircha yuk tashishning aksariyat qismini qamrab olgan bo‘lsa, keyingi yillarda

magistrallarni rekonstruksiya qilish, yangilarini barpo etish borasida amalga oshirilayotgan ishlar transport logistikasi ravnaqida ham muhim rol o'ynashi, shubhasiz.

Ma'lumki, mamlakatimizda mazkur sohaga har yili juda katta mablag' sarflanmoqda. Prezidentimizning "2015-2019 yillarda muhandislik-kommunikatsiya va yo'l-transport infratuzilmasini rivojlantirish va modernizatsiya qilish dasturi to'g'risida"gi qaroriga ko'ra esa, umumiy qiymati 10 milliard dollarga teng 150 dan ortiq loyiha amalga oshiriladi.

Istiqlol yillarida Jizzax shahar ko'chalarida yo'llar qurilishi sifatini jahon andozalari darajasiga ko'tarish borasida talaygina ishlar qilindi. Zamonaviy texnologiyalar ish sifatini tubdan yaxshilashga xizmat qilmoqda. Jizzax ko'prik xo'jaligini saqlashga ixtisoslashtirilgan ta'mirlash va foydalanish korxonasiga Germaniyada ishlab chiqarilgan 2 ta asfalt zichlagich texnikasi, Samarqand shahrida tayyorlangan bitum tashishga moslashgan avtomashinalar hamda boshqa zarur uskuna va asboblari olib kelindi. 2013-2014 yillarda "M-39" avtomobil yo'lida bir qator ta'mirlash ishlari bajarildi. "Almati-Toshkent" va "Toshkent-Shahrisabz" yo'nalishlarining 962 kilometridan 982 kilometrigacha bo'lgan 20 kilometrlik masofadagi yo'l rekonstruksiya qilindi. Bu erda 53 millard so'mlik ish bajarildi. Yo'l qurilishida ishlatilgan bitumning 8,5 tonnasi chetdan keltirildi. Asfaltning sifatini oshirish, yaroqlilik muddatini uzaytirish maqsadida uning tarkibiga 6 foiz mineral birikmalar qo'shish yo'lga qo'yildi. Mazkur mineral qo'shimchalar asfaltning foydalanish muddatini 9-10 yilga uzaytiradi.

2015 yilda Jizzax shahridagi 10 ta ko'chalarda 11,8 km yo'llarni ta'mirlash bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan va Vazirlar Mahkamasiga taqdim qilingan. Shuningdek, "YABX" injiniring kompaniyasi buyurtmachiligida "Buyuk Turon" (4 km), "Abduolimov" (1 km) va "Xalqlar Do'stligi" (7 km) ko'chalarini to'la ta'mirlash ishlari Dasturga kiritilib, "Buyuk Turon" ko'chasida (ob'ekt qiymati 9,8 mlrd.so'm) 3,2 mlrd.so'm respublika yo'l jamg'armasidan mablag' ajratilgan.

Shuningdek, yo'llarda to'la ta'mirlash ishlari uchun "Mustaqillik" va "Navoiy" ko'chalarini qayta qurish uchun loyiha-smeta xujjatlariga asosan jami 67,9 mlrd so'm, shundan 2014 yilda 49,2 mlrd so'mlik yo'l qurilish ishlari bajarildi. 2015 yilda 31,1 mlrd.so'm mablag' ajratish rejalashtirilgan, bugungi kunda mazkur ko'chalarda 7,3 mlrd so'mlik yo'l qurilish ishlari bajarilgan, qurilish ishlari davom ettirilmoqda.

Jizzax viloyatida asosiy transport turlaridan umumiy uzunligi 217 km (2001) bo'lgan avtomobil yo'llari ham salmoqli o'rin tutadi. Havo yo'llari Jizzax shahrini Toshkent va boshqa viloyat markazlari, shuningdek, Kavkaz, Qrim bilan bog'laydi.

Bugungi kunda O'zbekistonda transport logistikasini rivojlantirish, undagi xizmat turlarini zamonaviylashtirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, "2017 -2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" qabul qilindi (Jabborov, 2015). Ushbu strategiyada transport sohasini rivojlantirish sohasida bir qancha vazifalar belgilangan. Bular:

- milliy transport logistika kompaniyalari o'rtasida raqobat darajasini oshirish;
- avtomobil parklarini kengaytirish;
- yo'l-transport infratuzilmasini yanada rivojlantirish;
- eksportga mo'ljallangan milliy mahsulotlar narxlarini raqobatdosh qilish maqsadida yuklarni bir transportdan boshqasiga qayta yuklash punktlari sonini oshirish;
- avtomobil yo'llari holatini yaxshilash va yo'l-transport infratuzilmasini rivojlantirish belgilab o'tilgan. (Jizzax viloyati hokimiyati joriy arxivi, 2022). Fikrimizcha, mamlakatimizda transport

logistikasini rivojlantirish uchun quyidagi ishlarni amalga oshirish lozim. Birinchidan, mintaqa davlatlari bilan transport sohasidagi hamkorlikni yanada kuchaytirish, normativ huquqiy bazani takomillashtirish va tranzit ta'riflari soddalashtirish. (Mirziyoyev, 2017. 592 b.).

Ikkinchidan, mamlakatimizning Farg'ona vodiysi, Toshkent, Jizzax, Samarqand, Navoiy, Buxoro hududlarida logistika hablari yaratish va logistika va transport tizimiga xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish maqsadga muvofiq. Uchinchidan, mamlakatimizda zamonaviy logistika markazlarini barpo etish va ulardan samarali foydalanish borasidagi ishlarni izchil davom ettirish. To'rtinchidan, mahalliy, eksport-import va tranzit tovar aylanmasini rivojlantirishga ko'maklashuvchi logistika markazlari tashkil etishni o'z ichiga oluvchi mamlakat transport infratuzilmasini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratish. Beshinchidan, avtomobil transporti orqali tashuvlarda mahsulot tannarxini kamaytirish maqsadida, mahsulotlarni uzoq masofaga tashishi uchun foydalaniladigan transport vositalariga belgilangan import bojxona to'lovlari ni kamaytirish yoki imtiyozlar berish (hozirda import boji tovar qiymatining 100-120% atrofida). Oltinchidan, O'zbekistonning geografik joylashuvi zamonaviy ombor komplekslari va logistika markazlari tarmog'i rivojlanishida strategik muhim jihat bo'lib, yuklarni tashish bilan bog'liq xarajatlarni kamaytirish hamda ishlab chiqarish va savdo kompaniyalari logistikasini samarali tashkil etish imkonini berishi mumkin. ("O'z standart" agentligi, 2004 № 05-30).

Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni ta'kidlash mumkinki, so'nggi yillarda O'zbekiston hududi orqali harakatlanayotgan xalqaro yuklar kamayib bormoqda. Mamlakat hududidan tashilgan xalqaro yuklarning kamayishiga ta'sir ko'rsatuvchi asosiy omillar sifatida transport tashuvlari uchun belgilangan tarif stavkalarining yuqoriligi, mamlakatga kirib kelgan xalqaro, xususan, tranzit yuklarga nisbatan qo'llanilayotgan bojxona nazorati shakllarining murakkabligi hamda respublikani aylanib o'tuvchi muqobil transport koridorlarining ishga tushirilishini ko'rsatish mumkin.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

- Mirziyoev Sh. M.** Milliy taraqqiyot yo'limizni qatiyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko'taramiz. –Toshkent:“O'zbekiston”, 2017.
- Dadabaev Q. A.** Logistika. –Toshkent, 2004.
- Jabborov N.** Yurtboshimiz obod-dillarimiz shod // Jizzax haqiqati. 2015 yil, 22 avgust (№70).
- Qulmuxamedov J. R. va boshqalar.** Xususiy avtotransport vositalarida yo'lovchilarni tashishni tashkil etish. –Toshkent, 2012.
- Гудков В. А., Миротин Л. Б., Вельможин А. В., Ширяев С. А.** Пассажи́рские автомоби́льные перево́зки. –М., 2006.
- Миротин Л. Б., Николин В. И., Ташбаев Н. Э.** Транспортная логистика. –М., 1994.
- Спирин И. В.** Организация и управление пассажирскими автомобильными перевозками –М., 2010.
- O'zbekiston respublikasi Davlat standarti O'zDst "Avtotransport vositalari texnik holati bo'yicha talablari" O'zbekiston standart agentligi tomonidan tasdiqlangan, metrologiya va sertifikatlash ("O'z standart" agentligi 22.11.2004. № 05-30).
- Указания по организации приоритетного движения транспортных средств общего пользования. –М., 1984.

## МУНДАРИЖА

**М. М. Саидов, А. Н. Сандибоев**

Таниқли олим Пардаев Мухторкул Ҳасанович 65 ёшда ..... 4

### **I ШЎБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ ЯНГИ АРХЕОЛОГИК ҲАМДА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА**

**Б. Қ. Сайфуллаев, О. Эргашев, Л. Унгалов, А. Ражабов, А. Имомов**

Нурота тоғ тизмасининг шимолий қисмидан топилган тош даврига оид  
янги топилмалар ..... 15

**Н. Ў. Холматов, И. М. Қурбонбоев, Р. Каримов**

Сазоғон-3 неолит ёдгорлигининг дастлабки тадқиқотлари хусусида ..... 18

**Б. Х. Матбобоев, А. А. Ҳақимов**

Фарғона водийси урбанизация жараёнлари тарихшунослиги (Поп (Боб) шаҳар  
харобасини археологик ўрганилиши) ..... 23

**Ш. Б. Шайдуллаев**

Бактрия булласи ..... 28

**М. Х. Хасанов**

Фарғонадан топилган яна бир бронза даври ёдгорлиги ҳақида ..... 32

**А. Н. Холматов, К. А. Раҳимов, М. М. Саидов, С. Ҳ. Хўжамов, У. Бозоров**

Зиёвуддин тоғ тизмаси янги қоятош расмлари тадқиқоти хусусида ..... 36

**М. М. Саидов, К. А. Раҳимов, А. Н. Холматов, С. Ҳ. Хўжамов, Д. С. Омонов**

Кармана туманида олиб борилган дастлабки археологик тадқиқотлар ..... 39

**А. Н. Сандибоев, К. А. Раҳимов, А. А. Холматов, Х. Б. Хошимов, А. С. Алибеков,**

**Н. Алимов, Ш. Омонов, Д. Қулматов**

Нурота тоғи аҳолисининг ўрта асрлар даври металлсозлик хунармандчилиги ..... 42

**Юрий Карев**

Домонгольская Уструшана - новые источники и направления исследований  
по ее истории ..... 46

**М. Ҳ. Пардаев, Ш. М. Пардаев, Ҳ. Ў. Раҳмонов, Т. Ф. Ҳасанбоев**

Хонимқўрғон ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар хусусида ..... 49

**Ш. Н. Насриддинов, С. Ш. Кубаев**

Қирқхужра ёдгорлиги мудофаа деворининг шаклланиши ..... 56

**Ф. Э. Тошбоев**

Қадимги Уструшона маданиятининг ўрганилиш тарихидан ..... 60

**С. С. Суюнов**

Туятортар канали - Жиззах воҳасининг асосий сув манбаларидан биридир ..... 66

<b>З. Н. Холматова</b>	
Ўзбекистоннинг неолит даври сопол хунармандчилиги ва унинг ўрганилиши тарихи ...	70
<b>Х. Эгамберганаев</b>	
Султон Увайс тоғ тизмаси ва унга туташ ҳудудларда тош давр ёдгорликлари тадқиқотлари .....	78
<b>Б. Базаров</b>	
Фортификационные сооружения северо-западной Бактрии IV-II вв. до. н. э. ....	83
<b>А.К. Алимбетов</b>	
Пахса уйларнинг қурилиш жараёнлари ҳақида .....	86
<b>Ж.И. Гофуров, А.А. Ўролов</b>	
Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ аҳолисининг маънавий ҳаётига доир .....	89
<b>А.Х. Агаходжаев, С.Х. Хўжамов</b>	
Бухорхудоёт дирхамалари” XI аср (Жиззах вилояти) хазинаси .....	93
<b>С. Қудратов</b>	
Мирзачўлдаги қадимги сув иншоотлари .....	97
<b>О. Ш. Қдирниязов</b>	
Лепная керамика средневековых памятников Устюрта .....	99
<b>Ш. А. Оманов</b>	
Уструшонанинг Қорахонийлар даври қўлда ясалган безакли сопол идишлари “сохта триполье” мажмуаси хусусида айрим мулоҳазалар .....	102
<b>Ғ. И. Маҳмадиев</b>	
Дабус қальанинг ўрганилиш тарихи .....	106
<b>Р. Х. Муродалиев</b>	
Ошиқ (Астрагал)нинг археологик-этнографик талқини ва ошиқ ўйини ҳақида .....	110
<b>А. А. Абдуғаниев</b>	
Ўрта Осиёдаги илк ўтроқ аҳоли диний онгининг ривожланиши .....	116
<b>А. Ш. Эшмуҳаматов, Ш. Ф. Саттаров</b>	
Жиззах воҳаси аҳолисининг от билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари .....	120
<b>Ҷ. О. Saidov</b>	
Buyuk Ipak yo‘li yoqasida joylashgan inshootlarning tarixiy ahamiyati (jizzax vohasi misolida) .....	125

**II ШЎЪБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИК, ТАРИХШУНОСЛИККА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРДА**

<b>Б. С. Ғойибов</b>	
“Дунё ҳукмдорлари” тушунчаси ва унинг илк ўрта асрлар суғд тарихида акс этиши .....	128
<b>С. Т. Сайипов, А. С. Турсынбаев</b>	
Хоразмшоҳлар даврида жанубий оролбўйи савдо алоқалари (сопол буюмлар ва бошқа моддий маданият намуналари асосида) .....	132

<b>М. Ҳ. Пардаев, Г. И. Мўминова</b> Самарқандни мўғуллар томонидан забт этилиши давомида жаззах воҳасини истилоси масалаларига доир .....	138
<b>Х. Б. Хуррамов</b> Окс цивилизацияси инқирози бўйича немис олимларининг фикр ва мулоҳазалари .....	144
<b>D. R. Badirdinov</b> Movarounnahr ziroatchiligini o'rta asr yozma manbalarida aks etishi .....	151
<b>Қ. Алманов</b> Жаззах воҳасидаги айрим тарихий жой номларига оид тадқиқотлар (Янгиобод тумани мисолида) .....	155
<b>У. С. Тўпчиев</b> Узумчилик ва виночилик масалаларининг ёритилишида “Туркистон тўплами”нинг манбавий аҳамияти .....	159

### III ШЎЪБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХОНЛИКЛАР ВА ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ ДАВРИДА

<b>Б. П. Садуллаев, Р. Абдиримов, Ш. Б. Рахимов, С. У. Собиров</b> XVIII-XIX асрларда чап қирғоқ Кат-қалъанинг тарихий топографиясини аниқлашда археологик тадқиқотларнинг аҳамияти .....	162
<b>А. Ҳ. Пардаев</b> Жаззах шаҳри маҳаллалари тарихидан (Мўлканликлар маҳалласи тарихи) ....	167
<b>Ғ. Ғ. Хамраев</b> Қушбеги ҳужжатларида Бухоро амирлигининг сиёсий-маъмурий бошқарув тизими хусусида .....	171
<b>Б. Д. Абдуазимов</b> Хонликлар даврига оид айрим мансаб ва унвонларнинг қиёсий таҳлили .....	176
<b>М. Б. Якубова</b> XIX-XX аср бошларида Марказий Осиёга қилинган немис экспедициялари тарихидан .....	179
<b>Н. Д. Мирзаева</b> XIX аср охири – XX аср бошлари Мирзачўл тарихини ўрганишда архив ҳужжатларининг тутган ўрни .....	183
<b>Б. Э. Раҳимов</b> Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Каспийорти вилояти арманлари тарихидан .....	187

**IV ШЎЪБА. СОВЕТ ВА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**

**Ж.А. Пардаев**

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонликларнинг фронт  
ортидаги асорати ..... 193

**J. J. Yuldashev, U. A. Ollayorov**

O‘zbekiston arxeologiyasi ikkinchi jahon urushi va keyingi yillarda ..... 197

**Ф. А. Ахмедшина**

Роль женщин - мусульманок в развитии науки, культуры и просвещения в  
раннеисламском периоде ..... 200

**Б. Очилова**

Миллий руҳ ва тарихий ўзликни англаш ..... 204

**А. А. Яркуллов**

Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш  
бўйича айрим мулоҳазалар ..... 208

**M. Sayidqulova**

O‘zbekistonda to‘y va to‘y marosimlari tarixi va buguni ..... 214

**D. T. Abdurasulova, X. Boboyeva**

Mustaqillik yillarida Jizzax shahrining transport- logistika tizimi ..... 217

**“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ,  
СИЁСИЙ ТАРИХИ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ  
(ҚАДИМГИ ДАВРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)”**

Республика илмий-амалий конференция материаллари

**Масъул муҳаррир:**

М.М. Саидов

**Таҳрир хайъати:**

М.Ҳ. Пардаев

К.А. Раҳимов

А.Н. Холматов

А.Н. Сандибоев

А.Ю. Ражабов

Ш.М. Пардаев

**Тақризчилар:**

Т.ф.д. А.А. Раимқулов

Т.ф.н. Ф.Э. Тошбоев

**Компьютерда тайёрловчи:**

П.Ю. Рейимбаев

ISBN: 978-9943-9133-1-8